




О.А. НАЗАРОВ
Ф.Ү. ЙҮЛДОШЕВА



АЛЛЕРГОЛОГИЯ

«ФАН»

О. А. НАЗАРОВ, Ф. Ў. ЙУЛДОШЕВА

АЛЛЕРГОЛОГИЯ

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ “ФАН” НАШРИЁТИ
2001

Дарслик умумий ва хусусий аллергология қисмларидан иборат. Умумий қисмда аллергик касалликларниг ривожланиш механизамлари, ташхислари ва умумий даволаш бетафсил ёритилган. Хусусий қисмда эса энг күп учрайдиган аллергик касалликлар (озиқ-овқат ва дори аллергияси, бронхиал астма, аллергик ринит ва башқалар) ҳозирги замон тажрибаси асосида кеңг баён этилган.

Аллергик касалликлар кеңг ёритилган ушбу дарслик тиббиёт институтларининг юқори курс талабаларига мұлжалланған. Шу билан берірга үндсан аллергологлар, пульмонологлар, дерматологлар ва умумий амалиёт шифокорлар мутахассислари ҳам фойдаланыплады мүмкін.

Тақризчи:
тиббиёт фанлари доктори,
профессор *А.Л.АЛАВИЙ*

A 4108040800 - 3 - 516 Рез 2001
M 355 (04) - 2001

© Ўзбекистон Республикаси
ФА “Фан” нашриёти,
2001 йил.

ISBN 5-648-02748-6

СҮЗ БОШИ

Сўнгги 15—20 йил ичида ер юзининг кўпчилик мамлакатларида аллергик касалликлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Аллергик касалликлар инсоният олами орасидаги касалликларнинг энг кўп тарқаладиган тури бўлиб қолмоқда. Шу сабабли бугунги кунда аллергология фанига эътибор ортиб бормоқда.

Ҳозирги кунда тиббиёт институтлари қошида аллергология кафедралари ташкил этилди, катта шаҳарлар, вилоят ва туман марказларида эса аллергологик бўлим ва кабинетлар ишлаб турибди.

Аммо тиббиёт институтларининг юқори курс талабалари ҳамда аллергология соҳасида ишловчи миллий мутахассисларда аллергия касалликлари кенг ёритилган ўзбек тилидаги дарсликка муҳтожлик сезилмоқда.

Мазкур дарслик худди шу эҳтиёжни қондириш мақсадида тайёрланди.

Дарслик умумий ва хусусий қисмдан иборат. Умумий қисмда аллергик касалликларнинг ривожланиш механизmlари, аллергенлар ҳақида тушунча ва аллергик касалликларни ташҳислаш ва умумий даволаш усуллари батафсил ёритилган. Хусусий қисмга эса кўп учрайдиган аллергик касалликлар киритилган.

Қўлланманинг катта бир бўлими аллергик касалликларнинг кенг тарқалган турларидан бири бўлган бронхиал астма касаллигига багишланади. Бунда астма касаллигига ҳозирги замон нуқтаи назаридан изоҳ берилиб, касаллик таснифи, уни қўзгатувчиси ва келтириб чиқарувчи омиллар, келиб чиқиш механизми, ташҳиси, энг замонавий даволаш усуллари ҳақида батафсил фикр юритилади. Касалликни олдини олиш чоратадбирлари, “астма мактаби” ҳамда унинг моҳияти ҳақида алоҳида тўхталинади.

Қўлланманинг махсус бўлими юқори нафас йўлларининг аллергик касалликлари ичидагенг тарқалган турларидан бири бўлган аллергик ринитга багишланган.

Республика аллергологик марказининг маълумотларига қараганда 1990-1995 йиллар мобайнида Ўзбекистонда аллергик касалликлар билан касалланган беморларнинг 32,7 фоизини аллергик ринит билан касалланганлар ташкил этади.

Сабабларнинг турли-туманлиги, организмнинг касаллик таъсирига турли жавоблари ринитнинг ҳар хил клиник турларини келиб чиқишига олиб келади. Бу уларнинг ҳар бирини даволашда ўзгача йўл тутишни талаб қиласди.

Шунингдек, дарсликда дори ва озиқ-овқат аллергиясидан келиб чиқадиган касалликлари, уларнинг клиник турлари ҳамда даволашнинг энг замонавий услублари тўлиқ баён этилган.

Қўлланмада аллергик касалликларни махсус даволаш услублари — “махсус аллерговакцинация” ҳақида батафсил фикр юритилиб, аввало даволашнинг ушбу турини ўтказиш учун лозим ва қарама-қарши кўрсатмалар ҳақида, қарама-қарши кўрсатмаси бўлмаган беморларда эса ўтказилган даволашнинг бутури ҳақида тўлиқ маълумот берилади.

Дарслик ўзбек тилида биринчи марта ёзилганлиги учун айрим хато ва камчиликлардан ҳам ҳоли бўлмаслиги мумкин. Шуни эътиборга олиб, дарслик ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирган ҳамкаслар ҳамда кенг китобхоналар оммасига олдиндан миннатдорчилик билдирамиз.

УМУМИЙ АЛЛЕРГОЛОГИЯ АЛЛЕРГИЯ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Аллергия — юончы “аллос” бегона ва “әрго” — таъсир сұздардан келиб чиққан бўлиб, у организмининг бегона, ёт моддаларга ўзгача таъсир қилиш қобилиятини англатади.

Бунда киши организмига тушган, соглом инсон учун заарсиз ҳисобланган модда (масалан, уй чангиги), оғир касалликни келтириб чиқариши мумкин. Бу тушунчани биринчи бўлиб 1906 йили австралиялик болалар шифокори Клеманс фон Пирке болалардаги зардоб касаллигини изоҳлаш учун киритган. П. Ф. Здродовский ва унинг шогирдлари инфекцион аллергологияга кўпгина янгиликлар киритишган бўлса, Г. П. Сахаров ва унинг шогирдлари анафилаксия буйича текширишлар ўтказганлар. А. И. Абрикосов, Н. И. Сиротинин ва уларнинг ҳамкаслари аллергик реакцияларнинг таснифланишини ишлаб чиқишиган.

Шунингдек, академик А. Д. Адо, профессорлар В. И. Пицкий, А. С. Польнер, И. С. Гушинларнинг аллергология фанига қўшган ҳиссалари бекиёсdir.

Профессорлардан Л. А. Горячкона, В. С. Мошкевич, О. А. Назаровлар клиник аллергологиянинг ривожига муносиб ҳисса кўшганлар.

МДХда йирик аллергология мактаблари ташкил этилган бўлиб, улар Санкт-Петербургда — Г. Б. Федосеев, Киевда — Е. С. Чернушенко, Олмаотада — М. Д. Бекламишев, Тошкентда — М. М. Хақбердиев, О. А.

Назаров, Бокуда — П. Д. Кац, Москвада — А. Г. Чучалинлар раҳбарлигига фаолият кўрсатиб келишмоқда.

Аллергологияни ўрганишда ва бу фаннинг ривожланишида хорижлик олимлардан S. G. O.Johansson (Sweden); T. Miyamoto, M. Bada, T. Kishimoto (Japan); A. Oehling (Spain); St. Holgate (England); S. Bonini (Italy); J. Charipin (France) ларнинг меҳнати ва изланышлари алоҳида тахсинга лойиқдир.

Аллергия деганда организмнинг ташқи муҳитдаги турли хил бегона моддаларга нисбатан ортирилган маҳсус жавоб реакцияси тушунилади. Бунда антиген хусусиятига эга бўлган омилларга ўта сезгирик назарда тутилади. Негизида иммунологик механизм (яъни, маълум аллергенларга, нисбатан маҳсус ўта сезгирик) ётган реакциялар чин аллергик реакцияларга киради.

Уларга ўхшаш, аммо иммунологик босқичга эга бўлмаган реакциялар псевдоаллергик (чин бўлмаган) аллергик реакцияларга киради. Уларни яна аллергиянинг ноиммунологик шакллари деб ҳам юритилади. Псевдоаллергик (ноиммунологик) реакция қисқароқ йўл билан ривожланади. Бунда ривожланишнинг Зта классик боқичининг фақат 2таси бўлади. Унинг иммунитетдан асосий фарқи шуки, аллергияда соглом аъзо ва тўқималарда бузилиш кузатилади. Агар организмда бузилишлари бўлмаса, аллергик реакциялар ҳам бўлмайди, фақат иммун реакция бўлади. Эволюция жараёнида аллергик реакция ҳам қатор фойдали механизmlарга эга бўлади. У организмга тушган бактерияларни уларга қарши ҳимояланишнинг маҳсус бўлмаган омилларини ишга солиш орқали йўқ қилишга кўмаклашади.

Зардоб касаллигига эса иммун бирикмаларнинг пайдо бўлиши қондаги антигенларни инактив (фаол бўлмаган) ҳолатга келтиради ва уни организмдан чиқариб юборишига имкон беради.

Шундай қилиб, аллергиянинг етакчи механизми бузилиш ҳисобланса-да, ҳимоя қилиш механизmlарини ҳам мустасно қилиб бўлмайди. Бунга организмга кирган бегона моддаларнинг бир жойга йигилиши, уларни нофаол ҳолатга келтириш ва организмдан бутунлай йўқ қилиб юбориш хусусияти мисол бўла олади.

Демак, аллергия деганда организмнинг антигенлик хусусиятига эга бўлган бегона моддаларга нисбатан ҳужайра тўқималарининг бузилиши тушунилади. Ҳужайралараро биокимёвий реакцияларни ўрганиш буйича қилинаётган янги тадқиқотлар туфайли аллергология алоҳида фан сифатида ўрин тутмоқда. Аммо аллергологияни ўрганиш ва уни амалиётга тўғри татбиқ этиш нафақат иммунологияни, балки оториноларингология, пульмонология, дерматология каби фанлардан ҳам хабардор бўлишни талаб қиласди.

Аллергик касалликлар — бу алоҳида гуруҳга киравчи касалликлар ҳисобланиб, уларнинг асосида ташқи аллергенларга нисбатан иммун реакциялар келтириб чиқарадиган тўқима бузилишлари ётади.

Автоаллергик касалликлар — бу бир гуруҳ касалликлар бўлиб, уларнинг асосида организмнинг патологик жиҳатдан ўзгарган ўз оқсилларининг тўқималарга нисбатан реакцияси ётади. Гап шундаки, мальум организмда бегона антигенга нисбатан қандай реакция пайдо бўлиши (аллергик ёки иммунологик) бу организмга тушган антигеннинг турига, миқдорига ва иммун тизимининг хусусиятига боғлиқ.

Катта миқдордаги кучсиз антигенлар ёки узоқ вақт давомида кучсизланган организмга тушган антигенлар кўпроқ аллергик реакцияларни келтириб чиқаради. Аллергик реакцияларнинг ривожланишига қўйидаги омиллар ҳам имкон яратади:

а) Экзоаллергенларга (ташқаридан кирган) нисбатан (уй чанги ёки ўсимлик чанглари) тўсиқларнинг (тери ва шиллик қаватларнинг) ўтказувчанлик хусусиятининг кучайиши;

б) Иммун жавоб реакциясини пайдо бўлаётган антителоларнинг миқдори синфи ва турларининг ўзгаришига олиб келувчи томонга ўзгариши — бу иммуноглобулинларнинг катта миқдорда пайдо бўлишига олиб келади;

в) Иммун реакцияларнинг патокимёвий босқичини ўзига хос кечишида медиаторларнинг пайдо бўлиш характеристи ва кучида акс этувчи ҳамда уларни емирувчи фермент тизимида гистамин ажralиб чиқишининг кучайиши билан қоннинг гистаминопектик хусусиятининг пасайиши кузатилади.

Бу хусусиятлар насл орқали ўтиши ёки ташқи мұхитдаги омиллар таъсири остида орттирилиши мүмкін.

Организмга тушаётган антигенга нисбатан қайси йүл орқали жавоб реакцияси ривожланади, иммун реакциями ёки аллергик реакциями? Яъни, аллергик қасаллик ривожланадими ёки ташқи антигенга нисбатан иммунитет пайдо бўладими, ана ўша омлларга боғлиқ.

“Идиосинкразия” — бу одам организммининг баъзи овқатлар ва дори моддаларга нисбатан ирсий ортиқча сезувчанлик ҳолати, “парааллергия” эса организмнинг антиген табиатига эга бўлмаган аллергенга жавоб реакциясидир. Бу терминлар ҳозирги пайтда эскириб қолган бўлиб, аллергия механизмлари ҳақидаги замонавий билимлар даражасига қарама-қаршидир.

Сўнги йилларда бу терминлар қўлланилмаяпти. Аллергик реакциялар ташқи жиҳатдан иммун реакциялар механизмига ўхшасада, кўп ҳолларда организм учун патоген бўлиб қолмоқда. Чунки у турли аъзоларда бузилишларни келтириб чиқаради. Юқорида қайд этилган асосли далиллар аллергология нафақат маҳсус иммунологик реакциялар йўналиши бўйича ривожланиб қолмай, балки унинг мустқил клиник фан сифатида ажралиб чиқишига ҳам сабаб бўлади.

Аллергология псевдоаллергик (ҳақиқий бўлмаган) реакцияларни ҳам ўрганади. Аллергологияда қўлланиладиган моддалар нафақат аллергик реакциянинг иммунологик босқичига таъсир кўрсатиб қолмай, балки тиббиётнинг бошқа соҳаларида (терапияда, оториноларингологияда, дермотологияда) ҳам қўлланилмоқда.

Замонавий иммунология ютуқлари туфайли аллергология ҳам трансплантология каби илгари силжиди. Иммунопатология — аллергологияга нисбатан кенгроқ тушунча. Иммунопатология тўқималар заарланишига ва аъзоларнинг ишлаш қобилиятини бузилишига олиб келувчи реакцияларнинг иммун механизмини ўрганади. Аксарият ҳолларда аъзоларнинг патологияси иммунитет тизимидағи (тугма ёки орттирилган) нуқсонга боғлиқ.

Иммунопатологик реакциядан фарқли ўлароқ аллергик реакциянинг учинчи (патофизиологик) даври

мавжуд. У бирор аъзонинг заарланиши ва яхши ўрганилган клиник кўриниш ҳамда ривожланиш механизмига эга бўлган касалликнинг юзага келиши билан биргаликда кечади.

Аллергик касалликларни ташҳислаш, даволаш ва олдини олиш усулари иммунопатология усулларидан фарқ қиласди. Айниқса касалликнинг иммунологик ривожланиш даври бўлмаган псевдоаллергик шаклини даволашдаги фарқ катта. Шунинг учун аллергология билан иммунопатологияни бир-бирига қарши қўйишга уринишлар ҳозирги замон нуқтаи назаридан бизда ҳам чет элда ҳам тўғри келмайди. Аллергия дейилганда инсон организмининг ташқи таъсиirlарга жавоб реакцияларининг бир тури тушунилади. Шунинг учун бир қатор олимларнинг фикрича, аллергик касалликлар билан замонавий техника тараққий этган, иқтисодий жиҳатдан тўқ мамлакатларда яшайдиган кишилар кўпроқ касалланадилар.

АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАРНИНГ РИВОЖЛANIШ МЕХАНИЗМИ

Аллергик реакцияларнинг қатор таснифлари мавжуд. А. Д. Адо 1970 йилда реакцияларни икки типга ажратишни таклиф этди. Булар:

I Тез содир бўладиган аллергик реакциялар. Улар, одатда аллерген организмга тушганидан 20—40 дақиқа ўтгач пайдо бўлади ва гуморал (организмнинг ички суюқ муҳити) антителолар иштирокида амалга ошади. Шунинг учун бу реакциялар химерик реакциялар дейилади;

II Аста-секин (суст) ривожланадиган аллергик реакциялар. Улар 24—48 соатдан кейин ривожланади ва оқ қон ҳужайралари билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун улар китергик реакциялар деб ном олган.

Тез содир бўладиган реакциялар, асосан В-лимфоцитлар иштирокида содир бўлади. Бунда қонда плазматик ҳужайралар кўпаяди, иммуноглобулинлар нинг турли синфига мансуб бўлган маҳсус антителолар ишлаб чиқарилади. Аста-секин содир бўладиган реакциялар иммунитетнинг Т-тизими орқали амалга ошади ва сенсибилизацияланган Т-лимфоцитларнинг йигили-

ши билан характерланади. Бу тасниф оддий ва шунинг учун амалиётда шифокорлар орасида кенг қўлланилади. Кумбс ва Джелла таснифларига мувофиқ аллергик реакциялар тўрт типга бўлинади.

I тип — тез содир бўладиган аллергик реакциялар. Бу тип тиббий адабиётларда бир неча номлар билан юритилади: Е иммуноглобулин миқдори кўпаядиган, атопик, анафилактик.

Бунда антигенлар кўпроқ нобактериал ҳисобланади. Бу реакцияда, асосан иммуноглобулинларнинг Е синфига кирувчи реагинлар иштирок этади. Бу реакция асосида антиген билан антителонинг ўзаро таъсирлашви ётади. Бунда антитело мастоцитларга жойлашган бўлади.

Реагин — антителолар бириктирувчи тўқиманинг тўйинган ҳужайраларига ва қоннинг базофил лейкоцитларига Fab фрагмент билан жойлашган ҳолда турли аъзоларни аста-секин (пассив) сенсибилизация қилиши мумкин. Шу билан бир вақтда Fab — фрагмент антитело антигенни бирлаштиришидан иммун бирикма — реагин — антиген ҳосил бўлади.

Антигеннинг икки ва ундан ортиқ Е иммуноглобулинлар антителолар билан бирикиши оқибатида мастоцитларнинг бузилиши кузатилади. Тўқималардаги тўйинган ҳужайраларнинг ҳамда қондаги базофилларнинг бузилиши — бу уларнинг мемброналаридағи ўзгаришларга — гистамин, серотонин, ацетилхолин ва секин жавоб берувчи моддалар сақловчи доначалар ажralиб чиқишига bogлиқ. Тез содир бўладиган реакцияларда яна эозинофил, нейтрофил, хемотоксик омиллар, гепарин, тромбоцитлар фаоллигини оширувчи омиллар, фосфолипаза ва ниҳоят простогландин гуруҳлари иштирок этади. Қондаги IgE миқдорини назорат қилишда интерферон тизими ва ҳужайра иммунитети муҳим ўрин тутади.

“Нишонли” ҳужайралар орқали аллергик жараёнларнинг медиаторлари ажralиб чиқишида 3,5 циклик нуклеотидлар аденоzinмонофосфат (ЦАМФ) ва циклик гаунозинмонофосфат (ЦГМФ) лар муҳим ўрин тутади. ЦАМФ нинг силлиқ мускулларни бўшаштириши, гор-

монлар ажралиб чиқишини йўқ қилиши, нейромедиаторлар ажралиб чиқишини секинлатиши аниқланган.

ЦАМФнинг бузилиши фософодиэстераза ферментлари ҳисобига содир бўлади. Фосфодиэстеразага қарши препаратларга ксантин гуруҳи ва папаверин киради. ЦАМФнинг ўсиши ацетилхолин орқали амалга ошади. Ўз навбатида ЦГМФ аллергия медиаторлари секрециясини стимуллайди. Шундай қилиб ЦГМФ ва ЦАМФ нишон ҳужайралар орқали аллергия медиаторларининг ажралиб чиқишини назорат қиласди: ЦГМФ – стимуллайди, ЦАМФ эса ЦАМФ нишон ҳужайрада йигилишига ёрдам бериб, бета-адреностимуляторларни сусайтиради. Аллергик жараёнларнинг кечишида простагландинларнинг аҳамияти ҳақида бир оз тўхталиб ўтиш лозим. Простагландинлар арахидон кислоталар ва тўйинмаган ёғ кислоталарининг айланма маҳсулоти ҳисобланади. Улар тўрт гуруҳга бўлинади – А, Б, Е, Ф. ПГФ – бронхоспатик таъсир кўрсатади, ПГЕ – эса бета-рецепторларни қўзгатиб бронхларни кенгайтирувчи таъсир кўрсатади. ПГЕ ҳужайраларда ЦАМФ миқдорини кўтаради ва бузилишдан сақлайди, гистамин ва ацетилхолинларнинг бронхоконстриктор таъсирини олдини олади. Аспирин ва индометацин простагландинлар пайдо бўлишини ҳамда ПГЕни секинлаштиради. Аспиринли астма билан оғриган беморларда ПГЕ ҳосил бўлмайди. Гистамин ва бошқа медиаторлар тўқималарда қизариш ва шишни келтириб чиқаради, хемотоксик омил А – эозинофилларни ўзига тортиб, уларнинг бузилишини келтириб чиқаради. I тип реакциялар 5 дақиқадан кейин бошланиб, 20 дақиқадан кейин энг юқори даражасига кўтарилади ва 1–2 соатдан кейин йўқ бўлади. Бу типдаги реакциялар бўйича поллиноз, бронхиал астманинг атопик тури, озиқ-овқат ва дори моддалар аллергияси, дерматитларнинг айрим турлари қаварчиқлар ва Квинке шиши кўринишида бўлиши мумкин.

I тип реакциянинг классик намунаси – бу анафилактик шок ҳисобланади. Атопик реакцияларнинг барча турлари ҳам шу тип реакцияларга киради.

“Атопия” термини bemorning I тип реакцияга мояиллигини билдиради. Атопия наслдан-наслга ўтади.

Бунда IgE антителонинг баъзи клонларини ажратишга ёрдам берувчи ген наслга ўтади. Бундан ташқари ген бета-рецепторларнинг депрессиясига имкон беради ва шиллиқ қаватларнинг аллерген ўтказувчанлигини оширади.

Атопиклар организмидаги реагинлар ишланиб чиқилади. Атопик реакциялар клиникаси аллергенлар нафас йўллари орқали ва ичак орқали организмга тушганида кўпроқ ривожланади.

I тип реакцияларни аниқлаш учун тери синамалари, РАСТ, пассив тери анафилаксияси усули, базофиллар бузилиши реакцияси, Праустниц-Кюстнер реакцияси қўлланилади. Аллергенлар диагностика мақсадида бемор териси орқали киритилганда, марказида томир спазми (торайиши), четларида эса уларнинг кенгайиши кузатилади, тўқималарда эозинофиллар ва нейтрофиллар билан инфильтратланиш ривожланади. Қонда гистамин ва бошқа медиаторларнинг миқдори ортади. “Шокли” аъзода шиш, қизарип, гиперсекреция (шиллиқ ажралишнинг кучайиши) шиллиқ қават пардалар ўтказувчанлигининг ортиши, силлиқ мускулларнинг торайиши кузатилади. Эозинофиллар сони кўпаяди. Реакция қўйидаги йўналишда ривожланади: IgE — тромбоцитлар фаоллигини оширувчи омил — медиаторлар — тўйинган ҳужайра — эозинофил. I тип реакциялар яна эртанги ва кечки турларга бўлинади. Аллергик реакцияларнинг I типини келиб чиқишида кечки реакциялар алоҳида ўрин тутади. Бу тип реакциялар 3—4 соатдан кейин ривожланиб, 12—24 соатгача давом этади. Кўпинча бронхиал астма билан оғриган беморларда уй чангига нисбатан аллергик реакция кузатилганда икки хил (эртанги ва кечки) реакция юз бериши мумкин. Кечки жавоб реакциялар ноаллергик, номахсус таъсирловчи омилларга, яъни совуққа, стресс ҳолатларга сезувчанликнинг ошиб кетишини кучайтиради. Кечки реакцияларнинг икки тури кузатилади: аллергик ва ноаллергик. Биринчи тури қўйидагича ривожланади: аллерген — IgE. Кечки жавоб реакциясини яна нафас йўлларининг махсус бўлмаган турли ташқи таъсирларга (совуқ ҳаво ва бошқ.) сезувчанлиги ошиб кетишини кучайтиради. Реакциянинг бу турида аллер-

гик ринит ҳам мавсумий турдан доимий турга ўтиши мумкин.

Бунга поллиноз белгиларининг ўсимликлар гуллаб, тугагандан кейин ҳам сақланиб қолинишини ҳамда касбга оид астманинг бемор ишлаб чиқаришдан кетганидан кейин ҳам сақланиб қолинишини мисол қилиб келтириш мумкин.

II тип – Цитотоксик аллергик реакциялар. Реакция антителонинг антиген билан ёки гаптенлар билан ўзаро таъсири натижасида юзага келади. Аксарият ҳолларда дори моддалар антиген булади. Реакцияда комплемент, киллер ҳужайралар иштироқ этади.

Антитело сифатида M, G₃ – иммуноглобулиналар синфи ҳам бўлиши мумкин.

Реакция қўйидаги занжир бўйича ривожланади: IgE – нишон ҳужайра. II тип реакцияларнинг ривожланиши учун ҳужайра аутоаллергик хусусиятга эга бўлиши керак. Масалан: унинг дори моддалар, бактериал энземлар, вируслардан зааралangan ҳолларда пайдо бўлган антитело комплементни фаоллаштиради. Реакцияда киллер-ҳужайраларга кирувчи лимфоцитлар ҳамда Fc – фрагментни ўзида олиб юрувчи Т-лимфоцитлар иштироқ этади. II тип реакциялар медиаторларини, одатда “С” ҳарфи билан белгиланади. Реакциянинг ривожланишида унинг зардоб оқсилларидан таркиб топган алоҳида фрагментлари (бўлаклари) – комплемент ҳамда унинг активлигини сусайтирадиган қатор ингибиторлар ҳам фаоллашади. Натижада комплемент бирикма антиген-антитело фаоллашади. Унинг фаоллашиши жараёнида яққол биологик хусусиятларга эга бўлган маҳсулотлар пайдо бўлади. Улар нишон ҳужайранинг емирилишини келтириб чиқаради. Комплемент яллигланиш жараёнини ривожлантиришдан ташқари, номахсус ҳимоя реакцияларини ҳам таъминлайди.

Цитотоксик тип реакция иммунитетда инсон организмини бактериялардан вируслардан ва ўсма ҳужайралардан ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади. Агар инсоннинг соглом ҳужайралари ташқи ноқулай шароитлар таъсири остида антигенга айланиб қолса, ҳимоя реакцияси – аллергик реакцияга, яъни бузи-

лишга олиб келади. Бу тип патологияга гемолитик анемияни мисол қилиб келтириш мүмкін. Бунда эритроцит антиген бұлыб қолади. Пайдо бұлған антитело бузилишни, ҳатто ұжайра емирилишини келтириб чиқаради. Шунинг учун у — цитотоксик тип реакция, деб номланган.

Дори моддалар аллергиясининг цитотоксик типда ривожланишида лейкоцитларнинг ҳамда тромбоцитларнинг камайиши кузатилади.

II тип реакция қон қуиыш пайтида донор билан реципиент орасыда rezus антиген мос келмаган ҳолатда ҳам ривожланиши мүмкін. Бу гемотрансфузион аллергик реакциядир.

Цитотоксик реакция асосида гемолитик касалліктер (камқонлик, агранулоцитоз, тромбоцитопения), ичке секреция безларининг касалліктері — Хасимото тиреоидити, Гудпасчер синдроми, тизимли қызил югурик, овқат ұзым қилиш йүли касалліктері, Кроне касаллиги, ярали колит, яъни йүғон ичакнинг ялғланиши ривожланади.

III тип реакция — иммун бирикмалар ёрдамида бузылиш реакцияси. У артюс типидаги реакциялар деб ном олган.

Бемор қонида антиген-антитело бирикмалари катта миқдорда кузатилади. Улар комплементтің С₃ компонентини фаоллаштиради. Реакция қуийдеги тизим бүйіча ривожланади: IgG иммун бирикма — комплемент. Реакция, одатта организм антиген билан тұқнашғандан 2—4 соат кейин бошланиб, 6—8 соатдан кейин әнд юқори босқичға күтарилади. Реакция бир неча кече-кундуз давом этиши мүмкін.

Күпинча замбуруглар, дори моддалар, зардоблар, озиқ-овқат маҳсулотлари антиген бұлыб хизмат қиласы. Реакцияда иммуноглобулинларнинг M, G₄, A синфлары ҳамда гистамин ва серотонин иштирок этади. Реакциянинг ривожланиш жараёнида комплементтің С₃ компоненти фаоллашишидан фаол оралиқ маҳсулотлар пайдо бұлади. Бунда комплемент түйинган ұжайралардан ва базофиллардан гистамин ажрагиби чиқишини тезлаштиради.

III тип реакцияларнинг медиаторлари га лизосомал ферментлар (нордон фосфатаза, рибонуклеаза) киради. Улар фагоцитоз пайтида макрофаглар ва полинуклеарлар иммун бирикмаларни қамраб олган вақтда ажралиб чиқади.

III тип реакцияларда силлиқ мускуллар қисқарышини, томирлар кенгайишини, лейкоцитлар хемотаксисини келтириб чиқарувчи нейровазофаол гуруұга мансуб бұлған моддалар, яғни кининлар деб ном олган моддалар ҳам фаол иштирок этади. Калликреин кининлар тизими ишга түшганды күп миқдорда кининлар ажралиб чиқиши — уларнинг қондаги миқдорини 10—15 мартағача күпайишига олиб келади.

Бу реакциянинг ривожланишини қуидаги тасвирлаш мүмкін: IgG₄—IgM—IgA — комплемент C₃ — базофиллар, мастоцитлар, полинуклеарлар, макрофаглар, медиаторлар.

III тип реакциялар ривожланиши учун антигенлар күп миқдорда бұлғанда әритиб юборувчи иммун бирикмалар вужудға келиши зарур. Бирикмалар қонда узок өткізу үшін давомида айланиб юриши ва тромбоцитлардан вазоактив аминлар ҳамда фогоцитлардан лизосомал ферментлар ажралиб чиқишини таъминлаши керак. Күпинча иммун бирикмалар тұпланған жойларда патологик ҳолат келиб чиқади: буйракларда (гломерулонефрит), үпкада (альвеолитлар), терида (дерматитлар) ва бошқалар.

III тип аллергик реакция бүйича зардоб касаллиги, экзоген аллергик альвеолит, дори ва озиқ-овқат аллергияси, күп шаклли әкссудатив әритема, аутоаллергик касалликлар (ревматоид артрит, тизимли қизил югуруқ, гломерулонефрит, тугунчали периартрит) ривожланиши мүмкін. Комплémentтің жуда яқын фаоллашувида ұтто анафилактик шокнинг айрим клиник вариантында ҳам ривожланиши мүмкін. Томирлар патологиясида геморрагия (қон оқиши) ва тромбозлар юзага келади.

IV тип аллергик реакциялар секин-аста юзага келадиган үтасезгирлик ёки Т-хужайраси орқали йигилувчи иммун реакциялардир. Шуни алоқида таъкидлаш лозимки, сенсибилизацияланған Т-лимфоцит-киллер орқа-

ли антиген сақловчи ҳужайралар бузилган ҳолатларда натижа сифатида патокимёвий босқич юзага келмайды, одатта иммунолик ҳимоя реакцияси ривожланади.

Т-лимфоцитлар В-лимфоцитларга нисбатан назорат қилувчи аҳамиятга эга. Т-лимфоцитлар бир жинсли эмас, уларни антигенни билувчи ва хотирада сақловчи ҳужайраларга ажратилади.

Биринчи гуруҳга Т-лимфоцитлар — киллерлар киради. Улар бегона нишон ҳужайраларни йўқ қилиб, ўсмаларда мутант ҳужайралардан ва трансплантацияда бегона ҳужайралардан организмни ҳимоя қиласди.

Т-хелперлар В-лимфоцитларни плазматик ҳужайралар ва антитело маҳсулотларига айланишига ёрдам беради. Т-супрессорлар В-лимфоцитларнинг антитело (IgE) пайдо қилувчи хусусиятини бояглаб қўяди ва сезувчанликнинг пасайиши вужудга келишини таъминлайди.

Шундай қилиб, IV тип реакциялар учун заарлашиб ҳар доим ҳам шарт эмас. Антиген тимусга bogliq лимфоцитлар билан ўзаро таъсирилашади. Реакцияда макрофаглар иштирок этади, фагоцитоз кучайиши кузатилади. Реакция организмга антиген тушганда 24—48 соат ўтиб, юзага келади ва 1—3 кундан кейин энг юқори чўққисига кўтарилади. Реакция қўйидаги занжир кўринишида ривожланади: лимфокинлар — хемотаксик омил — полинуклеарлар, базофиллар — медиаторлар.

IV тип аллергик реакцияларда микроблар, бир ҳужайралилар, замбурууглар ва уларнинг споралари, дори моддалар, кимёвий моддалар антиген бўлиши мумкин. Антигенларнинг организмга тушиши Т-лимфоцитлар сенсибилизациясини келтириб чиқаради. Кейинчалик антигеннинг сенсибилизацияланган лимфоцитлар билан бирекиши лимфоцитнинг ўзгаришига ва аста-секин юзага келадиган ўта сезувчанлик медиаторлари—лимфокинлар ажралиб чиқишига олиб келади.

Лимфокинларнинг 30 хил тури мавжуд бўлиб, улар қон ва тўқима ҳужайраларига мос рецепторлар орқали таъсир этади.

IV тип аллергик реакциялар бўйича бир қатор қасалликлар кечиши мумкин: инфекцион аллергия

(бронхиал астма, аллергик ринит), микозлар (замбурууглар тарқатадиган тери касалликлари), баъзи вирусли инфекциялар (қизамиқ, тепки). IV тип реакциясига контакт аллергик дерматит (антиген-кимёвий маҳсулот) ва сил касаллиги билан оғриган беморлардаги туберкулинга нисбатан реакцияни мисол қилиб олиш мумкин. Бунга яна гаптенлар келтириб чиқарадиган дерматит (экзема), кӯчириб ўтказилган тўқима ва аъзоларнинг реакцияларини ҳам киритиш мумкин. Ташҳислаш мақсадида тери синамаларидан ва лимфоцитларнинг бласттрансформация реакциясидан фойдаланилади.

Организмда антителонинг бўлиши ҳамма вақт ҳам аллергик реакциянинг ривожланишига олиб келавермайди. Бундан ташқари “ишга туширувчи” деб номланувчи омиллар ҳам бўлиши зарур. Ҳозирги вақтда сезувчанлиги ортиб кетган организмда аллергик яллигланишнинг ривожланишига имкон берувчи катта миқдордаги ноиммунологик омиллар ўрганилган. Уларни шартли равишда икки катта гуруҳга бўлиш мумкин.

Эндоген ички омиллар. Буларга аденилциклазалар ва ферментлар тизими функциясининг пасайиши билан боғлиқ бўлган бета-рецепторлар ўтказувчанлигининг бузилиши, болаларда озиқ-овқат аллергенларига ошқозон-ичак тизимида ўтказувчанликнинг кучайиши, гипофиз (бош миянинг тубида жойлашган ички секреция бези), буйрак усти безлари пўстлоги тизимлари функциясининг пасайиши, қалқонсимон без функциясининг кучайиши, адашган нерв функциясининг кучайиши киради. Шунга кўра касаллик ривожланиши учун организмда аллерген бўлишидан ташқари маълум ички шароитлар зарур бўлиб, уларнинг барчаси жамланган ҳолда организмнинг ташқи муҳит омилларига маълум йўсиндаги жавоби деб аталади. Бу кўринишларнинг ривожланиш механизми вегетатив ва марказий нерв тизими функцияларининг бузилиши, аъзоларда оксидланиш – қайтарилиш жараёнларининг ўзгариши ҳамда стероидлар – биологик фаол бирикмалар тўпламининг ўзгариши билан амалга оширилади.

Экзоген (ташқи) омилларга инфекцион касаллик-лар ва сурункали инфекцияларнинг ўчоги, таъсиран-тирувчи (қитиқловчи, қўзгатувчи) моддалар, кимёвий реагентлар (тамаки тутуни, куйинди), метеорологик ноқулай омиллар, айниқса об-ҳавонинг кескин ўзгариши (циклонлар, антициклонлар) киради. Юқорида қайд этилган барча омиллар организмнинг маҳсус бўлмаган ўтасезувчанилигига тааллуқли ва улар кўпинча маҳсус ўтасезувчанилик билан бирга қўшилиб келади. Бунда номаҳсус ўтасезувчаниликни ҳисобга олган ҳолда даволаш белгиланади.

Аллергеннинг маҳсус таъсири иммун тизимиға қаратилган. Бунда у юқорида санаб ўтилган реакциялар турларидан бирини келтириб чиқаради. Аллерген нейроэндокрин, симпато-адренал (гипофиз), бош мия ортиги, буйрак усти ва бошқа тизимларга таъсир кўрсатиши мумкин. Бу тизимлар ишлаб чиқарадиган медиаторлар ўз навбатида мос рецепторлар орқали иммун тизимиға таъсир ўтказади. Бинобарин, организмга антигеннинг тушиши иммун тизими, аъзолар ва тизимлар реактивлигига маҳсус бўлмаган таъсир кўрсатади. Шунга мувофиқ касаллик ривожланадими ёки йўқми, у қандай кечади (огирми, енгилми) ва қандай даво усусларини талаб қиласи (маҳсус ёки но-маҳсус) бу организмдаги кучлар нисбатига bogлиқ.

Шундай қилиб, псевдоаллергик (ҳақиқий бўлмаган) реакциялар, яъни ҳақиқий аллергик реакциядан фарқ қилиб, одатда икки ривожланиш босқичига эга бўлган патокимёвий ва патофизиологик босқичига эга бўлган реакция ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш лозим. Бу масалани, айниқса, даволаш белгиланадиган пайтда аниқлаш муҳим. Ҳақиқий ва ҳақиқий бўлмаган реакциялар учун қонда бир хил медиаторларнинг гистамин, серотонин, секин жавоб берувчи субстанция, калликрин-кинин тизими таъсири “комплмент” фаоллаштирувчи маҳсулотлар умумий ҳисбланади. Фаол моддаларнинг ва омилларнинг катта гуруҳи организмга тушган пайтида тўйинган ҳужайралардан катта миқдорда гистамин ва бошқа медиаторларни тўғридан-тўғри ажралиб чиқариши мумкин ва шу орқали ҳақиқий бўлмаган реакцияни келтириб чиқаради. Буларга ульт-

рабинафша нурлари таъсири, айрим полимерлар, полисахаридлар (декстрон), кальцийли ионофорлар, заҳарли маҳсулотлар, энзимлар (химотрипсин), рентгенконтраст моддалар киради. Ҳақиқий бўлмаган реакциялар ривожланишида комплемент компонентининг танқислиги муҳим ўрин тутади. Шунинг натижасида комплементнинг ноиммунологик фаоллашуви юз беради.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, аллергик реакцияларнинг II типа комплемент фаоллашиш классик турда юз беради. Бунда антиген-антитело бирикмалари таъсирида реакция юзага келади. Фаоллашиш натижасида компонентнинг турли қисмларга ажралиши, яллигланишни ва нишон ҳужайра лизисини келтириб чиқарувчи маҳсулотлар пайдо бўлади. Бундан фарқ қилиб, ҳақиқий бўлмаган реакцияларда фаоллашишнинг алтернатив (бетараф) йўли юзага келади — калликрин-кинин тизими пасайиши қузатилади. Иммун механизmlар иштирокисиз реакция амалга ошади. Комплемент фаоллашишининг алтернатив йўли инсон организмини юқумли касалликлардан ҳимоя қилишда катта аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, аллергик касалликлар фақат иммунологик генезгагина эга бўлмай, шу билан бир қаторда улар ҳақиқий бўлмаган реакциялар ҳам бўлиб, мос бўлган ноиммунологик даволаш усулларини қўллашни талаб этади.

АЛЛЕРГЕНЛАР

Ҳозирги вақтда аллергологик клиникаларда турли маҳсулотлардан тайёрланган 150 дан ортиқ аллергенлар қўлланилмоқда. Буларга ўсимликлар гули чанги, уй чанги, ҳашаротлар, озиқ-овқат маҳсулотлари киради. Уларнинг кўпчилиги оқсиллар, углеводлар ва бошқа кимёвий бирикмалар сақловчи — тузли сувдаги экстрактлардир. Аллергенлар тиббиёт амалиётида 50 йилдан ортиқ вақт давомида қўлланилмоқда. Аллергик касалликлар фақат аллергенлар орқали вужудга келади.

Соглом инсон тўқимасини шикастламайдиган ҳар қандай модда аллерген бўлиши мумкин. Кислоталар, ишқорлар, заҳарли моддалар ва шуларга ўхшаш моддалар аллерген бўла олмайди.

Юқоридан айтиб ўтилганидек, совуқ шамол, атмосфера босимининг пасайиши, стресс ҳолатлар аллергенларга кирмайди. Ҳозирги вақтда аллерген бўлиши мумкин бўлган мингдан ортиқ турли моддалар аниқланган. Улар иккита катта гуруҳга бўлинади: экзоаллергенлар ва эндоаллергенлар. Биз ҳар куни 10 минг литр атмосфера ҳавосини нафас орқали олишимиз мумкин, унинг турли таркибий қисмлари аллерген бўла олиши мумкин.

I. Экзоаллергенлар — инсонни ўраб турган муҳитда яшайди ва ўз навбатида улар ҳам қатор кичик гуруҳларни ташкил қиласди:

1. Озиқ-овқат аллергенлари 2 гуруҳга бўлинади: Биринчиси — шартсиз (облигат) аллергенлар: цитрус мевалар, шоколад, кофе, асал, мевалар, ёнгоқлар, тухум, балиқлар, сут, товуқ гўшти; иккинчиси — шартли (факультатив) гуруҳ бўлган: олма, сабзи, картошка, ун ва бошқалар.

2. Уй-рўзгордаги аллергенлар. Биринчи навбатда буй чангиги, у мураккаб антиген таркибга эга. Унинг энг асосий аллергени майда уй каначалари дерматофагоидес тури ҳисобланади. Ўрта Осиёда уй чангиги фаунасида 28 дан ортиқ кана турлари аниқланган. Аллергия билан касалланган бемор бор хонадонлардаги уй чангигида соғлом одам яшайдиган хонадонга нисбатан каналар 3 марта кўпроқ учрайди. Каналарнинг кўпайиши учун қулай омиллардан бири — бу ўрин-кўрпада намликтининг ортишидир. Уларнинг энг фаоллашган даври эрта тонгда қайд этилади. Уй чангиги каналарининг 41 та антигенлари аллерген хусусиятига эга бўлиб чиқди. Уй чангиги ҳайвон, ўсимлик ва микроблардан келиб чиқсан моддаларни ўз ичига олади. Булар: жун, шойи, замбуруглар. Балиқлар учун қуруқ емиш ҳисобланган дафния ҳам юқори аллерген фаолликка эга. Уй-рўзгор аллергенларига кутубхона чангиги, ёстиқларга солинган парранда патлари ҳам киради.

3. Эпидермал аллергенлар (турли ҳайвонларнинг жуни, от қазгоги). Эпидермал аллергенлар нисбатан сезувчанлик кўпинча тез содир бўладиган реакциялар типида ва, одатда, озиқ-овқат ва уй-рўзгор аллергиялари билан биргаликда кечади.

Болаларда бу касаллик 20 фоиз ҳолатларда респиратор аллергоз типида ўтади.

4. Бактериал аллергенлар (күпроқ шартли патоген микроблар – стрептококклар ва бошқалар). Сезувчаник, одатда тишларда, бодомча безларда, ичакларда, жигарда, бронх-ўпка йўлларида сурункали инфекция ўчиги бўлган ҳолларда ривожланади. Бунда касалликнинг инфекцион-аллергик тури аниқланади: астма, ринит, қаварчиқ ва Квинке шиши.

5. Замбуругли аллергенлар (могор замбурагларининг ва ачитқи замбуругларининг споралари). Асосан патоген бўлмаган замбуруглар тури.

6. Вирусли аллергенлар (ҳужайра протоплазмаси билан олдиндан бириккан вирус).

7. Дори модда аллергенлари (антибиотиклар, витаминларнинг В гуруҳи, сульфаниламидлар ва бошқалар). Дори модда аллергенлари тўла қимматли антигенлар, (АКТГ, инсулин) ёки гаптенлар бўлиб, улар қон оқсили билан бирикканидан сўнг махсус антитело ишлаб чиқара бошлайди. Турли хил дориларнинг антиген-детерминантлари умумий бўлиши мумкин, яъни ҳар хил дори молекулаларининг айрим қисмларига нисбатан организмда бир хил антитело ҳосил бўлади. Шунинг учун бир дори моддасига сезувчаник бошқа дорига ҳам кесишган аллергик реакцияларни келтириб чиқариши мумкин. Бунга мисол қилиб новокайн билан сульфаниламидларни олиш мумкин.

8. Гельминтли аллергенлар (гижжалар ва уларнинг заҳарлари)

9. Инсект аллергенлар (асалари заҳри, чивинлар, ҳашаротлар устки қобиги қолдиқлари).

10. Саноат ва касбга оид аллергенлар. Кўпинча улар гаптенлар ҳисобланиб, фақатгина қон оқсилилари билан бириккандан кейингина тўла қимматли аллергенларга айланади. Уларга оғир мегалларнинг тузлари (никель, хром, молибден, платина), эпоксид қатрон бўёқлар, дубил моддалар, аминобензол, гидрохинон ҳосилалари, уй-рўзгордаги кир ювиш кукунлари киради.

11. Ўсимлик гули чанглари аллергенлари (хас-хашаклар, бошқали галла ўсимликлари ва айрим бута-

симон ўсимликлар гули чанглари). Бир қатор аллергенлар (тимофеевка чангчиси) 30 тагача антигенни ўзида сақтайди, аммо улардан 12 тасигина антигенлик хусусиятига эга. Уларни тайёрлашда муқим суюқлик сифатида Твин-80 суюқлигидан фойдаланилади.

II Эндоаллергенлар. Улар соғлом инсон организміда доимо жойлашган, лекин қалин қобиққа ўралған бўлади, умумий қон оқимига тушмайди. Шунинг учун фақат уларни бошқа тўқималардан ажратиб турувчи тўсиқлар бузилгандагина ўз таъсирини намоён қиласиди. Улардан энг асосийлари: қалқонсимон безнинг тиреоглобулини, мускул толаларидаги миелин, кўз гавҳари оқсили, нерв ўтказувчи толалар оқсили, сперма (уруг суюқлиги).

Аллергенларнинг бошқа таснифлари ҳам мавжуд. А. Д. Адо ва А. А. Польнер (1963) аллергенларни 2 та катта гуруҳга бўладилар:

а) ноинфекцион экзоаллергенлар: (уй-рўзгор аллергенлари, ўсимлик чанглари, дори моддалар).

б) инфекцион экзоаллергенлар (бактериялар, замбуруглар, вирусли аллергенлар).

Махсус ташҳис ўтказиш учун аллергенларнинг стандарт препаратлари зарур. Ҳозирги пайтда 100 дан ортиқ стандарт диагностик аллергенлар чиқарилмоқда. Қозон шаҳрида — бактериал ва замбуругли аллергенлар, Ставрополь ва Олмаотада — ўсимлик чанглари аллергенлари, Москвада — уй-рўзгор ва эпидермаль аллергенлар. Экзоаллергенларнинг кўпчилик турлари Чехия, Словакия, Болгария, Венгрия, Англия, Италия, АҚШ давлатларининг машҳур фирмалари маҳсулоти ҳисобланади. Турли мамлакатларда 1000 хилдан ортиқ аллергенлар ташҳис ва даво мақсадларида ишлаб чиқарилади. Аллергенинг заарсизлиги уни тайёрлаш усулига боғлиқ. Шунинг учун аллерген тайёрловчи институтларда доимо ишлаб чиқариш технологияси мұкаммаллаштирилиб борилади. Ҳозирги пайтда даво мақсадида ишлатиладиган аллергенларнинг ҳар хил тўпламлари ишлаб чиқарилмоқда. Булар: болалар учун, ингаляция учун, ажратиб олиш, танлаш, скринг учун туплам.

Аллергенлар турли балласт моддалардан тозалаш — диализ, хроматография, гельфильтрация усуллари ёрдамида тайёрланади. Мутахассислар томонидан аллергологик кабинетларда ишлатиш учун бактериал аллергенларнинг қуидаги турлари таклиф этилган: бемор балгами аутолизатлари; 5 фоизли карбол кислотасига солиб қўйилган аллергенлар; тўла микробли антиген, ацеллюляр бактериал бирикма, корпускуляр аллергенлар; қатор оқсил таркибий қисмларидан ва балласт моддалардан тозаланган аллергенлар; суюқ муҳитда ўстирилган микробларнинг 5 кеча-кундузлик ҳароратга чидамли таркибий қисмлари; ўсимлик аллергенларини қўллаш бўйича ўсимлик чангларининг тузли сувдаги экстракти. Италиянинг “Лафарма” фирмасида каналарнинг қуруқ аллергенлари ишлаб чиқарилмоқда. Тўлдирувчи сифатида қуритилган аллерген экстрактига лактоза қўшилади. Бу аллергенларни қуруқ аэрозоллар кўринишида бурун ичига ва бронхларга киритиш мумкин. Аэрозол ҳолида қўлланиладиган суюқ аллергенларни тайёрлашда стабилизатор сифатида гипосенсибилизацияни кучайтирувчи 50 фоизли глицирин эритмаси қўшилади. Бизда ва чет давлатларда аллpiral препарати кенг тарқалган. У пиридин ва чўктирилган алюминий билан ажратиб олинган аллерген ҳисобланади. Аллpiral узоқ вақт давомида таъсир қилиш хусусиятига эга. Бу усул асосида заҳира ўсимлик чанглари аллергенлари тайёрланади.

Бошқа муаллифлар адсорбент сифатида глутар альдегид ёки кальций фосфат қўллаганлар. Полимеризация шаклидаги заҳира аллергенлар ҳам таклиф этилган.

Сунгги йилларда формалин ёрдамида ажратиб олинган оқсиллар, полипептиidlар, полисахаридларни ўзида сақловчи ўсимлик чангидан аллергоид ишлаб чиқарилмоқда. Бу аллергоиднинг ножӯя таъсирлари жуда кам ва даволаш самараси тузли сув экстрактидан юқори.

Конъюгация қилиш йўли билан олинган аллергенлар ўзининг юқори иммунологик ва жуда кам аллергенлик фаоллиги билан ажралиб туради. Аллергенга сунъий гидрофил полимер қўшилади. У эса bemорларда

Е-иммуноглобулинлар ажралиб чиқишини йўқ қилади, ташувчи сифатида эса полистирол қўлланилади.

Баъзи аллергенларнинг аллергик хусусиятларини кучизлантириш мақсида улар поливинилпиролидон билан конъюгация қилинади. Самарали ва янги аллергенлар полимерлаш ва глутаральдегид билан бириктириш йўли билан яратилмоқда. Даво-диагностик аллергенлар билан бир қаторда бирикмали микст препаратлар, яъни шу ерга мансуб бўлган 5—10 та ўтнинг чангидан тайёрланган йигма аллергенлар ҳам чиқарила бошланди. Францияда 12 хил ўт аллергенлар экстрактини ўзида жамлаган аллерген-полинекс жуда кенг тарқалган. 10—12 хил антигенли бактериал вакциналар ҳам таклиф этилган.

Махсус ташҳисни тезлик билан амалга оширувчи микст-препаратлар Олмаотада ҳам чиқарилмоқда. Клиник аллергологияда аллергенларни стандартлаш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу мақсадда қатор физик, кимёвий, иммунологик, биологик усуллар қўлланилмоқда. Юқумли бўлмаган аллергенларни стандартлаш физик-кимёвий усулда оқсил бирлигida ўtkaziladi ($I PNU - 1$ мл аллергенда $0,06$ мкг оқсилга тўғри келади).

Бактериал аллергенлар учун биологик стандартлаш усули тери дозасида (ΠD) ёки 1 мл даги микроблар сонининг миқдори орқали ифодаланади. Аллергенлар халқаро бирлиқда (XB) ёки биологик активлик бирлигida стандартланган бўлиши керак. Бу титрлаш йўли билан амалга оширилади.

Аутовакциналарни стандартлашга алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Стандарт бактериал аллергенлар орқали тери синамалари ўтказилгандан кейин юқори сезувчанлик борлиги аниқлангач, бемор балгами бактериологик муҳитга экилади. Ўтасезувчан микроблар ажратиб олиниб (стандарт аллергенлардаги билан бир хил бўлган), моно ва диаутовакциналар тайёрланади. Сўнгра уларни оптик стандарт бўйича 1 мл да 500 микроб миқдори даражасида стандартланади.

Аллергологик хоналарда даволаш ва ташҳис мақсадида ҳар бир bemorга алоҳида эритмалар тайёрланади. Тери синама усуллари ёрдамида стандартланган

аллергенлар фаоллиги жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қиласы. Уларни құллаган пайтдаги реакциялар үзаро мос келмайды. Қуруқ аллергенлар аллерген бирлигіда (АБ) РАСТ усулида стандартланады. Максус даволашда аллергенларнинг турли хил эритмалари құлланылады. Улар манфий даражада қуйидегиче белгиланады: $1:10-10^{-1}$; $1:100-10^{-2}$; $1:1000-10^{-3}$; нобактериал аллергенларнинг киристиладиган дозаларини аниқлаш учун янги усул таклиф этилган. 10^{-6} I мл да I (ХБ) га тұғри (10^{-6} I халқаро бирлик/мл) келади. $10^{-5}-10$; $10^{-4}-100$; $10^{-3}-1000$; $10^{-2}-10000$; $10^{-1}-100000$ ХБ/мл ва шундай давом этади. Аллергеннинг фаоллигини сақланиши тайёрлаш усулига боялғыс. Масалан, аллергенларнинг тузли сувдаги экстрактлари I ой мобайнида сақланғанда улар үз фаоллигини йүқтәтади.

Аллергенларга Твин-80 препарати құшилиши уларнинг фаоллиги камайишини кескин пасайтиради. Қуритиш ёки музлатиш йұлы билан ёғсизлантирилған аллергенлар үз фаоллигини узоқ муддат сақлаб тұра олади. Қуруқ аллергенлар 15 ой давомида фаол бўлиб қолади.

АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ

Аллергик касалликларни үрганишда шифокорлар касалликларни таҳлил қилиш учун ишлаб чиқилған эпидемиологик-тадқиқот усулларидан муваффақиятли фойдаланишмоқда.

Бир қатор тадқиқотлар орқали аллергик касалликлар ер юзи аҳолисининг 10 фоизини ташкил қилиши ва турли мамлакаттарда касалланиш даражаси бир-биридан анча фарқ қилиши аниқланды. Аллергик касалликлар ўсма касаллигига нисбатан 30 марта, ревматизмга нисбатан 2000 марта күп тарқалған.

Нафас йұлларининг аллергик касалликлари тарқалишига иқлимининг үзига хос хусусияти ва географик шароитлар таъсир күрсатади. Масалан, Шимолий Америка эскимослари орасида бронхиал астма жуда кам ҳолларда битта-иккита аниқланған бўлса, бир вақтнинг үзига АҚШ да катта ёшдаги аҳолининг 5 фоизи бу касаллик билан азобланадилар. Болтиқ бўйи аҳолиси орасида бронхиал астма билан касалланиш

күрсаткичи ҳар 1000 кишига 8 та түгри келса, Шимолий Кавказ тогларида эса бу касаллик умуман қайд этилмаган.

Америка Құшма Штатларыда 20 млн киши поллиноз билан, 9 млн киши бронхиал астма билан ва яна шунча киши қаварчиқлар ва Квинке шиши билан касалланғанлар. Финландияда 20 фоиз ақолида, Швейцарияда 8,4 фоиз ақолида аллергия аниқланған. Қишлоқ ва шаҳар ақолиси орасида касаллик тарқалиш күрсаткичи бир хил әмас. Масалан, Санкт-Петербургнинг шаҳар чеккасида яшайдиган ақолиси орасида респиратор аллергик касалліклари шаҳар мәрказига қараганда 1,5 марта кам учрайди.

Республика ва вилоят даволаш муассасаларига мурожаат қылған беморлар орасида шаҳар ақолиси қишлоқ ақолисига нисбатан 10 марта күп. Бу ерда экология ҳам катта ақамият касб этади. Бир республика-нинг турли қисмларидан аллергик касалліклар тарқалиши бир текис әмас. Қозогистоннинг жанубий минтақаларидан поллиноз 10—15 фоиз ақолида кузатылған бўлса, шимолида эса ақолининг фақат 1 фоизида қайд этилган.

Атмосфера ҳавоси юқори даражада ифлосланған минтақаларда (масалан, металлни қайта ишлап, цемент чиқариш корхоналари, иссиқлик электр станциялари яқинида жойлашган районларда) аллергик касалліклар билан даволаш муассасаларига мурожаат қылған беморлар сони тоза ҳаволи ҳудудларга қараганда 8—10 марта кўпроқ. Шундай ҳолатни ҳатто бир шаҳарнинг ўзида ҳам кўриш мумкин. Грузиянинг айрим районларидан аллергик касалліклар билан касалланған беморлар сони 1000 кишига 11,4 кишини ташкил қиласи, Краснодар ўлкаларидан эса 233,8 та, яъни 20 марта кўпроқ. Албатта, бу ерда географик иқлим ва экологик омилларнинг ҳам таъсири бўлади.

Олмаота Тиббиёт институтининг 1-курс талабалари орасида тиббий кўрик натижасида аллергиянинг турли клиник кўринишлари ҳар 1000 та текширилган кишидан 165 тасида аниқланди. Шу жумладан, 29 фоизида поллиноз, 22 фоизида бронхиал астма, 20 фоизида аллергодерматозлар, 11 фоизида дори моддаларига нисба-

тан аллергия, 8 фоизида озиқ-овқатдан аллергияси аниқланди. Аллергия билан аёллар әркакларга нисбатан (шунга мувофиқ 65% ва 35%), болалар эса катталарга қараганда күпроқ касалланадилар. Масалан, Литвада З ёшгача бўлган болалар орасида bemорлар сони катталарга нисбатан деярли З марта кўп (шунга мувофиқ 1000 кишига 94,8% ва 35,9%).

Ўлат, вабо ва сил касалликларидан фарқли ўлароқ аллергик касалликлар кенгроқ тарқалган. Бой мамлакатларда бу касаллик билан касалланганлар кўрсаткичи юқорироқ. Ҳатто, аллергия билан кассалланган bemорлар сони орқали шу мамлакатнинг қанчалик ривожланганлик, саноатлашиш ва цивилизация даражаларини аниқлаш мумкин, деган фикр мавжуд.

Аллергик касалликлар циклик равишда кечиши сабабли (авж олиш даври тинч давр билан алмашинди) бу патология учраш тезлигини ўрганиш учун алоҳида текшириш усулларини талаб этади. Шаҳарлар аллерголог-шифокорлар билан етарли даражада таъминланмаганилиги сабабли 45 фоизга яқин bemорлар ҳисобда турмайди.

Аллергик касалликларнинг тарқалишини ўрганиш учун икки босқичли усул қўлланилади. Текширишнинг биринчи босқичида ўрта тиббий ходимлар томонидан аҳоли орасида енгил бажара оладиган тестлар орқали умумий текшириш-скринг (ажратиб олиш) ўтказилади, аҳолининг уюштирилган гуруҳлари орасида анкета усули қўлланилади.

Иккинчи босқичда анкета маълумотлари бўйича касаллик аниқланган кишиларни амбулатор шароитда турли соҳа мутахассислари синчилаб текширадилар.

Аллергия билан касалланмаганилиги аниқланган bemорлар маҳсус аллергологик бўлимларга текшириш учун юборилади. Зарур бўлса диспансер ҳисобига олиниади. Аллергик касалликларни шифохонага мурожаат қилган bemорлар сони ҳақидаги маълумотлар орқали ҳам ўрганиш мумкин.

Аммо ушбу касаллик бўйича аҳоли орасида ялпи кўрик ўтказилганда даволаш муассасаларининг ҳисоботлари бўйича одатдагидан 5—7 марта кўпроқ бе-

морлар аниқланди. Буни шундай түшүнтириш мумкинки, ҳамма беморлар ҳам шифокорларга мурожаат қылавермайди ва ҳамма вакт ҳам түгри ташхис қўйилавермайди.

Аллергик касалликларни уч босқичда ўрганиш усули кўпроқ самарали ҳисобланади. Ўрта тиббиёт ходимлари аҳолининг уюштирилган гуруҳларини ёппасига анкета ёрдамида текширади. Кейин аниқланган беморларни поликлиникага ташхисни аниқлаш мақсидида чақирилади, улардан бир қисмини аллергологик хоналарда махсус усууллар ёрдамида текширилади. Бутун дунё мамлакатларида ўйлайтказмаларни аллергик касалликларнинг ўсиши қайд этилмоқда. Бу ҳолат бизнинг республикамиизда ҳам кузатилмоқда.

Аллергик касалликларнинг дунё бўйича тарқалишида ташқи хавфли омиллар ҳам имкон яратади. Уларга қўйидагиларни киритиш мумкин: чекиш, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш (улар ўпкада сурфактант ишлаб чиқариш ва альфа-І антитрипсин синтезини бузади); экстремал иқлим шароитида бўлиш (шу билан боғлиқ ҳолда сув-туз алмашинуви, ички секреция безлари иш фаолиятининг бузилиши); ўй шароитида ҳамда ишлаб чиқаришда заҳарли моддалар билан яқин муносабатда бўлиш (уларнинг организмга тушиши сезувчанликнинг ортишига ва тўқималарни бузилишига олиб келади); нерв-психик стресслар; вақтиналийк иммунитет етишмаслик (бу қондаги кортикостероидлар миқдорининг пасайишига олиб келади); овқатда С, А, РР гуруҳ витаминларнинг етарли миқдорда бўлмаслиги; дори моддаларни кўп истеъмол қилиш (полипрагмазия); аҳоли яшайдиган ҳудудларда атмосфера ҳавосининг ифлосланиши (ҳаводаги қурум пэрозоллари, олтингугурт ангидридлари, углерод оксидлари, чанглар) ва бошқалар.

Экологик жиҳатдан пестицидлар ва бошқа кимёвий маҳсулотлар билан ифлосланган ҳудудларда қондаги Е иммуноглобулин миқдори кўтарилиб. Чорвадорларни ёппасига эмлашнинг баъзи турлари айрим ҳолларда аллергенларнинг бошқа хилларига (стрептококкларга, стафилококкларга) сезувчанлик ортиб кетишига турткни бўлади. Ишлаб чиқариш корхоналарида баъзи

маҳсулотлар билан яқин муносабатда бўлиш ҳам касбга алоқадор аллергик касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Бу: тамаки билан, пластмасса билан, паррандачилик фабрикаларида парранда патлари билан, оғир металл тузлари билан, пахта тозалаш заводларида пахта билан доимий алоқада бўлган ишчиларда кузатилади. Касбга оид аллергик касалликлар ипак йигириш кохоналарида, нон заводларида, сартарошхоналарда ҳам учрайди.

Касбга оид аллергик касалликларни келтириб чиқарадиган 100 дан ортиқ саноат моддалари аниқланган. Касбга оид аллергик касалликлар завод ёки фабрика яқинида яшайдиган аҳолида ҳам ривожланиши мумкин. Аллергик касалликларнинг ўсиши – шу мамлакатда юқумли касалликлар сонини камайишига имкон беради. Чунки бактериялар турли эпидемияларда кучлироқ антиген ҳисобланиб, улар рецепторларни эгаллашда ноинфекцион аллергенлар билан рақобатлашадилар ва сенсибилизациянинг бошқа турларини тўхтатиб қўядилар. Бунга иссиқ мамлакатларда кенг тарқалган гижжак инвазияси мисол бўла олади.

Ташқи муҳитнинг юқори даражада газлар билан ифлосланиши нафас йўллари тўсиқларининг ўтказувчанлигини бузади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг гербицидлар, пестицидлар, консервантлар билан ифлосланиши ошқозон-ичак тизими шиллиқ қаватининг ҳимоя функциясини пасайтиради, рўзгорда кимёвий моддалардан хаддан ташқари кўп фойдаланиш тери тўсиқлари ўтказувчанлигини бузади. Касалликнинг ривожланишида ирсий омилларнинг ҳам таъсири исботланган.

Қон таркибида IgE юқори даражада бўлган аллергик касаллиги бор беморларда A₃, A₁₉, B₁₂ антигенларни ўз ичига олувчи гаплотиплар ва HLA антигенлар фенотиплари кўпроқ учрайди. Улар аллергияга ирсий мойиллик маркерлари, деб тан олинган.

Аллергик касалликлар бўйича эпидемиологик текширишлар натижасида касалланиш хавфи бўлган гуруҳ аниқланди. Ва бундан шу нарса исботландик, касаллик кўпроқ аёлларда, шаҳар аҳолисида, меҳнатга

қобилиятли ёшда (20—40 ёш) ва зиёлилар орасида учрап экан.

Аллергик касалликлардан кўриладиган иқтисодий ва ижтимоий зарар ҳам анча катта. Айрим ишлаб чиқариш корхоналарининг сурункали аллергик касалликлар билан касалланган ишчиларининг вақтинчалик ишга яроқсиз кунлари 100 та ишчига бир йилда 331 кунга тўғри келади. Бронхиал астманинг оғир турларида ўртача вақтинча ишга яроқсизлик бир йилда бир bemorغا 70,4 кунни ташкил қилди.

Беморларнинг ёш ва кўпроқ меҳнатга қобилиятли ёшда ногирон бўлиб қолиш даражаси ҳам юқори бўлиб бормоқда. Германияда бронхиал астма билан 1712 та bemor текширилганда, уларнинг 15,3 фоизи ногирон деб тан олинган. Республикамизнинг айрим ҳудудларида бронхиал астма касаллиги билан касалланган bemorлар орасида ногиронлик 49 фоизгача етди.

Шифокор ва тиббий ходимлар орасида дори моддалардан аллергия натижасида ногирон бўлиб қолиш ҳоллари ҳам анча юқори бўлиб чиқди. Қатор аллергик касалликлардан ўлим ҳоллари ҳам ўсиб бормоқда. Farбий Европанинг айрим давлатларида бронхиал астмадан ўлим кўрсаткичи 100000 аҳолига 30,3 дан 54,1 гача тўғри келади. Америка Қўшма Штатларида эса 100000 кишига 500 тагача боради. Баъзи оғир ҳолатларда (анафилактик шок, Лайелла синдроми) 50 фоизгача улим ҳолатлари кузатилган. Республикамизда бронхиал астмадан ўлим ҳолатлари ҳар йили 5 фоизни ташкил қилади. Англияда ўрта ҳисобда 10000 bemor ўлади.

Америка Қўшма Штатларида барча ўлим ҳолатларининг 20 фоизидан кўпроқ қисми дори моддалиридан бўлган аллергия билан боғлиқ. Айрим аллергик касалликлар халқ хўжалигига катта иқтисодий зарар келтиради. Масалан, фақат бир йил мобайнинда Винницада (Украина) вақтинча меҳнат қобилиятини тўхтатиш бўйича бронхиал астма билан касалланган bemorларга 900000 атрофида пул тўланган бўлса, Қозогистонда бу рақам 60 млн гача етади. Тошкентда бронхиал астманинг атопик тури бўйича иқтисодий зарар ўрганилган. Тиббий чора-тадбирлар билан боғлиқ

бұлған (дори-дармонлар учун) тұғридан-тұғри сарф-харажатлар I йилда 20 минг атрофида, нисбий, вақтингчалик иш қобилиятыни йүқтотғанлығы учун сарфланадиган харажатлар эса 155 мингни ташкил қиласы (1995 йил).

МАХСУС ТАШХИС УСУЛЛАРИ

Аллергик касаллукларнинг махсус ташхиси уларнинг ривожланиш механизмлари хусусиятларини олдиндан үрганиб чиқишига асосланған. Юқорида күрсатып үтилганидек, иммун жавоб реакциясынинг характерига bogliq ҳолда, аллергик реакциялар тез содир бұладиган (гуморал) ёки аста-секин содир бұладиган (ұжайравий) типда кециши мүмкін. У ёки бу типдаги реакцияларнинг ривожланиши аллергеннинг турига, миқдорига организмга кириш йўлига ва аллергени тайёрлаш усулига bogliq.

Юқумли бұлмаган аллергенлар (ноинфекцион) күпроқ тез содир бұладиган реакцияларни, юқумли аллергенлар (энфекцион) эса аста-секин ривожланадиган реакцияларни келтириб чиқаради. Махсус ташхис усулнинг тұғрилиги даволашнинг характерини белгилайди ҳамда “айбдор” аллергени ва касаллик сабабини анықлады. Махсус ташхис усули касаллукнинг тинч даврида үтказилади. Бу пайтда беморларга аллергик реакциянинг ривожланишини йўқ қиласын препараттар (кортикос-тероидлар, антигистаминалар) бериш мүмкін әмас. Аллергик касаллукларда махсус ташхис усули, одатда 4 босқычдан иборат бұлади. Уларни қуидеги тартибда амалға ошириш лозим: аллергологик анамнез йигиши, теридеги аллергик синамалар; провокацион усуллар ёрдамида текшириш ва үтказиладиган иммунологик тестлар ёрдамида текширишлар. Текширишнинг қар бир босқычи мұхым ақамиятта әга. Бундан ташқари қар бир босқыч кейинги текширишлар учун гумон қилинған аллергенлар доирасини торайтириб боради. Масалан, аллергологик анамнез йигиши пайтида касаллик хуружларини бемор фақат ўз уйида сезса, сабабчи омил сифатида уй chanги ёки уй ҳайвонларини тахмин қилиш мүмкін.

Махсус ташҳис ўтказиш енгил иш эмас. Бир то мондан, ёлғон мусбат ёки ёлғон манфий синамалар бўлиши мумкин, бошқа томондан эса аллергенга тери-даги синаманинг мусбат натижаси фақат сезувчанликни ортиб кетганини акс эттириши мумкин. Яъни бу ўрганилаётган касаллик билан боғлиқ бўлмаган, касалликнинг яширин даврининг клиник кўринишигача бўлган шаклини кўрсатади. Касалликнинг клиник шакли провокацион синамалар ёрдамида аниқроқ ташҳисланади, аммо уларни ҳамма вақт ҳам қўллаб бўлмайди.

Биринчи босқич – анамнез йифиш. Бемордан сўраб, суриштиришни енгиллатиш мақсадида (50 тага яқин саволлар билан) махсус анкета ишлаб чиқилган. У касалликнинг аллергик генезга эга эканлигини тасдиқлашга ва сезувчанлик ортиб кетган аллергеннинг турини тахминлашга ёрдам беради.

Бунда яна bemорда аллергик касалликларга ирсий конституционал мойилликнинг бор-йўқлиги ҳам ўрганилади. Болаларда антинатал даврнинг қандай кечгандилиги ҳомиладорлик пайтида онанинг кимёвий моддалар билан алоқада булганлиги, ҳомиладорлик токсикозлари, боланинг озиқ-овқат маҳсулотларини кўтара олмаслик ҳолатлари қайд этилади. Клиникани ҳисобга олган ҳолда анамнезни таҳлил қилиш патологик жараённинг жойлашган ўрнини топиш масаласини ҳал қилишга ва кейинги босқични қайси аллергенлар билан текширишни давом эттиришни белгилашга имкон беради. Аллергик анамнез йифиш учун савол анкетасини тиббий ҳамшира кўрикдан олдин тўлдиради.

Иккинчи босқич – терида ўтказиладиган синамалар. Бу босқич анамнезни таҳлил қилингандан кейин олинган маълумотларга аниқлик киритишга, яъни сенсибилизациянинг сабабини аниқлашга имкон беради. Ҳозирги вақтда синамаларнинг бир қанча турларидан фойдаланилмоқда. Аллергенлар билан ўтказиладиган теридаги синамалар сезувчанлик тартибида: тери устига скарификация, тест-укол (прик-тест) ва тери орасига аллерген юбориш усуслари билан ўтказилади.

Бунда кўпинча синамалар тери орасига қилинганда асоратлар бериш эҳтимоли кўпроқ бўлади. Дори модда-

лар ва кимёвий моддалар билан қилинадиган синамалар күпроқ томчи усулида ўтказилади. Ўтасезувчанлик прик-тест усулида аниқроқ кўринади. Кўпинча тери ичига ёки скарификация синамалари қўлланилади.

Прик-тест усулида аллерген терига томизилади, кейин эса қисқа тигли махсус ланцет билан ёки игна билан 60 даражага бурчак остида санчилади. Тери синамаларининг барча турларида танадан қон чиқмаслиги зарур. Шу мақсадда прик-тест ўтказиш учун махсус игна ишлаб чиқилган. Тери орасига аллерген юбориб, синаш усулида аллерген 0,1 ёки 0,05 мл миқдорида тери орасига юборилади. Чет эл фирмаларида прик-тест усулининг “фазет-тест” янги тури ишлаб чиқилди. Бунда скарификатордаги игна ичига маълум аллерген киритилган бўлади. Озиқ-овқат аллергиясини аниқлаш учун озиқ-овқат аллергенларидан синамалар қўйилади. Шу мақсадга асосланган парҳез белгиланади. Бу парҳез таркибида гуруч, лавлаги, картошка, товуқ гўшти ва ўсимлик ёғи бўлади. Мана шу парҳез давомида озиқ-овқат аллергенлари билан синама ўтказилади.

Теридаги синамалар кимёвий моддалар ва дорилар билан ўтказилганда аппликация усулидан фойдаланилади. Аллерген билан намланган дока тери устига қўйилиб, целлофан билан ёпилади ва билакка бинт ёрдамида ўраб қўйилади. Эпидермис олдиндан бир неча марта скарификация қилинади.

Совуқ билан қилинадиган теридаги синамалар, одатда совуқдан қаварчиқлари бўлган беморларга белгиланади. Целлофанга ўралган муз бўлаги билакка 20 дақиқа boglab қўйилади. Синама мусбат бўлган ҳолларда шу соҳада қаварчиқ шиш пайдо бўлади, баъзан умумий реакция ҳам бериши мумкин. Аллергенлар билан ўтказиладиган теридаги синамалар, одатда организмда маълум аллергенга сезувчанлик борми ёки йўқми деган саволга жавоб беради. Аммо соглом кишиларда ҳам баъзи аллергенларга нисбатан синамалар мусбат бўлиши мумкин. Улар фақат кишининг аллерген билан олдин (контактда) яқин алоқада бўлиши натижасида сезувчанлиги органини кўрсатади, холос. Масалан, ангина билан тез-тез оғриб турадиган бемор организмида стрептококка нисбатан сезувчанлик оргтан

бұлади. Асосий аллергик касалликнинг сабаби бошқа аллерген бұлиши мүмкін. Теридаги реакцияларни баҳолаш мүддати аллергик реакциянинг типига bogliқ.

Биринчи тип реакциялар 20 дақиқадан кейин күрилади, кеч содир бұладиган реакциялар 24 соатдан кейин ҳисобға олинади.

Тез содир бұладиган реакциялардан қаварчиқ пайдо бұлади, аста-секин содир бұладиган реакцияларда эса тугунча (папула) вужуда келади. Болаларда эса қондаги реагинлар миқдорини аниқлаш мақсадида Праустниц-Кюстнер усули ҳам құлланилади. Бу усул терини пассив сенсибилизациялашдир. Бемор боладан қон олиниб, зардоби ажратилади ва 0,1 мл тери орасига соглом донорга (ота ёки онасига) юборилади. Бир кечакундуздан кейин терининг шу соқасига антиген киритилади. Қаварчиқ ёки тугунчанинг пайдо бұлиши маълум антигенга нисбатан махсус антитело борлигидан далолат беради. Реакция bemor қони зардобига антитело-реагинларни аниқлайды. Биз бунда соглом киши терисини антителолар ёрдамида пассив сенсибилизация қилиб, кейин бу соқага аллерген юборамиз. Вужуда келган иммун бирикма түйинган ҳұжайраларнинг бузилишини (дегрануляцияни), ажралиб чиқаётган гистамин эса терида қаварчиқ ва қизаришни келтириб чиқаради. Праустниц-Кюстнер реакцияси уларнинг ўлчамлари билан баҳоланади.

Тез содир бұладиган аллергияни ташхислашда “терида дераза” реакцияси құлланилади. Скарификатор ёрдамида терида қон томчиси пайдо бұлгунга қадар чизилади. Шу соқага аллерген томизилади шиша ойначани босиб, суртма олинади ва суртмадаги эозинофиллар миқдори аниқланади. Агар уларнинг сони 5 фоиздан күп булса, реакция мусбат ҳисобланади.

А. А. Польнер мұаллифдошлар билан ҳамкорлықда 1985 йили махсус даволаш жараёнида құршовға олуучи антителони аниқлаш усулини таклиф қилди. Бунда донор териси ичига антиген ҳамда bemornинг зардоби даволагунга қадар ва даволашдан кейин киритилади. Сенсибилизация даражаси шу соқада пайдо бұлған иккита қаварчиқнинг диаметри ўлчамлари орасидаги фарқ билан таққосланади. Одатда, ҳар бир аллергенга

теридаги реакцияни баҳолаш учун жадвал илова қилинади. Бизнинг клиникамизда юздан ортиқ теридағи аллергик синамалар натижаларини статистик маълумотлар асосида баҳоловчи жадвал ишлаб чиқилган (1, 2-жадвалларга қаранг). Бунда тугунча (папула), қаварчиқ ва қизаришларнинг ўртача диаметри ҳисобга олинади. Терида ўтказиладиган синамаларни қўйиш учун умумий талаблар ишлаб чиқилган.

Ўсимлик чанглари ва эпидермал аллергенлар билан ўтказиладиган синамалар кўпроқ орқа елка соҳасига ёки билакка скарификация усулида қўйилади. Олдиндан томизилган аллерген устидан скарификатор ёрдамида иккита параллел 5 мм кесмалар 2—3 мм оралиқ масофада ўтказилади. Замбурууглар, уй-рўзгорга оид ва микробли аллергенлар билак соҳасига туберкулин шприц ёрдамида 0,05—0,1 мл миқдорида тери ичига юборилади. Дори модда аллергенлари билан ўтказиладиган синамалар томчи (томизиш) усулида ўтказилади. Антибиотиклар эритмаси 1 мл да 1000 ТБ гача новокайн — 0,25 фоизли, рН муҳити 7,2 миқдорда киритилади. Дори моддалар биттадан ортиқ қўйилмайди ва бир соат давомида кузатилади. Қаварчиқ ва тугунча пайдо булиши кўпроқ аллергиядан далолат беради, қизариш (гиперемия) эса фақат нерв ва томирлар тизимларининг реактивлиги, юқори эканлигини акс эттиради, холос. Бактериал аллергенлар тери дозасида (ТД) ва микроблар таналари сони (МТ) билан, нобактериал аллергенлар эса азот оқсил бирлигига PNU белгиланади.

Аллергенлар 1 мл да 10, 20, 40 ТД, 1 ва 2 млрд. МТ ҳамда 1000, 5000, 10000 PNU миқдорларида қадоқланган ҳолда чиқарилади. Катталар учун микробли аллергенларнинг энг қулай бир марталик миқдори 2—4 ТД ёки 10—20 мл МТ, нобактериал аллергенлар эса 200—400 PNU миқдори ҳисобланади.

Терига синамалар қўйилганда бир вақтнинг ўзида иккита назорат синамалар ҳам қўйилади. Булар тест-назорат суюқлиги бўлган ТВИН-80 ва гистаминнинг 0,1 фоизли эритмасидир. Назорат суюқлиги ва гистамин ҳам аллерген каби тери орасига ёки тери ичига киритилади. Бунда назорат суюқлиги билан қилинган сина-ма манфий гистамин билан қилингани эса мусбат

бұлиши керак. Назорат суюқлиги билан қилинган си-
нама мусбат (терининг консервантга махсус бұлмаган
ұтасезувчанлигига bogliq) ёки гистаминга нисбатан
манфий (тери реактивлигининг йўқлиги) бўлган
ҳолларда ташҳис синамалари ҳисобга олинмайди.

Агар ўсимлик чанглари ва эпидермал аллергенлар
билан қўйилган скарификация синамалари манфий
бўлиб, аллергологик анамнез ва касалликнинг клиник
кўриниши касалликда аллергеннинг иштироки борли-
гини кўрсатса, шу аллерген 0,02 мл миқдорида тери¹
ичига киритилади ва 20 дақиқадан кейин жадвал
бўйича баҳоланади. Бир вақтнинг ўзида 2 дан ортиқ
аллергенни тери ичига юбориб бўлмайди. Ўсимлик
чанглари ва эпидермал аллергенлар тери ичига
қилинганда оғир аллергик реакциялар юз бериши мум-
кин. 20 ва ундан ортиқ аллергенлар билан терида си-
намалар қўйилганда умумий реакциялар берганлиги
ҳақида ҳам ёзилган.

Синамалар қўйишда бир хил гурӯҳ аллергенлар-
нинг умумий антигенли детерминантларини ўзаро
ҳамкорликдаги таъсири эҳтимолини ҳисобга олиш ке-
рак. Бу ёлғон мусбат реакцияларнинг сонини
кўпайтиради. Шунинг учун бир вақтнинг ўзида
ўсимлик чанглари аллергенларидан ўнтадан кўп
булмаган синамалар, бештагача эпидермал аллергенлар
билан, тўртта бактериал ва замбуругли аллергенлар,
учта уй-рўзгорга оид аллергенлар қўйиш тавсия
қилинади. Беморнинг индивидуал хусусиятларини ҳам
ҳисобга олиш зарур. Масалан, bemor анамнезида уй
ҳайвонларига яқинлашганда ёки хоналарни йигиши-
тириш пайтида аҳволи кескин ўзгариши ҳақида
кўрсатма бўлса, бир вақтда қўйиладиган уй-рўзгорга
оид ва эпидермал синамалар сонини камайтириш ло-
зим. Синамалар қўйишдан олдин терини совун эритма-
си ёки кучсиз спирт эритмаси билан артиб олиш тавсия
этиласди. Чунки бошқа органик эритувчилаr (эфир)
батъзи антисептик моддалар номахсус мусбат реакцияни
келтириб чиқариши мумкин.

Теридаги аллергик реакцияларнинг яққолроқ
кўриниши қатор омилларга: организмга тушган аллер-
ген миқдорига ва теридаги махсус Е иммуноглобулинга,

терининг нисбатан реактивлигига, беморнинг ёшига, түйинган ҳужайралар сенсибилизациясига боғлиқ.

Терига синамаларни қўйиш усули ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ундан кўпроқ маълумот олиш ҳам шу усул турига боғлиқ. Масалан, бронхиал астманинг атопик тури бўлган bemorларда каналлергенлари билан ўтказилган прик-тест 68 фоизда мусбат бўлган бўлса, скарификация синамалари 42 фоизда, тери орасига қилинган синамаларнинг 100 фоизида мусбат натижаларни берган.

Юқорида кўрсатилган ташҳис усусларининг маълумотлилиги сенсибилизациянинг турли хилларида бир-биридан фарқ қиласди. Ўй чангига сезувчанлик ортган ҳолатларда аллергик анамнездан олинадиган маълумотнинг ўзи 90 фоизгача етади. Бунда элиминациянинг (уидан бошқа ерга кетиш) таъсири, хонадонларни тозалаш билан боғлиқлик аниқланади. Шу билан бир вақтда анамнези манфий бўлган 30 фоиз bemorларда уй чангига сезувчанлик ортганлиги аниқланади, аммо бунда касалликнинг клиник кўриниши бўлмайди (яширин шакли). Ўй-рўзгор аллергенлари билан қилинган синамаларнинг маълумотлилиги 83 фоиз ҳолатларда мусбат, 90 фоиздан кўпроқ ҳолатларда эса манфий бўлган.

Текширишнинг учинчи босқичи — провокацион (қузгаш) синамалар. Бунда аллерген “шокли” аъзога — бурун, бронхлар, тери ҳамда ичакка киритилади. “Шокли” аъзо деганда касалликнинг клиникасини юзага чиқарадиган аъзо ёки туқима назарда тутилади. Масалан, ринитда бурун “шокли” аъзо ҳисобланади. Провокацион синама носог аъзодаги сезувчанликни аниқлайди. Бу усул 30 йилдан кўпроқ вақтдан бери қўлланилади.

Провокацион синамалар теридаги синамалари мусбат бўлган аллергенлар билан қўйилади. Улар, ҳатто касалликни яширин даврида ҳам аниқлашга имкон беради. Яъни маълум аллергенга сезувчанликнинг ортishi клиник жиҳатдан намоён бўлмаган вақтларда (масалан, аллергик ринитда). Аллергик реакциялар қўшилиб кетиши эҳтимолидан узоқлашиш мақсадида икки хил провокацион синамаларни бир кунда қўйиш

Теріда үтказиладиган скарификация синамаларини бақолаш

Бақо	Шартты белгілар	Реакциянынг тащқы күрініші ва ұлчами
Мәнфий	--	Ұлчами худди тест-назорати суюқлиги берған реакция күрінишидек.
Гумонлы	+	Скарификация үрнида каварчпқсиз қызарыш қолаты бўлади.
Кучсиз мусбат	+	Қаварчиқнинг диаметри 2—3 мм атрофифда қызарыш қолати билан, фажат терини тортиб кўрилганда билинади.
Ўрта мусбат	++	Қаварчиқнинг диаметри 5 мм дан ошмайди ва кўзга яққол ташланади.
Мусбат ва кеескин мусбат	+++ ++++	Қаварчиқнинг диаметри 10 мм ва ундан катта бўлиб, қызарыш аломатлари ва плдизчалар (псевдоподия) пайдо бўлади.

Тері орасига юбориладиган синамаларни бақолаш

Бақо	Шартты белгілар	Реакциянынг тащқы күрініші ва ұлчами
Мәнфий	--	Ұлчами худди тест-назорати суюқлиги берған реакциядек.
Гумонлы	+	Қаварчиқ назорат суюқлигидан олдин сўрилиб кетади.
Кучсиз мусбат	+	Қаварчиқнинг 4—8 мм диаметри атрофифда қызарыш белгиларп бор.
Ўрта мусбат	++	Қаварчиқнинг 8—15 мм диаметри атрофифда қызарыш белгиларп бор.
Мусбат ва кеескин мусбат	+++, +++++	Қаварчиқ 15—20 мм ёки ундан катта бўлган диаметрда, псевдоподиялар ва атрофда қызарышлар пайдо бўлиш билан ҳисобланади.

тавсия әтилмайди. Аллергенларнинг 10^{-1} , 10^{-2} гача бўлган эритмаларини қўйлаш энг яхши ва хавфсиз ҳисобланади. Ҳозирги вақтда клиникада қўйидаги провокацион синамалардан фойдаланилади: конъюнктивага, назал, яъни бурун ичига, ингаляцион ҳамда лейко-

цитлар камайиши ва тромбоцитлар камайиши тестлари шулар жумласидандир.

Конъюнктивал провокацион синамалар — аллергик конъюнктивит билан касалланган беморларда ўтказилади. Эритилган аллерген (10^{-1}) пастки конъюнктива халтачасига 1 томчи томизилади. Агар синама мусбат бўлса, кўзда қизариш ва шиш, кўздан ёш оқиши, кўзлар қичишишлари пайдо бўлади.

Эндоназал провокацион синамалар. Диаметри 5 мм бўлган юмaloқланган пахта шарчасига 07 мл аллерген (терида ўтказилган синамаларда мусбат натижа берган эритмада) томизилади ва пастки бурун супралари чиганоқлари олд қисмига 10 дақиқа давомида қўйилади, буруннинг иккинчи ярмига эса назорат суюқлиги томизилган пахта шарчаси киритилади. Назоратли синама манфий бўлиши керак. Нобактериал аллергенлар билан қўйилган синамалар 20 диқиқдан кейин, бактериал аллергенлар билан ўтказилган синамалар эса 6—24 соатдан кейин ҳисобга олинади. Суст, юзаки (гумонли) реакцияларда bemорда фақат субъектив тив шикоятлар (бурун ичидаги қичишиш ва бошқалар) бўлади.

Ўрта оғир реакцияларда бурун шиллик қаватларида объектив ўзгаришлар (шиш, қизариш) пайдо бўлиши билан характерланади. Бошқа аъзоларда ўзгаришлар кузатилган ҳолатларда, масалан, терига тошмалар тошиши, ҳароратнинг кўтарилиши бўлганда реакция оғир деб баҳоланади. Касалликнинг хуруж даврларида бу синамалар қўйилмайди. Бурун ичидаги ўтказилган провокацион синамалар мусбат бўлишининг тезлиги — теридаги аллергик синамаларнинг яққоллик даражасига bogлиқ.

Теридаги ва бурун ичидаги синамалар орасидаги юқори коррелятив bogлиқлик ўсимлик аллергенларига сезувчанлик бўлганда мос келиши 95 фоизни ташкил этади. Бактериал аллергенларда камроқ — 45 фоиз ҳолатларда кузатилади. Бурун ичидаги ўтказилган синамаларни объектив ҳисобга олиш учун риноскопия (бурун бўшлигини ойнана ёрдамида куриш), ринотахометрия (буруннинг нафас олиш, ҳавони ўтказиш функциясини аниқлаш) ўтказилади.

БРОНХЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ПРОВОКАЦИОН СИНАМАЛАР

Бронхларнинг сезувчанлигини ўрганиш пайтида эритилган аллерген аэрозол ҳолида 0,5—1,0 мл миқдорида 3—6 дақиқа давомида бронхларга киритилади. Аллергенлар билан бронхларда ўтказиладиган синамаларни ҳисобга олиш учун ўпканинг ташқи нафас функциясини ўлчаш ва бошқа клиник усууллар (аускультация, қоннинг умумий таҳлили, эозинофиллар) қўлланилади. Агар Тиффно индекси ёки пневмотахометрия кўрсаткичлари синамалардан кейин 20 фоизгача ва ундан кўпроқ миқдорга камайса, синама мусбат ҳисобланади.

Синамалардан кейин 24 соат мобайнида bemor шифокор назорати остида бўлиши керак. Энг яххиси синамалар шифохонада ўтказилиши лозим. Синамалар мусбат бўлган ҳолларда қуруқ хириллашлар пайдо бўлади. Теридаги синамаларнинг натижаларига асосан аллергенларнинг эритмалари танланади. Масалан, теридаги аллергик реакциялар +++ ёки +++++ кўринишда баҳоланганд бўлса, бурун ичидан ва бронхларда ўтказиладиган синамаларни яххиси аллергенларнинг 10^{-3} эритмасидан бошлиш керак.

Агар теридаги синамалар гумонли (+) юзаки бўлса 10^{-1} эритмадан фойдаланиш мумкин. 10^{-3} миқдордаги эритма аллерген киритилганда 24 соатдан кейин “шок” аъзо томондан жавоб реакцияси бўлмаганда, аллерген миқдорини аста-секин ошириб бориб, қайтадан синамалар ўтказиш мумкин. Аллергеннинг 10^{-1} миқдордаги эритмаси билан синамалар қўйилганда бронхлар томонидан реакциянинг бўлмаслиги, синаманинг манфий эканлигидан далолат беради. Бурун ичига қилинадиган провокацион синамалар, одатда 3 ёшдан, бронхларда ўтказиладиган синамалар 5 ёшдан бошлаб қўйилади.

Ингаляция синамаларини яххиси бурун ичига синамалар манфий бўлган вақтлардагина (гиперэргик реакциялардан узоқлашиш мақсадида) ўтказиш мумкин. Теридаги синамалар мусбат бўлган ҳолда провокацион синамаларнинг манфий бўлиши касалликнинг яширин шакли борлигини ёки теридаги синамаларнинг ёлгон мусбат эканлигини кўрсатади.

Провокацион синамаларнинг маълумотлилиги аллергенинг турига ҳам боғлиқ. У 40—60 фоиз ҳолларда мусбат бўлади. Нафас йўлларида патологик ўзгаришлар бўлган беморларда (ринит ва бронхиал астма) бурун ичига ўтказиладиган синамаларни қўллаш кўпроқ қулагай ва техник жиҳатдан хавфсиз ҳисобланади. Аммо биргина беморнинг бурунида ва бронхларида сезувчаникнинг (сенсибилизация) турида ўзаро фарқ бўлиши мумкин.

Провокацион синамаларни қайд этишда реакцияларнинг тез содир бўладиган (ўсимлик чанглари, эпидермал аллергенлар) секин содир бўладиган (замбуругли, бактериал), кечки (уй-рўзгорга оид) ва аралаш турларини ҳисобга олиш лозим.

Бронхларда ўтказиладиган провокацион синамалар қуидагича баҳоланади:

Гумонли (+) — бунда фақат субъектив шикоятлар бўлади, мусбат (++) — бунда “шокли” аъзода объектив (кўринадиган) ўзгаришлар аниқланади, кескин мусбат (+++) — бунда бошқа аъзоларда ва тизимларда ҳам реакция аниқланади ва ниҳоят манфий (-).

Озиқ-овқат аллергиясини ташҳислаш учун провокацион лейкопеник синамадан фойдаланилади. Периферик қондаги лейкоцитлар сони наҳорга (оч қоринга) элиминацион парҳез шароитида (ёки бир кеча-кундуз овқат емасдан) аниқланади. Кейин гумон қилинган озиқ-овқат маҳсулотидан 100 г берилади, 60—90 дақиқалардан кейин лейкоцитлар сони қайтадан аниқланади. Агар қондаги лейкоцитлар сони 1 мл да 1000 тадан (1000/мл) ҳам камайиб кетган бўлса, синама мусбат ҳисобланади.Худди шу текширишни тромбоцитлар билан ҳам ўтказиш таклиф қилинган — тромбоцитопеник тест, синама мусбат бўлган ҳолларда уларнинг сони 20 фоизгача камаяди. “Шокли” аъзода ҳам реакция кузатилиши мумкин.

Тўртинчи босқич — ташҳислашнинг лаборатория усуслари. Ташҳислашнинг “ин витро” лаборатория усулини беморларда касалликнинг барча даврлари ва босқичларида қўллаш мумкин.

Юқорида кўрсатилган ташҳислаш усусларига гумонсираш бўлган ҳолатларда бу усуслар ёрдам беради

(құл келади). Уларни күпроқ мұрақкаб, кам маълумот берувчи ва асосан реакциянинг иммунологик механизмларини аниқлаш үчун хизмат қиласы, деб ҳисоблайдилар. Бу усуллар аллергик реакцияларнинг турларини акс эттиради ҳамда реакцияда иштирок этувчи антителолар қайси синфга мансублигини аниқлады. Яғни аллергик касалликларнинг иммунологик мусбат синамалар теридаги синамалар билан 90 фоиз қолаттарда, провокацион синамалар билан эса 50 фоиз қолаттарда мос келади. Бу иммунологик синамалар күпроқ касалликнинг латент (клиник күринишигача бұлған яшириң даври) шаклини тасдиқлашдан далолат беради. Улар, асосан беморни аллерген билан олдин алоқада бұлғанлыгидан маълумот беради. Тез содир бұладиган аллергик реакцияларни ташқислашда базофилларга оид түғридан-түғри ва билвосита тестлар, түйинган ҳужайраларнинг деструкцияси (тузилишининг бузилиши) тестлари, РАСТ, ПРИСТ, қон ҳужайраларидан гистаминнинг махсус ажрагын чиқиши реакцияси құлланилади. Бу синамалар күпроқ ноинфекцион аллергенлар билан ўтказилади.

Аллергиянинг аста-секин ривожланадиган турини аниқлаш үчун қонда лейкоцитлар ҳаракатланишининг түсікқа учраш реакцияси (РТМА), розеткасимон күриниш пайдо қиласынан қоладиган ҳужайралар тести (РОК), лимфоцитларнинг бласттрансформацияси тести (РБТА), нейтрофилларнинг шикастланиш реакцияси (ППН), лейкоцитолиз реакцияси, лейкоцитларнинг агломерацияси реакцияси құлланилади. Улар, асосан бактерияларга оид, замбуругларга оид ва баъзи дори турларини ташқислашда белгиланади. Демак, әр бир иммунологик тест, асосан ўта сезучанликнинг 4 туридан мұайян биттасини аниқлады. Шунинг үчун уларни мувофиқ құллаш лозим.

Масалан, биринчи тип реакциялар бүйича кечадиган касалликларни ташқислаш үчун күпроқ радиоиммунологик сорбент тестлар (РАСТ, ПРИСТ) ишончли бұлади. Иккінчи тип реакциялар күпроқ Кумбс реакцияси ёрдамида аниқланади. Учинчи тип реакцияларни ташқислашда антителолар преципитациясини аниқлаш

усули құлланилади. Түртінчи тип аллергик реакцияларни лейкоцитлар ҳаркательнинг түсікқа учраши ва лимфокинларнинг ұар хил турларини белгилаш ёрдамда аниқлаш мүмкін.

Текширишнинг иммунологик усуллари иммунологик лабораторияларда, шифокор иммунологлар томонидан амалға оширилади. Организмнинг реактивлиги — махсус иммунологик реакцияларни, махсус бұлмаган реактивликни ва сенсибилизацияни үз ичига олади. Шунинг учун мос келувчи күрсаткичларни акс эттирувчи синамаларни құллаш ва тақлил қилиш лозим. Бемор организмининг номахсус реактивлигини тақлил қилишда, одатда қуйидаги текширишлар үтказилади: турли синф иммуноглобулинларнинг сатқи, фагоцитоз, комплемент ва лизоцим титрлари, зардоб тартибидаги оқсил ва оқсил фракцияларини, лимфоцитларнинг кортизолга сезирлигини, гистамин-гистамина-гистамин-пексия тизимини аниқлаш, айрим ферментларнинг (ацетилхолинэстераза ва бошқалар) фаоллигини аниқлашдан иборатдир.

Комплемент ва лизоцим титрларнинг пасайиб кетиши иммун танқисликни күрсатувчи доимий белгилардан бири бўлиб, аллергик яллигланишнинг ривожланишига туртки бўлиши күрсатилган.

Антитело титрнинг стафилококка ва стрептококкларга нисбатан ошиб кетиши аллергияни қандай ҳолатда акс эттирса, иммунитетни ҳам худди шундай акс эттиради.

Аллергик ринит, бронхиал астма ва бошқа аллергик касалликлар, одатда нишон ҳужайраннинг бузилиши ва қонга гистамин, ацетилхолин ва бошқа медиаторларнинг ажralиб чиқиши билан биргаликда кечади. Гистаминнинг қонда сақланиши унинг ферментлар таъсирида емирилиш тезлигига ва гаммаглобулин билан боғланишга (гистаминопексия) ҳам боғлиқ. Аллергик касалликлари бўлган bemорларда қондаги озод гистамин миқдори күпаяди, қон зардобининг гистаминопектик фаоллиги пасаяди ҳамда тери ва “шокли” аъзонашнинг гистаминга нисбатан сезувчанлиги ортади. Бу ўзгаришлар кўпроқ аллергик реакциялар биринчи типи бўйича ўтадиган касалликларда кузатилади. Аллергик

касалликлари бўлган беморлар қонида ацетилхолин миқдори кўтарилади. Бу эса ацетилхолинэстераза ферментининг фаоллиги пасайиши билан қўшилиб келади ва серотонин миқдорининг ҳам кўтарилиши кузатилади.

Нафас йўлларининг аллергик касалликларида маҳаллий иммунитет ва маҳаллий сенсибилизациянинг баъзи жиҳатдан ўз-ўзини идора қила олиш хусусиятини назарда тутиб, кейинги йилларда бронхлар ва бурун шиллиқларини текшириш қўлланилмоқда. Масалан, аллергик ринитда бу риноцитограмма орқали текширилади. Бурун ичидан олинган суртмаларда эпителиал ҳужайралар, қадаҳсимон ҳужайралар, макрофаглар, плазматик ҳужайралар, лимфоцитлар, нейтрофиллар ва эозинофиллар ҳисоблаб чиқилади. Ҳужайралардаги биоген аминларнинг миқдори ҳам аниқланади. Бу кўрсаткичлар, айниқса бурун ичидан ўтказиладиган провокацион синамалардан кейин ўзгаради. Аллергик ринитда бурун шиллиқларида маҳаллий эозинофилия (эозинофилларнинг кўпайиши), эозинофилларнинг цитоплазмаси вакуолизацияси, тўйинган ҳужайраларнинг дегрануляцияси, нейтрофил гранулоцитларнинг альтерацияси, цилиндросимон эпителийларнинг қадаҳсимон ҳужайраларга трансформацияси, биоген аминларнинг фаоллашуви аниқланади. Юқорида кўрсатиб ўтилган ўзгаришлар бурун шиллиқ қавати сенсибилизациясининг кўрсаткичлари бўлиб хизмат қилади. Бронхиал астма билан касалланган беморларнинг балгами ҳам худди шу текширишлар ёрдамида кўриб чиқилади.

Нафас йўллари аллергиясини маҳаллий кўринишлари ривожланишига тўсқинлик қилувчи ҳимоя омилларини шартли равишда иккига ажратилади: дренаж мукоциляр (шиллиқ ажратиб чиқарадиган) тизими ва асосан лимфоплазматик қатор ҳужайралари вакилларидан ташкил топган — ҳужайра тизими. Мана шуларнинг ўзи маҳаллий иммунитетни белгилайди. Бурун ва бронх шиллиқ шираларида эозинофилларнинг топилиши нафас йўллари аллергик касалликлари борлиги мезонларидан бири бўлиб ҳисобланади. Тез соодир бўладиган типдаги аллергик касалликларни ташҳислашда радиоиммунологик усуслар кенг

тарқалмоқда. Улар орқали бемор қони зардобидаги умумий ҳамда махсус IgE миқдорини аниқлаш мүмкін.

Шведларнинг “Фармация” фирмаси бу соңага оид тұпламларини чиқармоқда. ПРИСТ ва РАСТ усуллари аллергик касалликлары бұлған беморларда Е иммуноглобулинлар миқдорининг күпайишини аниқладаб беради. Бундан ташқары иммунофермент усул — бунда ферментларнинг иммун boglaniши орқали қондаги антитело топиш усули ҳам құлланилади. Бу синама “Элайза” дәб ном олган. Үндан турли синф иммуноглобулинларни аниқлаш учун фойдаланилади.

Ставрополда организмдаги умумий ва махсус Е иммуноглобулинларнинг миқдорини аниқлаш учун иммуноферментлар тизими тұплами чиқарылмоқда. Юқорида күрсатыб ўтилған ташқислаш усулларини махсуслиги ва маълумот бериш жиҳатларини текшириб күрилганды, теридаги синамалар билан 50—60 фоиз ҳолларда ұзаро болғылғыл болғылған.

Зардоб иммуноглобулинлари нафақат антитело сифатида, балки ұжайра рецепторлари сифатида ҳам махсус бұлмаган ҳимоя омилларига киради. Г иммуноглобулинлар мудофаа синфи бұлыб, боялаб оловчы антителони вужудға келтиради ҳамда вирусларни, зақарлы моддаларни бактерияларни нейтраллаш хусусиятига әга бўлади. В иммуноглобулинлар ҳимоя антителоси каби бактерицид (бактерияларни ұлдирувчи) фоллиқ яратади. А иммуноглобулинлар синфи ҳам ҳимоя механизмига тааллуқли. А иммуноглобулинлар иккита кичик гурухга бўлинади: секретдаги (шиллиқ ширадаги) ва зардобдаги иммуноглобулинлар.

Биринчи гурухга киувчилар сұлакда, бурун ва бронх шиллиқ ширадарыда (секретида), ичак суюқликларыда аниқланади. Секретор иммуноглобулинларнинг А синфи таркиби шиллиқ қаватларнинг антиген таъсирига маҳаллий ҳимоя ҳолатини акс эттиради. Е иммуноглобулинлар реагинларнинг асосини ташкил қилиб, медиаторлар ажралып чиқишига ва тұқималарнинг бузилишига сабаб бўлади. Қондаги (A, M, G) иммуноглобулинларнинг таркибини текшириш натижалари ҳимоя механизмларнинг ҳолати ҳақида фикр юритишга имкон беради ва организмда қанчалик

сезувчанлик ортганлик даражаси IgE миқдорига қараб аниқланади.

Турли тадқиқотчиларнинг текшириш натижаларидан аллергик касаллар билан касалланган беморларда ҳар хил синф иммуноглобулинларнинг миқдори бекарорлиги аниқланган. Поллиноз билан касалланган беморларда бурун шиллиқ ширасида (секретида) эрмонга (полын) нисбатан аллерген махсус Е иммуноглобулиннинг сақланиши аниқланган. Махсус Е иммуноглобулин билан теридаги синамалар орасида түгридан-түгри боғлиқлик борлиги аниқланган. Соглом одам қонидаги умумий Е иммуноглобулинлар миқдори билан аллергик касалликнинг тинч даврида (ремиссия) бемор қонидаги умумий Е иммуноглобулин миқдори солиштириб кўрилганда айтарли фарқ топилмаган.

Фагоцитоз — иммунитетининг бошлангич олдинги даври ҳисобланади. Бу вақт мобайнида фагоцитлар билан қуршаб олинган антигенлар иммунитетга лаёқатли аъзога тушади. Фагоцитоз пасайганда ўта сезувчанликнинг махсус реакцияси ривожланади. Аллергик касалларлари бор беморларда махсус фагоцитлаш фаоллиги, фагоцитлар индекси, ҳазм қилиб юбориш индекси аниқланади. Реакция тирик стафилококк культураси билан қўйилади. Аллергияси бор беморларда махсус фагоцитоз кўрсаткичи кўпинча пасайган бўлади. Организмнинг аллергик реактивлигининг IV типини ўрганиш учун ҳужайрага оид синамалар қўлланилади.

Беморнинг аллергик реактивлигини тавсифлаш учун қондаги эозинофиллар мутлақ (абсолют) миқдорининг лимфоцитлар ёки тромбоцитлар миқдорига нисбатини билдирувчи коэффициент — индекслар аниқланади. Аллергик касалларда беморда эозинофил-лимфоцитлар ва эозинофил-тромбоцит индекслар кўпинча юқори бўлади. Махсус антигенлар таъсири остида содир бўладиган нейтрофиллар альтерация (тузилишининг ўзгариши) реакцияси нейтрофиллар бузилиши реакциясида (РПН) ўз аксини топди.

Юқумли аллергик касалларда нейтрофилларнинг бузилиши юқорироқ даражада ва соглом одамлардагига қарагандага кўпроқ учрайди. Антиген-антитело бирикмаси таъсири остида тўйинган ҳужайраларнинг

бузилиши (дегрануляцияси) реакциясидан тез содир бұладиган ўта сезувчанлик турини ташқислашда фойдаланиш мүмкін. Бу усул қонда айланиб юрувчи реагин антителолар титрини күрсатиб беради.

Поллиноз билан касалланган беморларда қонда айланиб юрувчи махсус антитело миқдори күтарилған бұлади. Периферик қондаги лимфоцитлар бласттрансформацияси шаклининг ўзгариш реакцияси кичик лимфоцитларнинг махсус ва номахсус антигенлар таъсири остида иммун бластларга айланишига асосланған. Бу реакция ўта сезувчанлиknинг тез содир бұладиган ва секин содир бұладиган турларини ҳам ташқислашда құлланилади. Аллергик касаллуклари бұлған беморларда шакли ўзгарған лимфоцитлар миқдори сон жиҳатидан бошқа касаллукларға қараганда антиген билан контактда (яқин алоқада) бұлған ҳолларда юқори бұлади. Ўтасезувчанлиknинг аста-секин ривожланадиган турида периферик қондаги лейкоцитлар ҳаракатининг түсікқа учраш реакцияси (РТМЛ) құлланилади. Унинг асосида махсус антиген иштирокида сенсибилизацияланған лимфоцитлар ажратыб чиқарадиган медиаторлар таъсири остида макрофаглар ва лейкоцитлар ҳаракатининг босилиши (енгилиши) ётади.

Миграция (күчиш) индекси аниқланади. Агар күчиш индекси пасайған бұлса, бу маълум антигенга юқори сезувчанлик борлигини күрсатади. Демак, аллергологияда ташқислашнинг бир неча босқичларини амалға ошириш мақсадға мувофиқ, чунки уларнинг ҳар қайсиси фибралы ва қандайдыр жиҳатдан бир-бирини тұлдирады. Алергиянинг тез содир бұладиган ва астасекин содир бұладиган турларини ташқислашда ҳар бир синаманинг ўзига яраша ўрни борлигига қарамай, уларнинг ҳар бири ёлғон мусбат ва ёлғон манфий синамаларни ҳисобға олған ҳолда тақлил қилишни талаб қилади. Улардан әңг муҳими анамнез ва касаллукнинг клиник құрниши ҳисобланади. Касаллукнинг сабабларини юқорида күрсатылған текшериш усуллари нағижаларини бирғаликда тақлил қилиш орқали аниқлаш мүмкін.

Махсус текширишнинг бешта босқичини чуқур таҳлил қилиш асосидагина аллергик касалликни тўгри ташҳислаш ва даво муолажаларини тўгри белгилаш мумкин.

АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ

Аллергик касалликларнинг ривожланиш механизми асосида аллергик яллигланиш етакчи ўрин әгаллайди. Бу касалликларни даволашда махсус гипосенсибилизация — иммунотерапия усули кўпроқ самарали бўлиб қолмоқда. Аммо касалликнинг хуруж даврида даволашнинг бу усули қўлланилмайди. Бундан ташқари гипосенсибилизацияни қўллашга қарши бўлган қатор монеликлар мавжуд. “Айбор” аллерген топилмаган ҳолатларда ҳам бу усулдан фойдаланиш мумкин эмас.

Ниҳоят, қатор касалликлар асосида ҳақиқий бўлмаган (псевдоаллергик) реакциялар ётади. Бу ҳолларда ҳам иммунотерапия самарасиз бўлади. Шунинг учун аллергик касалликлар бошқа усуллар ёрдамида ҳам муваффақиятли даволанмоқда.

Кенг доирадаги фармакологик препаратлар аллергик реакцияларнинг патокимёвий даврини тўхтатади ва аллергик реакцияларнинг патофизиологик даври натижаларини, яъни клиник кўринишини йўқ қиласди. Аксарият фармакология препаратларининг клиник самараси ҳужайра ичидаги циклик нуклеотидлар: циклик аденоzinмонофосфат (ЦАМФ) ва циклик гуанозинмонофосфатларга (ЦМФ) таъсир қилиш орқали амалга оширилади.

Ҳужайраларнинг аллергенга нисбатан мустаҳкамлиги (барқарорлиги) кўпинча ҳужайралардаги ЦАМФ заҳираларини кўпайтириш ва ЦГМФни камайтириш йўли билан юзага чиқарилади.

Аллергик касалликларни даволаш усулларини шартли равишда иккита катта гуруҳга ажратиш мумкин: махсус ва номахсус усуллар.

Номахсус ёки симптоматик (касалликнинг белгилар бўйича) даволаш усуллари, асосан касаллик хуруж қилган даврларда қўлланилади. Беморлар, одатда даволанишни касалликни жойлашган ўрнига қараб терапевтда, оториноларингологда, дерматологда олиши

мумкин. Бу усуллар касалликнинг у ёки бу белгилари ни даволашга қаратилган ва у кўпинча бемор аҳволини қисқа давом этадиган яхшиланишига олиб келадиган самара беради.


Бу даволаш усуллари ҳақида алоҳида касаллик бўйича ёзганда муфассал тўхталиб ўтамиз. Чунки улар касалликнинг жойлашган ўрнига қараб бир-биридан фарқ қиласиди. Улар аллергик яллигланишнинг клиник кўринишларига таъсир этади.

Патогенетик даволаш усуллари — касалликнинг асосий ривожланиш механизmlаридан бирига — аллергиянинг иммунологик ёки патокимёвий даврига йўналтирилган. Улар турли аллергик касалликларда ремиссия (тинч) даврида ҳам (олдини олиш учун) ва хуруж даврида ҳам (даволаш мақсадида) қўлланилади. Бу усуллар ниҳоятда самарали бўлиб, уларни махсус даволашга монеликлар бўлган ҳолатларда ҳам белгилаш мумкин. Бу гуруҳда марказий нерв тизими ҳолатини яхшилашни, ички секреция тизимини ҳамда организмнинг номахсус реактивлигини пасайишини амалга оширувчи препаратлар катта ўрин тутади. Уларни турли соҳа бўйича мутахассис шифокорлар қўллайдилар.

Махсус даволаш усуллари. Бу усуллар, асосан аллергик яллигланишнинг биринчи (иммунологик) даврига қаратилган. Бу усуллар билан даволаш юқори даражада самарали бўлишига қарамай, шу билан бир вақтда касалликнинг хуружини ва турли асоратларни юзага чиқаради. Шунинг учун аллергенлар билан гипосенсибилизация қилиш ва иммунотерапиянинг бошқа усуллари аллергологик кабинетларда мутахассислар томонидан ўтказилиши тавсия қилинади.

ДОРИ МОДДАЛАР БИЛАН ПАТОГЕНЕТИК ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ

Илмий жиҳатдан асосланган патогенетик даволаш усулларини белгилаш учун шифокор касалликнинг жойлашган ўрнини ва клиник кўринишини яхши билиши муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда аллергик касалликларни турли соҳа мутахассислари, масалан, жарроҳлар, терапевтлар, физиотерапевтлар, окулистлар, пульмонологлар, дерматологлар, оториноларинго-



логлар, психотерапевтлар ҳам муваффақиятли даволашмоқда. Бунда бир-биридан тубдан фарқ қиласынан турли усуллар құлланилишига қарамай, шифокорлар юқори даражали клиник самараларга эришадилар. Бундай олиб қараганда түшүнтириб бўлмайдигандек кўринган даволаш самарасини нима билан изоҳлаш мумкин? Асосий сабаблардан бири – бу аллергик касалликни келтириб чиқарувчи омилларнинг ҳамда ривожланиш механизмларининг хилма-хиллигидир. Улардан бирортасига таъсир кўрсатиб, ҳатто бу касалликнинг иккинчи даражали механизми бўлса ҳам, кўп ҳолларда шифокорлар касалликни вақтингчалик тинчлантиришга муваффақ бўладилар. Аммо касалликнинг асосий ривожланиш механизмига ёки асосий келтириб чиқарувчи омилга таъсир этиш йўли билан ҳам касалликни бутунлай тузатиш ёки узоқ вақт давомида тинчлантиришга эришиш мумкин. Бу ҳолларда касалликнинг клиник турини, касалликнинг кечиш даврини ва аллергик реакциянинг типини (тез содир бўладиган ёки секин содир бўладиган) ҳисобга олиш мүҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда юқорида кўрсатиб ўтилган аллергик касалликларни ташҳислаш усуллари қўлланилади.

Юқорида санаб ўтилган омилларни назарда тутган ҳолда илмий асосланган даволаш усулларини қўллаган ҳолатлардагина яхши натижаларга эришиш мумкин.

Медиаторларга қарши таъсир кўрсатадиган препаратлар. Аллергик реакциялар биологик фаол моддалар-

медиаторлар ажралиб чиқиши билан биргаликда кузатилади. Ўрганилган медиаторлар сони жуда кўп, аммо энг асосийси гистамин ҳисобланади. Шунинг учун бу гуруҳга киравчى дори моддалар антигистаминлар деб аталади. Аллергик касалликларда қондаги медиаторлар миқдори кўпаяди. Бу эса “шокли” аъзо тўқималарининг бузилишига олиб келади.

Хозирги вақтда турли мамлакатларда медиаторларга қарши таъсир қиласидиган 150 га яқин препаратлар ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг таъсир қилиш механизми турли аъзолардаги ҳужайраларнинг гистамин рецепторларига дори модданинг киришиб, сингиб кетиши билан боғлиқ. Улар гистаминнинг антагонисти ҳисобланиб, асосан “шокли” аъзодаги гистаминнинг H_2 рецепторларини боғлаб олади. Ҳужайра рецепторлари аллергик яллигланиш медиаторларига сезгир бўлмай қолади. Гистаминга қарши препаратлар аллергик реакциянинг аста-секин ривожланадиган таркибий қисмларига таъсир қиласайди ва “шокли” аъзодаги номахсус юқори реактивликни йўқ қила олмайди. Дори моддани киритиш усули касалликнинг қандай кечиши ва даврига боғлиқ. Дорилар, одатда оғиз орқали, тери остига, томирлар ичига, малҳам ва кукунлар кўринишида маҳаллий ишлатилади. Уларнинг ҳаммаси гемато-энцефалик тўсиқ орқали ўтади ва шунинг учун тинчлантирувчи самарани келтириб чиқаради. Улар бир кунда 2—3 маҳал белгиланади. Уларга ўрганиб қолмаслик (самара йўқлиги) ҳамда турли асоратлар келиб чиқмаслиги учун доимий, ўн беш кундан ортиқ фойдаланиб бўлмайди.

Хозирги пайтда ҳамдўстлик мамлакатларида димедрол, дипразин, фенкарол, бикарфен каби препаратлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари чет эл препаратлари: перитол, пипольфен, супрастин, тавегил (Венгрия), лоратиден (АҚШ), азеластин (Германия) ҳам қўлланилмоқда. Охирги иккита препарат ва диазолин камроқ тинчлантирувчи таъсир кўрсатади. Фақат фенкаролгина гистаминазани кўпайишини таъминлайди ва гистаминни емиради.

Пипольфен жуда юқори тинчлантирувчи хусусиятга эга ҳамда у М-холинолитик самара беради (балғамни

қуюқлаштиради). Қатор препаратлар узоқ вақт давомида ишлатилганда гистаминолибератив хусусиятга эга булиб қолади. Бу уларнинг цитотоксик (ҳужайра учун заҳарли) таъсири билан бөглиқ. Бу хусусият пипольфенда, дипразинда ва тераленда яққолроқ кўринади.

Бир қанча препаратлар фақат гистаминга қарши таъсири кўрсатиб қолмай, кўпроқ сератонинга қарши таъсири ҳам кўрсатади (сандостен, перитол) ёки холинолитик фаолликка эга бўлади (ипратрониум бромид, азатадин). Кейинги йилларда секин реакция берувчи субстанция антогонисти ҳисобланган препаратлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Медиаторларга қарши препаратлар билан даволашнинг самарадорлиги ҳар хил. Булар 30 фоиздан 70 фоизгача ижобий натижаларни беради. Улар, асосан касалликнинг хуружи даврида белгиланади. Одатда, улар даволаш бошлангандан 3—4 кун кейин ўз самарасини кўрсатади ва бемор 1 ой давомида қониқарли аҳволда булиши мумкин.

Аллергик касалликларни даволашда гистамин эритмаси ҳам қўлланилади. Гистаминнинг 10^{-7} эритмаси 0,1 миқдордан бошлаб тери орасига қилинади ва ҳар сафар 0,1 мл ошириб борилади. Бронхиал астма билан касалланган беморларга гистамин билан даволашнинг ингаляция усуллари таклиф этилган. Улар, одатда гистаминнинг 10^{-8} эритмаси билан қилина бошланиб, энг юқори эритма ҳисобланган 10^{-4} билан якунланади. Аллергик касалликларни даволашда гистамин ва гаммаглобулиндан таркиб топган гистоглобулин препаратидан кенг фойдаланилмоқда. У организмга киритилганда қонда эркин айланиб юрувчи гистаминни бояглаб олувчи гистаминга қарши антитело вужудга келади. Гистоглобулин, асосан касалликнинг тинч даврида қўлланилади. Даволаш 2 мл дан тери остига қилинадиган 5 та инъекциядан иборат. У ҳар 3—4 кунда 1 марта қилинади. Болаларга 0,1 мл миқдорда тери ичига қилишдан бошланади, ҳар бир кейинги инъекция 0,1 мл миқдорга оширилиб борилади. Ҳаммаси булиб ҳар 2 кун оралигига 10 та инъекция қилипади. Охирги инъекция 1,0 мл миқдорда қилинади. Бу даво-

лаш усулида ижобий натижалар 6 ойдан 1 йилгача сақланиб қолади.

Медиаторларга қарши янги препарат — гистосератоглобулин тез содир бұладиган аллергик реакциянинг қўпчилик медиаторларига таъсир қиласди. Уни 2 мл дан тери остига ҳар 4 кунда бир марта қилинади (8 инъекция). Серотининг қарши препаратлар мигренни, озиқ-овқат аллергиясини, серотонин типидаги бронхиал астмани даволашда кенг қўлланилмоқда. Уларга дезерил (бир кунда 15мг), периактин (бир кунда 20мг), стугерон (бир кунда 75мг), диэтиламид бромлизергин кислота (8мг) киради.

Брадикининг қарши моддалар кўпроқ сурункали, қайталанувчи қаварчиқларни даволашда қўлланилади. Уларга: пармидин, ангинин, продектин, гливанол киради. Даволаш узоқ вақт (1—2 ой) давом этади.

Кинин тизимининг ингибиторлари (тормозловчилар). Ферментта қарши препаратларга трасилол, контрикал, калликреин, плазмин киради. Уларга яна эпсисилон-аминокапрон кислота (1% эритмаси—100 мл томчи усулида қилинади) ва гепарин (5000 бирлик қорин соҳасига), трасилол (10000 ТВ вена ичига) қаварчиқлар хуруж қилган даврда белгиланади. Улар кининогенни брадикининг ўтишига тўсқинлик (қаршилик) қилиб, калликреин тормозловчиларнинг ишини меъёrlаштиради. Калликреинкин тизими ҳолатига таъсир кўрсатувчи препаратлар қонни ивitiш орқали плазминогенларни плазминга ўтиш даражасига таъсир кўрсатади, плазмин эса кининогенларни брадикининг ўтишини тезлаштиради.

Мембрани стабиллаштирувчи дори-дармонлар (интал, задитен). Интал маҳаллий қўлланилади, у сувда яхши эрийди, аммо ошқозон-ичак йўлида яхши сўрилмайди. Тўйинган ҳужайралардаги цАМФ миқдорини кўтаради ва шу билан уларни тузилишидаги бузилишлардан сақлайди, спазмолитик хусусиятга эга эмас. Тезкор аллергик реакцияларда қўллаш тавсия этилади. Аллергик реакцияларни олдини олувчи (профилактик) таъсир кўрсатади. У тўйинган ҳужайралардан гистамин ва секин реакция берадиган

субстанция ажралиб чиқиши жараёнини олдини олади ва мембраннынг муқимлигини сақлайди.

Инталнинг тўйинган ҳужайраларга таъсири кальцийли найчалар рецепторлари орқали амалга оширилди. Интал нишон ҳужайраларнинг кальцийли найчаларини кенгайиб, уларга кальций тушишига ва унинг натижасида юзага қеладиган силлиқ мушакларнинг қисилишига (спазмга) қаршилик кўрсатади. Шунинг учун интал яна кальцийнинг антогонисти ҳам ҳисобланади. Юқори даражадаги таъсири 20 дақиқадан кейин бошланади, ижобий самараси 6 соатгача давом этади. Интал (20 мг) капсулаларда чиқарилади.

Бурун бўшлиғига бурун ингаляторлари орқали, бронхларга эса “Спинхалер” типидаги турбоингалятор ёрдамида киритилади. Бундан ташқари инталнинг фақат маҳаллий ишлатилганда таъсир қилишини ҳисобга олиб, унинг бошқа дори шакллари ҳам чиқарилган: бронхлар учун – суюк аэрозоль (интал-5), бурунга ишлатиш учун-ломузол, қузга томизиш учун – оптикром, оғиз орқали қўллаш учун – налкром. Инталнинг бу шакллари аллергик касалликларни бронхларни, бурунни, кўзларни ва ошқозон-ичак тизимини даволашда мувофиқ равишда ишлатилади. Интал узоқ вақт давомида қўлланиладиган препарат (ойлар ва ҳатто йиллар). Уни қўллаганда томоқ қуриши каби асоратлар кузатилади. Ундан яна маҳсус даволаш пайтида касаллик хуружини олдини олиш учун ҳам фойдаланилади. Кўпчилик мутахассисларнинг фикрича, интал аллергик касалликларнинг атопик турларида кўпроқ самара беради. Уни 2 ёшдан катта болаларда қўллаш мумкин.

Задитен (кетотифен) – гистаминга, серотонинга қарши ва ацетилхолинга қарши фаолликка эга бўлган препарат. У медиаторлар ажралиб чиқишига, шу жумладан, мастоцитлардан секин реакция берадиган субстанцияни чиқишига тўсқинлик қилиб, H_1 ҳужайрадаги гистамин рецепторларини boglab олади. Аллергик реакциянинг биринчи типиси ва атопик турларида самарали ҳисобланади. Тўйинган ҳужайралар мембраннынг муқимлигини сақлайди. Қатор тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича задитен лейкот-

риенлар ва хемотаксик омиллар ажралиб чиқишини пасайтиради, бронхларнинг бета-адрenerгик рецепторлари сезувчанлигини оширади, бронхларнинг юқори реактивлигини пасайтиради.

Задитеннинг ножӯя таъсирларидан уйқучанлик ва оғиз қуриши кузатилади. Битта таблеткадан (1 мг) бир кунда икки маҳал белгиланади. Задитеннинг юқори самарадорлигини ҳисобга олиб, уни узоқ вақт давомида (1 йилгача ва ундан ортиқ вақт) кўллаш мумкин. Бу препаратни олти ёшдан катта болаларда қўллаш мумкин. Интал билан задитеннинг бир вақтда қўлланилишидан даволаш самарадорлиги ошганлиги кузатилган.

Кальций антогонистлари. Бронхлар силлиқ мушакларининг қисқариши ва бунга жавобан кимёвий медиаторларнинг ажралиб чиқиши кальций ионларининг ҳужайраларига кириши билан боғлиқ. Бунда ҳужайра ичидаги аллергик реакцияларда медиаторлар ажралиб чиқиши жараёнини ишга туширувчи оқсил — кальмодулин фаоллашади.

“Шокли” аъзо ҳужайраларидаги кальций миқдорининг кўпайиши шиллиқ ажралиб чиқишига имкон яратади, бронхларнинг реактивлиги ортади ва беморнинг жисмоний ишга қобилияти пасаяди. Ҳужайра ичига кальцийнинг кириши кальцийли найчалар орқали бошқарилади. Кальцийнинг ҳужайра ичига киришини тормозловчи (тўхтатувчи) препаратлар кальций найчаларининг кенгайишига тўсқинлик қилади, фибробластлардан кальций ажралиб чиқишини пасайтиради ва кальцийнинг антогонистлари ҳисобланади. Уларга қўйидаги препаратлар киради: нифедипин, коринфар, адалат ва верапамил. Булар битта таблеткадан бир кунда 3 марта белгиланади. Кальций антогонистлари қон босимини ҳам пасайтиради. Бу препаратларни тил остига қўйиш ўюли билан ишлатиш мумкин. Ножӯя таъсирларидан — бош оғриғи, юракнинг тез уриб кетиши кузатилган.

Витаминлар. Организм сенсибилизацияланганда баъзи тўқималарда витаминларнинг тўпланиб қолиши юз беради. Бу эса гиповитаминосга олиб келади. Витаминлар алмашинувининг бузилиши айниқса гормонлар

билан даволанаётган беморларда күпроқ кузатилади.

Витаминларнинг Е, РР, С гуруҳлари иммунитетнинг турли бўгинларига таъсир қилиши кузатилган.

Витаминлар алмашинувида иштирок этувчи баъзи фермент тизимлари зарарланиши аниқланган. Витаминларнинг В, РР ва С гуруҳлари глюкокортикоидлар биосинтезида иштирок этади. Аллергик касалликларни даволашда В₁, РР, В₆, С витаминларни белгилаш тавсия этилади.

Микроб ва вирусларга қарши препаратлар. Аллергик касалликлари бўлган беморлар замбуруглар, вируслар ва бактериялар келтириб чиқарадиган ёндош яллигланиш жараёнлари ривожланишига ниҳоятда берилиувчан бўладилар. Масалан, ўткир респиратор вирусли инфекция (ОРВИ) аллергик касалликни бошлинишидан олдин келади ёки сурункали аллергик касалликни ривожланишида ишга туширувчи механизм бўлиб хизмат қиласди. Гриппга қарши эмлаш ҳам юқори нафас йўллари аллергик касалликлари хуружини келтириб чиқариши мумкин. Вируслар ва бактериялар антиген функциясини бажарибгина қолмай, эндотоксинлари билан тўғридан-тўғри мастоцидлардан гистамин ажралиб чиқишига имкон яратади (псевдоаллергик реакция).

Ўткир респиратор вирусли инфекциядан кейин юқори нафас йўллари аллергик касалликлари ривожланган беморларни даволашда вирусга қарши препаратлардан интерферон ремантадинларни қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Кўпинча юқори нафас йўллари ва ошқозон-ичак тизими аллергик касалликларида уларни замбуруглар билан зарарланиши кузатилади. Замбуругли инфекциянинг биргаликда ривожланиши ҳам даволашни талаб қиласди. Нистатин ва леворин таблетка ҳолида 2—4 млн ТБ миқдорда тавсия қилинади. Юқори нафас йўллари аллергик касалликларида бу препаратларнинг натрийли тузлари аэрозоль ҳолатида белгиланади. Бундан ташқари замбуругларга қарши бошқа препаратлар амфотерицин – В, амфоглюкаминларни ҳам қўллаш таклиф қилинган. Аммо охирги препарат кўп ҳолларда ножӯя таъсир кўрсатади ва буйрак учун заҳарли ҳисобланади. Болаларга карамель

шаклидаги декамин белгиланади. Маҳаллий ишлатиш учун генцианвиолет, метилвиолет, хинозолнинг 1:5000 нисбатда сувдаги ёки спиртдаги эритмалари тавсия қилинади.

Бактериал инфекциянинг қўшилиб, ривожланиш ҳолларида бактерияларга қарши даволаш олиб бориш талаб қилинади. Узоқ вақт таъсир кўрсатадиган бирикма ҳолидаги препаратлардан бисептол, потесептил, сульфадиметоксинни белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Нитрофуран стафилококкларга қарши фаоллик кўрсатади. Фурациллиннинг 0,2 фоизли эритмаси, фуразолидон ва фурагинлар ингаляция йўли билан ишлатилганда ижобий натижада беради.

Аллергик касалликлари бўлган беморларда хуруж даврида яллигланиш ўчогининг бўлиши антибиотиклар қўллашни талаб қилди. Бундан ташқари антибиотиклар умумий супрессив (иммунитетни пасайтирувчи) таъсир ҳам кўрсатади, лейкоцитларнинг фагоцитар фоллигини камайтиради, лимфоцитларнинг ДНК ни қайта тикланишидаги имкониятини бузади. Шунинг учун уларни қатъий кўрсатма асосида касалликнинг юқумли аллергик турларида, хуруж даврида белгилаш лозим. Антибиотикларни белгилашни қуийидаги қонун-қоидаларга асосланган ҳолда олиб бориш керак: сезувчанлиги бўйича кўпроқ самарали бўлган препаратни танлаб олиш, етарли даражада юқори бўлган миқдорда белгилаш, ўн кундан ортиқ вақт давомида қўлламаслик, бир-бирига қарши таъсир кўрсатиш эҳтимоли борлигини ҳисобга олиб, икки хил антибиотикни бир вақтда белгиламаслик, пенициллиннинг аллергенлик хусусияти юқорилигини ҳисобга олиб, уни умумий аллергик хасталикларни даволашда ишлатмаслик.

Табиий антибактериал препаратлар ҳам кенг қўлланилмоқда. Ингаляция усулида даволаш учун хлорфиллиптнинг 1 фоизлик спиртдаги эритмаси ишлатилади, у физиологик эритма билан 1:3 нисбатда аралаштирилади. Лизоцимнинг 0,05 фоизли эритмаси ҳам бактерияларга ва вирусларга қарши юқори фаолликка эга бўлиб, ингаляция қилинганда нафас йўллари шиллиқ қаватининг табиий чидамлилигини оширади.

Асаларилар томонидан ишлаб чиқариладиган

маҳсулот — прополис ҳам юқори даражада бактерия ларга қарши қурашиш хусусиятига эга. Унинг 18 фоизли спиртдаги экстракти 10 томчидан бир кундан 3 марта қабул қилинади. Ингаляция учун 1 фоизли эритмаси белгиланади. Юқори миқдорда фитонцид моддаларни ўзида сақловчи маҳсулотлар саримсоқ пиёз экстракти (аллилсат) ва пиёз экстракти (аллилчеп) ҳам бактерияларга қарши юқори фаолликка эга. Ингаляция учун уларни физиологик эритмада 1:6 нисбатда олинади. Маълумки, заҳарланиш ҳолати (интоксикация) инфекция хуруж қилганда иммуносупрессив (иммунитетни пасайтирувчи) таъсирга эга бўлади. Бу салбий оқибатни йўқ қилиш мақсадида томир ичига поливинилпиролидон препарати (гемодез, некомпесан) белгиланади. Улар қон-томир ичидаги заҳарли моддаларни боғлаб олиб, организмдан чиқариб ташлайди. Энг юқори миқдори 400 мл дан икки кун давомида қилинади.

Протозой инфекция билан қўшилиб келган ҳолларда (трихомонадоз, лейшманиоз, амебиоз) қўшимча равишда метронидазол, трихопол, нитазол ва бошқалар белгиланади. Даволаш 5 кунгача давом эттирилади. Бу препаратлар бактерияларни ўсишини тўхтатувчи таъсир кўрсатиш билан бир қаторда иммунитетни кучайтирувчи самара ҳам беради. Бу аллергик касалликлари бўлган bemорларни даволашда муҳим аҳамиятга эга.

Иммуномодуляторлар. Кўпгина аллергик касалликларда иммунитетнинг пасайиб кетганлигини кўрсатувчи иккиламчи иммунодефицит (иммунтанқислик) — иммун ҳолатидаги бузилишлари аниқланади. Шунинг учун кейинги йилларда аллергик касалликларни иммуномодуляторлар билан даволашга ҳаракат қилиняпти. Улар шартли равишда 3 гуруҳга бўлинади:

а) иммунореставраторлар. Улар ўрнини босувчи сифатида ишлатилади (иммуноглобулинлар, интерферон, тималин);

б) иммуностимуляторлар (иммунитетни кучайтиришга ёрдам берувчи левамизол, Т-активин, натрий нуклеинат);

в) иммуносупрессорлар (иммунитетни пасайтирувчи кортикостероидлар, цитостатик моддалар).

Йилдан-йилга янги препаратлар ишлаб чиқарылмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, бу гуруҳга киравчি дориларнинг ҳаммаси фақат даволаш пайтидаги на эмас, даволашга қадар ва даволашдан кейин иммунологик назоратни талаб қиласиди. Уларни иммун ҳолати қандай аҳволдалигини аниқ билмай туриб белгилаш – фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиради.

Кўпгина иммуномодуляторлар ҳозирги пайтда клиник синов босқичида, чунки даволаш ишларини фақат яхши иммунология лабораториялари бўлган жойлардагина олиб бориш мумкин. Шунинг учун улар ҳали кенг тарқалгани йўқ. Айрим препаратлар тўгрисида муфассал тўхталиб ўтамиз.

Юқори нафас йўллари аллергик касалликларида баъзи иммуномодуляторларни маҳаллий қўллаш вилоzen) яхши самара беради. Натрий нуклеинат 0,4 г дан бир кунда 3 марта ўн кун давомида белгиланади. Бу препарат (гипофиз) мия ортиги ички секреция бези, буйрак усти тизими фаоллашувига ёрдам беради. Иммунитетнинг 1-тизими ва фагоцитозни рагбатлантирувчи продигиозан – бактериал полисахарид ингаляция кўринишида 1,0 г дан 10 кун давомида қўлланилади. Кичик миқдордаги интерферон ҳам юқори даражада иммунитет кўтариш хусусиятига эга. Катта миқдорларда эса иммунитетни пасайтирувчи таъсир кўрсатади. Уни ингаляция кўринишида маҳаллий қўллаш мумкин. Шифокорлар анчадан бери сплениндан фойдаланишмоқда. У лимфа тўқимасининг иммун функциясини ва антитело ишлаб чиқиши яхшилайди.

Тимусдан айрисимон без функциясини ўрнини бо-сувчи бир неча фаол аминокислоталар бирикмасидан ҳосил бўлган оқсилсимон органик бирикмалар олинган. Улар организмнинг вирусларга, замбуругларга ва бактерияларга нисбатан чидамлилигини оширади. Уларга: тимозин, тималин, Т-активин киради. Улар тимус орқали доимий равишда ишланиб чиқилади. Улар Т-лимфоцитларни рагбатлантирадилар. Иммун дефицитнинг организмда бўлиши уларни белгилаш учун кўрсатма ҳисобланади.

Даволаш турли хил тартибда олиб борилади. Тактикасын күпинча 1 мг дан ҳафтада бир марта қилинади. Бу препаратни болаларда ҳам құллаш мүмкін: қар 1 кг тана оғирлигига 1,5 мг миқдорда 1 ҳафтада 1 марта, ҳаммаси бұлиб 3—4 инъекция қилинади. Касалликнинг клиник күриниши яхшилаши иммун күрсаткичлар меъёрлашиши билан биргаликда кечади.

Инсон организми иммуноглобулинларидан олинган турли препаратлар ҳам муваффақиятли құлланылмоқда. Улардан күпчилигини 1000 ва ундан ортиқ соглом одамдан олинган иммуноглобулинлар йигиндисининг эритмаси ташкил қиласы. Улар энг күп тарқалған микробларга қарши синфа киравчи табиий антителоларнинг ҳаммасини үзіде сақлады. Иммуноглобулинлар фақат антитело етишмаслиги ўрнини тұлдирибінә қолмай, иммунитетнинг турли бүгінларига ҳам таъсир күрсатади, иммуноглобулинларнинг 4 та синфини үзіде сақлады. Бунда IgG комплементта жойлашиб, IgG₂ ва IgG₄ юқори нафас йұлларыда гуморал ҳимоя вазифасини бажаради. Уларни белгилаш учун асосий күрсатма антителолар етишмовчилеги ҳисобланади. Францияда аллергик фаоллиги юқори бұлған аллергоглобулин ишлаб чиқарылмоқда.

Уфа вакцина-зардоб илмий тадқиқот институтыда юқори даражада аллергияга қарши фаолликка эга бұлған препарат — иммуноглобулин яратылды.

Гормонлар. Аллергик касалликларни ривожланиши жараёнида эндокрин (ички секреция) тизимида үзгаришлар муҳим ўрин тутади. Масалан, овариальменструаль циклидаги бузилишлар бронхиал астма кешишини оғирлаштиради. Аллергик касалликлари бұлған беморларда күпинча қалқонсимон без функцияси күтарилғанлиги күзатылади. Бу ҳолларда гормонал препаратларни (прогестерон, метилтестостерон) құллаш ижобий натижаларни берди. Гипофиз—буйрак усти тизими функциясидаги бузилишлар глюкокортикоид етишмовчилек ривожланишига олиб келади. Бу ҳолларда аллергик касалликлари бұлған беморларни даволашда гормонал препаратлар құллаш талаб қилинади. Аллергик касалликларда глюкокортикоид-

лар етишмовчилигининг ривожланиши буйрак усти безлари функциясининг пасайиши, жараённинг хуруж вақтида гормонал парчаланишининг кучайиши, кортизол алмашинувининг секинлашиши билан bogliq. Кортикостероидлар аллергик касалликларни даволашда 35 йилдан кўпроқ вақт мобайнода қўлланилмоқда. Кортикостероидларнинг яхши таъсири натижалари узоққа бормай, тезда беморларнинг ҳам, шифокорларнинг ҳам хавфсалалари пир бўлди. Чунки уларни қўллаш кўп ҳолларда гормонга bogliqlik ва бошқа бир қатор асоратларга олиб келади. Маълумки, аллергик ва тўқималарни шикастловчи аутоаллергик касалликларда иккита механизм иштирок этади. Иммунли механизмда бузилиш тўғри йўл орқали гуморал ва ҳужайра цитотоксик механизmlари орқали ёки томир деворларига иммун бирикмаларнинг ўтириб қолиши орқали юз беради.

Тўқималар бузилиши оқибатида гиперэргик (реактивликнинг хаддан зиёд ортиб кетиши) яллигланиш вужудга келади. Бу эса касаллик келиб чиқсан аъзонининг тузилиши ва функциясининг бузилишини кучайтиради. Глюкокортикоидлар яққолроқ ифодалангандан самарани лейкоцитлар орқали, чунончи уларни тақсимлаш орқали, ҳаракатга тушириш орқали амалга оширади. Шу билан бир вақтда глюкокортикоидлар таъсири остида лейкоцитларнинг функционал хусусиятлари ҳам ўзгаради. Шунинг учун касаллик клиникасида глюкокортикоидлар, асосан яллигланишга қарши самара кўрсатади, яъни микроциркулятор (капиллярлар, венулалар) ўзани ўтказувчанлигини пасайтириш, лейкоцитларнинг кўчиб юришини йўқ қилиш, ҳужайра мембраналарини муқим ҳолда сақлаш. Шу билан бир вақтда уларнинг иммунитетни пасайтирувчи хусусияти ниҳоятда кучсиз. Шунинг учун глюкокортикоидларни иммунитетни пасайтирувчилар (иммунодепрессантлар) гуруҳига киритиш мумкин эмас. Кортикоидларнинг кўргина антигенларга қарши антителолар пайдо бўлишига қаршилик кўрсатмаслиги исботланган ҳамда у кўчириб ўтказган тўқима ёки аъзони (трансплантант) ўз хўжайинига қарши реакциясини ҳам тормозлайди. Шу сабабдан

глюкокортикоидлар фақат касалликнинг яллигланиш белгилари яққол ифодаланган босқичларида юқори са- мара беради. Касаллик суст, сурункали кечган ҳолларда уларнинг самараси паст бўлади.

Бронхиал астманинг инфекцион-аллергик турлари узоқ вақт мобайнида кечишида у аутоаллергик касаллик хусусиятларига эга бўлиб қолади. Бу ҳолларда кортикоидлар кам самарали бўлади. Кортикоидлар аллергик реакцияларнинг III ва IV типларига ҳамда тез содир бўладиган реакцияларнинг кечки босқичларига кучлироқ таъсир кўрсатади. Беморлар организмига кортикоидларнинг таъсир қилиш механизми кўп томонлама ҳисобланади. Улар антиген-антитело реакциясини босади, В-лимфоцитлардан антитело вўжудга келишига қаршилик кўрсатади, сенсибилизацияланган лейкоцитлар орқали “шокли” аъзонинг бузилишини, шикастланишини тўхтатади.

Гормонларнинг bemor организмига таъсири — ҳужайра ядроидан маҳсус протеин-макрокортиннинг ишланиб чиқиши билан боғлиқ, бу аденилатцилаза ферментини фаоллаштирувчи нишон-ҳужайранинг цАФМга сезгирилигини қайта тикловчи, А₂ фосфолипаза ферментини пасайтирувчи арахидон кислотасининг алмашинувидан ҳосил бўлган моддалар (лейкотриенлар, F₂ простагландинлар) олиб ташловчи, анафилаксия мебдиаторларининг ишлаб чиқарилишини тўхтатувчи таъсир кўрсатади. Конда глюкокортикоидлар қон оқсиллари транскортин ва альбумин билан боғланган ҳолда туради. Кортикоидлар оғиз орқали қабул қилинганда парэнтерал киритилгандагига қараганда биотрансформацияга (шакл ўзгартириш) 2—3 марта сенкинроқ учрайди. Шунинг учун улар кичик миқдорларда бўлса ҳам, лекин секин таъсир кўрсатади.

Буйрак усти безлари заарланишини камайтириш мақсадида препаратнинг бир кеча-кундузлик миқдори эрталабки соатларда берилади. Бронхиал астманинг атопик тури билан касалланган bemорларда кортикоидларнинг қондаги умумий иммуноглобулин миқдорига таъсири бир хил аҳамиятга эга эмас. Дастлабки икки ҳафтада IgE кўтарилади, 3 ҳафтадан кейин охирги даражасига қайтади, 4 ҳафтадан кейин эса па-

саяди. Демак, глюокортикоидлар аллергик қасалликнинг ривожланиш механизми ва клиникасининг барча бўғинларига таъсир қилиш йўли билан аллергик қасалликлари бўлган беморлардаги юқори реактивлик нинг пасайишига кўмаклашади.

Ҳозирги вақтда шифокорлар глюокортикоидларнинг синтетик йўл билан олинган катта гуруҳини қўлламоқдалар: преднизолон, дексаметазон, триамцинолон, кенакорт, кеналог-40. Охирги препарат узоқ вақт давомида таъсир қилиш хусусиятига эга, шунинг учун беморларга 3–4 ҳафтада 1 марта қилинади. Янги йигма препарат дипроспан ҳам қатор афзалликларга эга бўлиб, уни 40 кунда 1 марта мушаклар орасига қилиш мумкин. У минерало кортикоидлардан тозалangan. Гормонларнинг миқдори, тартиби ва киритиш усули (ҳар куни, кун ора; мушаклар орасига, таблетка ҳолида) қасалликнинг турига ва қандай оғирликда кешишига bogлиқ. Энг юқори кечакундузлик миқдори 2000 мг. Кортикоидларни юқори миқдорда узоқ вақт давомида қўллаш натижасида жуда кўп асоратлар келиб чиқиши мумкин. Булар ошқозон яраси, Күшингоид синдроми, остеопороз, қон айланишининг катта доирасида қон босимининг кўтарилиши, буйрак усти безлари атрофияси ва бошқалар. Кортикоидларни гормонга bogлиқлик бўлган беморларга белгилаш ва тўхтатишда катта эътибор билан қарааш лозим. Уларни болаларга белгилашда ҳам эҳтиёркорлик лозим. Сўнги йилларда гормонларни маҳаллий қўллаш, яъни “шокли” аъзога суртиш орқали (терига, юқори нафас йўллари шиллиқ қаватларига) фойдаланиш кенг тарқалган. Бунда қонда медиаторлар ва Е иммуноглобулинлар ишлаб чиқаришнинг пасайиши кузатилади. Аэрозол ҳолидаги маҳаллий кортикоидлар (бекламетазон, бекотид) ўзларини ижобий томонларини кўрсатдилар. Улар препарат миқдорини бирмунча пасайтириб (10 мартаага), анча кам асоратлар беради. Бронхиал астмани даволашда маҳаллий кортикоидларни қўллаш натижасида юқори самарадорликка эришилди. Будисолид, флунизонид, пульмикорт, альдецин ва азмакорт шулар жумласидандир. Қуруқ аэрозол ҳолидаги кортикоидлар янада самаралироқ ҳисобланади.

Адреномиметиклар. Бу моддалар нишон ҳужай ранинг бета-2 адренорецепторларини рағбатлантиради, АТФ дан цАМФ нуклеотидни синтез қилиш учун зарур бўлган аденилатциклава ферментини фаоллаштиради. Адреналин ва эфедрин силлиқ мускуллар қисқаришини йўқ қиласди ва мускуллар томирларини кенгайтиради ҳамда юрак қисқаришларининг сонини ва кучини кўпайтиради, шиллиқ қават ва терининг периферик томирларини торайтиради. Бу эса ўпкада газ алмашнивуви ва қон алмашинувилари бузилишига олиб келади.

Шунинг учун бронхиал астмада адреналинни қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Адреналиннинг, 1 фоизли эритмасини 0,5 мл дан кўп бўлмаган миқдорда киритиш лозим. Кўпроқ уни томир торайтирувчи сифатида маҳаллий қўллайдилар. Эфедрин адреналинга қараганда “юмшоқроқ” таъсир кўрсатадиган препарат. Адреналиндан фарқли ўлароқ ундан парентерал ва ингаляция ҳолида ҳам фойдаланиш мумкин. Унинг 5 фоизли эритмаси мускуллар орасига юборилади. Болаларга бир кечакундузда 0,01—0,03 г берилади. Бу гуруҳ препаратлар қўзгалишни келтириб чиқаради, уйқу бузилиши ва бошқа ножӯя таъсирлари ҳам бор.

Бета-рецепторларининг рағбатлантирувчилари. Бу препаратлар ҳам катта гуруҳни ташкил қиласди. Уларга орциприналиин сульфат, изадрин киради. Улар 4—5 ёшдан бошлаб ингаляция ҳолида қўлланилади. Энг самарали ҳисобланган бронхолитик — бу фенотеролгидробромид — беротек ҳисобланади. Беротек аэрозоли бронхлар сиқилишини 8 соат давомида юзага келтирмайдиган таъсир кўрсатади. Сўнги йилларда “дитеқ” деб ном олган аэрозоль препарат яратилди. Унинг таркибини беротек ва интал ташкил қиласди. Бундай бирикма бронхиал астманинг хуруж даврида интални қўллашга имкон беради.

Холинолитиклар. М-холинолитиклар (атропин, ипратропиум-бромид, беладонна препаратлари, теофедрин, антасман, солутан). Улар ҳужайра М-холинорецепторларини боғлаб олади ва цГМФ синтезини пасайтиради, туйинган ҳужайраларнинг тузилишидаги бузилишларни пасайтиради. Ножӯя таъсирлари: балгамни қуюклаштириш, оғиз қуриши, ичаклар атонияси,

юракнинг тез уриши, кўз қорачиқларининг кенгайиши. Ипратропиум-бромид ингаляция кўринишида белгиланади. Беродуал ҳам юқори самарага эга, у бир вақтнинг ўзида М-холинолитик ва В-адреномиметик (беротек+ипротропиумбромид) ҳисобланади.

Пуринли бирикмалар. Теофиллин – бу диметилланган ксантин теобромуинга ўхшаш. У нафақат спазмолитик, балки аллергияга қарши препарат ҳам ҳисобланаб, қон ҳужайраларида цАМФ йигилишини амалга оширади. У нишон-ҳужайраларни простагландинларга ПГТ₂ сезувчанлигини пасайтиради, бронхларни гистамин ва ацетилхолинга сезувчанлигини пасайтиради. Бу гуруҳ препаратларни 14 ёшгача бўлган болаларда қўллаш мумкин эмас.

Муколитик моддалар. Улар, айниқса нафас йўллари касалликларида ва қуюқ шиллиқларни ташқарига чиқаришда қўлланилади. N-ацетилцистеиннинг 10 фоизли эритмасини ингаляция қилиш ниҳоятда самарали ҳисобланади. Бундан ташқари тахоликвиннинг 1 фоизли эритмаси, ошқозон ости безининг протеиназлари (трипсин, химотрипсин) ҳам белгиланади. Альфа₁ – антитрипсин етишмовчилигида (танқислигида) ферментларни қўллаш, айниқса трипсинни қўллаш ман этилган. Чунки у брадикининни фоллашишига ёрдам беради.

АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАРНИ БОШҚА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ

Кейинги йилларда экстракорпорал (организмдан ташқари) даволаш усуллари кенг тарқалди (гемосорбция, иммуносорбция, плазмофильтрация, плазмоферез, криофильтрация, цитоферез).

Гемосорбция. Гемосорбция усули аллергик касалликларнинг оғир турларини (полисенсибилизация билан бирга учрайдиган шаклларини) маҳсус даволаш усуллари билан даволашнинг иложи бўлмаган ҳолларда энг яхши даволаш усули ҳисобланади. Гемосорбциядан кейин иммунологик кўрсаткичлар ўзгаради, дори моддалар таъсирига “шокли” аъзонинг жавоб реакцияси тикланади, юқори сезувчанлик пасаяди. Бундан ҳужайра мембраналари, фермент тизимлари ва рецеп-

торлардаги құзғалишлар үтказилмаслик ҳолати йүқолади. Гемосорбция иммун гоместазни (организмнинг үз ички мұхити таркибини доимо бир хилда сақладаб туриш хусусиятини) тиклайды. Гемосорбциядан кейин биринчи 3 күн ичидә беморларда қонда айланиб юрувчи иммун бирикмаларнинг камайиши күзатылған, фагоцитоз ва нейтрофилларни рецепторлық фаоллиги ортади. Гемосорбция беморлар қон-томир үзәнідан паст молекулалы иммуносупрессор (иммунитетни пасайтирувчи) лимфопептидларни ДНК га қарши аутоантителони чиқариб юборишига күмаклашади, лимфоцитларнинг кортизолга чидамли турига мансуб мажмуалари камаяди. Гемосорбцияни үтказиш учун тирсак бүгимидан вена тешилади. Гепарин юборилгандан кейин (беморнинг 1 кг тана оғирлигига 300 бирликда) қон 1 дақиқада 50–60 мл тезликда махсус аппаратдаги сорбент (үзиге сингдирадиган модда) орқали үтказилади. Гемосорбция учун “АК-10” аппаратидан фойдаланыш мүмкін.

Гемосорбция учун монеликлар: хомиладорлик, суруккали инфекция ўchoқлари хуруж даврида, ички аъзоларининг оғир касалліктери, улар функцияларининг бузилишлари билан, қон касалліктери тромб пайдо бўлишига мойиллик, ошқозон ва 12 бармоқли ичак яра касаллиги хуруж даврида, қон босимининг кўтарилиши билан келадиган астма ҳолати.

Гемосорбциядаги асоратлар: маҳаллий реакциялар (инъекция қилинган жойда қон қуйилиши), “шоклі” аъзодаги реакция (бўгилиш хуружи), умумий реакциялар (юрак соҳасида оғриқлар, кўнгил айнаши, ҳолсизлик, уйқучанлик), қон босимининг пасайиши, веналарда қон ивиб қолиши (тромбозлар).

Плазмоферез, лимфоцитоферез. Даво плазмоферези – қон олиб ва центрифугалаб, плазмани ажратиш ҳамда чўқтирилган шаклли элементларни тегишли мұхитдаги суспензия ҳолида қайтадан организмга юбориш. Плазмоферез плазмани олдиндан тозалаш орқали, организмдан қоннинг суюқ қисмини баъзи таркибий бўлаклардан тозалаш: киллер ҳужайралар, антитело, айланиб юрувчи иммун бирикмалар, патологик оқсилилар ва бошқа элементларни чиқариб ташлашга

асосланган. Плазмоферезда асоратлар келиб чиқиши муолажани ўтказиш техникаси билан боғлиқ (тромбозлари) ва плазмани ўрнини босувчи суюқликлар киритилганды аллергик реакциялар юз бериши мумкин. Бу муолажада ўлим ҳолатлари 1 фоизни ташкил қиласы. Бу күпроқ ўткыр кечадиган томир етишмөвчилги (коллапс), ўпка шиши, ўткыр ўпка-юрак етишмөвчилги ва оғир инфекциялар билан боғлиқ.

Москвадаги гемотология ва қон құйиши илмий текшириш институти лимфоцитоферез йұли билан даволаш усулини таклиф қиласы. Бронхиал астма билан касалланған беморларда қупинча кортизолга чидамли, антигенга сезувчанлиги ортган лимфоцитлар аниқланады. Шу мақсадда катта миқдордаги антиген маълумот олиб юрувчи лимфоцитларни ҳұжайра фракционаторлари (таркибий қисмларга ажратувчи) ёрдамида чиқарып ташлаш усули ишлаб қылған.

Экстракорпорал иммуносорбция. Экстракорпорал терапиянинг янги йұналишларидан бири – бу махсус иммуносорбция қисбланады. Плазмани патоген таркибий қисмлари билан ўзаро таъсирлашишга қобилиятли бұлған моддалар сорбентда тутилиб, маҳкамланады. Сорбентлар селективдір. Ноиммун кимёвий усул билан заарарлы маҳсулотларни чиқарып ташлашга қобилиятли (гепарин-агароз сорбент) ва махсус сорбентларга антиген-антитело реакцияси типида таъсир күрсатады сорбентларга бұлинады. Бунда антиген сорбентта жойлашады. Бу усул организмдан реагинли антителоларни чиқарып юборышта имкон беради. Бунда қондаги IgE 85 фоизгача чиқарып ташланады, бронхиал астмаси бұлған беморларда касалликнинг тинч даври З ойгача кузатылады.

Экстракорпорал иммунофармакотерапия. Цитоферез учун мұлжалланған препарат ёрдамида лейкоцитлар олиниб, мувофиқ келувчи фармакологик препарат билан “in vitro” ишлов берилады. Кейин айнан шу организмга иммуномодуляция мақсадыда қайта қуилады. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, иммун тизимнинг медиаторлари чиқиши тұхтайди, бемор организмиңа эса дори киритилмайды. Гемотерпиянинг квантли усули қуйидеги тартибда бұллады: бәмордан олинған қон экст-

ракорпорал рентген нурлари 200 дан 1000 Грейгача до-
зада нурлантирилади, кейин эса уни қайтатдан орга-
низмга қуилади. Бунда ДНК фаоллашади, лимфокин-
лар ва монокинлар ажралиб чиқади, беморнинг аҳволи
яхшиланади.

Аллергик касалликларни даволаш учун оз
миқдорда bemордан олинган қонни (2 мл/кг оғирлигига)
кенг спектрли ультрабинафша нурлари орқали нурлан-
тириш ва уни организмга юбориш усули таклиф этил-
ган. Бир ҳафтада 1 марта (ҳаммаси бўлиб 8 марта) МД-
73 “Изольда” аппаратида ўтказилади. Бу усул орга-
низмнинг оксидловчиларга қарши тизим имкониятини
яхшилашга олиб келади.

Санатория-курорт шароитида даволаш. Аллергик
касалликларни даволашнинг самарали усулларидан би-
ри – bemорни соглигини тиклаш учун шифохонадан
санаторияга ўтказиш ҳисобланади. Шу мақсадда сана-
торияларда махсус бўлимлар очилган. Бунда bemорлар-
га Кисловодск, Ялта, “Оқтош”, “Зомин” каби курорт
зоналарини тавсия қилиш мумкин. Ёз ойларида денгиз
соҳилларида даволаниш кўпроқ бронхиал астманинг
инфекцион-аллергик турларида, баланд тогли курорт-
лар эса атопик турида тавсия қилинади. Юқори нафас
йўлларининг аллергик касалликларида минерал сув-
ларни ингаляция мақсадида қўллаш – бу курортда дав-
оланишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.
Улар муколитик ва яллигланишга қарши таъсир
кўрсатади. Нафас йўлларининг дренаж функцияси ях-
шиланади. Бронхларда ўткир яллигланиш жараёни
бўлганда ва ёндош касалликлар бўлганда баъзи физио-
терапевтик даволаш усуллари УВЧ электр майдони,
микротўлқинлар, электр уйқу қўлланилади. Бронхиал
астма касаллиги бўлган bemорларга саунанинг таъсири
ҳам ўрганилган. Иссиқ ҳаво таъсири остида кислородга
талаб ортади ва CO₂ чиқиши кўпаяди, нафас тезлиги,
ўпканинг ҳаёт ҳажми 20 фойзга ортади. Иссиқ ҳаво
нафас мускулларининг таранглашганилигини йўқотади,
ўпканинг эластиклиги яхшиланади.

Сауна даволашнинг физиотерапевтик усулiga ки-
ради. Бронхиал астмали bemорларга сауна 1 ҳафтада 1
марта белгиланади, бошида 3 марта 5 дақиқадан, кейин

3 марта 10 дақиқадан 100°С ва 20 фоиз намлик билан үтказилади.

Психотерапия. Танага оид касалликларнинг ривожланишида психиканинг аҳамияти аввалдан ўрганилган. Бронхиал астма хуружлари кўпинча руҳий кечинмалар, хафагарчиликлар оқибатида юзага келади. Гипноз ва шартли рефлекслар усулларидан иммун жавоб реакциясини, антитело маҳсулотларининг пасайишни ва ҳатто секин-аста ривожланадиган юқори сезувчанликни бостириш учун аввалдан муваффақиятли фойдаланилган.

Парҳез-тозалаш билан даволаш усуллари. Бу усули бемор 2 ёки 3 ҳафта давомида фақат сув ичади, ҳеч қандай овқатни емайди, кейинчалик тиклантирувчи озиқланиш билан якунланади. Парҳез-тозалаш усули бронхиал астманинг ўрта оғир ва оғир турларида дори моддалар ва озиқ-овқат аллергиялари билан биргаликда қўшилиб келганида қўлланиши мумкин. Қўллаш учун монеликлар: сил касалликлари, ҳомиладорлик, хавфли ўсмалар, жигар, буйрак касалликлари, 18 ёшдан кичик ва 70 ёшдан катта bemорлар. Парҳез-тозалаш усули үтказилаётган вақтда bemорга бир кеча-кундузда 2–3 л сув, уқалаш, бир кеча-кундузда 2 марта тозалаш хуқнаси, сув муолажаси, ўртacha ҳаракат режими белгиланади. Очликдан чиқиш 5–7 кун давом этади. Бу вақтда туэсиз, ўсимликлардан тайёрланган овқатлар белгиланади.

Иглорефлексотерапия (ИРТ) марказий нерв тизимига психотерапия ва аутотренингга ўхшаш таъсир кўрсатиш усули ҳисобланади. Бунда теридаги биологик фаол нукталарни қўзгатиш натижасида мускуллар билан беркитилган спинал рефлекслар, гипоталамус ва буйрак усти безлари пўстлогидаги қўзгалишлар юз бери. Бу усул асосида рефлектор ва нейрогуморал механизmlар ётади. ИРТ брон.лар үтказувчанлигини, ўпка артериясидаги систолик босимни яхшилади. Бу даволаш усулида холинорецепторларнинг қўзгалувчанлиги пасаяди, бета-2 адренорецепторларни антигенга нисбатан сезгирилиги ва уларнинг симпатомиметикларга сезгирилиги кўтарилади.

Сплеотерапия – беморларни ишланиб бўлган туз конларининг микроиклими таъсирида даволаш. Бу усул Австралия, Болгария, Венгрия, Германия, Польша, Чехия, Словакия ва бошқа ҳамдўстлик давлатларида узоқ вақтдан бери муваффақиятли равишда қўлланилмоқда. Натрий хлорнинг юқори дисперсли аэрозоли энг қулай, доимий ҳароратда, паст намлика юқори нафас йўлларининг шиллиқ ажратувчи безлари иш фаолиятини кучайтиради, балгамни юмшатади ва уларни бронхлардан чиқишини кучайтиради. Бу бронхлар ўтказувчанлигини яхшилади ва шиллиқ қаватдаги заҳарли маҳсулотларни ва микробларни камайтиради. Буйрак усти безлари пўстлоги, баъзи ички секреция безларининг ва иммунологик реактивлик кўрсаткичлари функцияларининг меъёrlашиши кузатилади. Қон айланишининг кичик доирасида босимнинг ортиши камаяди, қон айланиш яхшиланади. Масалан, Солотвино туз конларидағи микроиклим қўйидаги қулай шароитлар билан характерланади: – 23 – 24°C, намлик 20–60%, ҳаво ҳаракати тезлиги – 0,2 м/сек. Ҳаводаги натрий хлори аэрозолларининг миқдори 0,5–5,0 мг/м³, атмосфера босими 760–770 мм симоб устуни. Аэрозолларнинг ўлчами 5 микронгача бўлган қисми 70 фоизни ташкил қиласи. Даво курси конда 30 кун давомида 180–220 соат бўлишидан иборат. Туз конларининг сунъий иқлими яратилмоқда. Бу эса bemорларни тиббий муассасаларда даволашга имкон беради.

Даволашнинг физиотерапевтик усуллари. Бу муолажаларни яхшиси хуруж тутмай турган вақтда ўтказиш лозим. Аллергик ринит билан касалланган bemорларни кучи 10–25 мк А бўлган доимий электр токи бурун шиллиқ қавати рефлексоген нуқталарига 10–20 дақиқа давомида таъсир қилиш йўли билан ўтказилади. Муолажалар сони – 6–10 марта.

Бронхиал астманинг хуруж ҳолатларида қўйидаги муолажалар тавсия қилинади: УВЧ, СВЧ диаметрия диапазонда, кўкрак ораси соҳаларига 10–15 дақиқа давомида паст иссиқлик миқдорларида индуктотермия (юқори частотали магнит майдонининг организмга таъсир қилишига асосланган усул). Ультратовушнинг

кичик күчда тарқалиши режими таъсиридан ҳам яхши самара олинган. Бронхиал астмани даволашда паст кучли гелио-неон лазери муваффақиятли қўлланилмоқда. Буйрак усти безлари ва ўпка соҳаларига индуктотермия, дори моддалар билан электрофорез, УТП-И аппарати ёрдамида ультратовуш (паравертебраль ва ўмров ости соҳасига товуш беради). Муолажа 10 кун давом этади.

Жисмоний меҳнат ва спорт. Спорт билан шугулланиш З хил ижобий таъсир кўрсатади.

1. Жисмонан яхшиланиш. Бунда нафас кўрсаткичлари, юракнинг қонни ҳайдаш функцияси мускуллар кучи ва ортиқча жисмоний ишларга чидамлилик ортади.
2. Психологик самара. Беморда ўзига ишонч ва согайишга умид пайдо бўлади.
3. Ижтимоий фойда. Бемор спортсменлар билан алоқада бўлганда, спорт унинг учун ҳаётининг бир бўлаги эканлигини тушуниб етади. Масалан, 1980 йилда олимпиада ўйинларида бронхиал астма билан касалланган иккита bemor олтин медални қўлга киритган (сузиш ва югуриш бўйича).

МАХСУС ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ

Махсус даволаш усуллари 1911 йилдан бери қўлланилади. Россияда биринчи бўлиб А. М. Безредко гипосенсибилизация йули билан даволаш ишларини олиб борган. А. Д. Адонинг фикр-мулоҳазаларига қараганда аллергик касалликларни даволашда бу усулнинг терапевтик самараси IgG ни боғлаб оловчи антителоларнинг IgG ишланиб чиқишининг иммунологик механизмига асосланган. Гипосенсибилизация механизми қўйидаги жараёнларга сабаб келади: боғлаб оловчи антитело (IgG) вужудга келиши, реагинлар (IgE) синтезини пасайиши, қон нейтрофиллари орқали аллергенларни ва иммун бирикмалари фагоцитозининг кучайиши, нишон ҳужайраларнинг антигенга нисбатан жавоб реакциясини пасайиши, Т-супрессор фаоллик этишмовчилигининг меъёралишишига. АҚШ да ҳар йили 8 млн киши аллергенлар билан даволанади. Фран-

цияда эса бу рақам 500000 дан күпроқни ташкил қиласы. Аллергологик хоналарни тұлиқ ишлаши учун үртача 280 хил аллергенлар кераклиги аниқланған.

“Иммунотерапия” – даволашнинг шундай усулики, бунда бемор организмига, сезувчанлигини пасайтириш учун, аллергенлар юборилади. Бу усул ҳозирги даврда махсус аллергенлар билан вакцинация қилиш усули деб юритилмоқда. Бу усул касалликни келтириб чиқарған аллергенни үсіб борувчи миқдорда организма киритишдан иборат. Шифокор әңг юқори толерантлик миқдорига әришиш учун ҳаракат қиласы. Аллергенни әлеминацияси (истисно қилиш) – махсус даволашнинг әңг яхши самарали усулларидан бири, аммо ҳамма вақт ҳам уни үтказишни иложи бұлавермайды. Масалан, беморга үй чанги билан контактдан, яғни яқин алоқада бұлишдан қочиб қутулиш қийин. Вакцинацияни фақат узоқ вақт давомида контактта бұлишдан истисно қилиш мүмкін бұлмаган ҳолда үтказиш лозим. Аллергенларни истисно қилишга беморлар учун тайёрланған махсус аллергентиз хоналарда әришиш мүмкін.

Бу усулнинг механизми бүйича бир неча назариялар мавжуд. Аллерген беморнинг териси остига киритилгандан кейин унинг оқсилі макрофаглар томонидан үзига тортилади (ютилади), улар эса уни Т-хелперларга “топширади”. Т-хелперлар оқсилнинг аллергик детерминатларини ажратади ва В-лимфоцитларга хабар беради. В-хужайралар ва оқсилнинг аллергенли детерминанти бир хил бұлган ҳолларда антитело маҳсулотлари учун хабар берилади. В-лимфоцитлар вакцинация нағијасыда юзага келдиган синф антителоларни боялаб олиш қобилятига әга бұлган плазматик ҳужайраларда ажратылади. Юқорида айтиб үтилған антитело түйинган ҳужайра мембранның жойлашған реагинларга (IgE) аллергенни бирикишига түсқинлик қиласы. Боглаб олувчи антителонинг етарлы миқдорда бұлмаслиги сенсибилизацияланған түйинган ҳужайраларни бузилишлардан (дегрануляциядан) ҳимоя қиласы олмайды. Бирок қондаги боялаб олувчи антителолар IgG титри билан даволашнинг клиник самараси орасыда аниқ болғылғыларнинг йүқлигі бу гипосенсибилизация-

нинг бирдан-бир механизми эканлигини тахмин қилишга имкон беради. Аллерго-вакцинацияни яна А иммуноглобулинлар синфини вужудга келтирувчи плазмоцитларни рагбатлантириш, деб ҳам тушунтирилади ва улар аллергенларни боғлаб олади. Бундан ташқари махсус даволашдан кейин IgE антителолари учун рецепторлар миқдорини камайиши ҳисобига түйинган ҳужайралар ва базофилларнинг реактивлиги пасаяди. Лимфоцитларнинг супрессорлик (пасайтирувчи) омиллари катта миқдорда ажралиб чиқади. Бу IgE ажралиб чиқишининг камайишига ва IgG ажралиб чиқишининг күпайишига олиб келади. Буларнинг ҳаммаси антитело ажралиб чиқишининг пасайишига ва медиаторлар озод бўлиш жараёнининг бузилишига олиб келади.

Аллерго-вакцинациядан кейин ижобий самаранинг давомийлиги кўпгина омилларга: юқори сезувчанликнинг даражасига, иммун ҳолатга, даво пайтидаги хуруж ва асоратларга боғлиқ. Даволаш бошлангандан ўрта ҳисобда 15—20 ҳафталардан сўнг толерантлик юзага келади. Одатда, даво курси белгиланади. У энг кичик таъсир этиш бўсағасидаги миқдордан бошланади. Ҳар кейинги миқдор 0,2 мл га орттирилиб борилади. Мутахассислар томонидан даволашни турли тартибда ўтказиш усуллари таклиф қилинган. Бу усўл бемор кўтара оладиган энг юқори миқдор билан (10^{-1} ва ундан юқори) яқунланади.

Кўпчилик мутахассислар энг кичик таъсир этувчи миқдордан бошлаб ва секин-аста уларни ошира бориб даво курсининг охирида аллергеннинг ўзини киритишга ҳаракат қилишмоқда. Касалликнинг келиб чиқишига сабаб бўлган барча “айбдор” аллергенлар даво аралашмасига киритилиши керак. Махсус даво мақсадида ишлатиш учун терида синамалари мусбат бўлган ҳамда “шокли” аъзо реакцияси билан тасдиқланган ва анамнез орқали маълум бўлган аллергенлардан фойдаланилади. Аллергенларни тери ичига киритилганда даво самараси тери остига киритилгандагига қараганда юқори бўлади, деб ҳисобланади. Бунда ножӯя таъсирлар ҳам кам ҳолларда кузатилади, боғлаб олувчи антителолар кўп ишланиб чиқилади. Даволаш

вақтида аллергик реакцияларнинг юз бериши мақсадга мувофиқ әмас. Оғир реакцияларда ҳатто иммунологик фалаж юзага келади. Бу организмнинг аллергенга нисбатан сезувчанлигини вақтинча пасайиши билан характерланади. Аллергенларни терига чизиш усули ҳам құлланилмоқда. Үсимлик чангидан тайёрланған аллерген билак терисига томизилади. Кейинчалик аллергени томчи устидан эпидермис скарификация қилинади ва аллерген тери остига үтади. Бу усул болаларда күпроқ құлланилади, у мuaллифи бүйича Бlamуатье усули деб ном олган.

Үсимлик чанглари билан даволашда аллергенни мавсум олдидан киритиш усули күпроқ самарали. Уни “айбдор” үсимлик гуллаши бошланиши мавсумига қадар бошлаш ва тугатиш лозим. Бундай даволашнинг самарадорлиги қатор омилларга bogliқ. Улардан әңг асосийлари: беморларни түгри саралаш, даволаш учун күрсатма, махсус ташқислаш натижаларини түгри бақолаш, аллергеннинг әңг қулай даволаш миқдорини ва даволашнинг әңг қулай усули тартибини танлаб олиш, аллергенларни биологик жиҳатдан юқори дараҗада фаоллиги ва махсуслиги ҳисобланади. Даволашнинг самарадорлигига полиаллергия, касаллик кечишининг давомлилігі, гормонга bogliқлик ва касаллик кечишининг оғир турлари салбий таъсир күрсатади.

Махсус даволашни бошқа даволаш усуллари билан биргаликда олиб бориши мақсадга мувофиқ бұлади. Яхшиси уларни бирин-кетин үтказиш, яъни биринчи но-махсус даволаш кейин эса гипосенсибилизацияни үтказиш керак. Даволашнинг әңг күп маълумот бередиган ва самарадорлигининг доимий күрсатқиличи беморларни қайта күрикден үтказиш, касаллик тарихи ҳақида маълумотлар, “шокли” аъзонинг сезувчанлигининг пасайиши ҳисобланади. Даволаш натижаларини бақолаш учун 5 балли жадвал тавсия қилинганды. Баҳо 5 балли натижага эга бўлганда — касалликнинг кўринадиган белгилари ва беморнинг шикоятлари бутунлай ёки деярли тўлиқ йўқолган, “шокли” аъзонинг шиллиқ қаватлари сезувчанлигининг бошланиш бўсагаси тўртдан кам бўлмаган раҳамга ортади, қонда иммуноглобулинлар (IgG) миқдорининг ишончли да-

ражада кўтарилиши кузатилади. Бемор ҳеч қандай даволанишга ҳатто симптоматик давога ҳам талаб сезмайди. Баҳо 4 балли натижага эга бўлганда — касаллик белгиларининг яққоллик даражаси (50 фоиздан кўпроқ) камаяди, касаллик хуружи даври (50 фоиздан кўпроқ) қисқаради, объектив кўрикда яллигланиш кўриниши енгил, шикоятлар анча камайган, тери ва “шокли” аъзо шиллиқ қаватлари сезиш бўсағаси 2—3 раҳамга ортади, қондаги иммуноглобулинлар миқдори ишончли даражада кўпаяди. Бемор камдан-кам ҳолларда бўладиган хуруж даврида шифокорга мурожаат қилмайди, меҳнатга яроқли, аммо симптоматик даво мақсадида дори моддалар қабул қилиб туради. Баҳо 3 балли натижага эга бўлганда — шикоятлар сони, кўринадиган белгиларнинг яққоллик даражаси ва касаллик хуружининг давомлилиги бир оз камаяди. Хуруж даврида bemor шифокорга мурожаат қилишга ва даво олишга мажбур бўлади, тери ва шиллиқ қаватларнинг аллергенга сезувчанлик бўсағаси кам ишонарли даражада узгаради, қоннинг иммунологик кўрсаткичларида яхшиланиш аниқланмайди. Баҳо 2 балли натижага эга бўлганда — субъектив баҳолашда (шикоятлари) ҳеч қандай ижобий силжишлар кўрилмайди, объектив белгиларнинг кўриниши яққоллик даражасида ҳам, сезувчанлик бўсағасида ҳам қоннинг иммунологик кўрсаткичларида ҳам ўзгаришлар бўлмайди. Бу ҳолатни “ўзгаришсиз” деб баҳолаш мумкин. Баҳо 1 балли натижага эга бўлганда — янги шикоятлар пайдо бўлади, кассалик белгилари кучаяди, хуруж даврининг давомлилиги чўзилади, бошқа аъзолар томонидан ўзгаришлар кузатилади, тери ва шиллиқ қаватларнинг аллергенга нисбатан сезувчанлиги ортади, қонда салбий иммунологик силжишлар кузатилади. Бундай баҳолаш жадвалини аллерголог хоналарида, шифохона шароитида ишлатишни йўлга қўйиш ва амалга ошириш мумкин. Маълумки, иммунотерапияда бир неча даво курслари ўтказилади. Биринчи курс 1,2 га ва баъзи ҳолларда 3 га баҳолангандা даво услубига ўзгаришлар киритиш лозим. Даволаш учун кўрсатмалар, монеликларни ҳисобга олиб ўтказилган даволашда кўпчилик bemorларда, одатда 4

ва 5 балга баҳоланиш кузатилади.

Ёмон натижаларнинг сабаби кўпинча “айбдор” аллергенни аниқлашда хатога йўл қўйиш ҳисобланади. Полисенсибилизацияни кенг тарқалганлигини ҳисобга олганда бу масалани ҳамма вақт ҳам енгил ҳал қилиш осон эмас. Даво натижаларини у тутатилгандан кейин энг камида бир йил ўтгандан сўнг баҳолаш мумкин.

Бактериал аллергенлар билан даволашнинг самара-дорлиги турли мутахассисларнинг маълумотларига кўра турлича бўлиб, у 40 фоиздан 70 фоизгача аъло ва яхши натижаларни ташкил этади. Болаларни даволашда аутовакциналарни қўллаш яна ҳам юқори самара-ларни берди. Нобактериал аллергенлар билан ўтказилган гипосенсибилизация кўпроқ самарали бўлиб чиқди. Ўрта ҳисобда 80 фоиз беморларда аъло ва яхши натижалар олинди. Даволашнинг тери остига ва тери ичига киритиш усулидаги камчиликларни ҳисобга олиб, қатор мутахассислар гипосенсибилизацияни аллергенли таблеткалар ёрдамида (ораль – оғиз орқали) ўтказмоқдалар.

Чет давлатларда “Бронҳо ваксон” бактериал вакцинаси оғиз орқали ишлатиш учун таклиф этилган. У турли бактерияларнинг ёғсизлантирилган лизат, яъни эритиб юборувчи таркибий қисмларидан иборат. Даволаш 1 ой давом этади. Таблетка ҳолидаги аллергенлар, асосан болаларнинг ошқозон-ичак тизими аллергик касалликларини даволашда кенг қўлланилади. Таблетка ҳолидаги аллергенлар билан даволашнинг самараси тери остига ва тери ичига киритиш усулларидағига қараганда камроқ бўлиб чиқди. Аллергенни ютқин ҳалқасига суртиш усули ҳам таклиф қилинганди. Аллерген қанд бўлагига томизилади ва секин сўрилади. Бунда аллерген ютқин атрофидаги лимфоид аппаратнинг катта тармогига тўғридан-тўғри тегади. Аллергенларни ютқинга ва ичакларга киритилгандаги даволовчи механизmlари ўрганилмоқда.

Мавсумий ринит билан касалланган беморларда ўсимлик чангларига хаддан ташқари юқори сезувчаник бўлган шароитларда аллергенларни инъекция қилиш – кўпинча аллергик реакцияларни келтириб чиқарган. Поллиноз билан касалланган беморларда

ұсимлик аллергенларини оғиз орқали құллашда ҳам салбий натижалар олинған. Клиник самара ҳам олинмаган, мәхсус Е иммуноглобулинларнинг пасайиши ва теридаги синамалар, провокацион (құзгатувчи) синамаларнинг үзгариши күзатылмаган. Буларнинг ҳаммаси мутахассисларни аллергенларни киритишнинг янги аэрозолли усулини ишлаб чиқаришга үндади.

Нафас йұллари касалликларидан дөри аэрозоллардан фойдаланиш күп асрлық тарихга әга, аммо даволаш муассасаларидан ингаляция усули фақат 60-йиллардан бері, яғни замонавий аппараттар ишлаб чиқылғаннан кейингина құлланыла бошланған. Намланған аэрозолларни шиллик қаватларга сепиш учун РТЖ-4 М, АИ-І (Россия), ТУРЮСИ-50 (Германия) типидаги аппараттардан фойдаланилади. Қуруқ аэрозоллар нафас йұлларининг пастки қисмларига ингосуфляторлар (спинхалер) орқали күритилади, бурун бұшлиғига эса “Файшонс” (Англия) корхонасарнинг ингаляторлари ёрдамида күритилади. Қатор дөри моддалар аэрозолли баллонлар ёрдамида сепилади (бекламетазон, беротек).

Аэрозольтерапия — нафас йұллари касалликларини даволашнинг оддий ва оғриқсиз даволаш усули бұлиб, бошқа даво усуллари (инъекция, таблетка) олдида қатор афзалликтарға әга. Дори модда организмде йигилади ва узоқ вақт давомида кичик қон айланиш ва лимфа айланиш доирасыда айланиб юради. Дорининг сүрилиши ошқозон шиллик қавати орқали сүрилишга қараганда 20 марта тезроқ юз беради. Ҳатто препаратting жуда кичик миқдорида ҳам клиник самара юзага келади. Бу аэрозоль ҳолидаги дөри модданинг таъсир қыладыган катта умумий юза (майдон) ҳосил қила олиши билан амалға ошади. Демек, патологик ұчоқ билан яқын алоқада бұлиш орқали юқори даражада физиологик ва терапевтик фаоллук күрсатади. Аэрозоль ҳолидаги дөри моддалар билан нафас олиш нафақат умумий, балки маҳаллий таъсир ҳам күсатади. Маҳаллий гипосенсибилизацияда ижобий самара нафас йұлларининг анатомик, физиологик хусусиятларига bogliқ бұлиб, бу нафас йұллари шиллик қаватининг баъзи жиҳатдан иммунологик автономлилиги, яғни үзүзини бошқариш хусусиятлари билан изоҳланади.

Бронхиал астма ва аллергик ринит билан касалланган беморларда маҳаллий иммунитетнинг бузилиши кузатилади. У қуйидаги белгилар билан характерланади: цилиндросимон эпителий ҳужайраларининг юқори даражадаги бузилишлари, шиллиқ қаватдаги нейтрофиллар ва эозинофиллар функционал фаоллигининг пастлиги, секретор А иммуноглобулинлар ва лизоцимининг паст миқдорлилиги, бурун шиллиқ қаватига нейрофилларнинг ҳаракатланиш тезлигининг пастлиги.

Маҳаллий иммунотерапия усули ҳозирги вақтда назарий жиҳатдан асосланган, клиник жиҳатдан синалган ва тажриба йўли билан тасдиқланган. Эмлашнинг аэрозолли усулини кўп йиллар давомида ўрганиш орқали антигенларни маҳаллий қўллаш, парэнтерал қўллашга қараганда қатор афзалликларга эга эканлигини кўрсатади: заарсиз, юқори даражада самарадорлик, кам реактогенлиги, сенсибилизация қилиш қобилиятининг пастлиги. Бу омиллар юқорида кўрсатиб ўтилганидек, нафас йўллари шиллиқ қаватларининг анатомо-физиологик ва иммунологик жиҳатдан ўзига хослигига асосланган ва антигеннинг организмга кириш хусусиятлари билан bogлиқ. Аэрозолли даволаш усулида ингаляторлар қўлланилади. Аэрозол аппаратни танлаш аллергик яллигланишнинг жойлашган ўрнига bogлиқ. Аэрозолнинг майдага заррачаларга бўлиниши йўриқномада кўрсатилган сочиб берувчи аппаратнинг тузилишига bogлиқ. Бу шифокорга даволаш учун ишлатилаётган аллергенлар аэрозолини нафас йўлининг айнан патологик жиҳатдан ўзгарган соҳаларига етиб боришини бошқара олишга имкон беради. Аэрозол аллергенлар қисмларининг ўлчамлари 30—50 мк бўлган ҳолларда, улар бурун шиллиқ қаватида тутилиб қолади, 5—15 мк бўлганда эса бронх шиллиқ қаватларида ушланиб қолади. Даво муолажалари, одатда, ҳар кунги ингаляциялардан иборат. Айрим ҳолларда ингаляция 1 кунда 2 марта ўтказилади. Аллергик ринитларда йирик заррачали РДЖ-4М типидаги дозаторлардан фойдаланиш мумкин. Аэрозолни хиқилдоққа, кекирдакка ва йирик бронхларга киритиш учун АИ-1, ПАИ-2 типидаги ингаляторлар қўлланилади. Улар 10 мк дан катта бўлган ўлчамдаги

аллерген заррачаларини беради. Майда бронхларга ва альвеолаларга киритиш учун яхшиси TUR-USI-50 типидаги ультратовушли ингаляторлардан фойдаланган маъқул. Улар 5 мк дан кичик бўлган заррачаларни олишга имкон беради ва аэрозол ҳолидаги аллергенлар ўлчамларини бир хил барқарор ҳолатда беради. Уларнинг ишлаш унумдорлиги 10 марта катта.

Тиббий ходим ва бемор атрофидағи кишилар ҳавф-сизлигини таъминлаш мақсадида аэрозол ҳолидаги аллергенлар билан даволаш поликлиникаларда ва шифохоналарда маҳсус зич ёпиладиган, ҳавони тортиб олувчи ёки шамоллатувчи аппаратга эга бўлган хоналарда ўтказилади.

Вакцинацияни яна қайтадан ўтказиш биринчи марта ўтказилганда ижобий натижалар бўлган беморларда орадан 1 йил ўтгандан сўнг амалга оширилади. Самара бўлмаган ҳолларда, унинг сабаблари синчиклаб аниқланади ва шундан кейингина даво белгиланади.

Кўпинча бу маҳсус ташҳислашда “айбдор” аллергенни аниқлашдаги хатоликлар натижаси ёки даволаш учун нисбий монеликларга эга бўлган ёндош келган касалликларнинг бўлиши ҳисобланади. Даво муолажалари, одатда 3 марта ўтказилади, ундан кейин 2–3 йилга тўхтатилади.

Аллергик ринитларда аллерген бурун бўшлиғига, ларингит ва трахеитда эса оғиз орқали ингаляция қилинади. Конъюнктивитларда аллерген кўз ичига сепилади. Бронхиал астмада аллерген бронхларга киритилади. Аллергик яллигланишнинг тарқалишига қараб шиллиқ қаватнинг барча заарланган соҳаларига бўлинади. Агар беморда дерматит (тери яллигланиши) холецистит (ўт пуфаги яллигланиши) ва бошқа жойларида яллигланишлар кузатилганда даволашнинг биргаликдаги усули: ингаляция + инъекция тавсия қилинади. Нафас йўллари аллергик касалликларида бу усул айниқса юқори самара беради. Сурункали аллергик отитларда аллерген аэрозоллари билан иммунотерапия маҳаллий, яъни әшитув йўли орқали ўтказилади. Аэрозолни қулоқ бўшлиғига киритиш учун РДЖ-4М типидаги йирик заррачали ўлчамда сепувчи аппаратлардан фойдаланилади.

Махсус иммунотерапияни иммунологик табиатга эга эканлиги исботланмаган касалларларда қўллаш мумкин эмас. Масалан, вазомотор ринитда, эндоген бронхиал астмада, сурункали, қайтланувчи қаварчиқларнинг ноаллергик турларида бу усулни қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Махсус даво усуллари ҳақиқий аллергик касалларларда: бронхиал астмада, юқори нафас йўларининг аллергик касалларидан, қаварчиқларда ва Квинке шишида, аллергик дерматитларда ўтказилади.

“Аллергик фон” да кечадиган касалларнинг катта гуруҳида махсус даво ўтказиш кўрсатилмаган. Аллерговакцинация “айбдор” аллергенни истисно қилиш мумкин бўлмаган ҳолларда (поллинозда бошқа ерга кўчишни иложи бўлмаганда, озиқ-овқат аллергиясида маълум маҳсулотни чиқариб ташлашнинг, касбга оид аллергияда ишини ўзгартиришнинг иложи бўлмаган ҳоллардагина) амалга оширилади. Организма антиген тушишини иш пайтида ниқоб тутиш орқали, касбга оид аллергияда ҳавони тозалаш ва намлаш орқали йўқ қилиб бўлмайди.

Махсус даво ўтказишга мутлақо тўғри келмайдиган кўрсатмалар ишлаб чиқилган: психик касаллар, жигар ва буйрак функцияларининг бузилиши билан келадиган касаллар, сил жараёнининг ҳар қандай тури фаол даврида, тиреотоксикоз ва бошқа эндокрин касаллар, коронарокаудиосклероз, ўпка-юрак етишмовчилигининг II ва III босқичи, ўпка эмфиземасининг оғир кўринишлари бронхозектатик касаллар, онкологик касаллар, қон касалларлари. Бундан ташқари ҳар бир бемор учун алоҳида ҳал қилиш лозим бўлган нисбий монеликлар ҳам мавжуд.

Махсус даво усулининг самарадорлигини бемордаги қўйидаги кўрсаткичлар пасайтиради: аллергологик анамнездаги ирсий аномалияларнинг яққол кўриниши, ўта сезувчанликнинг юқори босқичи, кўп турли сенсибилизация, касалларнинг биргаликдаги шакллари, сурункали инфекция ўчоқлари, касалларнинг 10 йилдан кўп вақтдан бери бўлиши. Атопик бронхиал астманинг енгил кечишида ўтказилган иммунотерапия 80 фоиз беморларда, ўртача босқичда 53 фоиз, оғир кечиши-

да эса 33 фоиз беморларда самарали бўлади. Организмда сурункали инфекция ўчоқларининг бўлиши (сурункали тонзиллит, сурункали остеомиелит, бронхоэктазлар), хафақон касаллигига чалинган ҳамда катта ёшдаги (60 ёшдан катта) беморларда даволаш натижаларини пасайтиради. Аллергик касалликларнинг айрим турларида махсус даволаш усули камроқ самара беради. Уларга қўйидаги касалликлар киради: бронхиал астманинг ўрта ва айниқса оғир кечадиган шакллари, поллиноз билан асоратланган аллергик ринит ҳамда турли ёки биргаликдаги сенсибилизациялар, астма учлиги бўлган, яъни ацетилсалациил кислотага сезувчанликнинг ортиши, аллергик полипли ринит, бронхиал астманинг инфекцион-аллергик турлари шулар жумла сидандир. Узоқ вақт давомида гормонлар билан даволаш натижасида келиб чиқсан буйрак усти безлари пўстлоги функциясининг пасайиши ҳам даво самарасини пасайтиради. Атоаллергик касалликларда ҳам кам самара олинади.

Аллергенлар билан даволашни белгилаш, оториноларингологияда, терапияда ва дерматологияда қўлланиладиган соғломлаштириш-тозалаш усуллари (операция, физиотерапия, дорилар) ҳам ўтказишни белгилашни истисно қўлмайди.

Махсус усулларни умумий қабул қилинган (номахсус) даво усуллари самара бермаган ҳолларда ўтказиш тавсия этилади. Махсус ва номахсус даво усулларини биргаликда қўллаш, одатда кўпроқ юқори самара беради. Маълум аллерген билан махсус даво белгилаш учун аллергологик анамнез ва касаллик клиникаси шу аллергени касалликнинг ривожланиш жараёнида иштирок этаётганлигини кўрсатиш керак; теридали аллергик синамалар (+++) ёки (++++) мусбат бўлиши лозим, провокацион (эндоназал, конъюнктивал, ингаляция) синамалар мусбат бўлиши керак, баъзи иммунологик синамалар ҳам ташҳисни тасдиқлаши лозим. “Айбдор” деб ҳисоблананаётган аллергенлардан бирортасининг “айбдорлигига” гумон бўлса, яхшиси уни даволашдан чиқариб ташлаш керак. Буларнинг ҳаммаси гипосенсибилизация ўрнига (касалликнинг яширин шаклларида) қўшимча юқори

сезувчанликни (гиперсенсибилизация) келтириб чиқариш хавфини олдини олади. Махсус даволаш учун аллергеннинг бошлангич (бұсага) миқдорини аниқлаш керак. Шу мақсадда аллергометрик титрлаш үтказилади. Титрлашда аллерген 0,02 мл миқдорида тери ичига киритилади. Шу билан бир вақтда назорат учун 2 әритма, яғни аллергени суюлтиришда ишлатиладиган назорат әритма (назорат манфий реакция) ва гистаминнинг 0,1 фоизли әритмаси (назорат мусбат реакция) тери ичига киритилади. Кейин эса билакнинг ички юза соқасига аллергеннинг юқори әритмалари билан бир неча синамалар құйилади. Масалан, шувоқ үсимлигига сенсибилизация бұлган ҳолларда аллергеннинг 10^{-11} , 10^{-12} , 10^{-13} әритмалари киритилади. Аллергеннинг терида манфий реакция берган энг катта миқдори даво миқдори ҳисобланады. Аллергеннинг биринчи шундай миқдори (0,1) үтказилған титрлашга мувофиқ равишида киритилади. Агар икки хил аллергеннинг бошлангич миқдори турлича бұлса (масалан, әрмөн үсимлиги 10^{-13} , тимофеевка эса 10^{-9}), юқори әритмали аллергендан бошланилади (әрмөн үсимлигидан) ва маълум вақтдан кейин иккинчи аллерген құышылади. Даволаш учун ишлатилаётган аллерген ташқислашда қандай жадвал билан баҳоланған бұлса, даволашда ҳам худди шу жадвал ёрдамида организмга киритилади ва баҳоланади. Аллергенларнинг бошлангич даво миқдорларини аниқлаш анча қийин, шунинг учун нафас йұллари аллергик касалліклари билан клиника мизда күп минг сонли беморлар билан үтказилған теридаги синамалар натижаларыга асосланиб, уларни мүмкін бұлған бошлангич миқдорлари ишлаб чиқылған.

Юқорида айтиб үтилған текширишларга асосан теридаги синамаларнинг қанчалик яқындығы күринишига bogliq қолда қуйидеги әритмаларни құллашни тавсия этамиз:

1. Үй-рүзгорга оид аллергенлар $(+++)-10^4$, $(++++)-10^6$;
2. Эпидермал аллергенлар $(+++)-10^5$, $(++++)-10^7$;
3. Бактерияларга оид аллергенлар $(+++)-10^5$, $(++++)-10^8$;

4. Замбуруглар $(+++)-10^5$, $(++++)-10^7$;
5. Үсимлик чангларига оид аллергенлар; ўтлоқ ўтлари $(+++)-10^7$, $(++++)-10^9$, бегона ўтлар $(+++)-10^9$, $(++++)-10^{11}$.

Демак, ҳар қайси аллерген тури учун теридаги синамаларга қараб миқдорини ошириш ёки камайтириш керак. Теридаги синамалар қанчалик юқори даражада яққолроқ күрінса, даволаш учун ишлатиладиган бошлангич (бұсага) миқдор шунча кичик бұлади. Бронх шиллиқ қаватларини даволаш учун ишлатиладиган аэрозол ҳолидаги аллергенларнинг ўртача бұсага миқдорини тавсия қыламиз: үй-рұзгорға оид ва эпидермал – 10^{12} , бактериялар – 10^{13} ; бурун шиллиқ қавати учун: үй-рұзгорға оид ва эпидермал – 10^5 ; үсимлик чанглари – 10^8 , замбуруглар – 10^5 .

Шундай қилиб, бурун шиллиқ қаватининг сезувчанлиги териге нисбатан 1 тартиб рақамга (ундан күп әмас) фарқ қиласади. Бронхлар сезувчанлиги 3 тартиб рақамга кичик. Максус даволаш баъзан аллергик реакциялар билан құшилиб келади.

Антиген таъсирлаши билан юзага келадиган асоратлар орасидаги бөглиқлик сабаблари аниқланған. Күп ҳолларда организмнинг реакцияси бошлангич (бұсага) миқдорини юқоригоқ бұлиб кетиши билан бөглиқ. Бу титрлап пайтида бошлангич миқдорини тұғри аниқлай олмаслик натижасида юзага келади. Шу билан бир вақтда даволаш пайтидаги реақциялар “шокли” атゾ сезувчанлигининг кам пасайғанлигини күрсатувчи ишпончли омиллардан бири ҳисобланади.

Нобактериал аллергенлар билан даволашда маҳаллий аллергик реакциялар тезлиги турли муаллифларнинг маълумотларига қараганда 12 фоиздан 75 фоизгача, умумий реакциялар эса 9 фоиздан 50 фоизгача учрайди. Даволаш тартиби тұғри ташкил қилинганда аллергик реакциялар юзага келмайды. Аллергик реакциялар оқибатида келиб чиққан хаддан ташқары қолат (стресс) ҳимоя антитело маҳсулотларини тұхтатувчи адренокортикотроп гормон (АКТГ) ва кортикостероидлар күп миқдорда ишланиб чиқиши билан құшилиб келади. Бактерияларга оид аллергенлар билан даволашда касалликнинг хуружлари ва асоратлари 8-

20 фоиз ҳолларда кузатилади. Аллергенлар билан даволаш жараёнида гистаминга қарши препаратларни белгилаш тавсия қилинмайды, улар енгил күринишдаги аллергик реакцияларни аниқлашни қийинлаштиради. Шу билан бир вақтда, бизни маълумотларга кўра, енгил аллергик реакцияларни олдини олиш мақсадида интални қўллаш мумкин.

Нобактериал аллергенлар билан даволашда юзага келадиган асоратлар:

1) Тез содир бўладиган маҳаллий реакция. Аллерген киритилган жой қизариш, қичишиш ва шишиш билан характерланади. Бу муолажадан 15–20 дақиқа ўтгач пайдо бўлади. Кучсиз реакцияларда гистаминга қарши дори моддалар таблеткасини ичиш билан кифояланади. Елкада катта шиш пайдо бўлган ҳолларда 2,5 фоизли – 1 мл пипольфен ёки 1 фоизли – 1,0 димедрол тери ичига юборилади. Аллергик реакциялар йўқ бўлгандан кейин аллергеннинг ўша миқдорини такроран юбориш ёки ундан олдинги миқдорига қайтариш керак. Даволашни тўхтатиш керак эмас.

2) “Шокли” аъзодаги реакциялар. Асосий касалликнинг хуружи билан характерланади. Махсус даво бутунлай согайиб кетгунга қадар тўхтатилади ва гипосенсибилизация реакция берган миқдордан олдингиси билан бошланади. Кучли реакциялар бўлган ҳолатларда яхиси даволашнинг бошқа тартибиға ўтган маъқул.

3) Бошқа аъзолардаги реакциялар. Шикоятлар: оёқ-қўлларда, юрак соҳаларида оғриқлар, қон босими нинг кўтарилиши ёки пасайиши, вегетатив нерв тизимида, периферик томирларда, нервларда ва ҳатто бош мия томирларида бузилишлар кузатилади. Баъзи ҳолларда аллергик дерматитлар, қўл-оёқларда шишлар ҳам бўлади. Бу вақтда махсус даволашни бутунлай согайиб кетгунга қадар тўхтатилади. Давони қайтатдан бошлаш масаласини беморни синчиқлаб клиник ва иммунологик текширишлардан ўтказишдан кейин ҳал қилиш ва эҳтиёткорлик билан енгилроқ тартибда ўтказиш лозим. Тизимли реакциялар яна қайталанганда махсус даво тўхтатилади.

4) Умумий реакциялар. Бу юз қизариш, бутун та-
нанинг қизиши, йўтал, кўкрак соҳаларида оғирлик,
юрак тез уриб кетиши, қон босимининг пасайиши би-
лан характерланади. Умумий реакция анафилактик
шок билан якунланиши мумкин.

Анафилактик шокни даволаш қўйидаги тартибда
олиб борилади. Аллерген киритилган жойдан юқори-
сига боғлам қўйилади. Аллерген киритилган соҳа атро-
фига 0,1 фоизли адреналин эритмаси 0,5 мл киритила-
ди ва шу вақтнинг ўзида 0,5 мл адреналин иккинчи
қўлининг териси остига кириталади. Мускуллар ичига
пипольфеннинг 2,5 фоизли эритмасидан 2 мл ёки 1 фо-
изли димедрол эритмасидан 2 мл юборилади. Агар 10
дақиқадан кейин беморни аҳволи яхшиланмаса, кўрса-
тилган тадбирлар яна қайтарилади ва бундан ташқари
30–60 мг преднизолон ёки 8–16 мг дексаметазон 10 мл
40 фоизли глюкоза билан биргаликда томир ичига юбо-
рилади. Кўрсатмаларга мувофиқ (агар қон босими ту-
шиб кетган бўлса) тери остига 10 фоизли кофеин ёки
кордиамин, томир ичига строфантин К 0,5 мл +20 мл
40 фоизли глюкоза билан қўшиб қилинади. Агар бе-
морни аҳволи яна яхшиланмаса, 1 мл 0,2 фоизли но-
радреналин эритмасини 300 мл 5 фоизли глюкоза эрит-
масида вена ичига томчи усулида юборилади ва яна 60
мг преднизолон ҳам қилинади. Анафилактик шок бош-
ланган даврида bemorга дарҳол кислород берилади.
Агар анафилактик шок бўгилиш белгилари билан бирга
қўшилиб келса, вена ичига 10 мл 2,4 фоизли эуфиллин
эритмаси глюкоза билан қўшиб қилинади, нафас олиш
бузилганда 1 мл 1 фоизли лобелин (ёки цититон) юбо-
рилади. Бемор шифохонага ётқизилади, махсус даво
тўхтатилади. Айрим ҳолларда, бошқа монеликлар
бўлмаганда, 6 ойдан кам бўлмаган вақтдан кейин мах-
сус давони қайта бошлаш мумкин. Бунда даво муола-
жалари реакция берган миқдордан 1–2 марта кам
миқдорда ва оралиги узайтирилганроқ тартибда амалга
оширилиши лозим.

БАКТЕРИАЛ АЛЛЕРГЕНЛАР БИЛАН ДАВОЛАШ ПАЙТИДАГИ АСОРАТЛАР

1) Маҳаллий реакциялар. Бу аллерген киритилган

соҳада қизариш ва инфильтрат ривожланиши билан характерланади. У аллерген киритилгандан 24—36 соат кейин пайдо бўлади. Кучли реакцияларда гидрокортизон малҳами билан боғлам қўйилади. Инфильтрат сўрилиб кетгандан кейин аллергеннинг ўша миқдорини қайтариш ёки ундан олдингисини қилиш керак.

2) “Шокли” аъзода хуруж келиб чиқиши (ринит, бронхит, зотилжам). Даволаш бутунлай согайгунга қадар тўхтатилади. Реакция қайталанганда секинлаштирилган тартибда ўтказилади.

3) Сурункали инфекция ўчоқларида хуружлар (ангина, аппендицит, холецистит, бавосил). Даволаш бутунлай согайгунга қадар тўхтатилади ва инфекция ўчоқларида тозалаш — даволаш ишлари ўтказилгандан кейин муолажа секинлаштирилган тартибда қайтатдан бошланади.

4) Умумий вакцинали реакция. Бунда тана ҳароратининг кўтарилиши, қувватсизлик, кўп терлаш, бўғимларда оғриқ, бош оғриши кузатилади. Терида қизил тошмалар пайдо бўлиши мумкин. Реакциянинг енгил ва қисқа вақт давом этадиган турларида (24 соатгача) даволашни 1 ойга тўхтатилади, юборилаётган миқдор камайтирилари ва бошқа даво тартиби бўйича давом эттиради. Кўпроқ узоқроқ чўзиладиган реакцияларда даволаш бутунлай согайиб кетгунга қадар тўхтатилади. Давони давом эттириш масаласи беморларни текширишдан ўтказилгандан кейин ҳар бир бемор учун алоҳида ҳал қилинади. Инфекцияга оид аллергенларни даволашда антибиотиклар, сульфаниламидлар ва қисқа вақт давомида гормонлар белгилаш талаб этилади. Хуруж жараёни “шокли” аъзода бўлган ҳолларда даволаш ишлари шифокор мутахассислар (лор, терапевт, дерматолог) томонидан ўтказилади, белгиларига қараб (томир торайтирувчи томчи ҳолидаги дорилар, бронхолитиклар) патогенетик (гистаминга қарши препаратлар, гормонлар) ва бошқа дори моддалар қўлланилади. Уларни маҳаллий қўллаш орқали яхши самарага эришиш мумкин.

Реакцияларни юзага келишида қўйидаги ҳаракат ҳолати кузатилган: агар шифокор маҳаллий реакцияга эътибор бермаса (энг кучсиз, енгил реакция) ва даво-

лашга ўзгартыриш киритилмаса, кейинчалик бутун ти-
зимда реакция юзага келиши ёки “шокли” аъзода ху-
руж бўлиши мумкин. Кейин умумий реакция ва ҳатто
анафилактик шок вужудга келади. Махсус даволашда-
ги асоратлар, яъни эмлашдаги реакциялар беморнинг
аҳволига таъсир қилибгина қолмай, махсус давонинг
самарасини ҳам пасайтиради. Шунинг учун
ўтказиладиган давонинг тўғрилиги ва касалликнинг
охирги натижаси сифатида хуружлар сони ва даража-
сидан фойдаланиш мумкин.

Бу қисмни тугаллар эканмиз, қуйидагиларни
алоҳида таъкидлаб ўтишни хоҳлар әдик:

Китобда аллергик касалликларнинг барча даволаш
усулларини муфассал баён қилинган дея олмаймиз. Бу
ерда Республика Аллергология Маркази маълумотлари-
га асосан улардан энг самарали деб топилганларига
кўпроқ эътибор берилган. Талаба ва шифокор бу ердан
ҳар бир беморни даволаш учун кўрсатма топа олмайди,
балки фикрлаш учун ахборот, маълумот олади, холос.

АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Аллергик касалликларда олдини олиш чора-
тадбирларининг аҳамияти катта эканлигини ҳисобга
олиб, бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилоти махсус
согломлаштириш-тикланиш комплексини ишлаб
чиқишга алоҳида эътибор қаратди.

Нафас йўллари аллергик касалликларини олдини
олиш усулларига касаллик олди даврида ишлаб чи-
қаришдаги заарли омилларга қарши курашиш, про-
филактик кўриклар ўтказиш, касаллик хуружини ол-
дини олиш ва даволашлар киради. Аллергик касаллик-
ларни олдини олиш чора-тадбирлари ҳар томонлама
бўлиши керак, улар бирламчи ва иккиласмачи тадбир-
ларга бўлинади. Бирламчи чора-тадбирларга, асосан
атроф-муҳитни яхшилашга қаратилган ижтимоий умум-
давлат чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, яшаш шароити
ва меҳнат шароитини қулайлаштириш, ишлаб
чиқаришдаги касбга оид заарли омилларга қарши ку-
рашиш киради. Бунга яна тиббий (диспансер кўриги)
ва алоҳида хусусий тадбирлар (чекишни ташлаш) ҳам

киради. Иккиламчи чора-тадбирларга беморларни шифохоналарда, поликлиникаларда, тиббий санитар қисмларида, санаторияларда даволаш ва соглигини тиклаш, аллергологик кузатиш усулларини ташкил қилиш киради.

Поллинозни олдини олиш учун шаҳарда бегона ўтларни йўқ қилиш катта аҳамиятга эга. Атопик қасалликлари бор bemорлар хонадонидан ортиқча юмшоқ жиҳозлар, гиламлар ва бошқа чанг йигувчиларни чиқариб ташлаш лозим. Хоналарни фақат намланган усулда тозалаш ва рўзгорда ҳавони намлайдиган асбоблардан фойдаланиш мақсаддага мувофиқ.

Аллергиянинг инфекцияга оид турларида инфекция ўчиқларини ўз вақтида даволаш — тозалаш (тонзиллит, синусит) керак. Озиқ-овқат маҳсулотларига аллергияси бўлган bemорларнинг кундалик овқат маҳсулотларидан аллергенларни (шоколад, цитрус мевалар) истисно қилиш. Аллергик қасалликлари бўлган барча bemорларга уй-рўзгорда ишлатиладиган кимёвий моддалардан фойдаланиш ман этилади. Организмни чиниқтириш ва унчалик оғир бўлмаган жисмоний меҳнат билан шугулланиш ҳам аллергик қасалликларни олдини олишда муҳим ўрин тутади. Аллергик қасалликлари бўлган bemорларга спортнинг айрим турлари — енгил атлетика, сузиш, теннис уйнаш машгулотлари билан шугулланиш тавсия этилади. Аллергик қасалликларни олдини олишда қасбни тўғри танлаш ҳам жиддий аҳамиятга эга. Каналарга сезувчанлик ортиши билан юзага келган бронхиал астма қасаллигини олдини олиш учун кўрпа-тўшакларни қуёш нурларида нурлантириш тавсия қилинади. Кундузги вақтда 2 соат давомида нурлантириш каналарни бутунлай қирилиб, йўқ бўлишига олиб келади. Ўрин-кўрпаларга 5 фоизли борат кислотаси ёки 5 фоизли туз эритмаси билан ишлов беришда ҳам ижобий натижалар олинди. Бунда 80 фоиз каналар қирилиб, йўқ бўлади. Болаларда аллергик қасалликларини олдини олиш чора-тадбирларига: туғиш ёшидаги аёлларнинг соглиқларини яхшилаш, хомиладор аёлларда бола ривожланаётган ва туғилгандан кейинги даврларда антигендан эҳтиётлаш чораларини кўриш, овқатланиш режимига ва турларига эътибор

бериш киради. Янги тугилган болалардан аллергик қасаллик хавфи бўлган гуруҳни ажратиб олиш. Бу мақсадда ота-онаси қонидаги Е иммуноглобулинлар миқдори аниқланади. Онанинг кундалик озиқ-овқат маҳсулотларидан шартсиз аллергенларни чиқариб ташлаш. Аллергик қасалликлари бўлган болалар қўшимча овқатларига шарбатларни кечроқ киритиш тавсия қилинади. Бундан болаларни эмлаш ишлари алоҳида режим бўйича, гистаминга қарши препаратлар таъсири остида қилинади.

Аллергик қасалликларини олдини олиш омилларидан бири — маҳсус гипосенсибилизация ҳисобланади. Ўз вақтида ўтказилган иммунотерапия қасалликнинг хуружини олдини олади.

Беморларнинг соглигини кузатиб бориш усули (диспансеризация) — санатор-курорт шароитида даволаш ҳам олдини олиш чора-тадбирларининг энг самарали усуллари ҳисобланади. Бунда курорт жойларнинг географик иқлим шароити: қулай ҳарорат, ўртача налиқ, қуёш нурлари жуда ҳам юқори қиздирмайдиган шароитлари, атмосфера ҳавосида полютантлар, муаллақ ҳолда турувчи бирикмалар бўлмаслиги етакчи ўрин тулади.

Бу бўлимда ҳозирги вақтда энг кўп тарқалган, келиб чиқиш сабаблари турлича бўлган аллергик касалликлар тўғрисида қисқача маълумотлар берилган. Юқорида айтиб ўтилганидек, уларга турли хил ташқи аллергенлар келтириб чиқарадиган, иммунологик ривожланиш босқичига эга бўлган касалликлар киради. Бу ерда тўқималарни шикастловчи, бузувчи омил антитело ҳисобланади. Улар “Умумий аллергология” бўлимида баён этилган усуллар ёрдамида ташхисланади ва самарали даволанади.

ОЗИҚ-ОВҚАТ АЛЛЕРГИЯСИ

Озиқ-овқат маҳсулотларини кўтара олмаслик ҳолатларини шартли равишда 4 групга бўлиш мумкин:

1. Овқат ҳазм бўлиш йўлидаги касалликлар (яллигланиш, дистрофик, функциясига оид, дисбактериоз).
2. Овқат ҳазм қилиш йўли ферментларининг этишмовчилиги (тугма, орттирилган).
3. Психоген ва татьм сезиш омиллари, яъни ўзига хос хусусий одатлар асосида юзага келган омиллар.
4. Озиқ-овқат аллергияси (бирламчи ва иккиламчи).

Этиологияси. Озиқ-овқат аллергиясида аллерген вазифасини озиқ-овқат маҳсулотлари ёки уларнинг парчаланиши натижасида юзага келадиган маҳсулотлар бажарадилар. Улар қонда айланиб юрувчи ёки тўқималарга ўрнашиб олган анителолар билан ўзаро таъсирлашадилар. Сенсибилизация қўпроқ ошқозон-ичак йўли

орқали келиб чиқади. Сезувчанликнинг ортиши озиқ-овқат қўшим-чаларига, консервантларга нисбатан бўлган ҳолларда озиқ-овқат маҳсулотларидан келиб чиқсан аллергия дейиш кўпроқ тўгри келади. Озиқ-овқат аллергияси бизнинг мамлакатимизда ҳам, чет давлатларда ҳам кенг тарқалган. Кўп ҳолларда уни яна нутритив аллергия деб ҳам юритилади. Озиқ-овқат аллергияси кўпроқ болаларда учрайди. Бу патологиянинг ёш болалар орасида кенг тарқалиши сабабларидан бири – сунъий овқатлар билан боқиши ҳамда овқатни меъёридан ортиқ бериб юбориш ҳисобланади. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, озиқ-овқат маҳсулотларини кўтара олмаслик ҳолатлари ҳар доим ҳам антиген-антитело реакцияси билан bogлиқ бўлмайди. Унинг ривожланишига овқат ҳазм қилиш аъзоларининг касалликлари, ҳазм ферментлари етишмаслиги, ичаклардаги дисбактериоз ҳолатлари сабаб бўлиши мумкин. Faқат 25 foиз ҳоллардагина озиқ-овқат маҳсулотларини кўтара олмаслик иммунологик механизмга bogлиқ булади. Кеъинги йилларда faқат она сути билан тўлиқ боқиладиган болалар сони 10 foизга камайди. Озиқ-овқат аллергияси бошқа ҳамма аллергик касалликлар орасида 5 foizdan 30 foizgacha учрайди. Аллергик дерматит билан касалланган болаларда озиқ-овқат аллергияси 47 foiz ҳолларда кузатилган. Нафас йўлларининг аллергик касалликларида озиқ-овқат аллергенлари касаллик сабабчиси сифатида 20 foiz ҳолларда аниқланган. Ovқат ҳазм қилиш аъзолари томонидан анатомик, физиологик ва иммунологик бузилишлар озиқ-овқат аллергияси ривожланишини амалга оширувчи омиллар (хавфли омиллар) ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси озиқ-овқат маҳсулотларини парчаланиши ва сўрилишини бузилишига олиб келади. Бундан ташқари оқсилли овқатларни ҳаддан зиёд истеъмол қилиш, озиқ-овқат ишлаб чиқаришда консервантлар ва озиқ-овқат бўёкларидан фойдаланиш, озиқ-овқат маҳсулотларида кимёвий заҳарли моддаларнинг тарқалиши, гижжалар ҳам таъсир кўрсатади. Озиқ-овқат аллергиясининг болалар орасида кўп тарқалиши, болаларда озиқ-овқат аллергенларига ичаклар ва жигар тўсиқларининг ўтказувчанлиги юқорилиги билан

боглиқдир. Катталарда озиқ-овқат аллергияси бирмунча бошқачароқ туева, яъни ички аъзоларининг сурункали касалликлари кўринишида ўтиши мумкин. Озиқ-овқат аллергенлари ҳайвон ва ўсимлик оқсиллари (сут, гүшт, балиқ, бошоқли галла экинлари) бўлиб қолмоқда, аксарият ҳолларда эса цитрус мевалар, ёнгоқлар, асал, кacao, шоколад бўлиши мумкин.

Ҳар бир озиқ-овқат маҳсулотидан мувофиқ ишлов бериш натижасида 4—6 хил антигенли таркибий қисмларни ажратиб олиш мумкин. Оддий оқсилларнинг кўп аминокислотали таркибий қисмлари кўпроқ аллергенлик хусусиятига эга. Ҳар қандай озиқ-овқат маҳсулоти аллерген бўлиши мумкин. Улардан баъзилари чин бўлмаган (псевдоаллергия) типдаги патологик реакцияни келтириб чиқариши мумкин. Бунда дарҳол реакциянинг иккинчи босқичи — гистаминолиберация юз беради. Болаларда сут аксарият ҳолларда аллергияни келтириб чиқаради. Катталарда сутга аллергия, одатда ичаклардаги касалликлар билан биргаликда кузатилади. Сигир сутининг таркибида 5 хил антигенли моддалар: альфа-лактоальбумин, бета-лактоглобулин, казеин, липопротеинлар ҳамда альбумозалар ва пептонлар аралашмаси бўлади.

Бета-лактоглобулин ҳаммасидан кўра кўпроқ аллергик хусусиятга эга. У сувда жуда яхши эрийди, сут қайнатилганда эса парчаланади. Сутининг аллергенлик хусусиятини камайтириш маҳсадида 100°C да 10 дақиқа давомида қайнатиш лозим. Шу билан бир вақтда болаларда она сутига нисбатан аллергия аниқланмаган, чунки унинг таркибида бета-лактоглобулин бўлмайди. Сутга нисбатан аллергияси бўлган беморларнинг 45 фоизида бета-лактоглобулинга нисбатан аллергия ривожланади. Аллергенлик хусусияти жиҳатидан казеин иккинчи ўринда туради. У юқори ҳароратга чидамли бўлиб, қайнатилганда ҳам емирилмайди. Беморларнинг 30 фоизида унга нисбатан сезувчанлик ортган бўлади. Сигир ва эчки сутининг таркибий қисмлари бир хил эмас. Шунинг учун сигир сутига аллергия бўлган ҳолларда уни эчки сути билан алмаштириш мумкин.

Тухум таркибиға овальбумин, овомукоид антигенлар киради. Тухум антигенларининг турлари фақат ўзигагина хос эмас. Шунинг учун товуқ, ўрдак ва гоз тухумларига нисбатан кесишувчи реакциялар кузатилади. Тухум оқсиллари ҳароратга чидамли, бироқ қайнатилгандан кейин уларнинг аллергенлик хусусиятлари пасаяди. Тухум саригининг асосий антигени вителлин ҳисобланади. У юқори ҳароратга чидамли. Қайнатилгандан кейин тухум саригининг аллергенлик хусусияти пасаяди. Турли хил балиқларнинг антигенылари бир-биридан фарқ қиласади. Кўп ҳолларда балиқларнинг қўйидаги турлари аллергияга сабаб бўлади: судак, сазан, сайра, хек, треска. Юқори ҳароратда ишлов берилганда ҳам балиқларнинг антигеник хусусиятлари ўзгармайди.

Ҳайвон гўшти бошқа гўшtlарга нисбатан камроқ ҳолларда аллергик реакцияларни келтириб чиқаради. Турли ҳайвон гўшtlарига кесишувчи аллергик реакциялар кузатилади. От гўштига аллергия бўлган ҳолларда, от зардобидан тайёрланган дори моддалар ҳам оғир аллергик реакцияларни келтириб чиқариши мумкин.

Болаларда бошоқли дон ўсимликлариға (бугдой, ловия, ёрма) аллергик реакциялар кузатилади. Кўпроқ бугдойга нисбатан аллергия қайд этилган. Унинг таркибидаги глютенинли моддалар, ичакларда ферментлар етишмаслиги ривожланиши ҳисобига ингичка ичакларда яллигланиш жараёнини келтириб чиқариши мумкин.

Мева ва сабзавотлар ҳам аллерген бўлиши мумкин. Ёш болаларда сенсибилизация кўпроқ кундалик истемол қилинмайдиган озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан юзага келади. Шафтоли, цитрус мевалар, қаҳва, какао, асал, қулупнай, малина, тухум, балиқ, ёнгоқлар кучли аллергенлик хусусиятига эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланади. Бу аллергенлардан ташқари болаларда бронхиал астма касаллигини сут, сабзи, картошка, гуруч, бугдой уни, қора ёрмаси ҳам келтириб чиқариши мумкин (12 фоиздан 70 фоизгача). Озиқ-овқат аллергияси бўлган болаларнинг катта гуруҳи текширилганда 40 фоизида сутга нисбатан аллергия, 33

фоизида тухумга, 12 фоизида балиққа нисбатан, 6 фоизида мева ва сабзавотларга, 3 фоизида эса бошоқлиларга нисбатан аллергия борлиги аниқланди.

Катталарда озиқ-овқат аллергияси күпроқ сабзатларга 80 фоиз, бошоқлиларга 40 фоиз ва меваларга 18 фоиз ҳолларда қайд этилган. Аллергиянинг бир вақтнинг ўзида бир неча озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан бўлиш ҳолатлари моноаллергенларга нисбатан икки марта күпроқ учрайди. Ҳар бир минтақада овқатланишдаги ўзига хос урф-одатлар турли маҳсулотларга нисбатан сезувчанликнинг ортишида ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, Астраханда балиққа нисбатан аллергия күпроқ кузатилса, Грузияда цитрус меваларига нисбатан айниқса кўп аниқланади.

Патогенези. Озиқ-овқат аллергиясини келиб чиқишига таъсир кўрсатувчи омиллар ичидаги ирсий омиллар муҳим ўрин эгаллади. Озиқ-овқат аллергиясининг насл орқали ўтиш механизми ҳужайралар ривожланиш жарабёнларида мувофиқлик бузилган ҳолатлар билан боғлиқ. HLA (B-8 ва B-7) билан қондаги маҳсус иммуноглобулинлар орасида ўзаро боғлиқлик аниқланган. Ҳомиладорлик пайтида ҳомилада озиқ-овқат маҳсулотларига сезувчанлигининг ортиши ташқи аллергенлар таъсири натижасида юзага келади.

Аллергияга мойиллик дейилганда аллергик диатез назарда тутилади. Шу билан бир вақтда болаларда экс-судатив — катарал диатез термини билан юритиладиган ноаллергик касалликларга кирувчи ҳолат ҳам худди шу гуруҳ белгилари ва кўринишларини ўз ичига олади. Бола организмига аллергенлар она сутти орқали киргандага аллергик диатезнинг биринчи белгиларини келтириб чиқаради. Бундай болалар қонига антигенлар тушганда катта миқдорда антитело реагинларни ишлаб чиқаради. Болаларда сутга ва бошоқли дон маҳсулотларига нисбатан аллергиянинг бўлиши ошқозон-ичак йўли фермент тизимининг етарли ривожланмаганилиги ва ичак-жигар тўсиқлари ўтказувчанлигининг ортиб кетганлиги билан боғлиқ бўлади. Катталарда озиқ-овқат аллергиясининг юзага келишига аллергенларни сўрилишини кучайтирувчи аччиқ таомлар ва спиртли ичимликлар истъмол қилиш ҳамда ошқозон-ичак тизими йўлидаги касал-

ликлар туртки бўлади. Озиқ-овқат аллергиясида ичакда тўлиқ парчаланмаган антигенлик хусусиятини сақлаб қолган оқсил маҳсулотларининг қонга сўрилиши юз беради. Бунга ферментлар етишмаслиги, яъни энтерокиназалар, пептидаза каби ферментлар миқдорининг пасайиб кетиши ҳам аҳамиятга молик таъсир кўрсатади.

Маълумки, одам медасида бўшлиқли ва девор олди мембрани ҳазм қилиш системаси мавжуд. Бўшлиқ ичидағи ҳазм қилиш организмга тушган маҳсулотни йирик молекулаларга парчалаб, мембрани ҳазм қилишга тайёрлаб беради. Ичакда майдо оқсилли таркибий қисмлар парчаланишининг бузилиши озиқ-овқат аллергиясининг ривожланишига туртки бўлади, яъни касаллик ҳазм қилишнинг биринчи босқичида юзага келиши мумкин. Ҳазм қилишнинг иккинчи босқичи (девор олди) бузилиши ҳам озиқ-овқат аллергияси келиб чиқишини амалга оширади. Пептидаза каби ферментларнинг етишмаслиги антигенлик хусусиятларини сақлаб қолган оқсил молекулаларини сўрилишига олиб келади.

Озиқ-овқат аллергияси яна антигенлик хусусиятини йўқотмаган йирик оқсил молекулалари жигар тўсиқлари орқали ўтиб кетган ҳолатларда ҳам пайдо бўлиши мумкин. Озиқ-овқат аллергияси бўлган беморларнинг 40 фоизида ҳазм қилиш аъзоларининг касалликлари аниқланган.

Ирсий йўл билан ўтган А иммуноглобулин ишлаб чиқаришдаги етишмовчилик ҳам озиқ-овқат аллергиясини қелтириб чиқариши мумкин. Унинг етишмаслиги озиқ-овқат антигенларининг сўрилишига ёрдам беради. Икки ёшгача бўлган болалар ичакларида IgA ишлаб чиқарадиган ҳужайралар ҳали кам ривожланган бўлади. Ичак деворларига антигенлар катта миқдорда тушганда иммун бирикмалар – антиген-антитело пайдо бўлиши мумкин. Ҳомилага антитело онадан суст (пассив) ўтказиш йўлдош орқали киради. Ҳомилада сезувчанликнинг ортиши фаол ҳолда ҳам, яъни озиқ-овқат оқсили – антигенни йўлдош орқали онадан ҳомилага тушиши ҳисобига ҳам юз бериши мумкин. Озиқ-овқат аллергияси аллергик реакцияларнинг З хил

типи күринишида ўтиши мумкин. IgE билан бөглиқ тез содир бұладиган, IV тип бүйича – секин-аста ривожланадиган ҳамда III тип бүйича айланиб юрувчи иммун бирикма билан бөглиқ бұлған реакциялар күринишида содир бұлади. Тез содир бұладиган аллергик реакциялар 30 фоиз деморларда (30 дақықа – 2 соат кейин) кузатилади. Күпинча касалликнинг клиник күринишлари 12–24 соатдан кейин юзага келади. Аллергик реакциянинг оғир кечишига қон зардобидаги комплемент миқдорининг пасайиши ва гистамин, серотонин каби аллергик реакция медиаторларининг ажралиб чиқиши таъсир күрсатади. Серотонин иммунологик босқычсыз реакцияларда ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бу совуқ, ультрабинафша нурлар жисмоний ишлар таъсири остида, яъни ҳақиқий бўлмаган аллергиялар (псевдоаллергик) күринишида содир бўлади.

Озиқ-овқат аллергияси күпинча юқори сезувчанликнинг тез содир бұладиган, айланиб юрувчи антителолар амалга оширувчи типи бүйича ўтади. Реакциянинг давомлилиги антиген организмга тушгандан кейин 7–10 кунгача чўзилади.

Клиникаси. Озиқ-овқат аллергиясининг клиник белгилари жойлашган ўрнига кўра З гуруҳга ажратилади:

1. Гастро-интестиналь;
2. Тери касалликлари;
3. Нафас йўли касалликлари.

Катталарда уларнинг биргаликда учраши кузатилади. Озиқ-овқат аллергиясининг клиник күринишлари турлича бўлади. Беморларда иситма, титраш, учук, қаварчиқ, Квинке шиши, бронхларнинг сиқилиши, бош оргиги, кўп бўғимларда бирданига огриқлар кузатилиши мумкин. Мураккаб бўлмаган озиқ-овқат аллергиясида ичакларда заарланиш белгилари бўлмайди. Ичакларда сурункали касалликлар бўлған ҳолларда озиқ-овқат аллергияси белгиларига ичаклардаги бузилишлар ҳам қўшилади. Озиқ-овқат аллергиясини клиник кечишининг иккита асосий шакли ажратилади: циклик ва доимий (сурункали).

Доимий шакли – қондаги антителонинг юқори миқдори билан бөглиқ. Бунда аллергенни истеъмол қилиш ҳамма вақт касалликнинг клиник белгиларини

юзага келишига олиб келади. Ҳатто аллергенли маҳсулотларни узоқ вақт давомида истеъмол қилмай, кейинчалик қайта истеъмол қилган ҳолларда ҳам яна касалликнинг клиник кўринишлари намоён бўлади.

Озиқ-овқат аллергиясининг циклик шаклида бемор озиқ-овқат маҳсулотлари — аллергенларни вакти-вақти билан яхши қабул қиласди, яъни бир овқатнинг ўзи баъзан касаллик белгиларини келтириб чиқарса, баъзан ҳеч қандай белгиларни чақирмайди. Бундай ҳолларда касалликни ташҳислаш анча қийин. Аллергик реакциялар 5—6 кунда 1 марта юзага келади.

Озиқ-овқат аллергиясида овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларининг клиник кўринишлари ҳам ҳар хил бўлади. Уларга сурункали гастрит, энтерит, панкреатит, ўт ҳайдаб чиқарувчи йўллар ва йўғон ичаклар касалликлари, ўт-тош касаллиги, ошқозон ва 12 бармоқли ичак яра касалликлари киради. Патологик белгилар ошқозон-ичак йўлининг ҳамма бўлимларида вужудга келиши мумкин: оғиз бўшлигига (гингивит, глоссит, стоматит, хейлит), ошқозонда (гастрит, ошқозон яраси касаллиги). Айрим муаллифлар ошқозон яраси касаллигига аллергик касаллик деб қарайдилар. Озиқ-овқат аллергияси учун қоринда бирданига пайдо бўладиган оғриқ хос хусусиятлардан бири ҳисобланади. Бироқ озиқ-овқат аллергиясида кўпинча ингичка ва йўғон ичаклар заарланиди. Бунда bemорлар оғриқ, тез-тез ҳожатга югуриш, суюқ ахлат келишидан шикоят қиласдилар. Шунингдек, “таъсирланган ичак” синдроми ҳам кузатилади. Шиллиқ қаватдан биопсия олинганда аллергик яллигланиш учун хос бўлган эпителий ва субэпителий тузилишларда аниқ ўзгаришлар (эозинофилларнинг кўпайиб кетиши, тўйинган ҳужайраларда бузилишлар, қонда иммуноглобулинлар миқдорининг ортиши) аниқланади. Озиқ-овқат аллергиясида ичакдаги ўзгаришлар бошқа кўпгина қорин бўшлиги касалликларининг ёлгон кўринишини бериши мумкин: аппендицит “уткир қорин”, ичакларнинг ўтказиш ишини бузилиши, мезентериал томирлар тромбози. Улар нотўғри жарроҳлик ишларини аралашибиларига сабаб бўлади. Уткир ривожланадиган озиқ-овқат аллергияларида кўпинча регионал энтерит (Крона

касаллиги), ярали колит, целиакия ривожланади. Болаларда гастроинтестинал аллергиянинг ривожланиши күпроқ сунъий овқатлантиришни эрта бошлаб юбориш билан бошланади. Озиқ-овқат аллергиясида кўпинча ичакларда бузилишлар, циклик равишда пайдо бўлиб турувчи ич кетишлар, ўт пуфаги дискинезияси, ошқозон оғриқлари хуружлари билан кузатилади. Сут, гўшт ва бошқа маҳсулотларга аллергия бўлган ҳолларда, ҳатто холецистит, гепатит ва панкреатит ривожланиш ҳолатлари қайд этилган. Шуни таъкидлаш лозимки, озиқ-овқат аллергиясида ошқозон-ичак йўлида юзага келадиган алоҳида клиник кўринишлар учрамайди. Улар, одатда бошқа аъзо ёки тизимлардаги бузилишлар билан биргаликда қўшилиб келади. Ошқозон-ичак тизимидағи бузилишларда полиаллергия устунлик қиласиди. Бироқ айбдор аллергенлар келиб чиқиш жиҳатидан кўпинча ҳайвон маҳсулотлари ҳисобланади. Ўсимлик маҳсулотларига нисбатан аллергия эса кўпроқ ичакларнинг алоҳида касалликлари кўринишида содир бўлади. Озиқ-овқат аллергиясида бошқа аъзолардаги аллергик белгилар ўртача 20 фоиз bemорларда аниқланади. Болаларда озиқ-овқат аллергиясининг энг кўп содир бўладиган шакллари бу қаварчиқлар ва Квинке шиши ҳисобланади. Озиқ-овқат аллергияси билан боялиқ бўлган қаварчиқлар ва Квинке шишини юзага келиш тезлиги 13 фоиздан 45 фоизгacha ҳолатларда учрайди. Улар, одатда анча қийин кечади. Кўпинча озиқ-овқат аллергияси билан боялиқ бўлган теридаги ўзгаришлар эритемали везикуляр дерматитлар кўринишида намоён бўлади. Озиқ-овқат аллергияси бўлган 50 фоиз болалар ҳаётининг биринчи йилидаёқ экзема (гуш) билан азобланадилар. Касаллик болани сунъий овқатлантиришга утказишдан кейин пайдо бўлади. Сигир сути билан сунъий овқатлантирилаётган ёш болаларда озиқ-овқат аллергиясининг кўриниши, одатда экссудатив диатез деб ташҳисланувчи теридаги патологик ўзгаришлардан иборат бўлади. Уларга бошнинг сочли қисмларида ёгли қатламлар пайдо бўлиши, ёноқнинг қизариши ва кейинчалик чов соҳаларида бичилишлар юзага келиши киради. Агар болани сутли аралашмалар билан боқиш

давом эттирилса, касаллик ривожланиши кучаяди, экс-судатив диатездан экзема вужудга келади. Болалардаги озиқ-овқат аллергиясининг теридаги кўринишлари орасида тугунчали тошмалар учрайди улар строфулус (қичима) деб ташҳисланади. Улар кўпинча оёқ ва қўлларнинг букилувчи юзаларида, оёқ кафтларида, қўл кафтларида жойлашган бўлади. Озиқ-овқат аллергиясининг кўриниши ташқи ва ўрта қулоқнинг яллигланиши, ринит ва бошқа аъзолардаги шикастланиш белгилари билан ўтиши мумкин. Шунингдек, қулоқ олди безининг ўткир ва сурункали яллигланиши паротит ҳам қайд этилган. Паротит кўпинча тухумга, сутга, шоколадга аллергия бўлган ҳолларда учрайди. У, одатда катарал шиллиқ қаватининг яллигланиши кўринишида кечади. Касаллик тез бошланади ва бир неча соат ёки кундан кейин согайиш билан якунланади. Озиқ-овқат аллергиясининг ниҳоятда кўп учрайдиган клиник кўринишларидан бири – бронхиал астма ҳисобланади. Болаларда озиқ-овқат аллергиясининг ўзи бронхиал астма сабабчиси сифатида 16 фоиз ҳолларда. 45 фоиз ҳолларда эса бошқа аллергенлар билан биргаликда кузатилади. Сут, тухум ва балиқча нисбатан аллергия бошқа маҳсулотларга қараганда кўпроқ қайд этилади.

Катталарда озиқ-овқат аллергияси билан боғлиқ бўлган бронхлардаги ўзгаришлар кам ҳолларда учрайди. Озиқ-овқат аллергияси бронхиал астмани келтириб чиқарувчи биргина омил сифатида катталарда 5 фоиз беморларда, бошқа аллергенлар билан биргаликда эса 22 фоиз беморларда аниқланган. Бронхиал астманинг келиб чиқиши сабаблари ўрганилаётганда турли аллергенларга нисбатан кесишувчи реакциялар бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш лозим. Масалан, амброзияга сезувчанлик ортиши билан боғлиқ бўлган ўсимликларга кирувчи маҳсулотларни овқат билан бирга истеъмол қилиш натижасида ҳам бўғилиш ҳолати бўлиши мумкин. Поллинозда bemорда қора бугдой (жавдар) чангига сенсибилизациянинг бўлиши – қора бугдойдан тайёрланган нонни истеъмол қилганда ҳам белгиларнинг пайдо бўлиши кузатилади. Баъзи дарахт

чангларига сезувчанликнинг ортишида беморларда ёнгоқ, холва истеъмол қилгандан кейин ҳам аллергик реакциялар пайдо бўлади. Озиқ-овқат аллергияси болалар орасида, кўпроқ ўғил болаларда, катталарда эса аёлларда кўпроқ учрайди. Айниқса, бир ёшгача бўлган болалар орасига озиқ-овқат аллергияси натижасида юзага келган бронхиал астма кўп кузатилади. У, асосан тухумга, сутга ва бугдой унига нисбатан аллергия билан боғлиқ бўлади. Озиқ-овқат аллергиясини тахикардия, қон босимининг тушиб кетиши ва ваккулит билан намоён бўлувчи юрак қон-томир тизими касалликлари кўринишида ҳам аниқлаш мумкин. Озиқ-овқат аллергиясининг энг оғир кўринишларидан бири — анафилактик реакция ҳисобланади.

Озиқ-овқат аллергияси периферик қондаги ўзгаришлар лейкопения, эозинофилия, лимфоцитоз реакцияларида намоён бўлиши мумкин. Болаларда кўпинча аллергик гранулоцитопения ва тромбоцитопения ривожланади. Озиқ-овқат аллергиясида асаб тизимидағи бузилишлар умумий астенизация (иш қобилиятининг пасайиши), асабийлашиш, уйқусизлик ҳам кузатилиши мумкин. Демак, озиқ-овқат аллергиясининг кўринишлари организмнинг деярли барча аъзоларида ва тизимларида кузатилиши мумкин.

Ташҳиси. Озиқ-овқат аллергиясининг жуда кўп турланишлари мавжуд, аммо у кўпроқ ошқозон-ичак йўли касалликлари кўринишида юзага чиқади. Озиқ-овқат аллергиясини ташҳислаш айрим ҳолларда шифокор учун қийинчиликларни тугдиради. Қатор касалликлар озиқ-овқат аллергияси белгиларига ўхшаш белгиларни келтириб чиқариши мумкин (дисбактериоз, ошқозон-ичак йўлларининг сурункали касалликлари, ферментлар етишмаслиги).

Озиқ-овқат аллергиясининг ташҳиси аллергологик анамнез йигишдан бошланади. Бунда қариндош уругларнинг аллергик касалликларига, болаликда бошдан ўтказган аллергик касалликларга, касалликнинг кечишига озиқ-овқатларни сифати ва микдорининг таъсирига, касбга оид заарли омилларга эътибор берилади. Овқатланиш кундалигини ёзиб боришга айниқса катта эътибор қаратилади. Унда ҳар куни истеъмол

қилингани овқатлар миқдори ва сифати, қандай ишлов берилishi ҳақида қайд этиб борилади. Бу даврда бирор дори моддани белгилаш мақсадга мувофиқ эмас. Овқатланиш кундалигини энг қамида бир ой давомида ёзиб бориш керак. Агар бирор маҳсулот аллергик реакцияга сабаб бўлса, у рациондан чиқариб ташланади. Озиқ-овқат аллергиясининг циклик равишда кечиши туфайли айрим ҳолларда касалликнинг турли босқичларида бир хил маҳсулотнинг ўзи баъзан аллергияга сабаб бўлса, баъзан ҳеч қандай аллергик реакция чақирмаслигига олиб келади. Озиқ-овқат аллергиясини ташҳислаш учун бўлиб-бўлиб ўтказиладиган парҳез таклиф этилган. Бунда гумон қилингани маҳсулот 4 кунда бир марта қабул қилинади. Бу вақт мобайнида қонда етарли миқдорда антитело йигилади. Ошқозоничак йўлининг сурункали касалликларида, аллергия билан боғлиқ бўлмаган ҳолда айрим озиқ-овқат маҳсулотларини ҳазм қила олмаслик кузатилади. Масалан, колитда беморлар қовунни, сутни ёмон ҳазм қилади. Холециститда эса тухум ва помидорни ёмон ўтказади.

Озиқ-овқат аллергиясини ташҳислаш учун истисно қилиш (элиминация) синамасининг 3 хил тuri қўлланилади.

1. Гумон қилинаётган маҳсулот 7–10 кунга искеъмолдан чиқариб ташланади.

2. Асосий парҳездан энг кучли аллергенлик хусусиятига эга бўлган (облигат) аллергенлар (шоколад, ёнгоқ, тухум, сут) чиқариб ташланади.

3. 5 кунгача очлик белгиланади, кейин эса секинаста кундалик овқатларга турли маҳсулотлар киритилади. Касаллик белгиларининг гумон қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларини чиқариб ташлагандан кейин йўқолиб, яна овқат билан қабул қилингандан кейин пайдо бўлиши касалликни аллергик табиатга эканлигидан далолат беради. Провокацион синамаларни ўтказишда гумон қилинаётган озиқ-овқат маҳсулоти 5 кун олдин исеъмолдан чиқариб ташланиши керак. Синама қорин очлигида, наҳорда ўтказилади. Турли мутахассисларнинг маълумотларига кўра провокацион

синама юқори аниқликда бұлиб чиқди. 70 фоиз беморларда натижалар мос келди.

1920 йилда ёк Видаль аллергик реакцияларда қонда лейкоцитлар ва тромбоцитлар миқдори камайишини күрсатып берди. У ҳозирги пайтда озиқ-овқат аллергиясини ташхислашда ишлатылади.

Лейкопения ва тромбопеник синамалар провокацион синамалар билан биргаликта үтказылади. Аллерген деб ҳисобланған озиқ-овқат маңсулоти чиқариб ташланыб, тозалаш ҳуқнаси үтказылғандан кейин ва дори моддаларини (гистаминга қарши моддалар, гормонлар) қабул қилиш ҳам тұхтатылғандан кейин периферик қондаги лейкоцитлар ва тромбоцитлар текширилади. Бундан ташқари, қон босими, томир уриш тезлиги ҳам аниқланади. Бронхиал астмаси бұлған беморларда пневмотахометрия үтказылади. Беморга әрталаб нақорга 100 г текширилаётган маңсулот берилади. Кейин юқорида күрсатылған ҳамма текширишлар овқат қабул қилинғандан 30, 60, 90 дақықа үтгач үтказылади. Агар қон босими 10 мм симоб устунидан күп миқдорға пасайыб, томир уриши 1 дақықада 20 мартаға тезлашған, лейкоцитлар миқдори 1 mm^3 да 1000 дан күпроқ миқдорға пасайған, тромбоцитлар миқдори 25 фоизга камайған, ташқи нафас функцияси 14 фоизгача пасайған ҳолатларда синама ижобий ҳисобланади. Синамалардан кейин касалликнинг белгилари пайдо бұлса, синама янада маълумотлироқ ҳисобланади. Озиқ-овқат аллергенлари билан терида үтказылады аллергик синамалар скарификация йўли билан ҳам, тери ичига киритиш йўли билан ҳам үтказилиши мумкин. Аллергени тери ичига киритишда күпроқ маълумот олинса ҳам, у күпинча касаллик хурожини ва умумий реакцияларни көлтириб чиқариши мумкин. Улар, одатда тез содир бұлады аллергиялар типида ўтиши мумкин. Күп сонли муаллифларнинг маълумотларига қараганда терида үтказылған синамалар озиқ-овқат аллергияси бұлған беморларнинг 30 фоизидан күпрогида мусбат бұлиб чиққан. Шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, теридағи синамалар ёлғон мусбат ёки ёлғон манфий реакциялар ҳам бериши мумкин.

Синамадан олдин қўйиладиган аллергенларга му-вофиқ келадиган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолдан чиқариб ташланади. Синама ўтказиш учун бир хил маҳсулотдан тайёрланган ёки бир неча маҳсулотдан тайёрланган бирикма аллергенлар қўлланилади. Теридаги синамалар натижаси фақат бошқа текшириш усуллари билан биргаликда баҳоланади. Озиқ-овқат аллергенига нисбатан пайдо бўлган, қонда эркин ҳолда айланиб юрувчи, антителони аниқлаш учун бир неча усуллардан фойдаланилади. Масалан, Праустнитц-Кюстнер бўйича антитело (суст) ўтказиш усули, Шелли усули бўйича базофилларнинг шикастланиш реакцияси, Бойден бўйича билвосита гемагглютинация, тўйинган ҳужайралар тузилишининг бузилиш реакциялари, лейкоцитолиз ва радиоаллергосорбент усуллари (РАСТ) шулар жумласига киради.

Озиқ-овқат аллергиясини аниқлаш учун ҳужайра реакцияларининг юқори сезувчанликнинг секин-аста содир бўладиган типлари, лимфоцитлар бласттрансформацияси (шаклини ўзгариши), лейкоцитлар ҳаракатланишининг тўхтатилиши каби реакциялардан фойдаланиш ҳам мумкин. Тухумга, сутга нисбатан озиқ-овқат аллергиясининг клиник кўриниши бўлган атопик дерматит билан касалланган болалар қонида тухум оқсилига қарши ва сутдаги бета-лактоглобулинга қарши маҳсус иммуноглобулинларнинг юқори миқдорда бўлиши аниқланган. Озиқ-овқат аллергиясини ташҳислаш тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланиш йўли билан ҳам амалга оширилади. Рентген нурлари ёрдамида текшириш бир неча босқичда ўтказилади. Аллерген маҳсулотни истеъмолдан чиқариб ташлагандан 5 кун ўтгач, беморга барий сульфат бўтқаси берилади. Рентген нурлари ёрдамида ошқозон ва ичакларнинг ҳаракат-кўчириш функцияси, яъни ошқозонга тушган маҳсулотнинг ошқозон-ичак йўлидаги ҳаракатланишини кузатиш орқали текширилади. Кейинги куни эрталабки нонуштадан кейин (сульфат барий + озиқ-овқат маҳсулоти) қайтатдан текшириш ўтказилади. Озиқ-овқат аллергияси бўлган bemорларда ошқозон ичидаги нарсанинг ҳаракати кескин секинлашган ёки кескин тезлашган бўлиб қолади. Ингичка

и чак сиқилиши күзатилади. Бундан ташқари озиқ-овқат аллергияларини аниқлашпа электрогастро графия (электр асбоблари ёрдамида меъда биотокларини ва механик ҳаракатини ёзиб олиш) усули ҳам қўлланилади. Бу аппарат (асбоб) ошқозон-и чак тизимининг механик фаолияти ҳақида маълумот берувчи ошқозон биотокларини ёзиб олишга имкон беради. Электрограмма доимий равишда қабул қилинадиган (стандарт) овқатларни истеъмол қилишдан олдин ва истеъмол қилиб бўлгандан кейин ҳамда “аллергик” овқатдан кейн ёзиб олинади. Озиқ-овқат аллергиясида ошқозонни таъсиранганигини кўрсатувчи ўзгаришлар күзатилади.

Микроскопик текшириш мақсадида ошқозон шиллиқ қаватидан кесмалар олиш усули ҳам (биопсия) қўлланилади. Аллергияда ошқозон шиллиқ қавати қон томирларида қоннинг туриб қолиши (стаз), шиш, эозинофилли ва лимфоидли инфильтрациялар күзатилади. У ошқозон шиллиқ қаватидаги маҳаллий аллергик реакцияни аниқлашпа имкон беради. Клиника шароитида элиминация (аллергенни истисно этиш) – провокацион (аллерген овқатларни оч қоринга бериб кўриш) синамалар энг кўп маълумот берувчи синама бўлиб қолмоқда. Юқорида кўрсатиб ўтилган синамаларнинг ҳеч қайсиси озиқ-овқат аллергиясини тасдиқлаш учун мутлоқ ишончли, деб ҳисобланмайди.

Қатор мутахисслар озиқ-овқат аллергиясидан ташқари алиментар (озиқ-овқат орқали) ва ҳазм қилишдаги аллергияни фарқлайдилар. Буни аниқлаш ташҳисда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Алиментар аллергияда ҳазм қилиш йўлига тушувчи турли озиқ-овқат қўшимчалари, бўёқлар, консерванлар, дори моддалар антиген бўлиши мумкин. Айрим озиқ-овқат бўёқлари (масалан, тартразин) жуда кўп миқдорда простагландинлар ишланиб чиқиши ҳисобига чин бўлмаган (псевдоаллергик) реакцияни келтириб чиқариши мумкин. Антиген-антитело реакциялари натижасида юзага келувчи ошқозон-и чак йўлидаги аллергик ўзгаришлар антигенни қайси йўл орқали тушишидан қатъи назар ҳазм қилишдаги ёки дигестив аллергия деб айтилади. Бемор организмига антиген нафас йўли орқали ёки

муолажалар (инъекция) орқали ҳам тушиши мумкин. Баъзи мутахассислар озиқ-овқат аллергиясини бирламчи ва иккиламчи турларга ажратадилар. Бирламчи аллергия дейилганда иммунологик бузилишлар таъсири остида вужудга келадиган ўзгариш тушунилади, иккиламчи аллергияда эса овқат ҳазм қилиш аъзоларидағи сурункали касалликлар, ферментлар етишмаслиги, гижжалар таъсирида ўзгаришларнинг пайдо бўлиши тушунилади. Катталарда кўпроқ озиқ-овқат ва бошқа аллергенларга аллергия биргаликда кузатилади.

Қўйидаги жадвалда озиқ-овқат аллергиясининг чин ҳақиқий ва ёлгон шаклларини ташҳислаш учун айрим кўрсаткичлар йигидиси берилган.

1-жадвал

Озиқ-овқат аллергиясининг чин ва ёлгон шакллари ташҳиси курсаткичлари

Касаллик белгилари	Касалликниң ҳақиқий шакли	Касалликниң ёлгон шакли
1	2	3
Ирсий аллергик касалликлар Ёндеш келган аллергик касалликлар Ошқозон-ичак йули касалликлари Гепатобилиар (жигар-ут йули) тизими касалликлари Марказий асаб тизими касалликлари Теридаги мусбат синамалар Провокацион ва элиминация синамаларининг мусбат бўлиш холлари Қондаги умумий IgE микдорининг ортиши. Қондаги маҳсус Ig 4 микдорининг ортиши. Қонда айланаб юрувчи антителонинг бўлиши.	50%дан кўпроқ 80%дан кўпроқ 25%дан кўпроқ 40%дан кўпроқ 30%дан кўпроқ 60%дан кўпроқ 80%дан кўпроқ 80%дан кўпроқ 10%дан кўпроқ 80%дан кўпроқ 80%дан кўпроқ 5%дан кўпроқ 30%дан кўпроқ 80%дан кўпроқ 10%дан кўпроқ 20%дан кўпроқ 20%дан кўпроқ	10%дан кўпроқ 10%дан кўпроқ 80%дан кўпроқ 60%дан кўпроқ 80%дан кўпроқ 5%дан кўпроқ 30%дан кўпроқ 10%дан кўпроқ 20%дан кўпроқ 20%дан кўпроқ

Озиқ-овқат маҳсулотини кўтара олмаслик (ҳазм қила олмаслик) ошқозон-ичак йўлидаги бирор фермент ишлаб чиқаришнинг ирсий бузилиши билан ёки ҳаёти давомида юзага келган ортирилган етишмовчилик,

озиқ-овқат маҳсулотларини ферментлар таъсирида парчаланиб, бошқа моддалар яратилишининг бузилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ошқозон-ичак йўлидаги ферментлар етишмаслиги билан боғлиқ бузилишлар, углеводлар, аминокислоталар, ёғ ва ёғ кислоталарини ҳазм қила олмаслик ҳолатлари билан бирга қўшилиб келади. Масалан, катталардаги сутни ҳазм қила олмаслик сут таркибидаги лактазани парчаловчи лактаза ферментининг етишмаслиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу ҳолатни даволаш учун сутни бутунлай истеъмолдан чиқариб ташлаш керак. Дифференциал ташҳис сутга ҳақиқатдан ҳам аллергия борми ёки ферментлар етишмаслиги (энзимопатия) туфайли аллергик реакция пайдо бўлаяптими шуни аниқлаш мақсадида беморга таркибида лактаза бўлмаган қатиқ ёки сузма бериб кўрилади. Агар сутга аллергия бўлса, бу маҳсулотлар ҳам ёмон ҳазм қилинади. Сутни яхши ҳазм қила олмаслик фермент етишмаслигини кўрсатади. Даволаш мақсадида bemorlarning кундалик овқати таркибига лактаза ферменти киритилади.

Дуккакли ўсимликлар маҳсулотини ҳазм қила олмаслик фавизм деб юритилади ва у гемолитик камқонлик кўринишида юзага чиқади. Ловия, нўхот истеъмол қилинганда эритроцитларнинг емирилиши (гемолиз) содир бўлади.

Кичик ёшдаги болаларда аминокислоталарни ҳазм қила олмаслик билан боғлиқ бўлган касаллик учраши мумкин. Уларнинг асосида кўпинча фенилакин, лейцин алмашинувининг бузилиши ётади. Бунда bemor организмига озиқ-овқат маҳсулотлари билан аминокислоталар киришини чегаралаш керак.

Глютеинли энтеропатия – оқсил алмашинуви маҳсулотларни ҳазм қилишни бузилишининг энг кўп учрайдиган ва ўрганилган шакли ҳисобланади. У целиакия (айрим дон маҳсулотларидаги клейковин оқсилини кўтара олмаслик натижасида ичакда сўрилиш жараёнининг бузилиши) шаклларидан бирини ўзида намоён қиласди. Касалликнинг ривожланиш механизмида бир неча ген орқали юзага келган ферментлар танқислиги, ичак шиллиқ қаватидаги инфекциялар ва заҳарли моддалар билан заарланиш иштирок этади.

Касалликнинг клиник кўриниши бетўхтов ич кетиши билан юзага чиқади.

Даволаш усуллари. Даволаш учун истеъмол қилинаётган овқат таркибидан бугдой ва жавдар (қорабугдой) нон, бўтқалар, ундан тайёрланган маҳсулотлар чиқариб ташланади. Озиқ-овқат аллергиясининг ўткир кечәётган даврида гистаминга қарши моддалар кенг қўлланилади. Озиқ-овқат аллергияси умумий аллергик реакциялар билан бирга қўшилиб келган ҳолларда эса кортикостериод гормонлар ҳам киритилади. Гистоглобулин билан даволашда ҳам юқори самара олинган.

Симптоматик (бергиларга қараб) даволаш усулига ҳам катта эътибор берилади. Аллергенни чиқариб ташлаш мақсадида ошқозон ва ичакларни ювиш тавсия қилинади, юрак фаолиятини яхшиловчи препаратлар оғриқ қолдирувчи, спазмолитик воситалар белгиланади. Касалликнинг ўткир даврида бутунлай овқат емаслик тавсия қилинади. Кейинчалик озиқ-овқат аллергенининг турига боғлиқ ҳолда парҳезни кенгайтириш мумкин. Сурункали озиқ-овқат аллергиясини даволаш учун жуда кўп усуллар мавжуд. Улар орасида энг кўп тарқалгани – бу гипоаллергик парҳез усули бўлиб, у кучли аллергенлик хусусиятига эга бўлган (облигат) озиқ-овқат маҳсулотларини кундалик истеъмолдан чиқариб ташлашга асосланган. Шириналарни, сигир сути, ундан тайёрланган маҳсулотлар ҳамда қизил рангдаги сабзавот ва меваларни тавсия қилинмайди. Бир қатор чет әл мутахассислари парҳезнинг 4 хил турини таклиф этишган. Уларнинг ҳар бирида истеъмолдан чиқариб ташланадиган маҳсулотлар сони секин-аста кўпайтирилиб борилади.

Енгиллаштирилган парҳез усули ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосида 12–15 кун давомидаги очликдан кейин қайтатдан тикланиш босқичини ўtkазиш ётади. Бу усулларнинг механизми – биринчидан, аллергенни истисно қилишга, иккинчидан эса организмга номахсус таъсирига асосланган. Спиртли ичимликлар, гўштли шўрвалар истеъмол қилиш ман этилади. Ҳозирги пайтда гипоаллергик парҳез ишлаб чиқилган бўлиб, унда шоколад, цитрус мевалар, мали-

на, қулупнай, консерва маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар истеъмолдан чиқариб ташланган. Ошқозон-ичак йўлида касалликлари бўлган беморларда парҳез терапиядан кейин озиқ-овқат аллергенларига толерантлик ортади. Гижжаларни йўқ қилиш, антипротозой воситалар билан даволашлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Касалликнинг енгиллашган босқичларида санатор-курорт шароитида даволаш фойдали ҳисобланади. Беморларга минерал сувлар, ошқозон ва ичакларни ювиш, қорин соҳаларига балчиқлар қўйиш тавсия қилинади. Н₂ рецепторларининг блокаторлари гуруҳига кирувчи (циметидин, тагомет) препаратларни ҳам яхши таъсир кўрсатиши тўғрисида маълумотлар мавжуд. Улар ошқозоннинг кислота ишлаб чиқариш функциясини пасайтириб, ичак шиллиқ қавати ҳужайраларидан гистамин ажралиб чиқишини йўқ қилади (блоклайди). Кининларга қарши таъсир кўрсатувчи воситалар, протеиназага қарама-қарши препаратлар (трасилол, контрикал) ҳам белгиланади.

Ўткир аллергик яллигланишнинг оғир шаклларида глюкокортикоид гормонлар қўлланилади. Ошқозон яраси касалликларида уларни қўллаш мумкин эмас. озиқ-овқат аллергиясини интал билан даволаш ҳам ниҳоятда самарали восита ҳисобланади. Унинг қобиққа ўралган шакли — налкром белгиланади. Уни овқатдан бир соат олдин 1 капсуладан қўллаш тавсия этилади. Узоқ вақт давомида қайнатиш (оқсилларни бузилишига олиб келиши туфайли) озиқ-овқат маҳсулотларининг аллергенлик хусусиятларини камайтиради.

Ниҳоят, маҳсус гипосенсибилизация ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. У, асосан қайнатилган сувда эритилган табиий маҳсулотлар билан ўtkазилади. Да-волаш 1:100 ёки 1:1000 эритмадаи бошланади. Дастлаб 1 чой қошиқдан берилади. Ҳар кунлик миқдорини 1 қошиққа ошира бориб, 10 қошиққа етказилади, кейин навбатдаги эритмага ўтилади. Даво муолажалари 2—3 ой давом эттирилади.

ОЗИҚ-ОВҚАТ АЛЛЕРГИЯСИНІН ТАШХІСЛАШ ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИҢ НАМУНАСЫ

1. Беморнинг умумий аҳволи ва аллергик күринишларнинг ҳолатига қараб 3—7 кун давомида очлик белгиланади. Бу кунларнинг ҳаммасида у ҳар куни 5—7 стакан сув ичиб туради. Тозалаш ҳуқнаси 1 кунда 2 маҳал албатта ўтказилиши шарт. Чой ичиши мумкин, фақат шакарсиз, кечкурун гигиеник душ қабул қиласди.

2. Очликдан кейин касалликнинг енгиллашган (ремиссия) даврида 2—3 кун ичиде озиқ-овқат аллергенлари билан терида синамалар ўтказилади. Керак бўлса иммунологик текшириш ҳам ўтказилади.

3. Кейин лейкопеник ва провокацион синамалар ҳар куни: 1-куни сут, 2-куни қатиқ, 3-куни тухум, 4-куни нон, 5-куни гўшт, 6-куни картошка, 7-куни сузма ва бошқа гумон қилинаётган маҳсулотлар билан ўтказилади. Олдиндан bemor уйда кўпроқ қайси маҳсулотни истеъмол қилиши аниқлаб олинади.

4. Гижжа тухумларини аниқлаш учун аҳлат икки марта текширилади.

5. Агар bemordга аллергиянинг клиник белгилари бўлса, катталарга 400 мл дан гемодез 2—3 кун қўйилади. Кечасига гистаминг қарши препаратлар инъекция кўринишпида (тавегил) белгиланади.

6. Ошқозон-ичак йўлида касаллик аниқланган bemorgа касалликка boglik равишда ферментлар (панзинорм, фестал, панкреатин, аллохол, ошқозон шираси) белгиланади.

7. Парҳезга ўтгандан кейин уч кун давомида қўйидагилар берилади: сув —1 л, магнезия сульфурици — 25 гр 1 стакандан куннинг биринчи ярмида (5 кун).

8. Очликдан кейин bemornинг овқатланиши провокацион (оч қоринга гумон қилинаётган овқатни бериб кўриш) синамаларга boglik. Агар юқорида кўрсатилган маҳсулотларга нисбатан аллергия аниқланмаса, бу ҳолда парҳез кенгайтирилади: 1-куни сут (3 стакан), 2-куни сут +қатиқ (ҳар биридан икки стакандан), 3-куни тухум+сут+қатиқ, 4-куни нон+сут+қатиқ+тухум, 5-куни гўшт+тухум+сут+қатиқ+нон, 6-куни картошка қўшилади, 7-куни сузма қўшилади ва бошқалар.

9. Озиқ-овқат аллергени аниқланғандан кейин уни бутунлай истеъмолдан чиқарып ташланади. Углеводлар ва туз қабул қилиш чегараланади.

10. Ошқозон-ичак йұлида касаллик бұлғанда күрорт зоналарида даволаш белгиланади.

11. Дастрлаб диазолин, кейин гистоглобулин бир ойга белгиланади.

12. Фосфор тузлари, кальций таблеткалари 15 кунга белгиланади, централнинг спиртдаги эритмаси (2% – 20 томчидан 1 кунда 3 маҳал) бир ой давомида овқатдан кейин тавсия қилинади. Озиқ-овқат аллергиясида даво муолажалари уч ой давом эттиради.

ДОРИ АЛЛЕРГИЯСИ

Тарқалиши ва таснифи

Аллергик касалликлар сони мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига мутаносиб равишда үсіб бормоқда, чунки илмий-техник ривожланиш билан аллергенлар миқдори ҳам күпайиб боради. Улар орасида дори моддалар ҳам етакчи үрин тутади. Тиббий амалиётта 25 мингга яқин дори моддаларидан фойдаланилади. Бунда деярли 90 фоиз дори моддалар сүнгги 30–40 йиллар ичидә ишлаб чиқылған бұлиб, буни “фармацевтик портлаш” даври деб айтыш мүмкін. Нанағат дори моддаларнинг сони, балки уларни организмга таъсир кучи ҳам үсіб бормоқда. Яңғы, юқори самарали дори моддаларни жорий этиш даволаш ишларининг яхшиланишига имкон беради. Бироқ организмде дори моддаларга нисбатан ножұя реакцияларни үсішига, мақсадға мувоғиқ бұлмаган натижаларға олиб келишгә ва ҳатто оғир асоратларға сабаб бұлади. Турли мутахассисларнинг маълумотларига кура дори моддалар қабул қылған кишиларнинг 10–20 фоизида дори моддалар келтириб чиқарған асоратлар күзатылади. Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг манбаларига қараганда шифохонага қабул қилинған 1000 нафар бемордан 50 нафари дори моддалардан келиб чиққан асоратларни даволаш учун юборилади. Америка Құшма Штатларида тахминан 30 фоиз беморларда ши-

фохонада даволаш мобайнида бирорта дори моддадан асоратланиш кузатилади, 4 та ўлим ҳолатидан биттаси дори моддаларнинг асоратлари билан боғлиқ. Дори моддалардан келиб чиқадиган асоратларнинг ўсишига ўз-ўзини даволаш, фақат бир хил дори моддаларга ружу қўйиш, бир вақтнинг ўзида бир неча дори моддаларни қабул қилиш сабаб бўлади. Масалан, бир вақтнинг ўзида 8 хил дори қабул қилинганда 10 фоиз беморларда асоратлар кузатилган бўлса, 16 хил дори моддаларни қабул қилинганда эса бу раҳам 40 фоизни ташкил қиласди. Республика изда катта ёшдагилар орасида дори моддалар туфайли келиб чиқсан аллергия ўртача 1000 нафар аҳолидан 2 тасига тўғри келади. Дори моддаларнинг ножоя таъсирлари шифохонада даволанаётган беморларнинг 8 фоизида, амбулатор шароитида даволанаётганларнинг эса 1,5 фоизида қайд этилган.

Дори моддаларига аллергиялар шифохоналарнинг турли бўлимларида (ички касалликлар, жарроҳлик, гинекология) учрайди ва бу барча дори аллергияларининг 50 фоизини ташкил қиласди. Терапия йўналишидаги 15 фоиз беморларда дори моддаларга нисбатан аллергия аниқланган. Профилактика мақсадида эмланганларнинг 13 фоизида зардоб касаллиги аниқланган. Анафилактик шок дори модда қабул қилаётган 50 минг бемордан биттасида учрайди. Тиббий ходимларда дори аллергиялари бошқа касбдагиларга қараганда 10 марта кўпроқ учрайди (деярли 26 фоиз тиббий ходимларда). Белоруссияда дори моддалардан аллергия 59 фоиз тиббий ходимларда, тиббий билим юрти талабаларининг 9,7 фоизида аниқланган. Сунги 10 йил ичиди Москвада пенициллинга нисбатан анафилактик шокдан 500 ўлим ҳолати қайд этилган. Семипалатинск шаҳрининг терапия йўналишидаги шифохоналарининг 4 фоиз беморларида дори моддалардан аллергия кузатилган бўлса, юқумли касалликлар шифохонасида эса 3 марта кўп учраган. Германияда дори аллергияси 5 фоиз беморларда, Англияда уларнинг сони 4 фоизгача бўлиб, буларнинг 3 фоизга яқини ўлим билан якунланади. Винницада катта ёшдаги аҳолини кўрикдан ўтказилганда 2,5 фоиз беморларда дори моддалардан аллергия аниқланди. Йил сайнин касалликлар

сони ортиб бормоқда. Касаллик ўсиши сабабларининг асосийлари: аллергик анамнезни тўгри баҳоламаслик, дори моддаларни кўп миқдорда асоссиз равишда белгилаш (поллипрагмазия), бир-бирига яқин бўлган дори моддаларни белгилаш, жигар ва буйрак функцияларидаги бузилишларни шифокор томонидан ҳисобга олмаслик, дори моддалар билан қўйиладиган теридаги синамаларни нотўгри ўтказиш ҳисобланади. Москва шифохоналаридаги полипрагмазияни таҳлил қилиш натижаси шуни кўрсатдики, фақат 25 фоиз беморлар 5 тадан кам бўлмаган миқдорда, 27 фоиз беморлар эса 25 тадан кўпроқ дори препаратларини бир вақтда қабул қилишган. Дори моддалардан аллергияда турли аъзолар ва тизимлар бир хилда зарар кўрмайди. Ҳар бир дори модданинг аниқ бир аъзога таъсир қилиш хусусияти бўлишига қарамай дори модда аллергияларida кўпроқ алоҳида аъзолар ва тизимлар патологик жараёнга тортилади. Швед қўмитасининг маълумотларига қараганда дори моддаларининг таъсирлари туфайли юзага келадиган асоратлар орасида энг кўп ҳолатларда (теридаги ўзгаришлар (25 фоиз), жигарда (13 фоиз), томирларда (10 фоиз) ва қонда (10 фоиз) ножӯя ҳолатлар қайд этилади. Дори моддалар орасида кўпинча ичиш учун қўлланиладиган контрацептив воситалар (25 фоиз), оғриқ қолдирувчи моддалар (14 фоиз), психотроп моддалар (12 фоиз) ва юрак қон-томир тизимига таъсир қилувчи препаратлар (9 фоиз) турли асоратларни келтириб чиқарадилар. Дори модда аллергиясининг 32 фоиз ҳолати ўлим билан якунланди, шулардан 48 фоизи гемолитик асоратлар оқибатида, 13 фоизи тромбоэмболия натижасида, 9 фоиз анафилактик шокдан, 7 фоиз ўлим эса жигардаги асоратлар оқибатида юз берди.

Фармацевтиканинг ҳаддан ташқари ривожланиши асосий аъзолар ва тизимлар функциясига муҳим таъсир кўрсатувчи янги дори моддаларни яратибина қолмай, уларни ҳаддан ташқари сунистеъмол қилишни ҳам келтириб чиқарди. Шу билан бир қаторда бемор организмига кўп миқдорда дори моддаларни киритиш ҳар доим ҳам керакли натижани бермайди, аксинча касалликнинг кечишини чуқурлаштиради, беморни шифохонада булиш муддатини узайтиради.

Турли гурух препаратларнинг ножӯя таъсирлари бир хил тезликда юзага келмайди. Бу фақат препаратнинг ўзини ножӯя самарасигагина боғлиқ бўлмай, балки унинг клиникада қанчалик жадал суръатда ишлатилишига ҳам боғлиқ. Статистик маълумотларга қараганда шифохонада кўпроқ микробга қарши ва патеритларга қарши препаратлар таъсирида юзага келган асоратларга дуч келишга тўғри келади. Уларнинг кўпчилигини антибиотиклар келтириб чиқаради, чунки улар шифокорларнинг амалий иш фаолиятида кўпроқ қўлланилади.

Дори моддалардан келиб чиқсан асоратларни ташҳислаш гоятда муҳим ва айни вақтда жуда қийин вазифа бўлиб ҳисобланади. Ўз вақтида аниқланмаган дори асоратлари патологик жараённинг ўсиши ва чуқурлашиши билан хавфли гипердиагностика (бир неча ташҳисни бир вақтда қўйиш) эса асосий касалликни нотўгри ёки тўлақонли даволамай касалликни сурункали формага ўтиб кетишига олиб келади. Дори модда асоратларининг клиник ташҳисини қийинлиги шу билан боғлиқки, кўпинча янги пайдо бўлаётган белгилар асосий касалликнинг ривожланиши туфайли юзага келаяптими ёки дори моддалар билан даволаш натижасида юзага келаётган асоратлар сифатида қўшилиб келаяптими аниқлаш қийин. Ҳатто дори модда асоратлари клиникаси ҳар доим ҳам қайси препарат асорат келтириб чиқарганини аниқлашга имкон бермайди, чунки бемор кўпинча бир вақтнинг ўзида бир неча дори моддани қабул қиласиди. Антибиотиклар билан узоқ вақт давомида даволанганде келиб чиқсан асоратларни замбуругларнинг кандида тури келтириб чиқарган яллигланишлардан (кандидамикоzlар) фарқлаш ҳам жуда қийин бўлади.

Замонавий фикр ва мулоҳазалар хулосасини олган ҳолда дори-дармонлардан келиб чиқадиган асоратларни қўйидаги тасниф асосида ажратиш мумкин:

I. Токсик реакциялар:

1. Дори дозасини ошириб юбориш.
2. Дориларнинг метаболизмини сусайиши оқибатида келиб чиқадиган токсик реакциялар.

3. Жыгар ва бүйрак органларининг фаоллиги су сайиши оқибатида келиб чиқадиган реакциялар.

4. Кечикиб келадиган токсик реакциялар (тератоген ва канцероген эфектлар).

II. Суперинфекция ва дисбактериозлар.

III. Дори таъсири остида бактериолиз ҳолатидан келиб чиқувчи реакциялар (Яриш-Гергеймер реакцияси).

IV. Алоҳида сезирлікка эга бўлган популацияда пайдо бўлувчи реакциялар:

1. Экземопатия ҳолатида пайдо бўлувчи ва псевдоаллергик реакциялар.

2. Аллергик реакциялар.

V. Психоген реакциялар.

Қуйидаги бўлимда фақат ҳақиқий аллергик реакцияларга эга бўлган касалликлар ҳақида сўз боради.

“Дори аллергияси” дори-дармонлар қабул қилингандан кейинги асорат ҳисобланиб, унинг ривожланишида фақат иммунологик механизмлар ётади. Дори асоратидан келиб чиқадиган аллергиялар бошқа аллергик бўлмаган ҳолатлардан қуийидаги белгилари билан фарқланади.

1. Дори аллергияси натижасида келиб чиқадиган аллергик реакциялар шу дорини фармакологик таъсир жараёнини кўрсатмайди.

2. Улар дорининг жуда оз миқдоридан ҳам юзага келиши мумкин.

3. Кўп ҳолларда аллергик реакциялар дори билан мулоқатда бўлганда 5—6 кун ичida пайдо бўлади.

4. Дори аллергияси албатта аллергик касалликларнинг классик белгиларини ўзида мужассамлантиради.

5. Аллергик касалликларнинг клиник белгилари шу аллерген дорини қайта юборилганда ўз аксини яна намоён этади.

6. Баъзи бир дориларнинг антигенлик ва кимёвий хоссалари умумий бўлиши сабабли аллергик реакцияларни турли гуруҳга мансуб бўлган дорилар келтириб чиқаради.

Аллергик хусусияти бўлган дори моддалар қатор гуруҳларга бўлинади.

Биринчи гуруҳга кирувчи дорилар – ҳақиқий аллергенлар – IgE ишлаб чиқиши билан кечадиган аллер-

гик реакциялар. Ҳақиқий аллергенларга зардоблар, эндокрин препаратлари, ферментлар ва бошқа оқсил моддалар киради. Уларга яна гаптенлар, яъни қон оқсили билан қўшилгандан кейин аллерген бўлиб қоладиган моддалар (пенициillin, цефолоспоринлар, сульфаниламидлар) ҳам ёндош ҳисобланади. Ҳақиқий аллергенлар тез содир бўладиган аллергик реакцияларни келтириб чиқаради. Секин-аста бўладиган реакцияларни эса нитрофуран гуруҳига кирувчи препаратлар юзага келтиради. Дори моддаларнинг катта гуруҳи ҳақиқий бўлмаган (псевдоаллергик) реакцияларни, яъни биринчи (иммунологик) босқичи бўлмаган реакцияларни келтириб чиқаради (рентгеноконтраст препаратлар, оғриқ қолдирувчи, маҳаллий оғриқсизлантиришда ишлатиладиган дори моддалар).

ДОРИ АЛЛЕРГИЯСИННИНГ КЛИНИК БЕЛГИЛАРИ

Дори моддаларидан келиб чиқсан асосатларнинг клиник белгиларини турли хилдаги қўриниши ҳозирги даврда уни амалиёт учун зарур бўлган классификациясини тузишда қийинчилик тутдирмоқда.

Айрим олимлар хасталикни патогенези асосида тузиш керак десалар, бошқа бир гуруҳ олимлар иммунологик жараён асосида тузиш керак дейдилар. Шунинг учун ҳозирги амалиётда шифокорларга А. Д. Адо (1963) таклиф этган классификациядан фойдаланиш маъқул кўрилади. Бу классификация асосида дори аллергияси келиб чиқиш даражасига қараб З гуруҳга бўлинади:

I гуруҳ – касаллик клиник белгиларининг тез юзага чиқувчи (анафилактик шок, ўткир қаварчиқлар, Квинке шиши, ўткир гемолитик анемия) тури.

II гуруҳ – кечроқ бошланувчи, яъни 24 соатдан кейин клиник белгилари пайдо бўлувчи касалликлар (агранулоцитоз, тромбоцитопения, макула-папулез экзема, баъзан дори “иситмаси”) тури.

III гуруҳ – кеч ривожланувчи (48 соатдан сўнг, баъзида эса 1 ҳафтадан кейин) касаллик белгилари (зардоб касаллиги, артритлар, лимфаденитлар, гепатит ва нефритлар) пайдо бўлувчи тури.

Дори моддага сенсибилизация пайдо бўлгандан кейин, бемор бу дорини қабул қилмаётган бўлса ҳам, ойлар ва ҳатто йиллар касаллик белгилари давом этиши мумкин.

Дори аллергиясининг клиник кўриниши айрим хусусиятларга эга:

1. Иситма кўтарилиши, бирга қўшилиб келувчи умумий касаллик белгилари билан бирданига бошланиш.

2. Бир вақтнинг ўзида бир неча аъзолар ёки тизимларнинг заарланиши.

3. Белгиларни препарат турига бояглиқ бўлмаслиги.

Дори аллергиясида теридаги тошмалар турли хил кўринишда бўлиши билан тавсифланади. Улар досгисимон, тугунчали, қавариқсимон, пуфакчали, қизил додги, қизамиқ тошмаларга ўхшаш, скарлатина (қизилча) тошмаларига ўхшаш. баъзан эса бир вақтнинг ўзида турли хил тошмалар кўринишида бўлиши мумкин. Баъзидан касаллик жараёнида бир хил тошмадан бошқа хилга ўтиши кузатилади, тошмалар йиринглаш билан асоратланиши мумкин. Бугунги кунда дори моддалар билан даволаш асоратларининг нафақат муайян бир таснифи, балки уни қандай ном билан аташ масаласи ҳам ҳал қилинмаган. Шунинг учун шифокорлар бу муаммони ечишда қийинчилкларга дуч келадилар.

Дори аллергиясидан келиб чиқадиган клиник синдромлар ўзининг турли хил кўришлари билан фарқланади. Улар баъзи ҳолда тери қаватида пайдо бўлиши билан бир вақтда бошқа органларни (үпка, жигар, бўйрак ва бошқалар) ҳам шикастлаганини кўриш мумкин.

Адабиётларда ёзилган жуда кўп синдромлар ичida шифокор тажрибасида тез-тез учраб турадиган дори аллергиясидан келиб чиқадиган касалликлар устида фикир юритамиз.

Тери қаватида ривожланадиган дори аллергиясининг клиник кўринишлари. Ўткир эшакеми бирдан бемор терисига қаварчиқлар тошиши ва кучли қичишиши билан бошланади. Қаварчиқлар тери дамидан кўтарилиб турди ва пушти-кизил рангда, шакли

юмалоқ ёки чўзинчоқ бўлиши мумкин. Баъзан улар бир-бири билан қўшилиб ҳар хил шаклга киради. Бунда беморнинг умумий аҳволи ўзгаради, тана ҳарорати кўтарилади, дармонсизлик, меъда-ичак фоалиятининг бузилиши, “эшакемли лихорадка” кузатилади. Эшакем баданинг турли қисмига тошиши мумкин. Тошмалар кўпинча ҳиқилдоқ, ҳалқум ва бошқа соҳа шиллиқ қаватларида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бунда шу жойлар шишиб, нафас олиш ва ютиш қийинлашади. Бир неча соатдан кейин эшакем батамом йўқолади, баъзан қайталаниб туради.

Квинкнинг ўткир чекараланган шиши (англоневротик шиш) – ўткир эшакемнинг бир тури бўлиб, терида (ёки шиллиқ қаватда), тери ости клетчаткасида ёки жинсий аъзоларда чегараланган шиш пайдо бўлиши билан ифодаланади. Тери дағал, оқиш ёки пушти рангда бўлади. Беморлар қичишишга шикоят қилмасликлари ҳам мумкин. Бу кўпинча оддий эшакем билан бирга кечади. Квинкнинг чегараланган шиши хавфлироқ бўлиб, унинг ҳиқилдоқдаги тошмалири стеноз ёки асфиксияга сабаб бўлиши мумкин.

Кўп шаклли экссудатив эритема. Касалликка хос тошмалар кўпинча сульфаниламид, амидонирин, барбитурат, тетрациклин ва бошқа дори-дармонларни қабул қилингандан сўнг тошади. Касалликнинг асосида токсикоаллергик реакция ётади.

Клиникаси. Кўп шаклли экссудатив эритема ўткир кечиши ва фаслга боялиқлиги (асосан, баҳор ва кузда учрайди), шунингдек полиморф тошмалари ҳамда тез-тез қайталаниб туриши билан ифодаланади.

Тошмалар ластлаб кўл ва оёқнинг ташки юзасида пайдо бўлиб, аста-секин тананинг бошқа соҳаларига тарқалади. Кўпинча оғиз ва жинсий аъзолар шиллиқ қавати ҳам заарланади. Бирламчи элементлардан эритематоз даглар, “экссудатив” тугунча, пуфак, пуфакча ва қаварчиклар кузатилиши мумкин. Аксарият ҳолларда касаллик гиперемияли шишган даглар ёки тезда катталашиб кетадиган тугунчалар билан бошланидади.

Элементлар периферия томон катталашиб бориши ва ўртасида чуқурча ҳосил бўлиши мумкин. Элемент-

ларнинг атрофи пушти-қизил, маркази эса кўкимтир бинафша рангда бўлади.

Пуфакли элементлар ичиде сероз, баъзида эса геморрагик сююклик тутади. Пуфакларнинг пўсти тез ёрилади ва безиллаб турадиган эрозиялар ҳосил бўлади, уларнинг усти геморрагик ва саргиш-кулранг пўст билан қопланади. Тошмаларнинг полиморфлиги касалликнинг асосий белгиси бўлиб, шунинг учун ҳам дерматоз кўп шаклли эритема деб юритилади. Баъзан тошмалар олдидан беморнинг иссиги чиқади, дармони қурийди, эти увшади, боши, томоги ва бўгимлари оғрийди. Бемор даволанмаса ёки даво чоралари етарли даражада бўлмаса, кўп шаклли экссудатив эритема Стивенс-Жонсон ёки Лайелл синдромига ўтиши мумкин.

Стивенс-Жонсон синдроми кўп шаклли экссудатив эритеманинг оғир ва ўткир хили ҳисобланади. Касаллик бирдан ҳароратнинг кўтарилиши, бўгимлар ва бош оғриги, оғиз, кўз, жинсий аъзолар шиллик қаватида пуфакли тошмалар тошиши билан бошланади; касаллик ички аъзоларнинг яллигланиши (плевропневмония, эндомиокардит), артрит, менингит ва бошқа патологик жараёнлар билан бирга кечиши ҳам мумкин. Бунда беморнинг умумий аҳволи ёмонлашади, тери ва шиллик қаватлардаги эрозиялар бирлашиб, катта соҳаларни эгаллайди ва улардан қон окиши кузатилади.

Лайелл синдроми дори-дармонлар таъсирида вужудга келадиган касалликнинг энг оғир хили бўлиб, у Стивенс-Жонсон синдромидан терининг каттагина юзасидан эпидермиснинг кўчиши билан фарқланади ва ҳосил булган манзара бамисоли куйган каби, аҳволи жуда оғир бўлади. Бунда баданинг 80–90 фоиз териси заарланади, Никольский феномени ва Асбо-Хансен симптомлари мусбат бўлади. Стивенс-Жонсон синдромида тошмалар, асосан шиллик қаватларда (табиий тешиклар – оғиз, бурун, орқа чиқариш канали, сийдик йўли атрофида) жойлашса, Лайелл синдромида (агар бу касаллик мустақил равишда бошланса) тошмалар шиллик қаватда деярли кам учрайди. Стивенс-Жонсон синдромида теридаги тошмалар дори таъсиридан 4–6 кун

үтгандан сұнг пайдо бұлса, Лайелл синдромида эса 1–2 кундан кейин тошади.

Күп шаклли әкссудатив әритемани бошқа тери касалликларидан фарқлаш қийин эмас ва ташқиси юқорида айтиб үтилган клиник белгиларга асосланади.

Дори аллергик васскулити. Антибиотиклар, сульфаниламидлар, пирамидон ва фенотиодин бирикмалари күпроқ аллергик васскулитларга сабаб бұлади.

Клиникаси. Касалликнинг тұсаттан бошлаши, тошмаларнинг оёқларда симметрик жойлашиши, полиморфологик ва улар геморрагик компонентларга зға әканлиги васскулитларга хос бұлган умумий белгилардир.

Үткір тугуның әритема тез вақт оралығыда тошмалар тошиши билан бошланади, ҳарорат күтарилади (38°C), бұғым ва мускуллар оғрийди. Шунингдек, бош оғриги ва дармонсизлик күзатылади.

Касаллик даво курси бошланғандан 1–2 ҳаfta үтгач пайдо бұлади. Болдир ва елка олди қысмларыда симметрик жойлашған, чегараланған, оғриқли қызил тугунлар пайдо бұлади. Бу тугунлар секин-аста катталашиб, ёнғоқдек ва ундан ҳам каттароқ бұлиши мүмкін. Сабабчи дори моддани тұхтатиб, аллергияни даволаш курси олинғандан сұнг (4–5 кун ичіда) тугунчалар камайиб, рангсизланади ва үзидан кейин пигментли дөг қолдиради.

Анафилактик шок. Маълумки, шоклар уч гуруұға бўлинади. Биринчи гуруұ – огриқ туфайли келиб чиқадиган шоклар: эксоген (шикастланишларда, жарроҳлик ишлари бажарылған ҳолларда), эндоген (инфарктда, буйрак касалликларида, қорин ичидаги аъзолар касалликларида). Иккинчи гуруұ – психоген шоклар. Учинчи гуруұ – гуморал шоклар: қон қуайишда, гемолитик, гормонга өнд, заҳарланиш туфайли.

Бу бўлимда биз факат анафилактик шок түгрисида тұхталиб үтамиз, чунки у дори аллергияси клиникасыга түғридан-түғри боглиқ бұлади. Анафилаксия грекча – үз-үзини ҳимоя қилиш деган сұздан келиб чиққан бўлиб, аллергиянинг тез содир бўладиган типига киради ва күпроқ аллерген парентераль (тери остига, тери

иичига) юборилганда юзага келади. Биринчи бўлиб бу белгини Ришев Портъе 1902 йилда таърифлаб бергандар ва улар бу ишлари учун Нобель муроҷаотига сазовор бўлганлар.

Анафилактик шокнинг клиник манзараси. Одатда, беморлар ҳолсизликдан, хансирашдан, қуруқ йўтал, бутун баданида қизиш ҳолатини сезиш, совуқ тер чиқиш, ўлиб қолишдан қўрқиши ҳисси ва тананинг турли қисмларидағи нохушликлардан шикоят қиласидар. Бемор ўзини қўйгани жой тополмайди, хонада у ёқдан бу ёққа юради. Бадан териси қизариб кетади, бўғилиб энтикади, қоринда оғриқ сезади. Томир уриши тезлашади, қон босими кескин пасайиб кетади, биринчи дақиқаларда эса қон босими кўтарилиб кетиши ҳам мумкин.

Клиникаси. Анафилактик шок бирданига юз бериши мумкин ва унинг белгилари дори модданинг турига боғлиқ бўлмайди. У дори киритилгандан кейин бир дақиқадан то бир соатга қадар вақт орасида ривожланishi мумкин. У қанчалик тез бошланса, клиникаси шунча оғир кўринишда ўтади. Анафилактик шокнинг бир неча клиник турлари мавжуд.

Гемодинамик (қоннинг томирларда юриши) тури. Бунда юрак қон-томир тизимидағи бузилишлар бошқалардан устунлик қиласиди: юрак соҳасида оғриқлар, қон босимининг пасайиши, терида микроциркуляциянинг (қон айланиши) бузилиши (ранглари оқариб ёки қизариб кетиш), томир уриш мақоми бузилиши кузатилади. Юрак қон-томир тизимидағи ўткиретишмовчилик етакчи белги бўлиб ҳисобланади, у кўпинча юракнинг ишемик касаллиги ёки миокард инфаркти билан қўшилиб келади.

Церебраль (бош мияга оид) тури. Бу ҳолларда марказий асад тизимидағи бузилишлар билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар кузатилади. Беморларда ўлимдан қўрқиши ҳисси яққол кўриниб туради, талваса, нафас олиш ва чиқаришдаги бузилишлар, мия шиши белгилари қайд этилади. Шокни кейинчалик ривожланиши оқибатида нафас ва юрак фаолиятини тўхтаб қолиши, менингиал белгилари ва хушини йўқотиш ҳолатлари юз бериши мумкин.

Асфиктик (бұғилиш) тури. Беморларда ҳиқилдоқ, үпка шиши ва бронхоспазм (бронхлардаги сиқилишлар) пайдо бұлади.

Абдоминал (ошқозон-ичак йұли билан боғлиқ) тури. Бунда күнгил айнаши, қайт қилиш, ошқозон соқасида оғриқлар бұлиб, күпинча “ұтқир қорин” белгиларини ёлғондан намойиш қиласы. Ҳатто ичак тутилиши, ахлат билан қон келиши ҳам кузатилиши мүмкін. Аёлларда қиндан қонға үхшаш оқмалар, тухумдан ва бачадон йұллари соқаларыда оғриқ қайд әтилади. Шокларнинг алоқида турлари жуда кам учрайди, күпроқ улар биргаликда учрайди. Кечиш тезлигига қараб яшин тезлигига кечадиган, қайталанадиган ва абортив (ҳамма белгиларисиз тез тугайдиган) шоклар фарқланади. Яшин тезлигига кечадиган турларыда, ҳаёт учун мұхым аъзоларнинг заарланиши билан боғлиқ бұлган ұлим ҳоллари, одатда, шокнинг биринчи дақиқаларыда ёки соатларыда юз беради. Абортив шокнинг клиник белгиларыда бирданига тузалиш бұлади ва клиник согайиш юзага келади. Қайталанувчи кешишда эса клиник согайишдан бир неча соат кейин шок янада оғир кешишда қайталаниши мүмкін. Анафилактика шокнинг кешиши оғирлигига қараб уч босқичта бўлинади. Енгил босқич – икки дақиқадан икки соат гача давом этади. Бунда тери қизариши, томоқ қуриши, бурундан назла келиши, бош айланиши, бош оғриғи, қон босими күтарилиши, юракнинг тез-тез уриши, ҳолсизлик кузатиласы. Шокнинг ўртача оғирликда кечадиган босқичида токсикодермия, Қвинке шиши, конъюнктивит, стоматит, юрак тез уриши, юрак соқаларыда оғриқ, томир уриш мақомининг бузилиши, қон босимининг пасайиши, ҳолсизлик ва бош айланиши, күришнинг бузилиши, құзғалиш ҳолати, ұлимдан қўрқиши хисси, тери рангининг оқарыб кетиши, совуқ тер чиқиши, эшитишни пасайиши, қулоқ шанғиллаши, ошқозон-ичак йұли, бронхлар, буйраклар томонидан бузилишлар билан тавсифланади. Шокнинг оғир босқичи – коллапс (ранг оқарыб кетиши), цианоз, томирнинг ипсимон уриши, қон босимининг пасайиши, кома (чуқур уйқу) ҳолати, хушдан кетиши, кўз

қорачиқларининг кенгайиши, юрак ва нафас фаолиятларининг тұхташи билан тавсифланади.

Анафилактик шокнинг оқибати шифокорниң қанчалик малакали мутахассис эканлигига, даволаш ишларини үз вақтида бошлашига ва беморнинг ҳәёти учун муҳим ҳисобланған аъзоларнинг ҳолатига боғлиқ. Турли мутахассисларнинг күрсатишича үлім ҳоллари 15 фоиздан 40 фоизгача учрайди. Нотұғри даволашда эса бундан ҳам күп бұлиши мүмкін:

Шокнинг ривожланиш механизми асосида қонни қайта тақсимланишида үзгариш ётади. Уни бир жойда түпләніб қолиши, ички аъзолар шишиши, цирроз ва шиллик қаватларга қон қуйилиши, үткір әмфизема юз беради. Бу үзгаришларнинг ҳаммаси силлиқ мускуллар сиқилиши, томирлар үтказувчанлигининг бузилиши, шиллик пардаларнинг шишиши, томирлардаги әритроцитлар экссудацияси (атрофидаги тұқымаларга чиқиш) ва агрегацияси билан бирга құшилиб келади. Ериб күрілганды бундай беморларда ички аъзоларда, қорин бұшлығыда қон тұлиб қолиши, бош мия ва узунчоқ мия пүстлоқ ости қыслари нейронларыда үзгаришлар кузатылади. Плеврага, эндокард, буйрак усти безлари ошқозон ва ичак шиллик қаватларында қон қуйилиш ҳоллари аниқланади. Бу үзгаришлар жигар яллигланишининг морфологик манзарасы (жигардаги чириган соҳалар билан) гломерулонефрит ва үпка әмфиземаси билан бирга құшилиб келади.

ТАПХИСИ

Дори моддалардан келиб чиқадиган аллергияни аниқлаш усууллари орасида клиник маълумоттар ва анамнез катта ақамиятга әга. Дори моддалари билан үтказиладиган теридаги ва провокацион синамалар нафақат аллергияни келтириб чиқарған моддани аниқлашга, ұтто организмда дори аллергияси борлинини тасдиқлашға ҳам имкон бермайды. Құпчилик дори моддалар тұлиқ қымматта әга бұлмаган антиген ҳисобланғанлығы туғайли текшириш усууллари күп ҳолларда номахсус реакцияларни келтириб чиқаради.

Дори аллергиясини ташхислаш бир неча босқичлардан иборат: аллергик анамнез йигиш, тери синамалари, провокацион синамалар ва лаборатория усуллари.

Аллергологик анамнез: бемордан аввал бирор дори моддага аллергия бўлганми, бу дорини олдин ҳам қабул қилинганми, йўқми агар аллергик реакция бўлган бўлса қандай ҳолатда ўтказган, бошқа аллергик касалликлар билан касаллинганми шулар тўғрисида синчилаб сўраб, суриштирилади. Кейин bemорни қандай дори модда билан даволаш лозимги тахмин қилинаётган бўлса, шу дори модда билан терида синамалар ўтказилади. Аввалдан аллергик касалликлари бўлмаган, ҳозирги пайтда доридан аллергияси бўлмаган ёки ҳаёт учун муҳим бўлмаган аъзоларнинг огир, сурункали (жигар, буйрак, юрак) касалликлари бўлган bemорларга теридаги синамалар қўйилмайди. Агар bemорда касаллик хуружи ёки анамнезида дори моддаларга огир реакциялар бўлса, унда ташхис мақсадида фақат иммунологик синамалар қўйиллади. Одатда, теридаги аллергик синамаларнинг қўйидаги турлари, ўтказилади: томчи, скарификация, аппликация, тери орасига, прик-тест. Терида ўтказиладиган синамалар аввал ҳам ҳозирги пайтда ҳам ташхиснинг муҳим усулларидан бўлиб қолмоқда, аммо аллергеннинг миқдорини аниқлашда киритиш йўлини тўгри танлаш ва бажариш техникасида аниқлик талаб этилади. Шу талаблар тўгри бажарилмаган ҳолатларда улар хавфли ёки кам маълумотли ҳисобланади.

Таблетка шаклидаги дори моддалар учун тил остига қўйиш усули қўлланилади: 1/10 таблетка тил остига қўйилади ва уни тил тагида 15 дақиқа давомида ушлаб турилади. Реакция шиллиқ қаватнинг ўзгариши билан баҳоланади (шиш). Ташхис пайтида кортикоидероидлар, симпатомиметиклар ёки гистаминга қарши препаратларни қабул қилиш синамаларни ёлгон — манфий бўлишига олиб келади. Бу дори моддаларни ҳатто синамалар қўйишдан 2–3 кун олдин ҳам қабул қилиш мумкин эмас. Дори аллергиясини ташхислашнинг лаборатория усуллари ҳамма вақт ҳам етарли маълумот берга олмайди, у жуда муракаб ҳисобланади ва кўпроқ

ташҳисни тасдиқлаш мақсадида қўлланилади. Аллергик реакциялар типига ва дори модда турига бодли ҳолда турли хил лаборатория усуллари қўлланилади. Тез содир бўладиган В-лимфоцитларга бодли аллергик реакцияларни ва дориларга нисбатан айланниб юрувчи антитело бўлган аллергик реакцияларни аниқлаш мақсадида Шелли реакцияси, тўйинган ҳужайралар бузилиш реакцияси (дегрануляция), лейкоцитлар тўпланиш (агломерация) реакцияси, лейкоцитлар альтерацияси, РАСТ реакциялари қўлланилади.

Юқорида баён этилагн фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир ҳолатларда бир вақтнинг ўзида бир неча усулларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Тўлиқ аллергологик текшириш тажрибалари шундан далолат берадики, ҳатто клиник кўрининиши жиҳатидан дори аллергиясига жуда ўхшаш бўлганда ҳам, фақат 60 фоиз ҳолларда лаборатория усулида ташҳис тасдиқланади.

ДОРИ АЛЛЕРГИЯСИННИ ДАВОЛАШ ВА УНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Анафилактик шокни даволаш қатор тадбирларни ўз ичига олади: дори моддани қонга тушишини давом этишини тўхтатиш, қонга тушаётган биологик фаол моддаларни нейтраллаш, гипофиз — буйрак усти безлари етишмовчилигини тиклаш, беморни коллапс (юрак фаолиятининг кескин сусайиб кетиши ва томирлар то нусининг пасайиб кетишидан келиб чиққан ҳолат) ҳолатидан чиқариш, бронхлар сиқилиши ва бўғилишини йўқ қилиш, томирлар ўтказувчалигини пасайтириш, ҳаёт учун муҳим аъзолардан юрак, буйрак, нерв тизимида юз бериши мүмкун бўлган кечки асоратларни психомотор марказларга таъсир қилиш йўли билан олдини олиш.

Анафилактик шокни даволаш фармакологик препаратларни тезлик билан қўлланишини талаб қиласи. Яхшиси уларни томир ичига, мускуллар орасига ёки тери остига киритиш керак. Бу шокнинг қандай оғирликда кечишига ва периферик томирлар ҳолатига бодли равишда амалга оширилади (қон босими кескин

пасайиб кетган ҳолатларда томирлар ичига киритиш қийинлашади).

Дори моддалар қуидаги кетма-кетликда белгиланаиди. Дастрлаб – адренергик препаратлар (адреналин, норадреналин) киритилади. Препаратларнинг миқдори – терапевтик миқдордан то энг юқори миқдоргача бўлиши мумкин. Кейин гистаминг қарши препаратлар (супрастин, тавегил, димедрол) қўлланилади. Ундан кейин эса буйрак усти безлари пўстлоқ қисми гормонлари – глюкортикоидлар (преднизолон ва унга ўхшаш препаратлар) киритилади. Кейин нафас ва юрак фаолиятини яхшилайдиган препаратлар (коргликон, строфантин, кофеин, кордиамин, лобелин) белгиланади. Беморга албатта кислород берилади. Шокнинг бўғилиш билан келадиган турларида қўшимча равишда эуфиллин қилинади. Пенициллиндан шок юзага келган ҳолларда пенициллиназа ферменти киритилади. Талваса, тиришиш ҳолатлари бўлганда аминазин қўлланилади.

Агар ўтказилган чора-тадбирлар ижобий натижа бермаса, юқорида кўрсатилган ҳамма тадбирлар 30–40 дақиқадан кейин қайтарилади. Анафилактик шокни бошдан ўтказган ҳамма bemорлар ҳаёт учун муҳим аъзоларни текшириш ва даволаш мақсадида албатта шифохонага ётқизилади. Клиник ўлим ҳолати юз берганда bemор жонлантириш (реанимация) бўлимига ўтказилади. У ерда сунъий ўпка вентиляцияси, мияда ҳароратни пасайтириш (гипотермия), юракни бевосита ва билвосита уқалаш (массаж) ишлари ўтказилади. Юқорида кўрсатилган барча тадбирлар bemорнинг аҳволи яхшилангунга қадар бажарилади.

Дори аллергиясининг бошқа клиник кўринишларини даволаш усуслари кўп томонлама олиб борилади. Дори аллергиясини даволаш ишлари ҳар бир bemор учун ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, жараённинг жойлашган ўрни касалликнинг клиник манзааси ва bemор организмининг реактив ҳоллатларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади. Касалликнинг хуруж даврида bemор албатта шифохонанинг аллергология бўлимига ёки жадаллаштирилган терапия бўлимига ётқизилиши шарт. Ҳамма bemорларга аллерген хусусиятларига эга

бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини истисно қиласидиган парҳез белгиланади. Глюкокортикоидлар (яхшиси парентерал) миқдорини касалликнинг кечиш оғирлигига боғлиқ ҳолда бир кеча-кундузда 1500 мг гача белгилаш мумкин (преднизолон). Трансфузион терапия қатор мақсадларни кўзда тутади: дезинтоксикация (заҳарланишни йўқ қилиш учун гемодез), йўқотилган энергияни ўрнини тўлдириш (глюкоза), сув-туз мувозанатини (балансини) меъёrlаштириш мақсадида (реополиглюкин), ДВС синдромига қарши кураш, камқонликни даволаш шулар жумласидандир. Иккиминчалимчи инфекция қўшилганда антибиотиклар белгиланади. Гистаминга қарши препаратлар (парентерал) белгиланади. Бундан ташқари касалликнинг белгиларига қараб симптоматик даволаш ишлари ҳам ўтказилади: юрак гликозидлари, сийдик ажралишини тезлаштирувчи препаратлар, овқат ҳазм қилишда иштирок этувчи ферментлар белгиланади. Даволаш ишлари албатта “айбдор” препаратни истисно қилишдан бошланади.

“Изольда” аппарати ёрдамида ультрабинафша нурлари билан қонни нурлантириш ҳам муваффақиятли қўлланилмоқда (клиник белгилари йўқолгунга қадар 10 марта гача ўтказилади). Дори аллергиясини даволашда яна: Т-активин, кетотифен, задитен, кальцийга қарши препаратлар, серотонинга қарши препаратлар (перитол), Н₁ни боғлаб олувчилар (диазолин), аминокапрон кислота ва Н₂ни боғлаб олувчилар (циметидин) қўлланилади. Охирги препарат томирлар ичига ва таблетка ҳолида ичиш учун ҳам белгиланади. Оғир ҳолларда кортикостероидлар ҳам қўлланилади.

Беморнинг кун тартибини тўгри ташкил қилиш, таъсиrlантиrmайдиган овқатларни истеъмол қилиш, етарли миқдорда суюқлик қабул қилиш, аммо дори моддаларни шу жумладан кортикостероидларни ҳам чекланган миқдорда қабул қилиш керак. Катта миқдорлардаги қуёш нурлари, жисмоний ва руҳий чарчашлар ноқулай омиллардан ҳисобланада. Аллергенни бутунлай истисно этиш шарт, уни овқат ва сув орқали организмга тушишига йўл қўймаслик зарур.

Лайелла ёки Стивен-Джонсон белгилари ўзига хос даволаш ишларини олиб боришни талаб қиласиди, даво-

лаш жадаллаштирилган терапия бўлимларида ёки жонлантириш бўлимларида ўтказилади. Бу патологияларда ўлим ҳолати 70 фоизгача етади. Токсик эпидермал некроз жараёни бўлган беморларга йиринглашга қарши асептик парвариш лозим (зараарсизлантирилган кийимлар, чойшаб ва бошқалар).

Маҳаллий даволаш очиқ усулда ўтказилади. Терига ксероформ билан ишлов берилади. Бундан ташқари водород периоксиди, калий перманганат, яшил бриллиант эритмаси, солкосерил малҳами, наъматак ёги ҳам маҳалий қўлланилади, оғиз бўшлиғига қўллаш учун чаканда (облепиха) ёки наъматак ёги, ташқи жинсий аъзолар учун фурациллин эритмаси ишлатилади. Терини инфра қизил нурлари билан ҳам нурлантириш мумкин. Доимо туз-сув ва оқсил мувозанатини бир хилда сақлаш лозим. Шу мақсадда ўмров ости венасига катетер (максус эластик найча) қўйилади. Дори моддалар билан даволаш қўйидаги препаратлар гурухларини ўз ичига олади: кортикостероидлар, гистаминга қарши моддалар, инфекция қўшилган ҳолларда — антибиотиклар.

Экстракорпорал даволаш усуллари ҳам кенг тарқалган. Гемосорбция — bemor қонидан дори гаптенларни самарали чиқариб ташлашга ёрдам беради. Бу 2 кунда бир марта (1–3 сеанс) ўтказилади. Плазмаферез ҳам муваффақиятли қўлланилмоқда.

Максус гипосенсибилизация усули бу ерда етарли даражада самара бермаслиги ва юқори даражада сезувчанликка сабаб бўлиши туфайли кенг қўлланилишига имкон бермайди. Антибиотикларни гипосенсибилизация мақсадида қўллаш кўпинча асоратларга олиб келади. Максус даволашда bemor эритроцитлари ва лимфоцитларининг хуруж пайтида олинган лизат таркибий қисмларини киритиш ҳам муваффақиятли равишда қўлланилмоқда. Эритроцитолизат аутоиммунли ривожланишга эга бўлган сурункали касалликларни даволашда, лимфоцитолизат секин-аста содир бўладиган аллергияни даволашда қўлланилади. Касалликнинг кечиши давомида тез содир бўладиган реакциялар устунлик қиласа, bemorni ўз зардобини қўллаш (аутозардоб)

ҳам юқори самара беради. Дори аллергиясими олдини олиш чора-табдирлари қуйдагича олиб борилади:

Аллергия тұғрисида омма орасыда түшунтириш ишларини олиб бориш, шу жумладан үз-үзини даволашнинг заарлари ҳамда шифокорлар орасыда полипрагмазияга (бир неча дори моддаларини бир вақтда белгилаш) йүл құймаслик ҳақида түшунтириш ишлари олиб борилади. Дори моддаларни оқсилли қисмлардан яхшироқ тозалашга әришиш, озиқ-овқат маҳсулотларидан антибиотиклар, бүеклар, кимёвий консервантларни истисно қилиш ҳам яхши натижаларни беради. Аҳолининг тиббий варақасига дори аллергияси борлиги ҳақида маълумотларни ёзиб қўйиш зарур. Аҳоли орасыда аллергологик хизматни ривожлантириш, тиббий кўриклар ўтказиб бориш ҳам шулар жумласига киради. Беморлар ҳам кўпчилик дори моддалар умумий антигенли детерминатга эга эканлиги ҳақида билишлари зарур. Масалан: амидопирин – реопирин, барбитал настрий – теофедрин, сульфидин - новокаин, тетрациклин – морфоциклин ва бошқалар.

Дори аллергиясинга кечиши ва оқибатлари ҳақида ҳам тұхталиб үтиш лозим. Бутунлай согайиб кетиш ҳолатлари дори аллергиясинга енгил, ўткир кечадиган шаклларида, аксарият ҳолларда бир мартаба ва қисқа вақт давомида қабул қилинганда ёки үз вақтида қабул қилишни тұхтатилган ҳолатларда кузатилади. Бундай натижка қаварчиқларда, Квинке шишида, бронхлар сиқилишида (бронхоспазм) қайд этилади. Үз вақтида ташқислаш ва дори моддани қабул қилишни тұхтатиш муваффақиятли даволашнинг гарови ҳисобланади. Ҳатто касалликнинг огир шаклларида ҳам (Лайелла синдроми, анафилактик шок) бутунлай согайиб кетиш кузатилади. Тез-тез қайталаниш билан сурункали давом этиш тургун сенсибилизацияда қуйидаги касалликларда: бронхиал астма, эритрoderмия, нефрит ва артритларда қайд этилади. Эритрoderмияда тарқоқ әритма доимий тери юза қаватининг күчиши билан юзага келади. Дори аллергияси қанчалик огир ва узоқ вақт давом этса, сурункали шаклга үтиш хавфи шунчалик кўпроқ бўлади. Ҳатто аллергенни истисно қилиш ҳам касалликнинг

қайталанишини тұхтата олмайды. Уларнинг бирданига пайдо булиши дори аллергиясига тизимли қасалликтар ёки аутоллергия құшилганидан далолат беради. Дори моддалар озиқ-овқат маҳсулотлари билан ҳам бемор орғанизмига тушиши мүмкінлигини әсда тутиш лозим.

ВАКЦИНА ВА ЗАРДОБЛАР ТАЪСИРИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН РЕАКЦИЯЛАР

Зардоб қасаллиги биринчи булиб Пирке томонидан таърифланган булиб, у таркиби турлы хил ёки бир хил бұлған зардолар ёки уларнинг препаратларини организма киритилиши натижасида келиб чиқади ва күпроқ томирлар ва бириктирувчи тұқымаларнинг ял-лигланишли заарланишлари билан тавсифланади. Ҳозирги пайтда зардоб қасаллиги фақат зардоб киритилиши билан bogliq бұлған алоқида қасаллик тури деб ҳисобланмаяпты. Бу синдром иммун бирикмалар таъсири натижасида юзага келади. Зардоб қасаллиги зардоб киритилиши натижасида (бунда күпинча ўткір кечиши) ҳамда кимёвий препаратлар ва дори моддалар (бунда күпроқ сурункали зардоб қасаллиги) вужудға келади. Зардоб қасаллигининг ўткір кечадиган турла-рида ўткір гломерулонефрит, геморрагик васкулит юзага келиши мүмкін. Сурункали қасалликларда аутоиммун қасалликтар, зардоб коллагенози күзатиласы. Зардоб қасаллиги келиб чиқиш ҳолларининг миқдори, зардобнинг сифатига bogliq. Масалан, Францияда зардоб қасаллиги сұнғы 50 йил ичіда әмланғанлар орасыда 7,4 фоиздан 2 фоизгача камайды.

Зардоб оқсими инсон қонида бир ой мобайніда аниқланиши мүмкін. Қасалликнинг ривожланиши зардобнинг таркибига bogliq. От қони зардобнинг оқсил бирикмаси ва принципитилар антиген булиб ҳисобланади. Улар зардоб қасаллигидаги аллергик реакцияда шу иммун бирикмага жавобан пайдо бўлувчи иккиламчи антитело булиб хизмат қиласы. Қонда эрувчи иммун бирикмалар ҳосил бўлади. Шунинг учун реакция 10—15 кундан кейин ривожланади. Зардоб қасаллиги ривожланишида иммуноглобулинларнинг M ва G синфиға кирувчи антитело ҳамда комплемент иштирок этади. Антитело миқдори аллергик реакция ривож-

ланаси учун 8–10 кундан кейин етарли даражада бўлади. Эрувчан иммун бирикмалар ички аъзолар ва капиллярларнинг эндотелий (ички қатлам тўқимаси) мембранасига чўкиб (ўтириб) қолади. Улар шикастланганда (бузилгандা) зардоб касаллигининг клиник белгилари юзага чиқади.

Касаллик қайталанишининг пайдо бўлиши IgC ни қайтадан йиғилишига боғлиқ. У қон таркибида қолган зардоб оқсили билан ўзаро таъсирилашади. Бундай ҳолларда касаллик чўзилиши мумкин (бир неча ой давомида).

Ҳозирги пайтда эмлаш учун қўлланилаётган деярли барча вакциналар ва зардолар сенсибилизациялаш хусусиятига эга. Таркибида бир неча антиген сақловчи вакциналар – юқори даражали аллергенлар бўлиб ҳисобланади. Вакциналар киритилганда бир вақтнинг ўзида организмдаги бошқа ҳамма антигенларга (микробга оид, озиқ-овқатга оид) нисбатан ҳам антитело пайдо бўлиши кучаяди. Организм тўқималари билан бир хил умумий антигенга эга бўлган вакциналарни киритиш кўпинча аутоиммун бузилишлар ривожланишига олиб келади. Иммунизация мақсадида вакцина киритилгандан кейин ҳам сенсибилизацияга хос реакция ривожланиши мумкинлиги аниқланган. Қонда аллергик реакция медиаторларининг миқдори кўпаяди, гистамин, ацетилхолин миқдори ҳам ортади. Вакцина ва зардоб киритилишга қоннинг шаклий элементлари ҳам ўзларининг жавоб реакцияларини кўрсатишлари мумкин. Периферик қонда тромбоцитлар ва лейкоцитлар миқдорининг пасайиши, эозинофиллар ва лимфокинлар кўпайиши юз беради. Зардоб касаллигининг турли клиник кўринишлари, одатда 7-куни ривожланади ва у “зардоб касаллиги синдроми” деб юритилади.

Организмдаги аллергик ўзгаришлар биринчи навбатда организмнинг реактивлиги ўзгарган болаларда, яъни аллергияси бор бўлган болаларда юзага келади. Эмлаш натижасида аллергик реакция вужудга келган болаларда ирсий мойиллик, экссудатив диатезлар, бурун бўшлигидаги инфекция ўчоқлари қузатилган. Бу болаларнинг оналари анамнезида ҳомиладорлик тоғси

козлари ёки бола қони билан резус омилиниң тұғри келмаслик ҳолати қайд этилади.

Организмга зардоб киритилгандан тахминан 7–20 кун үткәч, тана терисида тошма пайдо, бұлади, иситма, лимфа безларининг катталашуви, бүгімларнинг зичлашиши юз беради. Нефрит, васкулит, коронарит ҳам вужудға келиши мүмкін.

КДС ва АКДС вакциналарига аллергик реакциялар күпинча улар организмга қайта киритилганды күзатылади. Реакциялар организмга вакциналар киритилгандан кейин дархол юз бериши ёки бир неча соатдан кейин пайдо бўлиши мүмкін. Анафилактик шок, одатда вакцина киритилгандан 1–7 соат кейин юз беради. Вакцина киритилгандан кейин қаварчиқлар, Квинке шиши, экзема (гуш) ҳам ривожланиши мүмкін. Бироқ, күпчилик болаларда аллергик реакция әмланғандан 2–4 кун үтгач ривожланади ва умумий реакция ҳарорат күтарилиши, иштаха пасайиши билан бирга қўшилиб келиб, реакция 4–5 кун давом этади. Айрим ҳолларда реакция 8–16 кундан кейин ҳам юзага келиши мүмкін. Қонда ёт зардобга нисбатан антитело аниқланади, у кўп миқдорда антиген организмга тушганда эрувчан иммун бирикмалар ҳосил қиласы. Аллергик реакцияларни Е иммуноглобулинларнинг Fc-таркибий қисми амалга оширади. Зардоб касаллигининг клиник манзараси кўп белгилилиги билан тавсифланади. 85 фоиз ҳолларда терида ўзгаришлар, 70 фоиз ҳолларда иситма, 5 фоиз ҳолларда лимфа безларидағи ўзгаришлар, 20 фоиз ҳолларда бүгімларда ўзгаришлар күзатылади. Бундан ташқари бошқа аъзолар ҳам заарarlаниши мүмкін.

Кўкйұтала (коқлюш) қарши вакцинани киритиш бронхиал астма хуружини ривожланиши билан күзатылиши мүмкін. Бунга организмнинг гистаминга нисбатан сезувчанлигини оптиши ва кўкйұталаған антигенининг нафас йўли лимфа түгунларига жойлашиб олиши сабаб бўлади. Касаллик ҳатто биринчи марта әмлашдан кейин ҳам ривожланиши мүмкін. Бундан ташқари болаларда сохта бўғилиш (нафас олишнинг қийинлашуви) ва спастик трахеит күзатылади. Зардоб реакцияси геморрагик васкулит кўринишида ҳам юзага келиши

эҳтимоли йўқ эмас. Нефропатия, нерв тизимидағи зараланишлар (энцефалитлар, энцефаломиелитлар) кўринишидаги анча оғир ва кам учрайдигани ҳам қайд этилган. Ўлим оқибатлари ҳам бўлиши мумкин. Энцефалитлар, одатда, секин-аста содир бўладиган аллергик реакциялар кўринишида кечади.

КДС вакцинасига аллергик реакциялар кўпроқ унинг кўйітал таркибий қисми таъсирида вужудга келади. Бироқ дифтерия (бўгма) ва столбняк (қоқшол) вакциналари кўйітал антигенидан ажратилган ҳолда алоҳида киритилганда ҳам тез содир бўладиган аллергик реакцияларни келтириб чиқаради. Улар кўйітал вакцинаси киритилганига қараганда анча кам ҳолларда кузатилади.

Зардоб касаллигининг кечиш оғирлигига кўра уч шакли мавжуд. Оғир шаклларида ҳарорат жуда юқори бўлади, баданинг ҳамма соҳаларини қоплаб оловчи турли кўринишдаги тошмалар, тананинг айрим қисмларида шишлар, оғиз бўшлигининг шиллиқ қаватида энантемалар юқори нафас йўлларида катарал ўзгаришлар кузатилади. Ошқозон-ичак йўлида энтерит кўринишидаги ўзгаришлар бўлади. Миокардит ва энцефаломенингит ҳам қайд этилади. Лимфатик безлари яллигланишининг ҳам эҳтимоли бор. Ўртacha оғирликдаги шаклларида юқоридаги барча белгилар камроқ ривожланади, теридаги ўзгаришлар устунроқ бўлади. Ҳамма белгилар тез орада камаяди. У икки ҳафтагача чўзилиши мумкин. Енгил шаклларида теридаги тошмалар қаварчиқлар кўринишида бўлиб, бу асосан препарат киритилган жойда кузатилади. Бунда лимфа безлари катталашиши мумкин. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, кўп ҳолларда зардоб касаллиги тўгри ташҳисланмайди. Зардоб касаллигини даволаш мақсадида гистаминга қарши препаратлар, эфедрин, кортикостероидлар қўлланилади.

Зардоб касаллигини олдини олиш эмлашдаш кейин юзага келадиган ҳар қандай реакциялар, эмлашни давом эттириш масаласини ҳал қилиш учун аллерголог билан маслаҳатлашиш лозимлигини талаб қиласди. Бирор қўшимча касалликлар бўлган ҳолларда эмлаш мақсадга мувофиқ эмас. Аллергик яллигланишни бош-

дан ўтказгандан кейин 1–2 йилгача әмлаш мұолажалари түхтатылади. Эмлашдан олдин инфекция үчоқларини даволаш, тозалаш ишларини ўтказиш, бунда турли витамин бирикмаларини белгилаш мұхим ажамиятга әга. Периферик қон таркибида ўзгаришлар бұлған болаларда (тромбоцитопения, лейкопения, диспротеинемия) әмлаш мұолажалари ўтказилмайды. Эмлашдан олдин синама ўтказалади (тери ичига физиологик әритма билан 1:10 нисбатдаги 0,1 мл әритилған вакцина киритилади). Синама ўтказилғандан 5 күн кейин әмлаш учун лозим бұлған миқдордаги вакцинани киритиш мүмкін. Ўзига хос, ўта сезувчанликни пасайтириш мақсадида әмлашдан олдин антигистамин препараталарни белгилаш мүмкін. Болаларда әмлашдаш олдинги даврда овқатланиш режими (аллерген мақсулоттарни истисно қилиш) тавсия қилинади. Турли вакциналар билан әмлаш орасидаги вақт 2 ойдан кам бұлмаслиги керак.

Зардоб касаллигини олдини олиш учун дикқат билан анамnez йигиши, Безредка усули ёрдамида ёки гистаминга қарши препараттар таъсири остида әмлаш, зардобни глобулинлардан тозалашни яхшилаш тавсия қилинади. Зардоб касаллиги бұлған беморларда от зардобига нисбатан сенсибилизация мавжудлигини әсда тутиш лозим.

Баъзи мутахассислар бир неча вакцинани бир вақтда киритиш, кетма-кет киритилишига қараганда хавфсизроқ деб ҳисоблайдилар. Аллергик реакциянинг ривожланиши вакцина ва зардабнинг турига ҳам bogliқ бұлади.

Қоқшолға қарши зардоб бұгма (дифтерия) зардобига қараганда күпроқ аллергик реакцияларға сабаб бұлади. Күкйұталға қарши әмлаш мұолажалари нафас йұллари аллергик касалликларини құзғаш мүмкін. Чечакка (оспа) қарши әмлаш дерматозларни құзғалишига сабаб бұлади. Энг яхшиси әмлаш мұолажаларини иккі босқичда: дастлаб ўлдирилған вакциналар билан, кейин эса тирик вакциналар билан ўтказиш мақсадға мувофиқ ҳисобланади. Эмлашга мутлоқ монеликлари бұлған болаларда юқумли касалликларни олдини олиш мақсадида инсон қонидан тайёр-

ланган юқори иммун хусусиятига эга бўлган гаммагло-булин киритиш мумкин.

БРОНХИАЛ АСТМА

Бронхиал астма энг кўп тарқалган аллергик касалликлардан бири бўлиб ҳисобланади. Кейинги йилларда бутун бунё бўйича, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам бронхиал астма билан касалланиш даражаси ва унинг оғир кечиш ҳоллари кузатилмоқда. Шунинг учун ҳам бу касалликнинг профилактикаси, ташҳиси ва даволаш муаммолари биринчи даражали аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги вақтда бронхиал астманинг ривожланиш механизмини ўрганишда эришилган ютуқлар, унинг ривожланиш механизмининг янги концепциясини ишлаб чиқишига асос бўлди. Унга мувофиқ бронхиал астманинг касаллик сифатидаги асосини — нафас йўлларининг аллергик яллигланиши ва шу билан боғлиқ ҳолда бронхлар сезгиригининг ошиб кетиши ташкил қиласди.

Бу концепция бронхиал астманинг яллигланишига қарши даволашга асосланган муолажаларини ўtkазишдаги янги йўналишларни белгилаб берди.

Бронхиал астманинг таърифи

Бронхиал астма тиббиёт соҳасидаги жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. Бу касаллик болаларда бошланиб, кўпинча балогат ёшида ҳам давом этади ва ногиронликка, баъзан эса фожиавий оқибатларга сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси бронхиал астма — бутун дунё миқёсидаги эътиборга молик жиддий муаммолардан бири эканлигини кўрсатади.

Бронхиал астма аллергик касалликлар орасида салмоқли ўрин тутади. Бу касаллик билан касалланиш даражаси ва ўлим ҳолатлари кундан-кунга ўсиб бормоқда. Ҳозирги кундаги вазиятни таҳлил қилиш асосида урбанизация (қишлоқ аҳолисининг шаҳарга бўлган оқимини ўсиб бориши) ва йирик шаҳарларнинг кўпайиши, саноат корхоналарининг кўпайиши билан

боглиқ ҳолда бронхиал астмани кейинчалик яна ҳам кенг тарқалиш эҳтимоли тахмин этилмоқда.

Бронхиал астма мустақил касалликлардан бири булиб ҳисобланади. Бироқ, у шу кунгача нафас йўллари ҳолатини кўрсатувчи касаллик эмас, балки ўзаро ўхшаш бўлмаган белгилардан иборат (синдром). Унга фақат белгиларни кўрсатиш орқалигина таъриф бериш мумкин, деб таъкидлайдилар. Шу каби хулосалар бронхиал астмани клиник жиҳатдан ноаниқ таърифлашга олиб келади. Бу эса бутун бир касалликни эътибордан четда қолишига ва шифокорни касалликни даволаш жараёнида йўлдан адашишига олиб келади.

Клиника амалиётида bemорлардаги бронхиал астма кўп ҳолларда аниқ ташҳисланмайди, ташҳис “обструктив синдром”, “обструктив бронхит”, “нафас йўлларининг вирусли инфекцияларидағи астматик компонент” каби тушунчалар билан алмаштирилади. Шунинг учун ҳам бронхиал астма ташҳиси ва давоси бўйича ўтказилган ҳалқаро келишувдаги ҳисоботда (Национальный институт Сердца, Легкие, Кровь. США, 1992, март) “бронхит хуштаксимон хириллашлар билан”, “хуштаксимон хириллашлар синдроми”, “қайталанувчи бронхиолит”, “қайталанувчи обструктив бронхит” ва бошқалар каби терминларни қўлламасликини, балки бронхиал астмага қарши даво усулларининг йўналишини тўгри ишлаб чиқиши мақсадида энг тўгри ҳисобланган бронхиал астма терминини қўллаш талаб қилинади.

Яна бир нуқтаи назар мавжудки, унга мувофиқ bemорда бир йил ичида З мартадан кўп обструкция қўринишлари юзага келган ҳолларда ҳам бронхиал астма эҳтимоли тўгрисида ўйлаб кўриш лозим, дейилади.

1995 йили Москвада нафас аъзолари касалликлари бўйича ўтказилган б-миллий конгрессда, 1998 йили Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон аллергологларининг конференциясида бронхиал астма касаллиги кенг муҳокама қилиниб, консенсус қабул қилинди. Унда таъкидланишича, бронхиал астма мустақил бир касаллик деб ҳисобланаб, бронх тармоқлари обструкцияси функционал жиҳатдан қайтадиган ва бронхларнинг се-

зувчанлиги ортиб кетиши билан тавсифланувчи сурункали аллергик яллигланиш, деб баҳоланди. Бу консенсусда (келишув) бронхиал астманинг ривожланишида иммунологик механизм асосий рол ўйнаши таъкидланади. Тўғри, бронхиал астманинг ривожланиш механизми ноиммунологик реакциялар йўли билан бўлиши ҳам мумкин, деган қараашлар ҳам мавжуд. Унга кўра бронхиал астманинг белгилари турли шароитлар таъсири остида пайдо бўлиши мумкин.

Бронхиал астманинг ноиммунологик тури тўғрисидаги масалалар шу пайтгача илмий муҳокама ва мунозаралар мавзуси бўлиб ҳисобланади. Кўпчилик олимларнинг фикрига кўра бронхиал астманинг юзага келишини кучайтирувчи бошқа қўзгатувчи омиллар ҳар доим иккинчи ўринда туради. Бу шу маънодаки, сенсибилизация (организмнинг турли омилларга нисбатан сезувчанлигини ортиши) ва бронхларнинг аллергик яллигланиши организмда улар таъсир қўйилмасдан аввалроқ пайдо бўлган бўлади.

Чуқур ўрганиб чиқилгандан эса касалликнинг ҳамма ноиммунологик реакциялар вариантларида касаллик юзага келиши учун беморда албатта атопик ҳолатнинг мавжуд бўлиши сабаб бўлади.

1995 йилда Москвада ўтказилган пульмонологлар симпозиумида ўпка ва бронх касалликларининг клиник турлари таснифида ҳам астма касаллигининг асосини нафас йўллари аллергик яллигланиши ва бронхлар сезувчанлигининг ошиб кетиши, деб қабул қилинган. Маълумки, атопик бронхиал астма ривожланишида аллергик реакцияларнинг реагинга боғлиқ бўлган тез содир бўладиган тури ҳал қилувчи ўрин тутади. Бунда иммуноглобулинларнинг Е синфига мансуб бўлган махсус антитело нафас йўллари орқали организмга кирадиган ташқи муҳит ва уй-рўзгор аллергенлари таъсири остида пайдо бўлади.

Улар орасида уй чанги, ҳайвон ва қушларнинг эпидермал аллергенлари, мотор замбууруглари, ўсимлик чанглари ва бошқалар мавжуд.

Бронхиал астма экология билан узвий боғлиқ. Бронхиал астма касаллигини юзага келтиришда муҳим

ўрин тутадиган сабабчи омиллар рўйхатида саноат корхоналарининг кимёвий бирикмалари ҳам мавжуд.

Касб касалликлари бўйича мутахассислар билан бирга ўтказилган изланишларда кўпчилик беморларда саноат аллергенларига сезувчанликнинг ортиши аниқланган (никель, хром, формальдегид ва бошқалар).

Бироқ, организмда атопия мавжудлиги ҳал қиливчи аҳамиятга эга бўлади. Аллергик касалликларнинг асосида экзо аллергенлар таъсирига нисбатан жавоб сифатида юз берадиган иммунологик реакция орқали вужудга келадиган ҳолат ётади, деган фикр ҳозирги пайтда жорий этилган.

Реагин йигилиши билан содир бўладиган реакциялар аллергик яллигланишга сабаб бўлувчи ёг табиатига эга бўлган – лейкотриенлар, тромбоцитлар фаоллигини оширувчи омил (ФАТ) ва бошқа медиаторларни ҳосил бўлишига олиб келади.

Бронхиал астма касаллигига чалинган беморларда бронхлар яллигланишининг клиник ва эндоскопик белгилари яхши маълум. Кейинги пайтларда аниқланишича, уларда сурункали аллергик яллигланиш натижасида ўпкада бириктирувчи тўқиманинг ўсиб кетиши (склероз) шаклланади.

Бронхиал астма касаллиги бўйича олинган морфологик маълумотлар ҳам бронх деворларида жиддий ўзгаришлар – эпителий (қопловчи тўқима) нинг шикастланиши, эозинофиллар, тўйинган ва қадаҳсимон ҳужайралар сонининг кўпайиши, мускул тўқимаси оралигига ва ҳатто шу тўқималар ўринида бириктирувчи тўқимани ўсиши, базал мемранада коллаген (толали оқсил модда) йигилиши ва бунинг ҳисобига мембрана қалинлашиб кетиши, бронх силлиқ мускулларининг қалинлашиб (гипертрофия) кетиши ва хаддан ташқари ўсиб кетиши, шиллиқ қаватларнинг кўпчиши, шиллиқ ости қавати, бронх олди тўқималарининг қалинлашиб кетишидан далолат беради.

Бронхиал астма — бронхларнинг сурункали ўсиб борувчи аллергик яллигланиши, улар реактивлигининг ортиб кетиши асосида ривожланадиган касаллик бўлиб, бронхлар торайиши, кўп миқдорда шиллиқ ажralиши, бронхтарнинг шишиши сабабли келиб чиққан обструк-

ция натижасида бўғилиш хуружлари юзага келиши билан тавсифланади.

Бу асосли фикрлар консенсус асосида қабул қилинган ўпка касалликлари таснифида қайд этилган бронхиал астманинг аллергик, инфекцион аллергик ва аралаш турларга ажратилишини бекор қилишга имкон беради.

Бронхиал астмага берилган замонавий таъриф шубҳасиз бронхиал астманинг ташҳисида, олдини олишда ривожланиш механизми бўйича даволашда ва бу билан касаллик оқибатини яхшилашга ёрдам беради.

БРОНХИАЛ АСТМАНИНГ ТАРҚАЛИШИ

Ўтказилаётган тадқиқотлар натижасида олинаётган аник эпидемиологик маълумотлар бронхиал астма билан касалланиш кенг тарқалиб бораётганини кўрсатмоқда. Сўнги 2—3 ўн йиллик ичидаги болаларда ва ёшлиар орасида бу кўрсаткич ўсади. Болалар орасида бронхиал астма тарқалишининг жиiddий суръатда ўсиши сабаблари аниқ эмас. Астманинг бронхлар сезувчанлигини ортиши ва атопия билан боғлиқлиги, уларнинг эса атроф-муҳитни ифлосланиши даражаси билан боғлиқлиги — бу урбанизация ва индустрIALIZацияни таъсири эҳтимолини кўрсатади.

Бронхиал астма тарқалишини ирқий келиб чиқишига боғлиқлигини ўрганиш учун турли ирққа, миллатга мансуб бўлган аҳоли бирга яшайдиган мамлакатларда (АҚШ, Малайзия, Сингапур, Янги Зеландия) тадқиқотлар ўтказилган. Тадқиқотлар бу касаллик тарқалишида асосан шароит, аҳолининг билим даражаси ва даромаднинг аҳамияти борлигини кўрсатди.

Турли мамлакатларда ўтказилган тадқиқотлар бронхиал астмани иссиқ ва нам иқлимли минтақаларда кўп тарқалашини, тогли районларда эса камроқ учрашини кўрсатди. Бу атмосфера ҳавосини аэроаллергенлар билан тўйиниш даражаси билан боғлиқ (уй чангидаги каналар, могор замбурууглари).

Бронхиал астманинг энг кўп тарқалиши йирик санаот корхоналари жойлашган районларда кузатилади.

Бронхиал астмани юзага келишига сабаб бўлувчи омиллар:

1. Атопия — организмнинг атроф-муҳит аллергенлари таъсирига жавобан кўп миқдорда IgE ишлаб чиқара олиш қобилияти. У 70 фоиз катта ёшдаги беморларда ва 80—90 фоиз болаларда аниқланади.

Атопия энг кўп тарқалган аллергенлар билан, терида ўтказиладиган синамаларнинг мусбатлиги билан умумий ва маҳсус IgE даражасининг юқорилигини аниқлаш орқали тасдиқланади.

Ўтказилган тадқиқотларнинг кўпчилигига бронхиал астма IgE даражаси юқори бўлган кишилар орасида IgE даражаси паст бўлган кишиларга нисбатан кўп тарқалганлигини кўрсатади.

2. Бронх тармоқлари сезувчанлигининг (реактивлигининг) ошиб кетиши.

Кейинги йилларда бронхлар сезувчанлигига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Бу ҳолат бронхларнинг турли таъсиrlарга нисбатан сезирлигини ортиши, деб изоҳланади. Бундай ҳолатда худди шу таъсиrlар туфайли соглом кишиларда ривожланмайдиган обструкция ҳолати пайдо бўлади.

Бронхлар сезирлигининг кучайиб кетиши бронхиал астманинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Унинг даражаси эса касалликнинг оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Бироқ, унинг тарқалиш кўрсаткичи бронхиал астмага қараганда анча юқори. Бронхлар сезувчанлигининг ошиши ирсий такомиллашиб билан боғлиқ, деган маълумотлар ҳам мавжуд.

3. Наслга (ирсиятга) боғлиқлик. IgE ни юқори миқдорда ишлаб чиқиш қобилияти қаттиқ ирсий назоратда бўлиши оиласий текширишларда ишончли далиллар билан кўрсатилган.

Атопия белгилари бўлган ота-оналардан тугилган болаларда бу белгилар бўлмаган ота-оналардан тугилган болаларга қараганда бронхиал астма ривожланиш ҳавфи кўпроқ бўлади. Атопияни наслдан-наслга қандай ўтиши ҳақида бир умумий фикр йўқ. Наслдан-наслга ўтишнинг турли варианtlари ҳақида ёзилган. Булар: аутосом доминант, аутосом рецессив, полиген. Бироқ, булардан ҳеч қайсисига ишонарли исбот топилмади.

Ҳозирги пайтда полиген йўл билан наслдан-наслга ўтиш устунроқ, ишончлироқ деб ҳисобланаяпти.

Бронхиал астманинг ирсий асоси касалликни ташкил қилувчи ирсий жиҳатдан боғлиқ бўлмаган бирималар сифатида кўринади: атопия ривожланишига мойиллик, IgE антитело ишлаб чиқадиган маҳсулотларга бронхлар сезгиригининг ортиб кетиши.

Мойилликнинг асосий генлари 5- ва 11-хромосомаларда сақланади. Бунда IL-4 алоҳида, махсус вазифани бажаради. Ирсий мойилликнинг ҳар бир омиллари касаллик пайдо бўлиш эҳтимолини оширади. Уларнинг биргаликда келиши эса атроф-муҳитдаги омилларнинг энг кам миқдордаги иштирокида ҳам касаллик ривожланиш хавфининг ортишига олиб келади.

БРОНХИАЛ АСТМА РИВОЖЛANIШИГА САБАВЧИ ОМИЛЛАР

Бронхиал астманинг ривожланувига олиб келувчи хавфли омиллардан бири — аллергенлар ҳисобланади. У ёки бу аллергенни организмнинг иммун лаёқатли тизимига таъсири кейинчалик бронх тармоқларида (шоҳчаларида) аллергик яллигланиши келтириб чиқариш билан бронхиал астма хуружини юзага келишига олиб келувчи омил ҳисобланади. Ҳозирги пайтда ўзининг келиб чиқиши жиҳатидан маълум бўлган аллергенлар икки гуруҳга бўлинади: экзоген — ташқи аллергенлар (организмга атроф-муҳитдан киради), эндоген — ички аллергенлар (инсон организмининг аъзоларида ва тўқималарида вужудга келувчи аллергенлар). А. Д. Адо ва А. А. Польнер таклиф этган (1963) таснифга мувофиқ экзоаллергенлар келиб чиқиши жиҳатидан яна катта икки гуруҳга ажратилади: инфекцион ва ноинфекцион экзоаллергенлар.

Атопик бронхиал астманинг шаклланишида бемор организмига турли йўллар орқали тушувчи ноинфекцион экзоаллергенларни етакчи ўрни борлиги исботланган.

Уй-рўзгор аллергенлари. Ноинфекцион аллергик бронхиал астма ривожланишининг энг кўп сабаблари — бу уй чанглари аллергенларига сезувчанликнинг ортиб кетишидир (бизнинг маълумотлар бўйича 62 фоиз). Бунда уй-рўзгор аллергияси 50 фоиздан кўпроқ

жолларда касалликнинг бирдан-бир сабабчиси бўлиб хизмат қиласди. Улар орасида кўп таркибий қисмлардан ташкил топган уй чангиди бош омил ҳисобланади. У ўз таркибида ҳайвон қазгогларини, ўсимлик чангларини, замбуругларни, пахта толаси ва пахта момигини сақлаши мумкин. Сурункали астманинг ривожланишида уй чангини таъсири бундан 60 йил аввал кўрсатиб берилган.

Баъзи тадқиқотчилар уй чангининг антигенлик хусусиятини, улар таркибидаги бактериялар билан боғлашади. Аслини олганда супуриб-сидириш пайтида олинган уй чангидаги жуда катта миқдорда каналар яшайди (5 грамм чангда 2500та канна бўлиши мумкин). У (+25°C ҳароратда ва 80 фоиз намлик бўлганда) бир неча авлодлар давомида яшаши ва кўпайиши мумкин. Республикамизнинг турли минтақаларида ўтказилган акрологик текширишлар натижаси каналарнинг 27 турини аниқлашга имкон берди, улар ўз навбатида 2 оила ва гуруҳни ўз ичига оловчи 2 бўлимга тааллуқли (М. Ф. Назруллаева, 1990).

Республика бўйича уй чангидаги каналарнинг тошлиши 62,4 фоизни ташкил қилди. У республикамизнинг шимоли-шарқий қисмларида (Тошкент вилояти—67,3 фоиз, Сирдарё вилояти—68,7 фоиз) энг юқори миқдорда, жануби-гарбий қисмида эса энг кам (Бухоро вилояти—36,3 фоиз) миқдорда учрайди. Республика бўйича умумий акрафаунанинг 28,5 фоизини *Dermatophagoides pteronyssin* ва 57,8 фоизини *Clycyphagus cadoverium* ташкил қиласди. Барча ўрганилган минтақаларда ўлчамлари бўйича *Clycyphagus cadoverium* устунлик қиласди.

Ўзбекистонда ўтказилган текшириш ишлари минтақада миқдор кўрсаткичлари бўйича *Dermatophagoides pteronyssin* тури *Clycyphagus cadoverium* турига нисбатан 1,5—2,3 марта кўп учрашини кўрсатди. Бундай тафовутлар турли минтақалар фаунасининг кўп омиллилигидан далолат беради.

Эпидермал аллергенлар ҳам атопик бронхиал астмага сабаб бўлиши мумкин. Булар орасида ит ва мушику жунлари кучсиз аллергенлар ҳисобланади, аммо кўчиб тушаётган эпителиал ҳужайралар ва сувда эрув-

чи оқсил антигенларидан ташкил топган ҳайвон қазғолари кучли таъсир кўрсатувчи аллергенлар ҳисобланади.

Кўпчилик аллергологларнинг фикрича, уй ҳайвонлари ичida мушук қазғоги энг кучли аллерген ҳисобланади. У бир неча секунд ичidaёқ унга нисбатан сезгирик бўлган беморда кўздан ёш оқиши, ёргулкка қарай олмаслик, бурун қичишиши, ҳуштаксимон нафас, қаварчиқлар ва кўз қовоқларнинг шишишини келтириб чиқариши мумкин. Ўрдак, гоз патлари билан тўлдирилган ёстиқлар ҳам аллергенлар манбаи бўлиши мумкин.

Ўсимлик чанглари аллергенлари. Чангларга оид бронхиал астма ривожланишига, асосан З гурӯҳ ўсимликларнинг аллергенлари сабаб бўлиши мумкин. Булар дараҳт ва буталар (қайн, ольха, зирк дараҳти, мажнунтол, заранг, каштан, терак, қайрагоч), бошоқли ўсимликлар (тимофеевка, ялпиз, арпа, бугдой), ёввойи ўтлар (шўра, қоқиут ва бошқалар). Озиқ-овқат аллергенларининг ноинфекцион бронхиал астма ривожланишига таъсири 3,8 фоиз ҳолларда тасдиқланади.

БРОНХИАЛ АСТМАНИНГ РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМИ

Иммунологик механизм. Сезувчанлик ошиб кетишнинг асосий иммун маркери бемор қонининг зардобида Е иммуноглобулиннинг умумий миқдорини кўтарилиб кетиши ва экзоген аллергенларга нисбатан махсус IgE антителони мавжудлиги ҳисобланади.

IgE миқдори соглом кишиларда тахминан 0,00005 г/л, яъни IgE ни меъёрдаги миқдоридан тахминан 100000—200000 марта кам.

Умумий IgE нинг асосий қисми тўйинган ҳужайрада ва базофилларда жойлашган бўлади. Тўйинган ҳужайралар аллергик реакцияларда марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Унинг бошлангич ҳимоя вазифаси иммунологик реакциянинг эътиборини касаллик (патология) жойлашган ерга қаратиш ҳисобланади.

Тўйинган ҳужайралар турли медиаторлар ишлаб чиқиши орқали бронхиал астма белгиларига мос қелувчи, хусусан нафас йўллари силлиқ мускулларини

қисқариши, шиллиқ ишлаб чиқаришнинг кўпайиши, вена қон-томирларини торайиши, томирлар ўтказувчанлигининг ортишини келтириб чиқаради.

Молекулаларнинг ёпишишини (адгезия) тезлаштирувчи (VCAM-1), фаоллаштирувчи ва хемотаксик омиллар бошқа ҳужайраларни (эозинофиллар, нейтрофиллар, эпителииал ҳужайралар, фибробластлар) шокли тўқимадаги жараёнда иштирок этишига жалб қиласади.

Тўйинган ҳужайралар билан Т-ҳужайралардаги адгезия молекулаларининг бир хиллиги аниқланган. Бу уларнинг туқималардаги ҳаракат йўли ва тўхташ жойларида ўшашлик борлигига тахмин қилинади.

Тўйинган ҳужайралардан медиаторлар ажралиб чиқиш йўллари таҳлил қилиниши шуни кўрсатдики, антиген орқали IgE нинг 2 молекуласини ҳужайра юзасида ўзаро кесма ҳосил қилиб тортилиши, мембрана ферментларининг фаоллашишига олиб келади. Бу эса мембранадаги фосфолипидларнинг иш жараёнини тезлаштиради.

Реакция жараёнида ҳужайра мембранасида ёг кислоталари ва фосфолипидларнинг қайта тақсимланиши юз беради ва бунинг ҳисобида маҳаллий ўзгаришлар бўлади. Бу эса ўз навбатида “кальций дарвазаси” шаклланишига имкон беради ҳамда кальций каналлари орқали кальций ионларининг ҳужайрага киришига ёрдам беради.

Кальцийнинг ҳужайра ичидаги миқдорини кўтарилиши шу каналлар орқали ҳужайрага катионлар кириши ҳисобига юз беради. Ҳужайра ичидаги заҳирадан кальцийни сафарбар қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Кальций, кальцийга бодлиқ бўлган бошқарувчи оқимларни фаоллаштиришга олиб келади. Улардан бири кальмодулин ҳисобланади. Кальций-кальмодулин бирикмаси мембрана проэстеразани (эфир бугларини гидролиз йўли билан парчаловчи фермент) хемотрипсинга (ошқозон ости бези ферменти) бодлиқ эстераза ферментига айланишига ёрдам беради.

Аденилат циклазани Ca^{2+} ва Mg^{2+} - АТФ фаоллаштиради, улар эса ўз навбатида мембранадаги фосфолипидларни ёг кислоталаргача ва лизофосфатидларгача

парчалайди. Бу жараёнлар натижасида ұжайра мембранаси ва гранула атрофидаги мембраналар орасида каналлар шаклланиши юз беради ва грануладаги таркибий қисмлар ұжайрадан ташқари бўшлиққа тўкилади.

Медиаторлар ажралиб чиқиши учун нафақат кальций кириши, балки уни ұжайрадаги заҳирадан—митохондрий, эндоплазматик ретикулимдан сафарбар қилиш зарур бўлади. Кальций ионлари иштирокида лейкотриендар (цитокин) пайдо бўлишида жиддий боғлиқлик мавжуд. Ұжайралараро бўшлиқда Ca^{2+} нинг камайиши билан лейкотриенлар ҳосил бўлишининг пасайиши кузатилган. Шундай қилиб, иммунологик ва ноиммунологик омиллар таъсирида фаоллашган кальций ионлари тўйинган ұжайралардан медиаторларни ажратувчи муҳим омил бўлибгина қолмай, балки у медиаторлар синтезида ҳам иштирок этади.

T-лимфоцитлар ва уларнинг иммун реакциялардаги аҳамияти. Ҳозирги кунгача йигилган тушунчаларга қараганда ёрдамчи T-лимфоцитлар (Th_0 ёки CD_{4+} лимфоцитлар) иммун реакциядаги вазифаларига кўра камида уч синфга: Th_0 , Th_1 ва Th_2 ұжайраларга бўлинади.

T-helper лар махсус иммун реакцияга киришгунга қадар Th_0 деб юритилади, антиген билан таъсиrlашгандан кейин эса 2 йўналишдан бирига ажралади. CD_{4+} 1-нинг (Th_1) T-ұжайралар интерферон (IFN) ва интерлейкин (IL)₂ ишлаб чиқади ва ұжайравий иммун реакцияларда марказий ўринни эгаллайди. Чунки IFN γ фагоцитозни энг кучли фаоллаштирувчи бўлиб ҳисобланади.

Th_2 ұжайралар ишлаб чиқадиган цитокинлар аллергия ва астмада кузатиладиган белгиларга тўғридан-тўғри алоқада (муносабатда) бўлади.

IL₄ ва IL₁₃ биргаликда махсус гуморал иммун жавоб реакциясида В ұжайранинг IgE синфига мансуб антителоларини синтез қилишга ўтказади.

IL₅ эса эозинофилларни фаоллаштирувчи асосий омил ҳисобланади.

Эозинофиллар ва уларнинг маҳсулотлари. Бронхиал астмада эозинофиллар кўпроқ бронхо-альвеоляр ла-

важ суюқлигига ҳамда биопсия ва аутопсия материаларида катта миқдорда топилади.

Улар нафақат касалликнинг хуруж пайтида, балки касалликнинг тинч пайтида ҳам аниқланади.

Касаллик хуружи пайтида эозинофилларнинг фоллашиш белгилари ва улар орқали медиаторларнинг кўп миқдорда ажралиб чиқиши аниқланади. Улар орасидан кучли заҳарли ҳисобланган асосий оқсиллар — бош оқсил (majr bazic protein — MBP) ва эозинофилли, катионли оқсил (eosinophil cationic protein — ECP) ажратиш лозим.

Эозинофилли, катионли оқсилни организмнинг биологик муҳитидаги даражаси ҳозирги пайтда аллергик яллигланишнинг энг кўп маълумот берувчи маркерларидан ҳисобланади.

ТАШҲИСИ

Бронхиал астмани ташҳислашда бир қанча текшириш усуллари қўйланилади: анамнез, беморни кўрикдан ўтказиш, ташқи нафас олиш функцияларини текшириш, балгамни текшириш, бронхолитиклар билан синамалар ўтказиш ва бошқалар.

Бронхиал астманинг клиник ташҳиси шу касаллик учун ҳос бўлган вақти-вақти билан тутиб турувчи экспиратор ҳарсиллаш (нафас чиқаришнинг қийинлашуви), ҳуштаксимон хириллашлар, кўкрак соҳасида оғирлик сезиш ва йўтал тутиш каби белгиларни аниқлашга асосланади.

Астмани ташҳислашдаги асосий клиник белгилар кўрсаткичлари.

■ Ҳуштаксимон нафас, ҳуштаксимон товушнинг нафас чиқариш пайтида кучайиши, айниқса болаларда (текширилаётганда кўкрак қафасининг нормал кўриниши астмани истисно қилмайди).

■ Анамнезда қўйидаги белгиларнинг мавжудлиги:

1. йўтал, айниқса тунда кучайовчи;
2. вақти-вақти билан пайдо бўлиб турадиган ҳуштаксимон хириллашлар;
3. вақти-вақти билан нафас сиқиши:
 - bemor уйқусини бузадиган тунги хуружларнинг мавжудлиги;

— триггерлар — хуружни құзгатувчи омиллар борлиги (машқалар, инфекция, уй ҳайвонларининг жунлари, уй чанги, тутун ва бошқалар).

■ Нафас чиқаришдаги ҳаво оқими чегарасининг бекарорлиги ва қайта жойига келиши пикфлюметрия күрсаткичларидан фойдаланиб, нафас чиқариш тезлигининг энг юқори ҳажми қуйидаги усуллар ёрдамида текширилади:

- 1) қисқа вақт давомида таъсир күрсатадиган В₂—агонистлари билан ингаляция қилингандан 15—20 дақықа үтгандан кейин нафас чиқаришдаги энг катта ҳаво оқимининг 15 фоизидан күпроқ миқдорига ортиши ёки
- 2) нафас чиқаришдаги энг катта ҳаво оқими әрталабки үлчанган миқдоридан 20 фоиздан күпроқ миқдорига үзгәради ва бронходилятаторлардан фойдаланмайдиган беморларда 10 фоиздан күпроқ миқдорда ёки
- 3) нафас чиқаришдаги энг катта ҳаво оқими 6 дақықали югурыш ёки машқлардан кейин 15 фоиздан күпроқ миқдорига камаяди.

1. Ташқи нафас функциясини баҳолаш. Бронхиал астма бронхларнинг ташқи ва ички омилларга нисботан сезирлиги ортиб кетиши билан тавсифланади. Бу реакция силлиқ мускуллар сиқилиши (қисқариши), шиллик қаватнинг күпчиши ва күп шиллик ажралиб чиқиши сабабли күп жойларда нафас йўлларининг беркилиб, торайиб қолиши билан намоён бўлади.

Обструкция даражаси вақти-вақти билан қайталаниб турувчи хуруж пайтида яққол кўзга ташланади. Аммо у хуружнинг клиник белгилари ўтиб кетгандан кейин ҳам, хуруж оралиги даврида ҳам оз миқдорда бўлса ҳам сақланиб қолади, обструкция ҳолати бронхиал астманинг оғир кечадиган турларида айниқса кўпроқ сақланиб туради.

Бронхиал астмада обструкциянинг қайтарлиги ўпканинг бошқа сурункали касалликларидан уни фарқлашга имкон беради. Касалликнинг кечишида қатъий ўсиб бориш, кучайиб бориш мавжуд әмас. Балки, бир bemornинг ўзида касалликнинг турли даврларида ва ҳатто бир куннинг ўзида ҳам қасаллик белги-

лари ўзгариб туриши характерлиди. Худди шундай ҳолат нафас аъзолари иш фаолиятини қай даражада бузилганлигини аниқланилаётган bemорларда ҳам кузатилади, яъни бу кўрсаткичлар ҳам турлича бўлади.

Фақат шуни қайд этиш лозимки, бронхиал астманинг оғир турларида хуруж оралиги даврида ҳам нафас йўлларининг обструкцияси кўпинча сақланиб қолади. Шу билан бир вақтда узоқ вақт давом этган хуруж оралиги вақтида ўпка функцияси яхши бўлган ҳолларда ҳам бирданига тарқоқ обструкция ва ўткир нафас этишмовчилиги билан тўсаттан оғир хуруж юзага келиши мумкин. Ўканинг ташки нафас функциясининг спирометрик кўрсаткичлари ўканинг вентиляцион қобилияти бузилиши даражасини ҳамда бронхларда обструкция мавжудлигини баҳолашга имкон беради. Бу мақсадда қўйидаги ўлчамлардан фойдаланилади: FEV_1/FVC .

Бу ўлчамлар икки усул билан ўлчаниши мумкин: спирометрик ва пневмотахометрик.

Замонавий асбобларда маълумот қоида бўйича нафақат кўрсаткичларнинг абсолют қийматида, балки бўлиши лозим бўлган катталикларга нисбатан фоиз ҳисобида ҳам берилади. Бўлиши керак бўлган катталик кўрсаткичлари ўлчов асбобларининг тури ва текширилаётган контингентга қараб фарқ қилиши мумкин.

FEV_1 кўрсаткичи меъёрда бўлиши керак бўлган катталиknинг 80 фоизидан кам бўлмаган қисмини ташкил қиласди. 79—60 фоизгача бирор пасайган, 60 фоиздан кам ҳолларда анча аҳамиятли даражада пасайган ҳисобланади. Ўпка функциясини пневмотахометр ёрдамида ўрганилганда бронхлар обструкцияси патологик шаклда “оқим-ҳажм” ва нафасда олинадиган ҳаво оқими тезлиги кўрсаткичларининг пасайишида ўз ақсини топади.

Ташки нафас функциясининг кўрсаткичлари бронхиал астманинг тинч даврида меъёрлашуви бронхларда ўта сезувчанлик йўқлигини кўрсатмайди, лекин касаликнинг тинч даврида бронхлар ўтказувчанлигининг қисман тикланиши ҳар доим бронхларда сезувчанликнинг юқорилиги билан биргаликда кузатилади. Бу маълумотлар бронхиал астма хуружидан кейин бронх

лар ўтказувчанлигини тұлиқ тикланиши устидан функционал назорат мұхимлигини тасдиқлады.

Шифохонада даволаш жараёнида ва поликлиника шароитида кузатишда ташқи нафас функциясини текшириш бронхиал астма билан касалланған беморлар нинг ақволини баҳолашда әнг мұхим үрин тутади.

Бронхлар сиқилиши бор деб тахмин қилинаёттан ҳар бир беморни имконияти бор бұлган ҳар қандай асбоб ёрдамида FVC ёзіб олиш ва FEV₁ ва FEV₁/FVC ҳисоблаб чиқиши керак.

Оқим-жажм чизмаларини рүйхатта олиш юқори маълумотли бўлиб, у периферик (әнг четдаги) бронхларда обструкция бор-йўқлигини аниқлады. Обструкциянинг мавжудлиги тұлиқсиз ремиссия ҳолатини ва янги хурожга ҳозирлик (тайёргарлик) борлигидан далолат беради.

2. Бронхоскопия. Бронхоскопия — бронхлар ўтказувчанлиги бузилиши билан кечадиган қатор касалликларни бронхиал астмада, айниқса уларнинг нотипик клиник кўринишларидан фарқ қилувчи ташҳис усули ҳисобланади. Улар: бронх-үпка тизимининг тугма касалликлари (тугма нуқсонлар), бронхлар, кекирдакнинг ривожланишидаги аномалиялар, бронх шохчаларидағи ёт жисмлар, эндобронхиал ўсмалар, экстрабронхиал патология ҳамда үпка-бронх йўлларидаги сабаби номаълум бұлган жараёнлар. Бронхоскопия юқорида қайд этилган касалликларни истисно қилиш мақсадида тавсия этилади. Бронхиал астма ташҳисида наркоз билан бронхоскопия қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

Кўз билан кўриш орқали аниқланадиган бронх шиллиқ қаватидаги үзгаришлар айнан шу касаллик нинг белгиси бўлиб ҳисобланмайды, чунки бундай үзгаришлар обструкция билан бирга келадиган ва обструкциясиз касалликларда ҳам кузатилади.

Бронхоскопия пайтида бронхлар ювилади ва йирик бронхлар (1—3 қатор) ичидаги бор нарсалар чиқарып олинади ҳамда бронхоальвеоляр лаваж әнг четдаги бронх ва альвеолалардан аспират (сўриб олинган союқлик) олишга имкон беради.

Бронхиал лаваж инсон тирик пайтида бутун бронх шохларида ва ўпканинг респиратор бўлимларида ривожланаётган жараёнларни ўрганишда, табиий ҳимоя тузилишини баҳолашда иммунологик жараёнлар ҳаракатини тушунуш учун қимматли маълумотлар беради ҳамда ўтказилаётган даво муолажалари самарасини баҳолайди.

Кейинги йилларда бронхиал астма билан касалланган беморларда бронхоальвеоляр лаваж суюқлигини ўрганишга эътибор кучайди. Тўплангандан клиник тажриба натижалари бу усулни ташҳис ва бронхиал астмани даволаш, назорат қилиш мақсадида қўллашни тавсия қиласиди.

БРОНХИАЛ АСТМАНИ БОШҚА КАСАЛЛИКЛАРДАН ФАРҚЛАШ

Бронхиал астмани қўйидаги касалликлардан фарқлашга тўғри келади:

1. Сурункали обструктив бронхит. Бу касаллик мавжуд бўлган беморлар учун харсиллаш — нафас олишининг қийинлашиши ва нафас сикиши хос белгилардан бўлиб ҳисобланади. Улар хуружсимон кўринишга эга бўлмай, доимий равишда сақланиб қолади. Балгам ажралиб чиқиши беморга енгиллик келтирмайди. Сурункали обструктив бронхитнинг асосий фарқ қилувчи белгиларидан бири — бронхлар обструкциясининг қайта ўрнига келиш ҳолатини ҳатто касалликнинг енгиллашган (ремиссия) даврида ҳам бўлмаслигидир.

2. Кекирдак ва йирик бронхларнинг дискинезияси. Бу ҳолат азоб берувчи, хуружсимон тутиб турувчи, битонал (бир хил тонда) йўтал ва нафас чиқаришнинг қийинлашуви билан қўшилиб келади. Бу ерда қаттиқ кулгу, жисмоний зўриқиши, респиратор инфекция қўзгатувчи омиллар бўлиши мумкин. Кекирдак ва йирик бронхлар шиллиқ қаватининг тез-тез қайталаниб турувчи микробли ёки вирусли инфекциялари, овоз бойламларидаги тугма нуқсонлар касалликка сабаб бўлиши мумкин. Бу паталогия мавжуд бўлган беморларда бронхиал астмага хос бўлган бўгилиш хуружлари бўлмайди ва касалликнинг қўзиган даврида ўпка усти-

да қуруқ хириллаш эшитилмайды. Хулосавий ташхис фибро-бронхоскопия маълумотларига асосан қўйилади.

3. Уткир рееспиратор вирусли инфекциялар. Одатда, вирусли инфекцияда майда бронхларнинг тарқалган обструкцияси ҳарсиллаш билан қўшилиб келади ва аксарият ҳолларда бактериал ўпка яллигланиши билан ривожланади. Агар бронхиал обструкцияси бўлган беморларда, айниқса болаларда қисқа таъсир кўрсатувчи бронхо-дилятаторлар (бронхларни кенгайтирувчи) қўллашдан кейин яхши самара кузатилса ва ўпка яллигланишининг бошқа белгилари бўлмаса, бу бронхиал астмадан далолат беради.

4. Ҳиқилдоқ, кекирдак ва йирик бронхларнинг бошлиши натижасида нафас йўлларининг бекилиб қолиши. Бу патология ўсмалар пайдо бўлиши, бегона моддалар, овоз бойламлари фалажи, полиплар, қалқонсимон безнинг ўсмаларидан юзага келиши мумкин. Тутиб турувчи хуружсимон йўтал, инспиратор нафас чиқаришининг қийинлашуви, ҳарсиллаш бунга хос белгилардан ҳисобланади.

5. Асабий (истерик) астма. Бу, кўпинча ёш аёлларда ҳаддан ташқари руҳий қўзғалишлар натижасида юзага келади. Нафас чиқаришнинг қийинлашуви, ҳарсиллаш хуружлари бир дақиқада 40—50 марта гача тез-тез юзаки нафас билан тавсифланади. Овоз йўлининг қисман беркилиб қолиши туфайли нафас чиқариш пайтида товуш пайдо бўлади, аускультацияда ўпкада хириллашлар бўлмайди.

6. Гипервентиляция синдроми. Бу астмафобик, невротик ҳолат. Беморлар ҳаво етишмасликдан, тўла нафас олмасликдан шикоят қиладилар. Аммо бронхлар ўта сезувчанлигидаги бузилиш белгилари бўлмайди. Аускультацияда ўпка устида везикуляр нафас эшитилади ва хириллашлар бўлмайди.

ТУРЛИ АЛЛЕРГЕНЛАРГА СЕЗУВЧАНЛИК ОРТГАН ҲОЛЛАРДА БРОНХИАЛ АСТМАНИНГ КЛИНИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Атопик бронхиал астма — *Dermatophagides pteronyssinus*, *Dermatophagides farinae* уй чангига сезувчанлик ортиши натижасида юзага келадиган астма ҳисобланади. Нафас сиқилиши хуружлари кўпроқ уй

шароитида пайдо бұлади, уйдан бирор бошқа жойларға кетган ҳолларда, яшаш жойини ўзгартырганда хуружлар, одатда камаяди. Бундай беморлардаги хуружлар тезлигини камайтириш учун яшаш жойларини етарли даражасида тоза сақлаш, эски, ўзига чанг йигиладиган уй жиҳозларини, гиламларни чиқариб ташлаш, тозалаш ишларини намланган латта билан бажариш, чангларни чанг юткіч ёрдамида тозалаб чиқиш лозим. Акс ҳолда бемор уй шароитига қайтиб келганды хуружлар яна қайталаниши мүмкін.

Каналар таъсирида юзага келадиган бронхиал астмада нафас сиқиши хуружларининг тунги соатларда, яъни аллергенлар — ўрин-күрпадаги майды каналар билан күпроқ яқинликда бұладиган даврда пайдо бўлиши хос хусусият ҳисобланади. *Dermatophagides pteronyssinus*, *Dermatophagides farinae* ларга сезувчанлик ортиши туфайли вужудга келган бронхиал астмада хуружлар ривожланиши кўпинча аллергик ринит белгилари билан бирга қўшилиб келади.

Замбуруглар таъсирида юзага келадиган бронхиал астма замбуругларнинг йил давомида атроф-муҳиттга тарқалиш миқдорига bogliq ҳолда кечади. Масалан, замбуругларнинг *Cladosporium*, *Alternaria* турларига сезувчанлик ортиши туфайли келиб чиққан астмада нафас сиқиши хуружлари, одатда замбуругларнинг спорали энг кўп пайдо бўладиган даврида, яъни март ойидан бошлаб то ерлар музлаб қолгунига қадар тез-тез кузатилади. Замбуругларнинг заҳ хоналарда кўп турқаладиган ва йил давомида жуда кўп миқдорда споралар ҳосил қиласидиган *penicillium*, *aspergillus*, тисор каби турларига сезувчанлик ортган ҳолларда эса нафас сиқиши хуружлари бутун йил давомида юз беради. Замбуругларга оид бронхиал астма күпроқ заҳ хоналарда яшаганда ҳамда пишлок, сут, ачитқили хамирдан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилганда, замбуруглардан ишлаб чиқариладиган дори моддалар — пенициллин гуруҳига киравчи антибиотиклар белгиланганда юзага келади.

Ўсимлик чангларидан юзага келадиган бронхиал астма, одатда баъзи ўсимликлар айни гуллаган пайтда пайдо бўлади. Бронхиал астма хуружлари кўпроқ

қуруқ, шамолли кунларда, яъни ҳаводаги чанглар миқдори энг юқори миқдорда бўлганда ва аксинча уларнинг камайиши нам ёмгирили кунларда (ҳаводаги ўсимлик чангларининг ювилиб кетиши натижасида) кузатилади. Ўсимлик чанглари таъсирида вужудга келган бронхиал астма олдиндан беморда мавжуд бўлган мавсумий аллергик ринит ва конъюнктивит асосида ривожланади. Бу bemорларда касаллик хуружлари ўсимликларнинг гуллаш мавсуми тугагандан кейин ҳам шу дарахт чанглари (олма, қайин шарбати) ва бошоқли ўтлар (жавдар, бугдой уни, холва) билан умумий антиген детерминантга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилганда ҳам пайдо бўлиши мумкин. Фақат озиқ-овқат аллергиясининг кўриниши сифатида юзага келадиган бронхиал астма камдан-кам ҳолларда ташҳисланади. Бироқ, уй чанги аллергенлари билан Dermatophagides pteronyssinus, Dermatophagides farinae каби уй чанги каналарига сезувчанлик ортиши биргаликда қўшилиб келиш ҳоллари анча кўп учрайди. Одатда, озиқ-овқатга оид бронхиал астма хуружларининг ривожланиши балиқ, тухум, цитрус мевалар, сигир сути оқсилларига сезувчанлик ортиши билан боғлиқ бўлади. Бундай bemорларда нафас сиқиш хуружларининг ривожланиши, одатда олдиндан юзага келадиган қаварчиқлар, лаб шишиши, баъзан эса қориндаги оғриқлар, нохуш ҳолатлар билан бирга келади.

Бир қисм bemорлар учун бронхиал астманинг атопик дерматит билан қўшилиб келиши ҳам хос хусусият ҳисобланади. Жуда кам ҳолларда бронхиал астма алоҳида, яъни фақат бир хил аллергенга сенсибилизация натижаси кўринишида учрайди. Аксарият, ҳолларда эса полисенсибилизация, яъни бир вақтнинг ўзида бир неча хил аллергенларга сезувчанлик ортиши натижаси сифатида учрайди.

Жисмоний зўриқишдан юзага келадиган астма. Сўнги йилларда жисмоний зўриқиши билан боғлиқ радиша юзага келадиган бронх сиқилиши реакцияларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бронхлар обструкциясининг бу тури алоҳида ҳолда, умуман учрамаслигини ҳисобга олиб, бу ерда уни ортиқча жисмоний иш,

ҳаракат туфайли юзага келадиган бронхоспазм (бронхлар сиқилиши) деб айтиш күпроқ түгрироқ бўлса керак. Аммо бу бутун дунё адабиётларида жисмоний зўриқишдан келиб чиқадиган астма деб юритилади, у күпроқ болалар орасида учрайди.

Агар ўпка етишмовчилиги туфайли пайдо бўладиган бронх йўлларининг ўтказувчанлиги бузилиши билан боғлиқ бўлган нафас сиқиш жисмоний иш пайтида юзага келса, жисмоний зўриқишдан юзага келадиган астмадаги нафас сиқиш ҳолатлари жисмоний иш (ҳаракат) дан кейинги 10 дақиқа ичидага юзага келади. Хуружлар камдан-кам ҳолларда огир кечади. 5—10 дақиқа давом этади, баъзан эса 1 соатгача чўзилиши мумкин. Улар В₂-адреностимулаторлар ёрдамида тўхтатилади ёки бирданига ўз-ӯзидан йўқ бўлиб кетади.

Адашган нерв эффектор толалари охирининг таъсирланиши бронх сиқилиши юзага келишида етакчи ўрин тутади, деган фикр-мулоҳазалар ҳам мавжуд. Рефлекс кучайтирилган нафас олиш билан боғлиқ бўлган ўпка орқали қисман иссиқлик йўқотилиши билан ҳам юзага келиши мумкин. Совишинг (совқотишинг) медиаторлар механизми орқали таъсири күпроқ эҳтимолга молик.

Жисмоний зўриқишдан юзага келадиган астмани ташҳислашни поликлиника шароитида ҳам ўтказиш мумкин бўлган қўйидаги оддий усул тавсия қилинади. Бу усул касалликнинг енгиллашган, тинч даврида юрак қон-томир тизимида монеликлар ва сурункали ўпка етишмовчилиги бўлмаган ҳоллардагина қўлланилади. Бемор текшириш ўтказилишида 12 соат давомида бронхолитиклар ва интал қабул қилмаслиги керак. Текширишлар ўтказишдан олдин дастлабки маълумотлар (ўпка аускультацияси, томир уриши тезлиги) ва пневмотахометрия кўрсаткичлари ёзиб олинади. Кейин жисмоний ҳаракат югуриш ёки ўтириб, туриш машқларини бажариш буюрилади. Бу машқлар томир уриши тезлиги 1 дақиқада 140—150 мартаға етгунга қадар бажарилади. Машқлар тугатилишидан 5, 10, 15 ва 20 дақиқа ўтгач, яна bemorni қайтатдан текшириб кўрилади (аускультация, томир уриши тезлиги, пневмотахометрия). Нафас чиқариш тезлигини 20 фоиз ва ун-

дан күпроқ миқдорига пасайиб кетиши синамани мусбат әканлигини күрсатади. Бу усул гумонли ҳолларда ташхиснинг түгрилигини таедиқлаш учун қўлланилади. У бронхиал астма учун хос бўлган бронхлар юқори сезувчанлик реакциясини кўринарли белгиси ҳисобланади.

АСТМА УЧЛИГИ (“АСПИРИНЛИ” АСТМА)

Бу касаллик болаларда учраб турса ҳам, күпроқ катта ёшдигилар бу касаллик билан касалланадилар. Касаллик, одатда йил бўйи давом этадиган полипоз, риносинусит белгилари билан бошланади. Беморларда бир неча марта полипларни жарроҳлик йўли билан олдириб ташланишига қарамай, у қайта ўсиб чиқишига мойил бўлади. Кейинчалик бевосита навбатдаги полипэктомиядан ёки аспирин, анальгин қабул қилингандан кейин бронхиал астма бошланади. Беморлар аспирин, амидопирин ва пиразолан унумларини қабул қилганда, улар бўғилиш хуружлари ва ринит хуружлари кўринишидаги огир реакциялар келиб чиқаётганигини сезиб қоладилар. Реакция кўпинча препарат қабул қилингандан 15 дақиқа ўтгач, батъзан эса кечроқ (2 соатлардан кейин) ривожланади. Бу реакциялар кўпинча ўз таркибида амидопирин сақловчи теофедрин ёки антасман қабул қилгандан кейин пайдо бўлади. Кўпчилик клиницистлар астма учлиги бўлган bemorларда касаллик огир кечишини қайд этадилар. Бу bemorлар орасида атопиклар умуман бўлмайди. Амалиётдаги шифокор учун астманинг бундай тури борлигини билиш, уларни даволашда дори маддаларни тўғри белгилаш, парҳезга (сариқ рангдаги маҳсулотларни истисно қилиш) эътибор бериш, иложи борича полипэктомиядан воз кечиш мақсадга мувофиқлигини билишлари керак бўлади. Бундан ташқари, одатдаги даволаш смарали бўлмаганда огир оқибатга олиб келиши мумкинлигини ҳисобга олиб, bemorга кортикостероидлар белгиланади.

Аспиринли учлик бўлган bemorларга қўйидаги дори моддаларни қўллаш ман этилади: амидопирин, анальгин, антасман, аскофен, аспирин, асфен, барал-

гин, бутадион, вольтарен, диклофенак, диоксинбензоот кислота, ибупрофен, индометацин, мефенамин, пенталгин, пикрофен, седальгин, теофедрин, цитрамон.

Қуйидаги маҳсулотлар парҳездан истисно қилинади: олма, урик, шафтоли, гилос, малина, қовун, апельсин, олхўри ва қора олхўри, бодринг, гаримдори, помидор.

БРОНХИАЛ АСТМА ТАСНИФИ

Республикамизда узоқ вақт давомида А.Д.Адо ва П.К.Булатов (1969) таснифидан фойдаланилган. Унга мувофиқ бронхиал астманинг инфекцион-аллергик, атопик ва аралаш турлари фарқланади. Сўнги ўн йил ичидаги Г.Б.Федосеев томонидан тўлдирилган бронхиал астманинг таснифи қўлланила бошланди (1982). У таснифга мувофиқ бронхиал астманинг клиник-патогенетик турлари ажратилади.

Бронхиал астма касаллиги бўйича олиб борилган илмий изланишлар бу касаллик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни ўзгартиришга ва уни мустақил касаллик тури деб ҳисобланиб, сурункали аллергик касаллик деб тавсифлашга имкон беради. Шунга мувофиқ, амалиёт нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда бронхиал астмани оғирлик даражаси бўйича таснифи биринчи ўрнига ўтказилиши, бу касалликни ўз вақтида даволаш йўналишларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бронхиал астманинг оғирлик даражаси қуйидаги кўрсаткичлар бўйича аниқланади:

1. Бир кунлик ва бир ҳафталик тунги белгилар сони.
2. Қисқа вақт давомида таъсир кўрсатадиган В₂ — агонистларнинг неча марта қўлланиши.
3. Жисмоний иш қобилияти ва уйқу фаоллигидаги бузилишларнинг яққоллиги.
4. Нафас чиқаришдаги энг катта ҳаво оқимининг миқдори ёки энг яхши кўрсаткичлари билан фойздаги муносабати.
5. Нафас чиқаришдаги ҳавонинг энг катта оқими (FEV_1).

**БРОНХИАЛ АСТМАНИНГ ОГИРЛИК ДАРАЖАСИ
БҮЙИЧА ТАСНИФИ**

Огирлик даражаси	Даволанишдан олдинги клиник манзараси
Енгил	Белгилар ҳафтада бир марта ёки күпроқ, кузатилади. Касаллик хуружи ҳаракат фаоллиги ва уйқу бузилишига сабаб булиши мумкин. <u>Тунги астма белгилари бир ойда 2 мартадан күп юз беради.</u> Нафас чиқаришдаги энг катта ҳаво оқими булиши керак булган ҳаво оқимидан 80 фоиз күпроқ.
Үрта огир	Белгилар ҳар куни кузатилади. Астманинг <u>тунги белгилари бир хафтада бир мартадан күпроқ юз беради.</u> Қисқа вақт давомида таъсир кўрсатадиган В ₂ агонистлар – ҳар куни қабул қилинади. Нафас чақаришдаги энг катта ҳаво оқими булиши керак булган ҳаво оқимидан 60 фоиздан 80 фоизагача булади. Нафас чиқаришдаги ҳаво оқимидаги ўзгаришлар 30 фоиздан күп.
Огир	Белгилар доимий равишда сақланади. Хуружлар тез-тез қайталанади. <u>Тунги белгилар тез-тез қайталанади.</u> Жисмоний фаоллик бронхиал астма куринишлари билан чекланади. Нафас чиқаришдаги ҳаво оқими булиши керак булганидан <u>60 фоиз кам.</u> Ўзгаришлар 30 фоиздан күп.

 Енгил ўсиб борувчи астма. Астманинг бу шаклида хуруж белгилари ҳафтада бир марта ёки күпроқ юзага келиши билан тавсифланади. Уйқу ва жисмоний фаолликни салбий тарафга ўзгариши юз беради. Тунги астма белгилари бир ойда икки мартадан күпроқ юз беради. Астманинг бу шакли билан касалланганbamорларда нафас чиқаришдаги ҳавонинг энг катта оқими ёки чуқур нафас олишдан кейин 1 секунд давомида чиқарилган ҳаво сигими, даволанишга қадар меъёрдаги миқдорга нисботан 80 фоизга тенг ёки каттароқ булиши мумкин. Яъни бемор 1 секунд давомида ўпкани ҳаётий сигимининг 80 фоизини ёки күпроқ қисмини чиқара олади. Кўрсаткичлар ўзгариши 20—30 фоиз атрофида сақланади. Бронхиал астманинг бу тури бронхолитикларни доимий равишда қабул қилиниши билан назорат қилиб борилади.

② Урта оғирликдаги үсіб боруви астма. Астманинг бу шакли узоқ вақт давомида ҳар куни касаллик белгилари юзага келиши билан тавсифланади. Тунги астма белгилари бир ҳафтада бир мартадан күпроқ пайдо бұлади. Бемор B₂-агонистларни ҳар куни қабул қилиши зарур бұлади. Нафас чиқаришдаги әңг катта ҳаво әқими ёки 1 секунд давомида чиқарған ҳаво сигими даволанишга қадар меъёрда бұлиши керак бұлган миқдорнинг 60 фойздан 80 фойзгача қисмини ташкил қиласы. Бу күрсаткышларнинг үзгариши бир кечакундуда давомида 30 фойздан күпроқ бұлади.

③ Оғир үсіб боруви астма. Беморда касаллик белгилари узоқ вақт давомида сақланиб қолади, тунги белгилар тез-тез содир бұлади, дори моддаларни қабул қилишига қарамай, жисмоний фаоллик чегараланади, оғир бұғилиш хуружлари қайталанади. Нафас чиқаришдаги әңг катта ҳаво оқими ёки бир секунд давомида чиқарылған ҳаво сигими даволашга қадар бұлиши керак бұлган миқдорнинг 60 фойздан кам қисмини ташкил қиласы, уларни бир кечакундуда давомида үзгариши 30 фойздан ортиқ бұлади.

Клиника амалиётида бронхиал астманинг Жуда оғир турларини ҳам ажратиш мақсадда мувофиқ. Бунда касалликнинг барча күрсаткышлари жуда яққол юзага келади, bemorларни глюокортикоидлар билан даволашда ҳам сезиларлы үзгаришлар бўлмайди. Уларда астма фаолияти қайта пайдо бұлади. Беморлар күпинча жадаллаштирилган терапия ва ҳатто жонлантириш (реанимация) бўлимларида даволашга мухтож бўладилар. Беморларда турли асоратлар ривожланиши мумкин: ұпка-юрак етишмовчилити (ұтқир, ним ұтқир ва сурункали), ұпка эмфиземаси, пневмосклероз (ұпка-даги бириктирувчи тұқымнинг үсіб кетиши), ұпка ателактази (ұпканинг бирор қисмiga ҳаво келмай қолиб, бужмайиши), интерстициал, медиастинал ва тери ости эмфиземаси, бирданига юзага келадиган пневмоторакс (плевра бүшлигига ҳаво кириши), асаб тизимига оид ва ички секреция безларига оид бузилишлар. Касалликнинг кечишида хуруж даври ва тинч (касалликнинг енгиллашиш даври) даврлар ажратилади.

Бронхиал астманинг келиб чиқиш сабаблари шу ернинг географик ўрни, иқлим шароитларининг ўзига хос хусусиятларига, беморнинг ёшига, касалликнинг қанча вақтдан бери давом эттаётганлигига ва бошқа ташки омилларга bogлиқ.

БРОНХИАЛ АСТМАНИ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ

Даволашнинг номахсус усуллари, асосан хуружларни тұхтатыш мәксадида, яъни хуруж даврида құлланилади. Комплекс ҳолда олиб бориладиган даволаш ишлари касалликнинг турига, босқичига ва аллергик жараённинг оғирлигига, ривожланиш механизмига bogлиқ ҳолда белгиланади. Даволашнинг асосий негизи – бу ҳар бир беморни ўзига хос равиша даволаш ҳисобланади. Бронхиал астмани даволашнинг аҳамиятли томони – бу яллигланиш жараённига таъсир күрсатадиган устқурма (базис) терапиянинг ишлаб чиқилиши бўлди.

Бронхиал астманинг устқурма терапияси асосини яллигланишга қарши терапия ташкил қиласади:

- кромгликат натрий;
- недокромил натрий;
- ингаляцион ва тизимли кортикостероидлар;
- махсус иммунотерапия.

Бронхиал астманинг енгил ва ўрта оғирликдаги шакларини даволашда яллигланишга қарши стероид бўлмаган яллигланишга қарши моддалар гуруҳига ки-рувчи интал (кромогликат натрий) ёки тайлед (недокромил натрий) құлланилади. Бронхиал астманинг оғир кечишида ингаляция қилиш учун мўлжалланган кортикостероидлардан фойдаланиш керак. Кромогликат натрий ва недокромил натрий бронхиал астманинг енгил ва ўрта оғирликдаги шакларини даволаш асосий ўрин тутади, оғир шаклларида эса унинг самараси камроқ бўлади. Бу синф препараторларининг кенг доирали таъсирі, уларнинг аллергик жавобнинг эртанги босқичи ҳамда сурункали яллигланишда аллергик реакциянинг кечки босқичларини ҳам тұхтата олиш хусусиятига эга эканлиги ва, шунингдек бронхлар юқори реактивитигини камайтира олиши билан аниқланади. Кромогликат натрий (интал, кромолин натрий) бронхиал

астмани даволашда кенг фойдаланиладиган фармокологик моддалардан ҳисобланади. Унинг терапевтик самараси фосфодиэстераза фаоллигини пасайтириш, цАМФ йигилиши ва кальцийнинг ҳужайраларга киришини тусиб қўйиш ҳисобига тўйинган ҳужайралар ва базофиллардан аллергиянинг медиаторларини ажралиб чиқиш жараёнини тұхтатиш орқали аллергик жавоб реакциясининг эртанги босқичи ривожланишини олдини олиш хусусияти билан bogliç. Кромогликат натрий яллигланиш реакцияларида иштирок этувчи (нейтрофиллар, эозинофиллар, моноцитлар) ҳужайралар фаоллигини пасайтиради, тормозлайди. Унинг таъсири остида эозинофиллар сонининг пасайиши ва нафас йўллари шиллиқ қаватларида аллергик реакция ривожланишининг бостирилиши, бронхлар юқори реактивлигининг пасайиши кузатилади. Недокромил натрий (тайлед) астмада бронхлардаги яллигланишни даволашда кўпроқ самарали восита ҳисобланаб, аллергик реакциянинг медиаторлари ажралиб чиқишини тормозлайди. У нафас йўллари шиллиқ қавати ҳужайраларидан LTC₄, PGD₂, PAF химотаксик омиллар ажралиб чиқишини тұхтатади.

Кортикоステроидлар ҳозирги пайтда астмани даволашда энг кўп самара берувчи яллигланишга қарши восита ҳисобланади. Бронхиал астмадаги кортикостероидларнинг аниқ таъсир механизми ҳали охиригача ўрганилмаган. Уларнинг таъсир механизмлари тўғрисида бир қанча тахминий фикр мулодазалар билдирилган бўлиб, кўпроқ аҳамиятга эга деб ҳисобланганлари қўйидагилар: арахидон кислоталар алмашинувига ва лейкотриенлар, простагландинлар синтезига таъсири, капилляр қон томирлар ўтказувчанигининг пасайиши, цитокинларнинг маҳсулотлар ишлаб чиқишини тормозлаш, яллигланиш ҳужайраларининг фаоллашуви ва ҳаракатга йўналишини олдини олиш, нафас йўли силлиқ мускулларининг бета-рецепторлари реактивлигини ошириш.

Кортикостероидлар парентераль, перораль ёки аэрозоль ҳолида организмга киритилиши мумкин. Бронхиал астманинг оғир хуружларида кортикостероидларни перорал (огиз орқали) қўллаш орқали астма хуру-

жининг кучайиб кетишини олдини олиш мүмкин. Ингаляция йўли билан қўлланиладиган кортикостероидлар астмани даволашда хавфсиз ва самарали восита бўлиб, уларни узоқ вақт давомида кичик миқдорда ёки қисқа вақт давомида юқори миқдорда қўллаш мумкин. Бронхиал астманинг сурункали оғир шаклларида эса кортикостероидлар узоқ вақт давомида катта миқдорда ингаляция йўли билан қўлланилади. Кортикостероидларни узоқ вақт давомида ингаляция йўли билан киритиш натижасида уларни доимий равишда оғиз орқали қабул қилишга эҳтиёж камаяди. Бу эса кортикостероидлар келтириб чиқарадиган умумий тизимли асоратлар хавфини олдини олади. Ингаляция йўли билан қўлланиладиган кортикостероидлардан фойдаланилганда қўйидаги ножӯя оқибатлар келиб чиқиши эҳтимоли бўлади: оғиз бўшлиги ва ютқин кандидозлари, дисфония (овоз бўғилиб қолиши), юқори нафас йўлларининг таъсирланиши ҳисобига йўтал тутиб қолиши, аммо бўларни кўп ҳолларда спайсер (ингаляцияда фойдаланиладиган махсус мослама) дан фойдаланиш орқали олдини олиш мумкин. Ингаляциядан кейин оғиз бўшлигини чайиш билан ҳам кандидоз ривожланишини олдини олиш мумкин. Кортикостероидларни узоқ вақт давомида оғиз орқали қўллашни даволашнинг бошқа усувлари, шу жумладан, ингаляция йўли билан киритиладиган кортикостероидлар ёрдам бермаган ҳоллардагина белгилаш мумкин.

Бронхларнинг мускул қаватига спазмолитик таъсир кўрсатадиган дори моддалар. Бу гуруҳга вақтинча бронхларнинг сиқилишини камайтириш ёки бутунлай йўқ қила олиш хусусиятига эга бўлган ва шу билан бўғилиш хуружини тўхтата оладиган дори моддалар киради. Улар бронхиал астманинг ҳар кунлик давосида ишлатилади. Чунки улар тез таъсир кўрсатиб, беморнинг аҳволини яхшилайди, аммо бронхлардаги яллигланиш жараёнига таъсир кўрсатмайди. Ҳозирги пайтда уларнинг фақат ўзларини қўллаш, яъни яллигланишга қарши моддаларсиз қўллаш тавсия этилмайди. Улардан фақат зарур бўлган ҳолатлардагина фойдаланиш мумкин.

**Ингаляция йұли билан ишлатыладиган кортикостероидларнинг
тавсия этиладиган кечә-кундузлик мөкдори**

Препараттар	Үртаса мөкдори		Юқори мөкдори	
	болалар учун	күттәлар учун	болалар учун	күттәлар учун
Бекламетазон дипропи- ват (бекотид)	400 – 600 мкг	600 – 800 мкг	·600 мкг	·1500мкг
Флунизолид (ингалорт)	750 мкг	1000 мкг	·1000мкг	·2000мкг
Триамциналон ацето- вид (азмакорт)	400 – 600 мкг	1000мкг	·800 мкг	·1600мкг
Будесонид	200 – 400 мкг	400 – 600 мкг	·400 мкг	·800 мкг

Ингаляция йұли билан құлланиладиган симпато-
миметиклар бронхларнинг B_2 —рецепторларини
рагбатлантириш йұли билан бронхларнинг мускул
қаватига бевосита спазмолитик таъсир күрсатади ва у
бұғилиш хуружиниң ішкі қилади.

Бу дори моддаларни жисмоний меңнатдан олдин
ёки аллергенлар билан алоқада бұлишдан олдин
құлланилганда, яғни юзага келиши мүмкін бұлган
бұғилиш хуружлари олдидан ишлатылғанда хуружнинг
олдини олиш мүмкін. Аммо уларни узоқ вақт давоми-
да яллиғланишга қарши моддаларсиз құллаш салбий
оқибатларга олиб келади. Узоқ вақт давомида таъсир
күрсатадиган янги B_2 —миметиклар (салыметерол ва
формотерол) тунги бұғилиш хуружларини олдини
олиша айниқса самарали бұлиши мүмкін, бирок аст-
мани даволашдаги уларнинг үрни ҳали аниқланмаган.

Оғиз орқали (перораль) құлланиладиган метил-
ксантинлар. Улар бронхларнинг силлиқ қаватларига
спазмолитик таъсир күрсатади, нафас йұли мускулла-
ридаги толиқиши олдини олади. Ҳозирги вақда узоқ
вақт давомида таъсир күрсатувчи препаратлардан: ами-
нофиллин ретард (300 мг), теоспек (300мг), эуфиллин
ретард (350мг) құлланилмоқда.

B₂—агонистлар гурухига киругчи асосий дори моддалар

Халқаро номи	Савдодаги номи	Кечакүндеулик мөндөри
Қисқа вақт давомида таъсир күрсатадиган B ₂ —агонистлар		
Сальбутамол	вентолин сальбутамол	>400мкг
Тербутамин Фенотерол	брекамил беротек	1000мкг 400мкг
Үзөк вақт давомида таъсир күрсатадиган B ₂ —агонистлар		
Сальметерол	серевент сальметер	100мкг
Фермоторол	фородил	24мкг

БРОНХИАЛ АСТМАНИНГ ОГИР ХУРУЖЛАРИНИ ДАВОЛАШ

Астма натижасида ўлим оқибатига олиб келувчи хавф юқори бўлган bemорлар доимий кузатувга ва айниқса ўз вақтида кўрсатиладиган ёрдамга муҳтож бўладилар. Бу гурухга анамнезида қуидаги кўрсатмалар бўлган bemорларни киритиш мумкин:

- ҳозирги пайтда кортикостероидларни қўллаётган ёки уларни қабул қилишни яқинда тўхтатган bemорлар;
- астма касаллиги бўйича шу ўтаётган йилда шифохонада ётиб, даволанган bemорлар (4-5 маротаба);
- шу йил давомида астма туфайли тез ёрдам бўлимига мурожаат қилган bemорлар;
- астма касаллиги оқибатида интубация ўтказилган bemорлар;
- руҳий касалликлар ёки ижтимоий муаммолар;
- астмани даволаш режаларини бажармаган bemорлар.

Одатда, хуружни тезроқ бартараф қилиши мақсадида бир вақтнинг ўзида қуидаги даво турлари қўлланилади:

- Артериал қонни кислородга тўйинтириш учун кислород (бурун орқали, ниқоб ёрдамида ёки кислородли хоналардан фойдаланиб) юборилади. Ингаляция

йұли билан құлланиладиган В₂-агонистлар (салыбу-тамол, тербутамин, фенотерал) құлланилади. Қисқа вақт давомида таъсир күрсатадиган теофиллинлар (теофиллин, эуфиллин, аминокардол) бронхиал астмани даволашда кеңг құлланилади. Шу жумладан, жуда оғир ва ҳәёт учун хавфли белгилари бұлған астмани даволашда (оғир бүгілиш хуружи, астматик қолатларда) ҳам ишлатиласы.

Кортикостероид гормонлар оғир бронхиал астмани даволашда энг муҳим үрин тутады. Уларнинг самараси нафас йұллари шиллиқ қаватидаги яллигланишни орқага қайтара олиш хусусиятига зәғ эканлиги ва ад-ренергик рецепторларни кетахоламинга нисбатан сез-гирлигини қайта тиклай олиши билан болғып. Тизимли кортикостероидларни белгилаш учун асосий күрсатма бу беморларда нафас етишмаслик белгиларининг ри-вожланиши ва В₂-агонистлар ва бошқа бронхоспазмоли-тик моддаларнинг таъсир құлмай қўйиши қолатлари ҳисобланади. Тизимли кортикостероидлар ҳар 4–6 со-атда парентерал (мускуллар орасига ёки томир ичи-га), астма хуружи ёки астматик қолатини бартараф эт-гунга қадар киритилади. Тизимли кортикостероидлар билан даволанишнинг яна бир йұли—огиз орқали (перораль) 5–7 кун давомида қабул қилиш ҳисобланади. Даво самарасини тезроқ юзага чиқариш учун ҳисоблаб чиқылған преднизолоннинг 1/4–1/5 миқдори дарҳол томир ичига қилинади, қолган қисми эса томчи қолида юборилиши лозим. Оғир хуружлар ва астма қолати преднизолонни юқори миқдорларда па-рентерал құллаш билан олиб бориладиган жадаллашти-рилган даволаш ишлари ёрдамида тұхтатиб бұлмаган қолларда (8–10 мг/кг биркече кундузда), препаратни таблетка қолида ичиш учун белгилаш керак. Бир ёшга-ча бұлған болаларга – 1–2 мг/кг (биркече-кундузда), 1–5 ёшгача бұлған болаларда – 20 мг/кг бир (кеча-кундузда), 5 ёшдан катта ёшдаги болаларда – 20–60 мг/кг бир (кеча-кундузда) миқдорларда қисқа муддат-ларга 3–10 кун давомида белгиланади. Тұлиқ клиник енгиллашиб даражасига эришилгандан кейин предни-золонни кечки миқдорларидан бошлаб секин-аста ка-майтириб борилади ва ингаляция йұли билан

құлланиладиган кортикостероидларни құшиб борилади. Кечә-кундузлик миқдори 10-15 мг га етгач, кейинги камайтиришлар яна ҳам секинроқ үтказилади. Беморнинг ақвонини ҳисобга олмай, кортикостероидларни тезлик билан камайтириш ёки бирданияға тұхтатиши – бұғилиш белгиларини көлтириб чиқарувчи асосий сабаблардан бири эканлигини ёдда тутиш лозим.

Бошқа дори моддалар билан даволаш. Задитен (кетотифен) аллергиянинг медиаторлари ишләніб чиқишини ва ажралып чиқишини тормозлаш хусусиятига әга, нафас йұлларидаги, териадаги, ошқозон-ичак йұлдидаги аллергик яллигланиш ривожланишини тұхтатади, бронхларнинг юқори реактивлигини пасайтиради. Шу сабабли задитен бронхиал астманинг енгил ва үрта оғир турларини даволашда, айниқса кичик ёшдаги болаларда бронхиал астма териадаги ёки ошқозон-ичак тизимиштегі аллергиялар билан бирга құшилиб келган ҳолларда самарағынан жақындағанда.

Аллергияга қарши иммуноглобулин, гистаглобулин. Бу препараттарни құллаш бронхиал астманинг хуружларини камайтишига ва анча енгил кечишига, баъзи бир bemорларда эса касалликнинг клиник енгиллашиш, согайиш юзага келишига олиб келади. Бу препараттар билан даволанған bemорларда үткір инфекциялар билан касалланиш тезлигининг камайтиши қайд этилади.

Бактерияларга мансуб иммуностимулаторлар. Бактерияларга мансуб бұлған иммуностимулаторлар (бронхомунал, бронховаксон, рибомунил ва бошқалар) үткір респиратор касалларининг келиб чиқишини ва сурункалы инфекция ўчоқларидаги хуружларни камайтиради ва шу билан бронхиал астма хуружларини камайтишини амалға оширади.

Антибиотиклар хуружларни даволашнинг ажралмас қисми булып ҳисобланмайды. Улар қарорат ва йи-рингли балгам бұлған bemорларда (агар унда эозино-филлар әмас, балки лейкоцитлар топилған ҳолларда) құлланилади. Бу бактерияга оид инфекция борлигини күрсатади, айниқса у бактерияга оид синуситта гумон бўлганда белгиланади.

**БРОНХИАЛ АСТМАНИ ДАВОЛАШГА
БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЁНДОШИШ**

Бронхиал астма касаллигининг қайталанишга қарши даволаш ишлари касаллик хуружларини енгиллаштириш ва согайиш даражасига олиб бориш ва шу даражада сақлаб туришга қаратилган. Бунда даволаш усули касалликнинг оғирлигига қараб аниқланади. Қайталанишга қарши даво асосини яллигланишга қарши муолажа ташкил қиласиди. Бронхиал астманинг енгил кечадиган шаклларида қайталанишга қарши терапия кромогликат натрий ёки недокромил натрий билан ўтказилади. Бронхиал астма хуружлари пайдо бўлган ҳолларда вақти-вақти билан ингаляция йўли билан қўлланиладиган. В₂-агонистлар белгиланади. Аҳволи бир хилда турмайдиган беморларни даволашда биргаликда ишлатиладиган препаратларни (интал плюс, дитек) вақтинча қўллаш, кейинчалик аҳвол тургунлашгач, кромогликат натрий ёки недокромил натрийга ўтиш яхши натижа бериши мумкин.

Бронхиал астманинг ўртача оғирликда кечишида кромогликат ёки недокромил натрий билан даволаш ишлари бошланади, хуруж пайдо бўлган ҳолларда эса В₂-агонистлар қўшилади. Бронхиал астманинг тунги хуружлари юзага келган ҳолларда ўтказилаётган даволаш ишлари қисқа вақт давомида таъсир кўрсатадиган теофиллин препаратлари ёки симпатомиметиклар қўшилиб тўлдирилади. Агар бу усуллар ёрдамида ўтказилган терапия ҳам самара бермаса, ингаляция йўли билан ишлатиладиган кортикостероидлар (бекламетазон ёки бошқа ингаляция қилинадиган кортикостероидлар бир кеча-кундузда 400-600 мкг миқдорида) қўшилади. Бронхиал астма оғир кечадиган беморлар даво чора-тадбирларига ингаляция йўли билан ишлатиладиган кортикостероидлар (бекламетазон бир кеча-кундузлик 600-800 мкг миқдорида ёки бошқа ингаляция қилинадиган кортикостероидлар) киритилади. Кўпинча муолажа узоқ вақт давомида таъсир кўрсатадиган В₂-агонистлар ёки теофиллин препаратлари билан биргаликда олиб борилади. Кортикостероидлар оғиз орқали (перораль, фақат ингаляция йўли билан ишлатиладиган кортикостроидлар самара бермага-

нида) ишлатилади 5-7 кун давомида 1 кг тана массасига 1-2 мг ҳисобидаги кечакундузлик миқдорда преднизолон ичиш учун белгиланади ва секин-аста камайтира бориб ингаляция усулига ўтилади.

Бемор аҳволи яхшиланиб, бир хил ҳолда тургунлик сақлангандан кейин ингаляция йўли билан ишлатиладиган кортикостероидларни ҳам секин-аста камайтирилиб, тўхтатиш мумкин (6-12 ойдан кейин). Бу ҳолларда bemорни кромогликат натрий ёки недокромил натрий билан даволашга ўtkазилади. Бронхиал астма ўртacha оғирликда ва оғир кечаетган bemорларда, аҳволи туруғуллашмаган ҳолатларда, ингаляция учун ишлатиладиган кортикостероидлар узлуксиз давом этирилади.

ШИФОХОНАДА ЁТИБ ДАВОЛАНИШГА ЮВОРИШ УЧУН КУРСАТМАЛАР

Шифохонада ётиб даволаниш қўйидаги ҳолларда тавсия этилади:

- даволаш бошлангандан 1-2 соат кейин ҳам самара бермаслиги;
- нафас йўллари торайишининг ўсиб бориши (жадвал нафас чиқаришдаги 1 сек.лик ҳаво оқимининг энг катта миқдори 40 фоиз);
- анамнезида оғир астма ҳолатининг бўлиши, айниқса бундан олдинги ҳолда шифохонага ётқизиш талаб этилган бўлса;
- юқори хавфли омилларнинг мавжудлиги;
- тезёрдамга мурожаат қилишдан олдин узоқ вақт давомида хуруж белгиларининг сақланниб туриши;
- уй шароитида тиббий ёрдам ва дори моддаларни организмга киритиш учун имконият йўқлиги;
- уй шароитининг яхши эмаслиги;
- bemорнинг аҳволи оғирлашиб қолган ҳолларда касалхонага олиб келиш учун транспорт топишнинг қийинлиги.

ШИФОХОНАДАН ЧИҚАРИШ УЧУН КҮРСАТМАЛАР

Беморни шифохонадан чиқарып юборишнинг мутлоқ ўлчов мезонлари бўлмайди. Аммо bemor шифохонада энг камида 12 соат давомида, яхписи 24 соат давомида бўлиши керак. Шифохона шароитидан чиққанидан кейин зарур бўлган даво муолажаларини давом эттириши ва касаллик белгиларининг даво асосида қандай назоратланишини кузатиб бориши мақсадга мувофиқ. Одатда, bemor шифохонадан чиқарилаётган пайтда қабул қилаётган перораль ва ингаляция йўли билан қўлланиладиган препаратлар унга қўйидагиларни таъмин этиши керак:

- ингаляция йўли билан ишлатиладиган қисқа вақт давомида таъсир кўрсатилган В₂-агонистларни қўллаш ҳар 4 соат оралигидан кам бўлмаган вақтда қабул қилишга талаб бўлмаслиги;
- bemor бемалол юра олиши;
- bemornинг ярим тунда ёки эрта тонгда бронходилятатор керак бўлганлиги туфайли уйқудан туришига тўгри келмаслиги;
- клиник текширишлар берган маълумотлар меъёрда ёки меъёрга яқин бўлиши;
- нафас чиқаришдаги ҳаво оқимининг энг катта миқдори қисқа вақт давомида таъсир кўрсатадиган В₂-агонистлар қўллагандан кейин шу bemor учун энг яхши бўлган миқдордан 70-80 фоизга ортадиган ҳолларда. Бунда нафас чиқаришдаги ҳаво оқимининг энг катта миқдори 20 фоизни ташкил этади;
- bemor ингалятордан тўгри фойдалана оладиган бўлиши лозим;
- bemornи даволаш учун олдиндан тузилган режалар текширилиб чиқиласди, керак бўлса ўзгартиришлар киритиласди;
- bemorgа шифохонадан чиққанидан кейин қилиниши лозим бўлган ёзиб берилган даво режалари тушунтирилиши керак;
- bemorgа шифохонадан чиққанидан кейин ҳам тиббий ёрдам билан таъминлашга имкон борлигини таъкидлаш.

БРОНХИАЛ АСТМА БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАР, УЛАРНИНГ ЯҚИН КИШИЛАРИ ВА ОТА-ОНАЛАРИ УЧУН ЎҚУВ- ТАЪЛИМ ДАСТУРИ

Республикамиизда бронхиал астма бўйича таълим дастурини яратиш бўйича дастлабки қадамлар қўйилди. Бу шифохона шароитида бронхиал астма билан касалланган bemорлар учун “Аллергия ва астма” мактабларини ташкил қилишда ва ҳар бир bemор билан бевосита машгулотлар ўтказишида ўз самарасини бермоқда. Бронхиал астманинг ташҳиси ва давоси бўйича кўпчилик халқаро қўлланмаларда бронхиал астмаси бўлган bemорларни бошқариш (олиб бориш) олтита асосий модда (банд)га ажратилган. Биринчи бандда – бронхиал астмани даволашда биргаликда (яқиндан) иш олиб боришни ривожлантириш мақсадида bemорларни ўқитиш, ўргатиш таъкидланган.

Бронхиал астма билан касалланган bemорларни ўқитишни дастлаб bemорга бу касаллик тўғрисида тушунча беришдан бошлаш лозим. Bemорларни ўқитиш – бу анча давом этадиган жараён бўлиб, шифокор билан биргаликда ишлаб чиқилган даво режасига мувофиқ bemор даво муолажаларини ўзи назорат қила олиши учун bemорни ва унинг оила аъзоларини керакли маълумотлар, ишланиб чиқилган янги кўрсатмалар билан таъминлашга қаратилган. Бронхиал астма касаллигига чалинган bemорларни ўқитиш – уларнинг ҳаёт тарзини анча яхшиланишига, кўпчилик bemорлар ҳаётини сақлаб қолишга олиб келади.

Ўқитишнинг асосий мақсади – bemорга шифокор назорати остида “ўз-ўзини малакали даволаш” учун шароит яратиб бериш. Ўқитиш жараёни иштирокчилари, одатда шифокор ва bemор ҳамда bemорнинг оила аъзолари ҳисобланади. Муваффақиятли ўқитиш, ургатишнинг асосий мажбуриятлари – бу шифокор билан bemор орасидаги ўзаро ҳамкорлик. Бунда bemор ўзини қизиқтирган саволларни бемалол сўраши ва шифокор қабулига келганда ўз режалари билан ўртоқлашиши лозим. Яна муҳим масалалардан бири – бу ҳар бир bemорга алоҳида ўргатиш, таълим бериш, яъни даволашдаги янги кўрсатмалар ва маълумотлар ҳар бир bemор учун ўзига хос бўлиши керак. Bemор то-

монидан маълумотлар ва янги кўрсатмаларни қанчалик ўзлаштирилганини вақти-вақти билан назорат қилиб бориш, керак бўлган ҳолларда ўқитишининг баъзи босқичларини тақорорлаш, қайта ўтказиш ҳам муҳим асос бўлиб ҳисобланади. Бронхиал астма билан касалланган беморларни даволаш самараси шифокор томонидан тавсия этилган кўрсатмаларни пухта бажариб боришга боғлиқ.

Бронхиал астма касаллиги ривожланиши асосида ётувчи сабабчи омиллар ҳамда даволашнинг замонавий усуслари мавжудлиги ҳақида беморнинг етарли маълумотга эга бўлмаслиги шифокор томондан белгиланган даво муолажаларига ётиборсизлик билан қараш ҳамда даволанишни ўзларича тўхтатишга ёки мутахассис бўлмаган кишилар хизматидан фойдаланишга олиб келади. Таълим дастурини яратиш — бронхиал астма бўйича яратилган миллый дастурнинг дикқат марказида турган қисмларидан биридир.

БРОНХИАЛ АСТМАНИ ДАВОЛАШНИНГ АСОСИЙ БАНДЛАРИ

1. Бемор учун ўқув-таълим дастури.
2. Касалликнинг оғирлик даражасини баҳолаш ва компьютерда ҳисоблаш натижаларини кузатиб, қайд этиб бориш.
3. Касаллик хуружини қўзгатувчи омилларни истисно қилиш ёки улар устидан назорат силиб бориш.
4. Ҳар бир bemor учун алоҳида, ўзыга хос бўлган дори моддалар билан даво режасини ишлаб чиқиш.
5. Касаллик хуружларини даволашни ишлаб чиқиш.
6. Даволашни тартибли ва мунтазам отиб борилишини таъминлаш (диспансер назорати).

БРОНХИАЛ АСТМАНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Профилактика чора-тадбирлари астма хуружини, унинг оғир ўтмаслигини (кечмаслигини), асоратларини ва ўлим ҳолларини олдини олиш мақсадида ўтказилади.

Бронхиал астма хуружини олдини олиш беморларда хуружни келтириб чиқарувчи сабабчи аллерген ва ноаллерген омиллар билан алоқани йүқ қилиш асосида ўтказилади. Бунинг иложи бўлмаган ҳолларда эса иложи борича уларни таъсир этиш вақтини камайтириш орқали амалга оширилади.

Бронхиал астма билан хасталанган bemорлар искеъмол қиласиган озиқ-овқат маҳсулотларидан касаллик хуружига сабаб бўлувчи маҳсулотларни чиқариб ташлаш керак. Беморларда бўгилиш хуружига ёки аллергик реакцияларга сабаб бўлган дори моддаларни қўллашдан бутунлай воз кечиш зарур. Бемор қабул қила олмайдиган дори моддалар билан умумий антиген таркибий қисмга эга бўлган бошқа фармакологик препаратларни ҳам белгилаш мақсадга мувофиқ эмас. Бронхиал астма билан касалланган bemорлар яшайдиган хонадонларда аквариум сақлаш мумкин эмас, чунки балиқнинг қуруқ озиги кучли аллергенлик хусусиятига эга.

Замбуругли бронхиал астма кўпинча могор замбуругига нисбатан сезувчанлик ортиши туфайли пайдо бўлади.

Профилактика чора-тадбирлари ичида яшаш жойларидаги ортиқча намликни ва могор замбуруглари кўпаядиган ўчоқларни йўқ қилиш энг муҳими ҳисобланади.

Ўй чанги таркибидаги *Dermatophagoids farinae*, *Dermatophagoids pteronyssimus* аллергенларига сезувчанлик ортиши туфайли bemор яшайдиган хонани ҳар куни намланган латта билан тозалаб чиқиш ва уй чангини доимий равишда чанг юткич ёрдамида йўқ қилиш, ўзига чанг йигувчи омилларни (гилам, эскирган юмшоқ уй жиҳозларини) bemор хонасида сақламаслик, чойшабларни ювиш (+60°C) ёки қайнатиш, уларни очиқ ҳавода, қуёшли иссиқ кунда ёки қаттиқ совуқ об-ҳаво шароитида доимий равишда шамоллатиб туриш астма хуружини олдини олишда энг яхши самара беради. Бронхиал астма хуружларини камайтиришнинг яна бир самарали усули — бу номахсус омиллар (bemор яшайдиган хонада тамаки чекиш, кимёвий бирикмалар билан алоқа қилиш, рухий ҳаяжонланиш) таъсирини камайтириш бўлиши мумкин.

ҲАШПОРАТЛАР ЧАҚИШИДАН КЕЛИВ ЧИҚАДИГАН АЛЛЕРГИЯ (ИНСЕКТ АЛЛЕРГИЯ)

“Инсект аллергия” номи инсект, яъни ҳашпорат сўзидан келиб чиққан. Аллергик реакциялар кўпинча парда қанотли ҳашпоратлар чақиши натижасида юзага келади. Ҳашпоратлар чаққанда киши организмининг сенсибилизацияланишини қўйидаги йўллар билан фарқланади: инсон организмига аллергеннинг ҳашпорат заҳри билан кириши; чаққан пайтда сўлаги тушиши; ҳашпорат танаси юқори қавати парчаларининг нафас йўлларига тушиши (масалан, асалари боқувчилар астмаси). Ҳашпорат чаққанда заҳарнинг аллергик ҳамда токсик, яъни заҳарли таъсир кўрсатиши мумкинлиги ни эсдан чиқармаслик ва уларни ажратса билиш лозим.

Токсик реакция ҳашпорат кўп марта ба чақишида юзага келади. Асалари заҳри организмга катта миқдорда тушганда геморрагик, гемолитик, нейротоксик ва гистаминг ўхшаш таъсир кўрсатиши мумкин. 1930 йилдаёқ Бенсон асаларичиларда асалари заҳрига ҳам, асалариларнинг ўзига ҳам (ҳаёт фаолияти маҳсулотларига) сезувчанлик ортишини аниқлаган. Агар бронхиал астма ва аллергик ринит билан касалланган bemорларни оладиган бўлсанк, улларнинг 0,38 фоизида асалари заҳрига сенсибилизация кузатилган. Бироқ, аллергияси бўлган bemорлар учун асаларининг чақиши жуда хавфли ҳисобланади. Америка академиясининг маълумотларига қараганда 1970 йилла ҳашпорат чақишидан 1000 та ўлим ҳолати қайд этилган. Сўнги 10 йилликнинг ўзида Америкада асалари чақишидан 400 ўлим ҳолати рўйхатга олинган. Ари ёки асалари чаққан ҳар 30 кишидан биттаси нобуд бўлади. Ўлим ҳолати кўпинча 1 соат ичидаги юз беради ва бу аллергик реакция билан боғлиқ бўлади. Аллергик реакциялар ҳашпоратларнинг танаси устки қавати парчалари нафас йўли орқали организмга тушганда ёки bemор териси орқали ҳашпорат билан яқин контактда бўлганда мувофиқ равишда ринит ёки дерматит кўринишидаги юзага келиши мумкин. Биргина ҳашпорат чиққандан кейин юз берадиган оғир реакция кўпроқ аллергик реакцияга хос.

Дунё бўйича пардақанотлиларнинг ўртача 0,5 фоиз турига аллергия аниқланган. Швейцарияда ҳар йили пардақанотлилар чақишидан 4 киши нобуд бўлади. АҚШда ҳар йили ҳашоратлар чақиши натижасида 5 миллион реакция қайд этилади. Ҳашоратлар чақишидан келиб чиқадиган ўлим ҳолатлари заҳарли илонлар чақишидан келиб чиқадиган ўлим ҳолатларига нисбатан 3 марта кўп учрайди. Аллергик реакцияларга ҳашоратларнинг икки хил синфга мансуб турлари чаёнлар ва ҳашоратлар синфи (инсект) сабаб бўлади. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра аллергик реакциялар кўпроқ ҳашоратлар чақишидан пайдо бўлади. Ўз навбатида ҳашоратлар синфи бир неча гуруҳга бўлинади: чивинлар, пашшалар, каналар, чақа оладиган капалак қуртлари, пардақанотлилар. Пардақанотлиларнинг чақиши айниқса оғир реакцияларга сабаб бўлади. Пардақанотлилар гуруҳига асалари, ари, қовоқари (қизилари), тукли ари (тупроқ ариси) ва чумолилар киради. Пардақанотлилар гуруҳи яна қатор оила ва турларга бўлинади. Асаларилар оиласига ургочи асаларилар (чақадиган), ишчи асаларилар ва танбал асаларилар киради. Уларга яна қовоқарилар ҳам киради. Қовоқарилар анча йирик ва очиқ рангли бўлади. Улар фақат ўсимликлар билан озиқланиб, найзалидан ҳимоя воситаси сифатидагина фойдаланадилар.

Арилар оиласига мансуб ҳашоратлар тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Булар йиртқич ҳисобланиб, ҳашоратларга хужум қилишади, ўлик ҳашоратлар билан озиқланишади. Бундан ташқари одамни чаққан вақтида инфекция киритиши мумкин. Улардан энг йириги тукли аридир. Асалари найзасининг саккизта кертиги бўлади. Шунинг учун у чақишидан кейин одам танасида найзаси билан бирга заҳарли қопчаси, заҳарли безлар ва нерв тугуни ҳам қолади. Асалари чаққанидан кейин қопча мускуллари қисқаради ва заҳар организмга чуқуррўқ кириб боради. Одамни чаққанидан кейин асалари ҳам нобуд бўлади.

Асалари заҳри таъсирининг клиник кўриниши: асаларилар, арилар ва тукли ариларнинг заҳри баъзи таркибий қисмлари билангина бир-биридан фарқ

қилади. Унинг таркибида гистамин, ацетилхолин, кинин А ва В фосфолипаза, гиалуронидаза каби ферментлар бўлади. У бир марта чаққанида 0,3 мг заҳар киритади.

Асалари чаққанида икки хил, яъни заҳарланиш ва аллергик реакциялар юзага келади. Организмга тушган заҳарни миқдорига кўра заҳарланиш реакциялари ҳам гуруҳга бўлинади. Оддий (одатдаги) реакциялар шиш ва қизариш билан тавсифланади ва бу 24 соатгача давом этиши мумкин. Анча яққол кўринишга эга бўлган реакциялар 48 соатдан кўпроқ вақтгача чўзилади ва чаққан жойдан анча кенг тарқалган бўлади. Ва ниҳоят анча кенг, жуда яққол кўринишга эга бўлган заҳарланиш реакцияларининг асаб тизимига оид белгилари мононевритлар, энцефалитлар, менингитлар ва ҳатто хавфли миастения (мускулларнинг сохта фалажи) билан тавсифланади.

Битта асалари чаққанида кўпинча маҳаллий заҳарланиш реакцияси юзага келади. 10 та ёки ундан кўп асаларилар чаққанида ўртacha оғирликдаги умумий реакция устунроқ бўлади, яъни қалтираш, кўнгил айниши, қайт қилиш, бош оғриги кузатилади. 100та ва ундан кўп ари чаққанида умумий оғир реакция юз беради. Бунда кўпинча қондаги эритроцитларнинг парчаланиши (гемолизи), бутун танада геморрагик тошмалар, асаб тизимининг зарарланиши (алахсираш, талваса, фалажлар) пайдо бўлади. Бир вақтнинг ўзида 300 дан ортиқ асаларининг чақиши бир лаҳзада ўлимга олиб келиши мумкин. Пардақанотли ҳашоратлар заҳарларининг организмга таъсирида бир оз фарқ бўлади. Тукли ариларнинг заҳри кўп ҳолларда гемолизга (эритроцитларнинг парчаланиши) олиб келади. Бундан ташқари арилар чаққан пайтида организмга инфекция олиб кириши мумкин. Пардақанотлилар чақишидаги заҳарланишнинг клиник манзараси, асосан шулардан иборат.

Заҳарли таъсирдан фарқли ўлароқ, сенсибилизацияда аллергик реакциялар битта-иккита асалари чақишидан ҳам ривожланиши мумкин. Пардақанотлиларга нисбатан сенсибилизация 2 фоиз асаларичиларда кузатилади. У клиник кўриниши бўйича

ҳам, ривожланиш механизми бүйича ҳам фарқ қиласы. Асалари заҳрининг оқсилли таркибий қисми аллергик реакцияни келтириб чиқаради. Заҳардаги антиген таркибий қисмлар миқдори иккитадан то 21 тагача бўлади. Оқсилнинг молекуляр оғирлиги қанчалик катта бўлса, унинг гистаминга қарши хусусияти шунча яқъол кўринади. А фосфолипаза ва гиалуронидаза ҳам кўпроқ антигенлик хусусиятига эга. Ҳар хил турлар орасидаги кесишувчи реакциялар жуда кам ҳолда учрайди. Масалан, асалари заҳрига сезувчанлик бўлганда, оддий ари заҳрига реакция кучсизроқ бўлади.

Асалари чақиши таъсиридаги реакция кўпинча I тип бўйича кечади, яъни Е иммуноглобулинга боғлиқ бўлади. Maxsus IgE фақат асалари чақишидан аллергияси бўлган кишиларда аниқланган, у соғлом одамда бўлмайди. Шу билан бир вақтда IgE асалари чиқишига чидамли бўлган асаларичиларда топилган. Асалари чақишида сенсибилизацияси бўлган 300 бемор текширилганда, уларнинг 95 фоизини олдин ҳам ари чаққанлиги маълум бўлган. Янги туғилган чақалоқда ва кичик ёшдаги болаларда махсус Е иммуноглобулин аниқланмаган. Бу эса реакциянинг тугма эмаслигидан далолат беради. Қолган 5 фоизи пардақанотлилар гуруҳига кирувчи чумоли чақиши ҳисобига ҳам, ёки ҳашпоратлар тана қисмларини нафас йўли орқали организмга тушиши туфайли ҳам сенсибилизацияланган бўлиши мумкин. Инсект аллергиянинг клиник кўриниши заҳарли таъсир реакциясидан фарқ қиласы. Агар заҳар томирлар соҳасига тушса, одатда Квинке шиши ёки қаварчиқлар юзага келади. Эртанги реакциялар 97 фоиз ҳолларда пайдо бўлади ва у 1—30 дақиқа ичida ривожланади. Ҳашпоратлар чақишида аллергик реакциялар турли клиник белгиларни келтириб чиқаради: теридаги (қичишиш, қизариш, қаварчиқ ва Квинке шиши), юрак қон томирларига оид (анафилактик шок), нафас тизимига оид (кўнгил айнаши, қайт қилиш, қоринда тутиб турадиган оғриқ, ич кетиши). Ўлим ҳолатлари кўпинча ҳиқилдоқ шиши ва анафилактик шокда, ёши катта одамларда кузатилади. Бўйин ёки бош қисмини чақишида бу ҳолатлар кўпроқ юз беради.

Клиник кечиши оғирлигига күра улар уч босқичга бұлинади. I даражада енгил шакли: бунда қаварчиқтар, Квинке шиши ва зақарланиш (қалтираш, ҳароратнинг күтарилиши) кузатилади. II даражада үрта оғир шакли: беморда бронхлар, ичаклар, бачадон силлик мускулларининг торайиши, юрак уриш мақомининг бузилиши ҳамда шиллиқ қаватлар шиши кузатилади. III даражада реакциялар эса 20 фоиз bemорларда қайд этилган. Хушини йүқотиши ҳоллари – 40 фоиз bemорларда, талваса – 9 фоиз bemорларда, қовуқ бұшашиши – 28 фоиз bemорларда кузатилади.

Инсект аллергияни ташқислашда анамнезни түгри йигиш ва теридағи аллергик синамаларни үтказиш мүхим ақамиятга әга. Асалари чақишидан юзага келадиган анафилактик реакциялар күпроқ қонида асалари заҳрига нисбатан Е иммуноглобулин мавжуд бүлган кишиларда ривожланади. Бунда терида үтказиладиган синамаларни ҳар бир чақищдан кейин үтказиш керак бўлади, улар радиоаллергосорбент синамаларга қараганда анча кўп маълумот беради. Ёлгон, манфий синамалар бўлиш эҳтимоли ҳамда ҳар қайси пардақанотлилар гуруҳининг ўзига хос махсус антигенга эга бўлиши мумкинлигини ёдда тутиш лозим.

Инсект аллергияни даволаш қўйидагича олиб борилади. Ҳашорат чиқишидан кейин теридағи ҳашорат нишини олиб ташлаш ва совуқ қўйиш ва ҳатто чақилган жойдан юқори қисмни боғлаб қўйиш лозим. Даволаш ишлари касалликнинг кечиши оғирлигига боғлиқ ҳолда үтказилади. Гистаминга қарши препаратлар, кортикостероидлар, юрак фаолиятини яхшиловчи препаратлар белгиланади. Асалари заҳрига сезувчанлик ортган bemорларда махсус гипосенсибилизация энг са-марали даволаш усули ҳисобланади. Асалари заҳрининг 10^9 эритмасидан тайёрланган аллергенга юқори даражали сезувчанлик кузатилади. Шунинг учун аллерген инъекцияси 5 кунда бир марта қилинади.

Инсект аллергиянинг келиб чиқишини олдини олиш чора-тадбирлари қўйидагилардан иборат: Ҳашоратлар чақишидан сақланиш, айниқса шу антигенга нисбатан сезувчанлик ортган кишилар учун

муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Шаҳардан ташқарига чиққан пайтларда очиқ рангли кийимлар киймаслик, ўткир хидли атир-упадан фойдаланмаслик лозим. Енглари узун кўйлак, ботинка кийиш ва рўмол ўраб олиш тавсия қилинади. Чақадиган ҳашоратлар яшайдиган, озиқланадиган жойларга бормаслик, одамлар яшайдиган уйлар атрофидаги ари инларини йўқ қилиш керак. Ҳашорат чақишидан кейин эса, наизани ўткир пичноқ ёки игна ёрдамида олиб ташлаш, ҳеч қачон сиқмаслик лозим. Тезлик билан адреналин инъекциясини қилиш ва гистаминга қарши препарат қабул қилиш лозим. Бу дори моддаларни бемор ўзи билан бирга олиб юриши лозим ва жуда тез қўллаши шарт.

Иммунотерапияда киритиладиган антигеннинг умумий миқдори, одатда 100 мкг асалари заҳри миқдорига тенг бўлади ва у бир вақтнинг ўзида 2 асалари чақишига мувофиқ келади. Агар бемор даволаниш чогида уларни яхши қабул қила олса, шокнинг юзага келиш эҳтимоли жуда кам бўлади. Иммунотерапия бир неча ой давомида ўтказилади.

Асалари чақишидан юзага келадиган ўткир аллергик реакцияларни даволашни тери орасига адреналин киритиш йўли билан бошлаш керак, фақат шундан кейингина гистаминга қарши препаратлар киритилади.

Киши организмига сувараклар, гижжалар тушган ҳолларда ҳамда чумолилар чаққан пайтларда вужудга келадиган аллергик реакциялар тўғрисида ҳам қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

Аллергик реакциялар кўпинча сариқ чумолилар чақишидан юзага келади: битта чумоли чаққан ҳолларда—маҳаллий реакция (қаварчиқлар ва ангионевротик шиш) пайдо бўлади. Улар тез содир бўладиган, секин-аста содир бўладиган ва кечки реакциялар типида ривожланиши мумкин. Бир неча чумолини бирданига чақиши бронхиал астма хуржини ва ҳатто анафилактик шокни келтириб чиқариши мумкин. Сариқ чумоли заҳари гистамин ажralиб чиқишини келтириб чиқаради ва комплиментни фаолсизлантирувчи омилга эга бўлади.

Қон сўрувчи ҳашоратлар (чивинлар, каналар, бургалар) чақишидаги аллергик реакциялар киши орга-

низмига ўзида зақарли моддалар билан бир қаторда аллергик реакцияларни ҳам келтириб чиқарувчи моддаларни сақладиган ҳашорат сұлаги тушиши билан боғлиқ. Уларга юқори молекулали оқсиллар киради. Чивин чақиши натижасыда тез содир бүладиган реакциялар юз бериши мумкин. Суваракларга нисбатан аллергик реакциялар күпинча аллергик дерматозлар, қаварчиқлар, ринитлар, бронхиал астма күринишида юзага келади. Суварак аллергенлари уй чангидә бұлиши ва нафас йүлларининг аллергик касалликлари ривожланиш механизміда муҳим ўрин тутиши мумкин. Аллергенларнинг манбаи – бу нобуд бүлган сувараклар танақисмлари, сұлаги, ахлати бұлиши мумкин.

Уй пащшалари ҳам Е иммуноглобулинга боғлиқ аллергик реакцияларни келтириб чиқариши мумкин.

Одам организмінде асосан 3 хил гурух гијжалар мавжуд бүлади: цестотозлар (лентасимон), трематозлар (сүрүвчилар), нематозлар (юмалоқ гијжалар). Одам, одатта етилган гијжалар учун ягона хұжайин ҳисобланади (әхинококкоздан ташқари). У ошқозоничак йүллари орқали юқади. Гијжалар одам организмінде текинхүрлік қилиб яшар әкан, у ўзидан организмнинг сезувчанлиги ошиб кетишига сабаб бүлувчи модда ажратиб чиқаради. Гијжаларнинг антигени иммуноглобулинларнинг Е синфи ишланиб чиқишини рагбатлантирувчи кучли антиген ҳисобланади. Бироқ, гельминтозларнинг аллергик күринишида тез содир бүладиган реакциялар ҳам ёки бир вақтнинг ўзида ҳар икки шакли ҳам қайд этилади. Гијжаларнинг ҳаёт фаолияти маҳсулотлари, шилиқ ширалари ҳамда нобуд булган гијжалар иммуноглобулин Е ишланиб чиқишини ривожлантиради. Тез содир бүладиган реакциялар күпроқ учрайди. Иммун жавоб реакциясыга Т–лимфоцитлар ҳам тортилади. Т–суппрессорлар бостирилади, Т–хелперлар ва В–лимфоцитлар күпаяди, турғун эозинофилия пайдо бүлади. Эозинофиллар иммуноглобулинлар ва комплемент омили (C_3) ҳамкорликда таъсирлашишидан цитотоксик омилларни сақловчы (пероксидаза ва фосфолипаза) эозинофил доначалари ажралиб

чиқади. Гижжалардан киши организмини халос қилишга олиб келувчи гижжаларнинг заарланиши, бузилиши юз беради. Паразитларга қарши антитело гижжаларга қарши макрофаглар ва моноцитларнинг цитотоксик самарасини ҳам кучайтиради. Гижжалар аллергик реакциялардан ташқари ақлий ва жисмоний ривожланишга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Айниқса болаларда касалликнинг клиник манзараси гижжанинг турига bogliq bўлади. Альвеококкозда, асосан жигар зааррланади. Анкилостомидозларда эса эозинофилларнинг жуда кўпайиб кетиши, бронхопневмония, астма белгилари, қаварчиқли тошмалар кузатилади. Организм оскаридалар билан заарланишида ўткир респиратор касалликларининг, бронхитнинг клиник манзараси, эозинофилия юзага келади. Огири ҳоларда ичак тутилиши ҳам ривожланиши мумкин. Турли гижжаларнинг ҳаракатланиш босқичида қуийдаги белгилар: иситма, миалгия, артравгия, дерматитлар, ўпка заарланиши, Квинке шиши, эозинофилия, лейкоцитоз бўлиши мумкин.

Гельминтозларни ташҳислашда. асосан ахлатни бир неча марта текшириш усуллари ҳамда организми гижжалардан тозалангандан олдин ва кейин умумий Е иммуноглобулинни текшириш қўлланилади. Гижжаларнинг стандарт (муқим) антигенларидан фойдаланиб ўtkaziladig'an aýrim серологик реакциялар (РСК), (РПГА), радиоаллергосорбент усуллари ёрдамида ҳам анча маълумот олиш мумкин.

ЗАМБУРУГЛАРГА ОИД АЛЛЕРГИЯ

Замбуруглар таъсиридан келиб чиқадиган касалликлар кишилар орасида кенг тарқалган бўлиб, азалдан маълум. Турли аъзоларнинг змбуругларга оид яллиғланиши — микозлар яқингача фавқулодда ҳолат деб баҳоланиб, асосан иссиқ иқлимли мамлакатларда кузатилар эди. Сунги ўн йилларда эса тўқималарнинг замбуруглар билан заарланиши ҳар қандай иқлим шароитига эга бўлган мамлакатларда ҳам қайд этилмоқда. Буни замбуруқча оид заарланиш ҳолатлари ташҳис усулларининг такомиллашғанлиги билан боғлаш мумкин. Микозлар билан касалланиш кўрсаткичининг ўсиши қайд этиляпти. Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда сунги 15 йил ичиди Америка Қўшма Штатларида турли замбуругли касалликлардан келиб чиқадиган ўлим ҳолати 10 марта га ортди.

Микозлар билан касалланишга замонавий бактерияларга қарши препаратларни, биринчи навбатда антибиотикларни узоқ вақт давомида қўллаш сабаб бўлади. Улар бактерияларнинг патоген ва сапрофит флораларини ҳам камайишига олиб келади. Микозлар билан касалланишнинг кўпайиши кортикостероидлар, цитостатиклар, нур билан даволаш усулларини қўллашга ҳам боғлиқ бўлади. Буларнинг ҳаммаси организмнинг табиий чидамлилигини пасайтиради. Бу эса патоген замбуругларнинг тўқималарга киришини ва кўпайишини осонлаштиради. Шунинг учун ҳам замбуруглар келтириб чиқарадиган турли кўринишдаги, турли аъзолардаги касалликлар кўп соҳа мутахассислари дикқат марказидаги касалликлардан ҳисобланади.

Замбуруглар билан заарланиш кўпинча ўтир жаёнларнинг сурункали кўринишга ўтиб кетишига, тез-тез қайталанишига ва кўп касалликларнинг оғирроқ кечишига сабаб бўлади. Бу масалани жаҳон адабиётларида яхши ёритилмаганлиги замбуругли инфекцияларнинг қатор касалликларни келтириб чиқаришидаги ўрнини етарлича баҳоламасликка олиб келади. Бу эса патологик жараённинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида нотўғри тасаввурга эга бўлишга ва даволаш

ишларини нотўгри олиб боришга сабаб бўлди. Замбуруғларга оид қасалликларнинг ташҳиси ва давоси ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу патологик жараён жойлашган аъзодан текшириш учун материал олишнинг ўзига хослиги ва маҳсус даволаш усуllibарининг кераклиги билан боғлиқ. Замбуруғлар хлорофиллсиз, бир ҳужайрали ўсимликларнинг катта гуруҳини ташкил этади. Замбуруғларнинг 10000 дан кўп тури маълум, улар 3000 га яқин оилани ташкил қиласди. Замбуруғларнинг ярмидан кўп тури сапрофит ҳолда яшайди, озроқ қисми эса ўсимлик ва ҳайвонлар организмларида улар ҳисобига яшайдилар. Ҳозирги пайтда инсон учун патоген қасаллик қўзгатувчи ҳисобланган замбуруғларнинг 500 га яқин тури маълум. Уларга кўп ҳужайрали ва бир ҳужайрали микроорганизмлар киради. Касаллик қўзгатувчи замбуруғларнинг ҳужайралари ҳар хил шакл ва ўлчамларга эга. Улар бир неча микрондан (ачитқилар) то ўн ва юз микронгача бўлади.

Замбуруғлар – бу жуда майда организмлар бўлиб, улар узун ипсимон кўринишга эга бўлади. Улар ташки мұҳитда ҳам, организм ичидаги ҳам яшаш қобилиятига эга. Замбуруғлар спора ёки мицелийлар кўринишида ҳаво таркибида бўлади. Кўпчилик мутахассисларнинг фикрича замбуруғларнинг споралари айниқса кучли аллергенлар ҳисобланади.

Замбуруғларнинг жуда кўп турлари заҳарли моддаларни ишлаб чиқиши мумкин. Альтернария турининг аллергенлик ва заҳарлилик хусусияти айниқса кўпроқ. Улар, кўпинча ўсимликлардан озиқланадилар, ўзларидан заҳарли моддаларни ажратиб чиқарадилар. Замбуруғлар АҚШда бронхиал астманинг энг асосий сабабчиларидан бири ҳисобланади. Замбуруғларнинг аспергиллюс тури ҳам ниҳоятда кучли аллерген бўлиб, $+12^{\circ}\text{C}$ дан $+56^{\circ}\text{C}$ гача бўлган ҳароратда бемалол ўсады, ўзидан қатор заҳарли моддаларни ажратиб чиқаради. 186 та бемор текшириб кўрилганда уларнинг 21 фоизидан кандидоз, 25 фоизида кандидоз ташувчилик, мотор замбуруғлари эса 10 фоиз беморларда аниқланган.

Замбуруглар таъсирида келиб чиқадиган аллергик реакциялар күпроқ споралар орқали юзага келади. Енгил споралар шамолда учувчан бўлади ва у нафас йўлларига осонлик билан тушиши мумкин. Республика изизда замбуругларнинг кладоспориум, альтернария, аспергиллюс, мукор, пенициллиум каби турлари кенг тарқалган. Йилнинг турли фаслларида учрайдиган замбуругларни бир-биридан ажратиш қийин. Ҳаво ҳарорати $+25^{\circ}\text{C}$ бўлган ҳолларда замбуруглар энг кўп миқдорда бўлади. Замбуругларнинг хоналарда кўпайишига чанг, зах ва тигизлик (яъни, кўпчилик кишиларнинг бир хонада яшashi) ёрдам беради. Жундан тўқилган гиламлар, ҳайвон жунлари кўп миқдорда замбуругларни ўзида сақлайди. Замбуруглар инсонни ўраб турадиган муҳитда доимо бўлади. Одам организмида касаллик пайдо бўлишида кўпроқ ачитқилар оиласига мансуб бўлган кандида ва могор замбуругларига кирувчи пенициллиум ва аспергиллюс турлари сабаб бўлади. Улар шаҳар ҳавосида ва яшайдиган хонадонларда кенг тарқалган. Замбуруглар уй чанги, мева ва сабзвотлардан кўп миқдорда ажралиб чиқиши мумкин. Атроф-муҳитдаги замбуругларнинг миқдори иқлим ўзгаришига bogliқ бўлади (ассосан баҳор ва куз ойларидан, нам об-ҳаво шароитида). Замбуругларнинг Кладоспориум тури барча мамлакатларда учрайди. Шу билан бир вақтда уларнинг тарқалишида муайян иқлим шароитига bogliқлик ҳам кузатилади. Мексикада аспергиллюс тури кўпроқ учраса, Польшада пенициллиум тури устунлик қиласи. Замбуруг споралари айниқса ёмғирдан олдин жуда кўп бўлади.

Тошкентда ва Вильнюсда аспергиллюс кўпроқ кузатилади, Олмаотада эса альтернария тури нисботан кўп қайд этилади. Бундан ташқари мавсумга bogliқлик ҳам кузатилади, яъни баҳорда кўпроқ аспергиллюс, кузда эса кладоспориум ва альтенария турлари кўпроқ учрайди. Ачитқи замбуруглари декабрь ойида кўпроқ аниқланади.

Замбуругларни узоқ вақт давомида тери ва шиллиқ қаватларда бўлиши айрим кишиларда организмнинг сенсибилизацияланишига ва аллергик касалликлар юзага келишига сабаб бўлади. Нафас йўллари ва ичак-

нинг шиллиқ қаватлари, ноқулай шароитда ва иммунитет пасайганда, замбуругларни организмга кириши учун қулай йўл бўлиши мумкин. Тери ва шиллиқ қаватларнинг шикастланиши нафақат замбуруглар билан заарланиш тифайли яллигланиш ривожланишини, балки сенсибилизацияни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Бу икки касаллик жуда кам ҳолларда алоҳида алоҳида кечиши мумкин.

Кўпчилик мутахассисларнинг мулоҳозаларига кўра нафас йўлларининг шиллиқ қаватларида кўпроқ аллергик яллигланиш юзага келади. Замбуругларга нисбатан сенсибилизация кўпроқ кишилар яшамайдиган жойларда (ертўлаларда, омборларда) ривожланади. У замбуругларга оид инфекцияга қараганда анча кўп тарқалган. Замбуругларнинг айрим турлари инсон нафас йўллари шиллиқ қаватига туғилгандан кейиноқ жойлашиб олган бўлади (кандида) ва у сапрофит ҳолда қолади. Баъзи ҳолларда, масалан, бирор касаллик туфайли беморни узоқ вақт давомида кортикостероидлар, антибиотиклар билан даволаш пайтида улар патоген, яъни касаллик қўзгатиш хусусиятига эга бўлиб қолади. Чунки бу дори моддалар иммунитетни ва организмнинг реактивлигини пасайишига кўмаклашади. Нафас йўлларининг сурункали касалликларида бу замбуруглар бурун шиллиқларидан ва балгамлардан тоғилиши мумкин. Нафас йўлларида аллергик касалликлари бўлган bemorlarда 15 foiz ҳолларда замбуруглар аниқланган. Муайян замбуруг турига сенсибилизация билан шу тур замбуругларнинг шиллиқ қаватдан топилиши орасида ўзаро bogliқлик кузатилган.

Турли замбуруглар организмга тушганда кейинчалик кўпаймай ва яллигланишни юзага келтирмай, фақат сенсибилизацияга сабаб бўлиши исботланган. Кишиларда замбуругларнинг ҳар хил турларига нисбатан юқори сезувчанлик 7 foizdan 22 foizgacha учрайди. Сенсибилизация кўпроқ замбуруглар нафас йўлларида тушган ҳолларда юз беради. Замбуруг споралари жуда ҳам юқори бўлмаган сенсибилизациялаш хусусиятига эга бўлиб, аллергик реакциялар-

нинг тез содир бўладиган ва аста-секин ривожланадиган турлари кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Терида ўтказилган синамалар бўйича ҳам, иммунологик текширишлар берган маълумотлар бўйича ҳам қон зардо-бida айланиб юрувчи замбуругли аллергенга нисбатан антителолар ва ҳужайра реакцияси аниқланганда, аллергик реакция секин-аста юзага келувчи реакциялар типига мансублиги аниқланди. Аксарият ҳолларда беморларда аралаш турдаги реакциялар, яъни тез ва секин-аста ривожланадиган реакциялар қайд этилган.

Ҳозирги пайтда Чехиянинг “Севак” корхонасида замбуругларга оид аллергенларнинг 35 хил турини ишлаб чиқарилмоқда, улар асосан ташҳислаш ва даво мақсадларида ишлатилмоқда.

Замбуруглар келтириб чиқарадиган аллергик ринит. У юқори нафас йўлларининг анча оғир касалликларидан бири ҳисобланади. Сурункали аллергик ринит билан касалланган bemорларнинг 12 фоизида замбуруглар сабабчи омил сифатида аниқланган. Аллергологик анамнез ўрганилганда замбуругларга оид аллергик ринит билан касалланган bemорларда мавсумга боғлиқлик (баҳор ва кузда кўпроқ), озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан аллергиянинг бирга ёндош келиши (озиқ-овқат аллергияси), яшаш жойларида зах ва могор замбуругларининг бўлиши хос белгилардан эканлиги кузатилди. Bеморлар номахсус таъсирловчиларга (совуқ, тутун, бүёқлар) жуда сезгир бўладилар.

Замбуругларга оид аллергик ринитда теридаги синамалар бўйича ҳам, қўзгатувчи синамалар бўйича ҳам аста-секин ривожланадиган аллергик реакциялар устунлик қиласи. Бошқалардан кўра қўпроқ могор замбуругларига нисбатан сенсибилизация аниқланди. Касаллик хуружининг мавсумга боғлиқ эканлигига қарамай, касаллик енгиллашган, тинч даврида ҳам bemорда шикоятлар сақланиб қолади (гарчи уларнинг учраш тезлиги ва даражаси пасайса ҳам). Шикоятлар бурунда кучли қичишиш, битиш ва кўп миқдорда рангсиз шиллиқ ажралиб чиқиши билан тавсифланади. Патологик жараён юқори жаг бўшлигига ҳам тарқалади, 50 фоиз bemорларда гайморит ривожланади. Бурун шиллиқ қавати қизарган, шишган бўлади, қуюқ шиллиқ

ажралиб чиқади. 80 фоиз ҳолларда бурун бүшлигидан турли замбуруглар топилади. Бурун бүшлиги функциялари текширилганда шиллик ажратиш, нафас олиш ва нафас чиқариш функциялари бузилганлиги аниқланади.

Замбуруглар күпинча бронхиал астмани келтириб чиқаради. Замбуругларга оид бронхиал астмада мөгор замбуругларига мансуб бүлган аспергиллюс, альтернария, кладоспориум, пенициллиум сабабчи омил ҳисобланади. Замбуруглар таъсирида юзага келадиган бронхиал астмада касалликнинг давомлилиги, одатда 5 йилдан ортиқ бўлмайди. Замбуруг аллергенлари билан терида синамалар ўтказилганда тез содир бўладиган ҳамда сенеин содир бўладиган аллергик реакциялар юзага келади. Бронхиал астма билан касалланган болаларда кўпроқ ризопус ва альтернария аллергенларига нисбатан сенсибилизация аниқланади.

Замбуруглар билан ўтказилган теридаги синамалар 70 фоиз, провокацион синамалар эса 60 фоиз мусбат натижаларни беради. Улар орасида ўзаро bogliklik кузатилган. Баъзи иммунологик синамаларнинг самаралилиги ва кўп маълумот бера олиши (базофиллар дегрануляцияси) замбуругли аллергияга хос хусусият ҳисобланади. Аксарият ҳолларда замбуругларга нисбатан сенсибилизация бактерияларга нисбатан сенсибилизация билан бирга қўшилиб келади. Болаларда тез содир бўладиган аллергик реакциялар кўпроқ кузатилади.

Замбуругларга оид бронхиал астма учун касалликнинг бирданига бошланиши – бу зах бинолардаги нам ҳаво билан ҳамда баъзи бир озиқ-овқат маҳсулотларини (пишлоқ, қатик, пиво замбуруглари, шампан виноси) истеъмол қилиш билан boglik. Заҳарланиш ҳолатларида (интоксикация) ҳарорат кўтарилилади. Хуруж даври 5–7 кун давом этади, сабабчи омиллар бартараф этилиб, гистаминга қарши препаратлар белгилангандан кейин согайиб кетади. Мөгор замбуругларига оид бронхиал астма икки хил шаклда ривожланиши мумкин:

1. Ўпкада замбуругнинг инфекция ўчоги аниқланмаган ҳолларда атопик тури бўйича кечади. Бунда тез содир бўладиган реакция типлари устунроқ бўлади. Қонда лейкоцитларнинг камайиши, эозинофилларнинг кўпайиши кузатилади. Т-лимфоцитлар миқдори пасаяди, табиий ва махсус аллергенлик хусусиятига эга булган киллер ҳужайралар миқдори ҳамда гемаглютинация ва базофиллар дегрануляцияси реакцияларида аниқланадиган антителолар миқдори ҳам ортади. Хуружлар мавсумга боғлиқ ҳолда юзага келади ва ҳавода замбуруглар миқдорининг энг кўп даврига мувофиқ равишда кузатилади. Замбуругларнинг аспергillus турига сенсибилизация бўлганда астма хуружлари кўпроқ баҳорда, альтернария турида – ёзда, кладоспориум турида – кузда бўлади.

2. Ўпкада замбуругли инфекция ўчоги топилган бронхиал астмада бу касаллик шакли инфекцион аллергик касаллик кўринишида юзага чиқади. Бунда кўпинча асептик яллигланишни амалга оширувчи аутомиммун реакциялар кузатилади. Теридаги синамалар кўпроқ секин-аста содир бўладиган типда бўлади. В-лимфоцитлар миқдори, замбуругли антителолар миқдори ортади. Лейкоцитлар ҳаракатининг тормозланиш реакциялари кучаяди, қонда лимфоцитлар кўпайиши, ЭЧТ (СОЭ) ошиши аниқланади.

Замбуругларга оид аллергик касалликларни даволаш усуллари икки катта гуруҳга бўлинади: номахсус даволаш усуллари ва иммунотерапия.

Даволашнинг номахсус усуллари қисқа муддат давомида ижобий самара беради. Кортикостероидлар, асосан маҳаллий ишлатилади (малҳамлар, томчи, ингаляция, кукунлар кўринишида) ва қисқа вақт давомида қўлланилади, гистаминга қарши моддалар ҳам белгиланади. Сўнги йилларда замбуругларга қарши таклиф этилган “Вилозен” иммуномодулятори айниқса касалликнинг хуруж даврида юқори самара берди. Нафас йўлларининг аллергик касалликларини даволашда йод препаратлари, сульфаниламидлар, Кастеллани суюқлиги, нистатин, леворин, микосептин, амфотерицин – В, декамин, хинозол, flavofungin, гриземин, анкотил, низорал ва натрий тетроборотнинг глицерин-

даги эритмаларидан мұваффақиятли фойдаланылмоқда. Нафас йүлларининг замбуруглар билан заарланишида дорилар билан даволаш ниҳоятда самарали таъсир күрсатади. Бироқ, дори моддалар инфекциялы жараённи йүқ қилиши билан бирга, баъзан сенсибилизацияга олиб келади. Бурун шиллиқ қаватига замбуруглар яна қайта тушганда касаллик қўзиши юзага келиши мумкин.

Бугунги кунга келиб аллергенлар билан эмлаш энг самарали усул бўлиб қолмоқда. Махсус терапия аввал терининг замбуругли касалликларида қўлланилган. Дерматологларнинг кузатишларига қараганда теридағи яллигланишнинг клиник манзарасида согайиш, яхшиланиш бўлиши билан бирга ёндош келувчи аллергик ринит ва бронхиал астма белгиларининг ҳам йүқ бўлиши аниқланган. Замбуругли аллергенлар билан вакцинация ўтказиш масаласи ҳозирги пайтгача тиббий матбуотда муҳокама қилингани. Баъзи муаллифлар вакцинациянинг замбуругли касалликларни даволашда самарадорлигини таъкидласалар, бошқалари бу усул орқали ижобий натижаларга эриша олмаганликлари ҳақида ёзадилар.

Замбуругларга оид аллергик касалликларни махсус даволаш учун аллергенлар, одатда тери остига ёки тери ичига киритилади. Вакцина билан даволашнинг бу усулини кенг равишда қўллаш учун касалликнинг хуржи ва асоратланиши монелик кўрсатиши мумкин. Иммунотерапиядаги янги йўналиш – бу замбуругли аллергенларни аэрозоль йўли билан маҳалий қўллаш ҳисобланади. Касаликнинг енгиллашган, тинч даврида аэрозол ҳолидаги махсус аллергенларни “шокли” аъзога (бурунга, бронхларга) маҳаллий қўллаш энг самарали усул бўлиб қолмоқда. Аллергик ринитда 65 фоиз bemорларда яхши ва аъло натижалар олинган.

ЭКЗОГЕН АЛЛЕРГИК АЛЬВЕОЛИТ

Экзоген аллергик альвеолит алоҳида касаллик сифатида биринчи марта “фермерлар ўпкаси” кўринишида узок вақт давомида пичан, зигирпоя, дон

маҳсулотлари билан яқин алоқада бўлувчи қишлоқ хўжалик ходимларида аниқланган. Бу аллергенларнинг аэрозоллари кичик ўлчамларга эга булиб, упканинг пастки қисмларигача етиб боради ва у ерда узоқ вақт мобайнида сақланиб қолиши натижасида иммун органларининг жавоб реакцияларини келтириб чиқаради. Кейинчалик эса экзоген аллергик альвеолитларни келтириб чиқарувчи аллергенларга турли паррандаларнинг (каптар, товуқ, ўрдак) оқсил зардоллари ҳам кириши мумкинлиги аниқланган. Шунинг учун экзоген аллергик альвеолит яна паррандачилар касаллиги деб ҳам юритилади. Бу касаллик кўпинча паррандачилик фабрикалари ишчиларида аниқланади.

Экзоген аллергик альвеолитни келтириб чиқарувчи омиллар турли-туман. Улар: моторлаган пичан ва ем-хашак, ифлосланган ун, парранда патлари ва уларнинг ҳаёт фаолияти маҳсулотлари, балиқ уни, ҳайвонлар жуни, дарахт қириндилари, моторлаган ем-хашаклар, пишлоқнинг мотор забурууглари бўлиши мумкин. Бу касалликни кўпинча ҳароратга чидамли актиномицитлар, замбурууглар, бир ҳужайрали содда жониворлар ҳамда биологик фаол бўлган ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотлари келтириб чиқариши мумкин. Ҳатто кичик молекулали бирикмалар (толуол, оғир металлар, дорилар) экзоген аллергик альвеолитга сабаб бўлиши мумкин. Шундай қилиб, экзоген аллергик альвеолитни полиэтиологик касалликларга киритиш мумкин.

Бемор қонида гуморал ҳамда ҳужайра иштирокида юзага келадиган аллергик реакциялар кузатилади. Аллергик реакциялар кўпроқ III тип бўйича – Артюс белгиси кўринишида ривожланади. Теридаги реакциялар 2–12 соат ичida юзага келади. IV тип бўйича ривожланадиган реакциялар ҳам қайд этилган. Кичик ва катта иммун бирикмалар пайдо бўлади. Катта иммун бирикмалар оқ қон таначалари томонидан ютилади (ҳазм қилинади) ва томирлар деворининг ички қатлам ҳужайраларида емирилади. Кичик иммун бирикмалар сақланишни, ўсишни давом эттира бориб, касалликни келтириб чиқаради. Қонда иммуноглобулинларнинг A ва M синфлари мавжудлиги бу фактни тасдиқлайди. Бундан ташқари қонда E иммуноглобулинни ҳам

аниқлаш мүмкін. Бу I тип аллергик реакцияларини ҳам ривожланиш әхтимоли борлигидан далолат беради. Шундай қилиб, экзоген аллергик альвеолит полипатогенетик, яғни бир қатор ривожланиш механизмларига зга бұлған касаллик бўлиб, у органик чанглар узоқ вақт давомида нафас йўллари орқали таъсир қилиши оқибатида юзага келадиган ўпка тўқимасининг тарқоқ (диффуз) яллигланиши кўринишидаги аллергик реакцияни кўрсатувчи бир гурӯҳ касалликларни ўз ичига олади.

Экзоген аллергик альвеолитнинг клиник кечиши бўйича ҳар жил турлари мавжуд. У атмосфера ҳавосининг айрим микроблар билан мавсумий ифлосланишига ҳам bogliq бўлиши мүмкін. Бунда некрозли ва геморрагик альвеолитлар кузатилади. Экзоген аллергик альвеолит катталар орасида ҳам болалар орасида ҳам кенг тарқалган. У, кўпинча ёмон оқибатларга, ҳатто ўлим ҳолларига олиб келиши мүмкін.

Касалликнинг клиник манзараси бирданига юзага келадиган бўғилиш хуружлари, йўтал ва ҳароратнинг кўтарилиши билан тавсифланади. Бундан ташқари иситма, бўғимларда ва мускулларда оғриқ, умумий аҳволининг огиrlашибиши аниқланади. Экзоген аллергик альвеолит антиген организмга қайта тушганда клиник белгилар яна кузатилади. Бунда ўпканинг маҳаллий реакцияси ва организмнинг умумий реакцияси бир хилда қайд этилади. Патологик жараён ўпканинг периферик (альвеолалар, интерстициал ўпка тўқимаси) қисмларига ҳам тарқалган. Ташқи нафас функциясининг бузилиши обструктив типда бўлиши мүмкін, яғни ўпканинг тириклик сигими ва ўпканинг энг катта ҳаво алмашинуви курсаткичи анча пасаяди. Экзоген аллергик альвеолитнинг клиник кўриниши органик чанг билан қанчалик кўп ва узоқ вақт давомида алоқада бўлиш билан boglik. Кўпинча альвеоляр тўсиқларнинг лимфоцитлар инфильтрацияси билан кўринувчи интерстициал пневмония кузатилади. Клиник белгилар, одатда чанг билан алоқада бўлгандан 4–10 соат ўтгач ривожланади. Иситманинг кўтарилиши, тутиб турувчи курук йутал, хансираш, ҳолсизлик, кўп терлаш, бош оғриши, мускулларда ва бўғимларда

огриқлар кузатилади. Беморни күрикдан ўтказган пайтда: лаб шиллиқ қаватларининг кўкарғанлиги, таҳипнөз (тез-тез юза нафас олиш), тахикардия (юракнинг тез уриши) аниқланади. Аускультацияда кўпинча ўпканинг пастки қисмларида қуруқ ва нам майда пуфакчали хириллашлар эшитилади. Аллерген билан алоқада бўлишни тўхтатилиши билан касаллик белгилари секин-аста камайиб боради.

Узоқ вақт давомида унча кўп бўлмаган миқдордаги чанг билан алоқада бўлганда касалликнинг сурункали кечадиган шакллари юзага келади. Бошланишида, дастлаб озгина миқдорда ажралувчи шилимшиқ, балгам билан қуруқ йўтал, ҳансираф қолиш, тез чарчаш, иштаҳасизлик ва тана вазнининг камайиши кузатилади. Ўпка-юрак етишмовчилигини юзага келтиришга сабаб булувчи ўпка тўқималарининг зичлашиши (фиброз) ривожланади. Тинч турган ҳолатда ҳам ҳансираш, доимий йўтал пайдо бўлади.

Экзоген аллергик альвеолитни ташҳислаш бир неча босқичдан иборат. Анамнез йиққандан касалликни аллерген омиллар билан алоқада бўлишга ва аллергенни истисно қилинишига боғлиқлигини аниқлаб олиш зарур. Рентгенограммада касалликнинг ўткир кечишида ўпка суратининг кучайиши, кўпроқ ўпканинг пастки қисмларида тарқоқ ўчоқли, баъзан қўшилиб кетувчи соялар аниқланади, ўпка тўқимасининг равшанлиги, тиниқлиги пасаяди. Бу ўзгаришлар беқарор бўлиб, турғун сақланиб қолмайди ва тез орада йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Экзоген аллергик альвеолитнинг сурункали шаклларида эса рентгенологик текширишда ўпка фиброзига хос манзара қайд этилади. Ўпка илдизидан чиқиб, тарқалувчи тугунчали, галвирсимон зичлашишлар кўринади. Кечиккан босқичларида ўпка чўққиси ўлчамларининг кичрайиши кузатилади. Ўпканинг ташқи нафас функцияси текширилганда касалликнинг ўткир даврида бронхит ривожланиши натижасида юзага келувчи обструктив типдаги бузилишларни аниқлаш мумкин. Унчалик катта бўлмаган артериал гипоксемия аниқланади. Конда кислород миқдорининг камайганлиги аниқланади. Касалликнинг ярим ўткир кечишида

эса рестриктив типдаги бузилишлар, яъни ўпка кенгайишининг чегараланиши ҳам қўшилади. Қон таркибидаги газларнинг тақсимланиши бузилади. Ўпкадаги яrim ўткир шаклдаги ўзгаришлар аллерген билан алоқа тўхтатилгандан кейин ҳам сақланиб қолади.

Сурункали босқичларида ўпка вентиляциясининг рестриктив типдаги бузилишлари кўпроқ кузатилади, ўпканинг тириклик сигими ва ўпканинг энг катта ҳаво алмашинувчи кўрсаткичи анча пасаяди. Аллергенлар бартараф этилганидан кейин ҳам бу ўзгаришлар меъёрашмайди. Ўткир босқичида лейкоцитлар формуласининг чапга силжиши қайд этилади.

Махсус ташҳислашда III—IV типдаги реакциялар кузатилади. Терида синамалар ўтказишда, корхоналарда тайёрланган аллергенлар бўлмаган тақдирда, фаолсизлантирадиган ва заарасизлантирадиган парранда зардобидан фойдаланилади. Кўпроқ кечки, секин-аста ривожланадиган аллергик реакциялар 2—4 соатдан кейин кузатилган. Бундан ташқари аллергенлар билан қўзгатувчи синамаларни ҳам ўтказиш мумкин. Касалликнинг енгиллашган, тинч даврида беморни қисқа вақт давомида ишлаб чиқариш шароитида бўлиб, қайтиши ҳам қўзгатувчи синамаларга ўхшаш таъсир кўрсата олади. Радиоиммун ва ферментларни боғлаб олувчи иммунологик синамалар ҳам қўлланилади. Ҳужайравий сенсибилизацияни аниқлаш мақсадида лейкоцитлар кўчиши ҳаракатининг тормозланиш реакцияси, махсус аллергенлар билан лимбоцитлар бласт-трансформацияси реакцияларидан ҳам фойдаланилади.

Экзоген аллергик альвеолитни грипп, ўткир бронхит, милиар (тариқсимон) сил, бронхиал астма, идиопатик фиброзли альвеолит, ўпка саркоидози каби нафас йўллари касалликларидан фарқлай олиш лозим бўлади. Экзоген аллергик альвеолитга яқин бўлган пахта, каноп (зигир) аллергенлари билан боғлиқ равишда юзага келадиган биссенозга ҳам қисқача таъриф бериб ўтиш лозим. Биссеноз пахта билан ишлагандан сўнг орадан 4—5 йил ўтгач, кузатилади. Ўпкада кўп тамаки чекувчилар бронхитида кузатиладиганидаги каби тогайсимон, силлиқ мускулли ва безсимон тўқималар миқдори кўпаяди. 87 foiz bemorlararda bronxoobstruksiya tipi


бүйича ташқи нафас фаолиятининг ўзгариши кузатилилади.

Экзоген аллергик альвеолитни даволаш чораттадбирлари бир неча йұналишда олиб борилади. Бемор заарарлы чанг билан алоқада бұлмаслиги учун аллергенлар бартараф этилади. Бемор, албатта бошқа ишга ўtkазилиши шарт. Дори моддалардан кортикостероидлар құлланилади. Қонда кислород миқдори камайиб кетганда кислород билан даволаш мұхим ақамиятга зға. Шунингдек, симптоматик, яғни касалликнинг ассоций белгиларини йүқотишга қаратылған даволаш ишләри ўтказиласы. Ұзоқ вақт давомида санатория-курорт шароитида даволаниш тавсия этилади.

АЛЛЕРГИК РИНИТЛАР

Ринит – бу бурун бүшлиги шиллик қавати касаллиги бұлиб, бунда ҳар куни bemорда бир соат ва ундан күпроқ вақт давомида аксириш, бурун битиши, бурун оқиши ва бурун қичишиши каби ҳолаттарнинг ҳеч бұлмаганда иккитаси кузатылади. Ҳозирги пайтда бу масала билан шугулланаётган ўнта мамлакат вакилларидан тузилған 17 кишидан иборат еткачи мутахассислар шу холосага келдилар (Allergy. № 19, 49-том. 1994 й). Бу гурух ринитнинг аллергик, инфекцион ва бошқа турлари таклиф қилинди (чизмага қаранг).

Аллергик ринит қуйидаги турларга бұлинади: мавсумий ва йил давомидаги; инфекцион – ўткір ва сурункали. Ринитнинг бошқа турлари гурухига: идиопатик, касбга оид, гормонал, дори моддаларга оид хиллари киради. “Возоматор ринит” номи күпроқ ноаллергик, ноинфекцион, эозинофиллар күпайышсыз ва гормонга болғық бұлмаган ринитни тавсифлашда ишлатылади. Бу эса муаммони аниқлашдан күра күпроқ чигаллаштиришга сабаб бұлды. Консенсус муаллифлари “возоматор” терминини тушириб қолдиришни таклиф қилишмоқда, чунки ринитнинг ҳар бир турида томирлар реакциясининг ўз ўрни бор. Құлланмада ринитнинг барча турларини күриб чиқишини режалаشتырмаганмыз, фақат аллергик ринитнинг көнг тарқалған турларига тұхталиб ўтамиз, холос.



АЛЛЕРГИК РИНİТНИНГ РИВОЖЛАНІШІ

Бор маълумотларнинг кўпчилик қисми ринитнинг ривожланиши замирида аллергик механизм ётади, дейишга асосаланилади. Ноаллергик ривожланиш йўналиши бўйича фақат бир-иккита тадқиқотлар мавжуд. Ўта сезгириклининг тез содир бўладиган турида реакциянинг кўриниши аксириш, бурун қичишиши ва бурундан сувга ўхшаш оқма оқишини ўз ичига олади. Бу, асосан бурун шиллиқ қаватидаги IgE га боғлиқ бўлган тўйинган ҳужайралар фаоллигининг ошиб кетиши натижасида ривожланади. Ажралиб чиққан мединаторлар донадор қаватда (масалан: гистамин, триптарза) ёки ҳужайра пўстлогида (лейкотриенлар L₄, C₄ ва



простагландин D₂) сақланади. Медиаторлардан яна бири — тромбоцитлар фаоллигининг кучайиши ҳисобланади (ФАТ).

Медиаторлар қон-томирларга кенгайтирувчи таъсир кўрсатади ва қон-томирлар ўтказувчанлигини кучайтиради. Бу эса бурун орқали нафас олишнинг бутунлай йўқ бўлишига олиб келади. Секрециянинг кучайиши бурундан шиллик оқиши билан кузатилади. Афферент нерв толаларининг қитиқланиши қичишиш ва аксиришни келтириб чиқаради. Бундан ташқари афферент толаларнинг қитиқланиши (асосан гистамин таъсири остида) нейропептидларни маҳаллий ажралиши билан (субстанция Р, тахикининлар) аксон рефлексини кучайтириши мумкин. Бу эса ўз навбатида тўйинган ҳужайраларнинг кейинги бузилишларини келтириб чиқаради. Аллергик ринитнинг характерли хусусияти — бу яллигланиш ҳужайраларнинг маълум бир жойга тўпланишидир (шу жумладан CD₄, Т лимфоцитлар, эозинофиллар, базофиллар ва нейтрофилларни).

Эозинофиллар мусбат зарядланган оқсилларни ишлаб чиқаради. Улар нафас йўли эпителийларига заҳарли таъсир кўрсатиши мумкин. Галлоид бирикмаларнинг бўлиши эса тўйинган ҳужайраларнинг кейинги бузилишларини кучайтиради. Нейтрофиллардан фарқ қилиб, асосий лейкотриенни (ЛТ) эозинофиллар ажратиб чиқарадиган LTC₄ ҳисобланади. У бурун оқиши ва бурун бўшлиги шиллик қаватининг шишишини келтириб чиқаради. Тўқимада эозинофилларнинг кўпайиб кетиш механизми номаълум.

Сўнги вақтларда олинган маълумотларда турли пептид медиаторларнинг (цитокинларни) ҳам аҳамияти кўрсатилган. Аввал уларни Т-лимфоцитларнинг маҳсулоти деб ҳисоблаган эдилар. Аммо кейинчалик маълум бўлдики, цитокинларни бошқа ҳужайралар ҳам ажратиб чиқарар экан. Жумладан, тўйинган ҳужайралар базофиллар, макрофаглар.

Интерлейкин-4 (IL-4) В-ҳужайраларнинг IgE билан ўзаро ҳаракатга ўтишга чақиради. Бундан ташқари IL-4 молекулаларни қон-томирлар деворининг ички қатламига ёпишиш тезлигини оширади. Бу эса эозино-

филларнинг бир жойга сараланиб, түпланишини таъминлайди, IL-4 тўйинган ҳужайраларнинг етилишини тезлаштиради, IL-5 эса ўзининг суюк-кўмик ўтмишдошлиридан эозинофилларнинг етилишига ва дифференциалланишига, улар орқали медиаторларнинг ажралишига ва эозинофилларни тўқималарда яшаш муддатини узайишига ўз таъсирини кўрсатади.

ТАРҚАЛИШИ

Аллергик ринитнинг тарқалиши шу ернинг географик ҳамда иқлим шароитига, ҳудуддаги ишлаб чиқариш корхоналарининг ривожланишига, атроф-муҳитнинг ифлосланишига bogliq.

Мавсумий аллергик ринит бўйича оиласиди шифокорларга мурожаат қилишларида аниқланишича, Данияда ҳар 1000 кишига—11, Англия ва Уэльсда 1000 кишига—20, Австралияда 1000 кишига—86 бемор тўғри келади. Аммо бу маълумотлар фақат шифокорга мурожаат қилганлар асосида олинган. Кўпроқ аниқ маълумотларни оммавий ўтказилган тадқиқотлар беради. Улардан бирининг маълумотларига қараганда Лондонда 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган кишилар орасида касаллик тарқалиши жиҳатидан камида 16 фоизни ташил қилди: 8 фоиз беморларда касаллик белгилари бутун йил давомида сақланиб қолди, 6 фоизида йил давомидаги ринит мавсумий авж олиш билан қўшилиб келди ва 2 фоизида фақат мавсумий авж олиш кузатилди (B.Rink, 1991).

Европа мамлакатларида мавсумий аллергик ринит мактаб ёшидаги болаларда АҚШ ёки Австралияга нисбатан камроқ. Бунга сабаб муайян ўсимликлар чангига ва ҳаводаги аллергенларнинг аллергенлик хусусиятларининг турличалиги бўлиши мумкин.

Мавсумий аллергик ринит шаҳарларда қишлоқ жойларга нисбатан кўпроқ учрайди. Данияда мавсумий аллергик ринит шифокорларга мурожаат қилувчилар орасида 19 фоизни, Копенгагенда қишлоқ жойларида яшовчиларнинг 6-11 фоизини ташкил қилади. Америка Қўшма Штатларида аллергик ринит билан касалланган bemorlarning 75 foizi esa shaҳarda yashovchilar, faқat 25 foizi shaҳar tevaragidagi rayonlarda istiqomat қiluvchilardir (I.Broder et. al 1974).

Аллергик ринит тарқалиши ўсиб бормоқда. Швейцарияда ёшлар орасида 1971 йилдан 1981 йилгача бўлган текшириш маълумотларига қараганда аллергик ринит 44 фоиздан 8,4 фоизга ўси, у асосан мамлакатнинг шимолий ҳудудларида кўпайди.

Аллергик ринит билан касалланиш кўрсаткичи Москвада — 2,7 (Мерков А.М), Самарқандда — 2,4 (Хақбердиев М.М), Саратовда — 2,8 фоизга (Горчаков Л.Г). Қозогистонда аллергик ринит юқори нафас йўллари касалликлари орасида 15 дан 55 фоизгача ва барча аллергик касалликлар умумий сонининг 40 фоизга яқинини ташкил қиласди (Мошкевич В.С).

МАВСУМИЙ АЛЛЕРГИК РИНИТ

Асосий белгилари — бурун бўшлигининг қичишиш ва таъсирланиши, аксириш ва бурундан назла келиши, кўпинча бурун битиши билан бирга кузатилади.

Аллергик ринит томоқ қитиқланиши, кўзлар ва кўз шиллиқ пардасининг қичишиши, ёш оқиши ва кўз соҳасининг шишиши билан ҳам кузатилиши мумкин. Айрим ҳолатларда аллергик ринит бир оз ноқулайликлар туғдириши мумкин. Оғир ҳолатларда эса у меҳнат қобилиятини йўқотишга олиб келади. У бош оғриғи, ҳолсизлик (тез чарчаш) ва диққатни жамлашнинг бузилиши билан асоратланиши мумкин.

Мавсумий аллергик ринитнинг сабаби — ўсимлик чангчисидир. Кишиларда аллергик ринит ривожланиши учун чангчи шамолда чангланадиган ўсимликка тегишли бўлиши ва у кўп миқдорда ҳосил бўлиши, енгил, учувчан ва ўлчами 35 ммк дан катта бўлмаслиги ҳамда аллергенлик хусусиятига эга бўлиши керак.

Аллергик ринитнинг пайдо бўлиш сабаблари ва тезлиги шу жойнинг географик ҳамда иқдим шароитига боғлиқ.

Қозогистонда аллергик ринитни кўпроқ шувоқ (эрмон) чангчиси келтириб чиқаради. Бизнинг иқлим шароитимизда эса кўпроқ эрмон, бургон, шўра, ўтлар чанглари аллергик ринитнинг асосий сабабчиси бўлиб ҳисобланади.

Краснодар ўлкасида амброзия, Туркманистанда шўра, Киевда бошоқли ўтлар, тимофеевкалар сабаб

бўлиши мумкин. Аллергик ринитнинг тарқалишини урганишда аэрополлинологик текшириш ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Йилнинг турли даврларида ҳар қайси ҳудуд учун чангнинг сифати ва миқдорий таркибини мутахассис ботаниклар аниқлаб берадилар. Қатор мамлакатларда ҳар куни ҳаводаги чангнинг миқдори ва таркиби кўрсатилган қисқача расмий маълумотлар варақаси чиқарилади. Шифокор-аллергологлар аллерген ўсимликларнинг гуллаш ойлик календарига эга бўлишлари керак. Шу мақсадда турли географик иқлим доираларида турли хил ўсимликларнинг гуллаш муддатларини кўрсатадиган чанг тўлқинлари аниқланади. Бу шифокорларга ўз вақтида касалликни олдини олиш чора-тадбирларини ўтказишга, bemorlarni esa bu davrda mammakatning boşqa ҳудудларiga kўchib yutiшига imkon beradi.

Ўраб турувчи ҳаво таркибидаги замбуруглар спораларининг миқдори йил фаслларига bogliq. Улар кўпинча қиши ойларида камайиб, ёз ва куз ойларида kўpаяди. Masalan, *Cladosporium*, *Alternaria*.

Замбуругларда аллергиянинг бўлиши кўпинча бронхиал астманинг ривожланишига олиб келади. Замбуруглар спораларининг сони билан begona ўтларга аллергияси бўлган bemorлардаги клиник белгиларнинг кўриниши орасида bogliqlik борлиги аниқланган.

Бу далилни қисман замбуруг спораларининг ўлчамлари кичиклиги билан тушунтириш мумкин. Гарчи уй чангидаги каналар йил давомидаги аллерген деб ҳисоблансада, уларнинг сони нам ҳаволи куз ойларида kўpайиши мумкин. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос xususiyatlari сезувчанликнинг oшишига ва аллергик касалликларнинг мавсумий авж олишига шароит яратиши мумкин.

Суданинг шимолий қисмларида астма ва ринитнинг авж олиши қуруқ қиши ойларида кузатилади. Бунга туруб қолган анҳор сувида kўpайган майдада chivinlar (*Cladotanytarsus lewisi*. Kay A. at. el. 1983) сабаб бўлади. Кўрсатиб ўтилган омилларни билиш, мавсумий аллергик ринитнинг ташҳисида муҳим аҳамият касб этади.

Ўсимлик чангига нисбатан кесишувчи аллергик реакциялар. Ўсимликларнинг турли оила ва авлод вакиллари текшириб кўрилганда чанг ўз таркибида умумий ва умумий бўлмаган аллергенларни сақлаши маълум бўлади. Шунга bogliq ҳолда bemorlarда Ig E антитело билан кимёвий тузилиши жиҳатидан яқин бўлган аллергеннинг ўзаро таъсири натижасида юзага келувчи ўзаро кесишувчи аллергик реакциялар ҳолати кузатилиши мумкин.

Кесишувчи реакцияларни чанг ва озиқ-овқат аллергенлари келтириб чиқариши мумкин. Қайин чангчисига аллергия ҳолати кўпинча озиқ-овқат аллергияси билан boglaniб келади. Янги мевалар (олма, шафтоли, гилос) ёки сабзи, ёнгоқ истеъмол қилинганда Квинке шиши ва бадан қичишиши кузатилади. Кесишув реакцияларини ўтлоқ ўтлари билан қовун ва банан ҳам бериши мумкин.

Йил давомида кузатиладиган аллергик ринит. Уйрўзгор аллергенлари билан киши, одатда, йил бўйи яқинликда бўлади. Уларга уй чанги каналари ва уй ҳайвонлари қазгоги киради. Баъзи ҳудудларда сувараклар ва замбуругларнинг айрим турлари бевосита аҳамиятга эга.

Ринитнинг бошқа турлари. Ноаллергик, ноинфекцион ринит – бу бошқа гуруҳ касалликлардир. Бу турдаги ринит билан касалланган bemorларда турли қитиқловчи триггерларга – ўткир ҳидларга (одеколон, оқартирувчи моддалар, эритувчиларга), тамака турунига, чангларга, автомобиль газларига, атроф-муҳит ҳарорати ва намлиги ўзгаришларига сезувчанлик ортади, шунинг учун кўпроқ “вазомотор” эмас “идиопатик” ринит терминини ишлатиш ўринлироқдир.

Касалликнинг ривожланиш механизми номаълум. Ноаллергик ринит эозинофиллар кўпайиши белгиси билан (NARES) ўрта ёшдаги кишилар орасида учрайди. Ринит белгилари (аксириш, бурун бўшлиғида қичишиш, бурун оқиши) баъзан ҳид билишнинг пасайиши билан ва бурун шиллиқ қаватида эозинофилларнинг кўпайиб кетиши билан биргаликда келади.

Аллергия белгилари (мусбат тери синамалари, IgE нинг қонда ошиб кетиши) бўлмайди. Баъзи ҳолларда

аспириинни күтара олмасликнинг бошлангич даврини аниқлаш мумкин.

Бу беморларни глюокортикоид гормонлар билан маҳаллий даволаш кўп ҳолларда яхши натижаларни беради.

Бурун полипози 25 фоиз болаларда ва 45 фоиз катта ёшдагиларда шиллиқ ажралиши билан, 30 фоиз беморларда бронхиал астма билан кечади. Бу хасталикларда инфекция, яллигланишлар ва арахидон ёки бошқа моддалар алмашинуви жараёнининг бузилиши сабабчи омиллар деб ҳисобланади. Аллергия полипозга сабаб бўлса керак, аммо тўйинган ҳужайралар ва эзинофиллар фаоллашувининг яллигланиш билан давом этиши муайян аҳамият касб этади ва бу ерда глюокортикоидларнинг самаралилигини тушунтиришга имкон беради.

Касбга оид ринит иш жойида аллерген билан яқин контактда бўлиш оқибатида ривожланади. Унинг сабаблари тажриба ҳайвонлари (каламушлар, сичқонлар, денгиз чўчқалари ва бошқалар), дон маҳсулотлари (нонвойлар, қишлоқ ҳўжалик ходимлари) ва ёғоч чанглари, айниқса қаттиқ дарахт навлари (қизил дарахт, кедр ва бошқалар), латекс ва кимёвий моддалар, шу жумладан кислота ангиридилари, платина тузлари, елим ва эритувчилар бўлиши мумкин.

Гормонга боғлиқ ринит ҳомиладорлик пайтида ва жинсий етилиш даврида ҳамда гипотиреозда ва акромегалияда ривожланиши мумкин. Аёлларда менопауза даврида гормон балансининг бузилиш бурунда атрофик ўзгаришлар пайдо бўлишига ҳам олиб келиши мумкин.

Дори моддалардан пайдо бўладиган ринит турли дори моддалар, жумладан резерпин, гуанитидин, фентоламин, метил-допа, ангиотензинга айланувчи ферментлар, алфа-аденоблокаторлардан (прозазин типидаги), бетта-адреноблокаторлардан кўзга томизиладиган томчилар кўринишидаги, хлорпромазиндан, аспириндан ва бошқа стероид бўлмаган яллигланишга қарши моддалардан ва ҳомиладорликдан сақланиш учун ичиладиган дорилардан бўлиши мумкин.

ТАШХИСЛАШ УСУЛЛАРИ

Құйида ринитни ташҳислашда фойдаланиш мүмкін бўлган барча текириш усуллари санаб ўтилган, амалиётда уларнинг бир қисми қўлланилиши мумкин.

Биринчи навбатда bemорда анамнез йигилиб, лор органлар кўригидан сўнг қўйидаги ташҳислаш усуллари қўлланилали:

Аллергологик синамалар:

- тери синамалари;
- зардобдаги умумий Ig E ни аниқлаш;
- зардобдаги махсус Ig Ени аниқлаш;
- дагал ва эгилувчан эндоскоп ёрдамида кўриш.

Бурун – ҳалқум бўшлиғидан суртмалар ва ювилган сувларни тайёрлаш:

- цитологик текширишлар учун;
- бактериологик текширишлар учун.

Рентгенологик усуллар:

- бурун ён бўшлиқларини рентген нурлари ёрдамида тасвирга тушириш;
- компьютерли томография (текширувчи аъзо қаватларига рентген нури болгамларини юбориб, сканирлаш йўли билан текшириш ва уни ЭҲМ орқали соғлом тўқимадан фарқини аниқлаш);
- магнитли – резонанс томография.

Қонни текшириш:

- қондаги шаклли элементлар сонини санаш;
- қалқонсимон без функциясини текшириш;
- антинейтрофил цитоплазматик антитело;
- иммуноглобулинлар ва IgG қўйи синфларини аниқлаш.

Анамнез ва кўрик. Синчиклаб йигилган анамнез аллергик ринитни гумон қилишга имкон беради. Сўраб чиқиш пайтида bemорнинг яшалт шароити, шу жумладан, бажарадиган ишининг алоҳидаги хусусиятлари ва насл-насаби ҳақида маълумотлар олиш керак. Аллергик ринит ҳар қандай ёшдаги кишиларда, жумладан, чақалоқларда ҳам учраши мумкин. Шунинг учун шифокор белгилар пайдо бўлиши вақтини аниқлаши зарур.

Кўп ҳолларда аллергик ринит 20 ёшгача ривожланади, ёшлик пайтида унинг учраш тезлиги 15 фоизни

ташкىл қиласы. Белгилар пайдо бўлиш тезлигини (ҳар куни, эпизодик, йилнинг аниқ бир вақтида ёки доимий) ҳамда уларнинг чўзишини, қандай кўринишда ифодаланишини ва касаллик кечиши жараёнининг ҳаракатдаги ҳолатини баҳолаш зарур.

Ринит билан касалланган bemorlarни икки гуруҳга – бурундан назла келиши ва аксириш устунроқ бўлган bemorlarга ва бурун битиши устунроқ турадиган bemorlarга бўлиш мумкин. Аллергик ринит билан касалланган bemorlar кўпроқ биринчи гуруҳга киради.

Биринчи гуруҳ учун характерли хусусиятлар:

- аксириш (одатда хуруж билан);
- бурун-ҳалқум бўшлигига оқишидан кўра бурундан оқиш кўпроқ характерли;
- бурун бўшлигига қичишиш;
- бурун битиши (ҳар хил кўринишда);
- кеча-кундузлик маҳоми (белгилари кечаси камайиб, кундуз пайтлари кучаяди);
- кўпинча конъюнктивит билан биргаликда ёндош келади.

Иккинчи гуруҳ учун характерли хусусиятлар:

- аксириш онда-сонда ёки умуман йўқ;
- қуюқ шиллиқ модда бурун бўшлигидан кўпроқ бурун-ҳалумга оқади;
- қичишиш йўқ;
- бурун битиши (кўпинча анча яқъолроқ кўринишда);
- кечаси ва кундузги пайтларда белгиларнинг доимилиги (кечаси оғирлашиб кузатилиши мумкин).

Буруннинг бир томонлама битиши полип борлигига, тузилиш аномалиялари ўсма борлигига шубҳа қилишга мажбур қиласы.

Ҳид сезишнинг пасайиши ва йўқ бўлиши полипоз риносинуситда ёки ринитнинг оғир кечадиган ҳолларида учрайди. Бурун битиши билан бөглиқ белгилар, оғиз ва томоқ қуриши, овоз мингиллаб қолиши билан бирга кечадиган аллергияда bemor бурун учини кафти билан тез-тез артиб туради (“аллергик салют”) бунинг оқибатида бурун учининг сал юқори қисмида кўндаланг бурмалар ҳосил бўлади. Аксириш кўпроқ хуруж кўринишшида пайдо бўлади.

Сўров пайтида касаллик белгиларининг пайдо бўлишига ёки кучайишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ирритантларни ва об-ҳаво шароитларини аниқлаш зарур. Агар аллерген сут эмизувчиларнинг қазғоги, уй чангি каналари ва мотор замбуруглари кўринишида бўлса, касаллик белгилари, одатда ҳар доним сақланиб қолади. Намликтарнинг ортиши каналар ва мотор замбуругларининг кўпайишига имкон беради. Каналарнинг яшаб, озиқланадиган жойлари кўпроқ тўшаклар, ёстиқлар, пардалар ва гиламлар бўлади. Мотор замбуруглари уй ўсимликларидан ва китобларда ўсади. Ҳаводаги чанг қисмлари сони билан клиник белгиларнинг кўриниши орасида тўгридан-тўгри боғлиқлик бор. Ўсимликлар гуллаш мавсумининг кириб кела бошлаши билан организмнинг аллерген чангига сезувчанлиги кучайиб бориши натижасида касаллик белгиларнинг кўриниши кўпайиб боради. Айрим озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам ринит белгиларини келтириб чиқариши мумкин. Бу провокацион синамалар ёрдамида тасдиқланган.

Юқори таъсир кўрсатувчи моддалар ва руҳиятга таъсир қилувчи омиллар ҳам ринитни кучайишига олиб келади. Аллергияга мойиллиги бор беморларда юқори нафас йўллари инфекциясининг клиник манзараси аллергик реакцияга ўхшаш бўлиши ёки турли аллергенларга сезувчанликнинг ортишига олиб келиши мумкин. Мерос қилиб олиш полиген типида, яъни генлар орқали юзага келишига қарамай, анамнездаги ирсий аномалия аллергик касалликнинг ривожланиш эҳтимолини кўпроқ қилиб қўяди.

Беморнинг қариндош-уругига аллергик касалликларнинг йўқлиги зинҳор аллергик ринит ташҳисини йўққа чиқаришга имкон бермайди. Бурун бўшлигининг сурункали ринит ёки типик бўлмаган бир томонлама ринитларнинг ҳамма ҳолатларида эндоскопия қилиш зарур. Бунинг учун бурун кўзгуларидан, пешона рефлекторидан, отоскоп (қулоқ ойнаси), бурун адаптери билан Хопкинснинг дагал эндоскопидан ёки эгилувчан назофарингоскопдан фойдаланиш лозим.

Теридаги синамалар. Ўта сезувчанликнинг тез содир бўладиган тери реакцияларидан аллергиянинг IgE га

боглиқ турини аниқлашда фойдаланилади. Бу синамалар аллергологияда асосий ташхис усулларидан бири ҳисобланади.

Усуллар. Аллергиянинг тез содир бўладиган турини аниқлаш учун скарификация синамаларидан фойдаланиш афзалроқ. Гарчи, тери ичига қилинадиган синамалар сезгироқ бўлсада, улар ёлгон мусбат натижалар бериши ва баъзан умумий реакциялар келтириб чиқариши мумкин. Шу муносабат билан улардан фақат скарификация синамалари манфий бўлган ҳолатларда фойдаланиш мумкин. Ҳозирги пайтда бундай синамалар сони жуда кўп. Уларни текширувчининг тажрибасига кўра ва синамаларнинг қайси бири афзалроқ, деб билишига қараб танланади.

Тери синамалари олдий, оғриқсиз ва арzon текшириш усули ҳисобланади. Агар улар ўз ишини яхши биладиган ходим томонидан юқори сифатли аллергенлар эритмаларидан фойдаланилган ҳолда қилинса, синамалар натижаси мутаносиб равишда бўлади. Теридаги синамаларни кўп миқдорда ўтказиш талай маблаг сарф-

5-жадвал

Тери синамаларнинг натижаларига таъсир қиласидаги омиллар

Дори моддалар:	
Антигистамин дорилар:	2-4 кун давомида
Гистаминга қарши моддалар	
- биринчи авлод (тинчлантирувчи таъсир кўрсатадиган).	
- иккинчи авлод (тинчлантирувчи таъсир кўрсатмайдиган).	
- астемизол	6-8 ҳафта
ва бошқалар	1 ҳафта
Кетотифен	1 ҳафта
Имипрамин	4 ҳафта
Фенотиазинлар	48 соат
Кортикоステроидлар, синама қўйиладиган соҳаларга маҳаллий кўлланилганда	2-3 ой
Максус иммунотерапия	
Тери соҳаси	биликнинг букиладиган соҳаси (бармоқлардан ташқари)
Ёши	Болаларда ва қарияларда камроқ ифодаланади.
Мавсумий ўзгаришлар	Реакциялар усмилликлар гуллап мавсумидан кейин кўпроқ, яққолроқ куринишда ифодаланади.

Дашни ва вақтни талаб қиласы. Бу, айниңса поликлиника амалиетида зарур эмас. Үтказиладиган текширишлар ҳаводаги әнг күп тарқалған аллергенларга сезувчанликни текшириш билан чегараланиши керак (жунга, уй чанги қанаисига, мөгорга, уй ҳайвонларига ва бошқалар).

Е иммуноглобулинни. Умумий зардобдаги IgE миқдори ҳар хил радиоиммун ва иммунофермент усуллар ёрдамида аниқланади. Меъёрда IgE туғилған вақтда 0-1 кЕд - л ни ташкил этади ва үсмирлик ёшига етгүнча аста-секин күпаяди, кейин пасаяди на 20-30 ёшларда аник бир миқдорда қарор топади. Умумий IgE миқдорининг 100 – 150 кЕд/л дан күп бўлиши кўтарилилган ҳисобланади. Махсус IgE ни аниқлаш, айниңса теридаги синамалар учун аллергенлар экстрактиларини олишнинг иложи бўлмаган ҳолларда қўл келади. Бу мақсадда дастлаб радиоаллергосорбент тест (PAST) ҳамда радиоиммун ва иммунофермент усуллар қўлланилади.

Цитологик текширишлар учун бурун бўшлигидан суртмалар олиш. Бурун бўшлигидан олинган суртмаларни ва ювилган сувларни текшириш аллергик ва инфекцион ринит орасида дифференциал ташҳис үтказишга имкон беради. Аллергик ринит ва эозинофиллар кўпайиши билан кузатиладиган ноаллергик ринит учун эозинофиллар инфильтрацияси характерли, бактериал инфекцияда эса нейтрофиллар сонининг кўпайиши хос хусусият ҳисобланади.

Периферик қон ҳужайраларидан медиаторларнинг ажralиб чиқиши. Махсус аллергенлар таъсири остида қондаги базофилларнинг бузилиши яллигланиш медиаторлари ажralиб чиқиши билан (гистамин, лейкотриенлар) юз беради. Микроскоп ёрдамида бу медиаторларнинг базофиллардан ажralиб чиқишини баҳолаш мумкин, аммо бу усулдан фақат илмий мақсадларда фойдаланилади.

Аллергик реакциялар вақтида медиаторларнинг ажralиб чиқиши. Қондаги, бурун оқмаларидағи ёки сийдикдаги медиаторлар ва ферментлар миқдорини ўта махсус ва сезир усуллар—гистамин, простагландин, лейкотриенлар C₄, I₄, E₄, триптазалар, кининлар, эози-

нофил катион оқсилларини титрлаш йўли билан текшириш мумкин. Бу моддаларни дастлабки асос қилиб олинган миқдорлари ҳамда аллерген таъсир қилгандан кейинги миқдорлари аниқланиши мумкин. Ҳозирги вақтда бу усул фақат тадқиқот мақсадларида қўлланилади.

Провокацион усуллар. Бурун ичига қўзгатувчи таъсир кўрсатувчи усул муайян аҳамиятга эга бўлиб, фақат клиник аллергологиядан маҳсус ихтисос олган мутахассис томонидан ўтказилиши мумкин.

Оториноларингологик текширишлар эндоскопия, шиллиқ ажратиб чиқариш ишини текшириш, бурун йўлларининг ўтказувчанлигини баҳолаш, ҳид сезишни текшириш ташҳис қўйиш имкониятларини анча кенгайтиради.

Бурун олди бўшлиқларини рентген нурлари ёрдамида тасвирга тушириш. Бурун олди бўшлиқларининг говакланиш бўшлиқлари бўлишини анча пасайғанини, шиллиқ қаватнинг қалинлашганини ва ҳатто юқори жаг, пешона ва понасимон бўшлиқлар деворидаги бузилишларни аниқлаш мумкин. Оддий рентгенографияда бурун бўшлигининг ён деворлари ва галвирсимон чиганоқ тузилишининг яхши кўринмаслиги ёлғон манфий ва мусбат натижаларга олиб келиши мумкин.

Компьютерли томография. КТ ҳозирги вақтда турли бурун ва бурун олди бўшлиқлари касалликларини ташҳислашда асосий рентгенологик усул бўлиб қолди. Гарчи бошқа касалликларнинг йўқлигини аниқлашга имкон берса ҳам, аллергия ташҳисида эса у ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. КТ ёрдамида юмшоқ тўқима ва суяк тузилиши ҳолатларини бирма-бир синчиклаб ўрганиш мумкин. Патологик жараённинг қанчалик тарқалганлигини аниқлаш ҳамда аниқ белгилари бўлган тақдирдагина ташҳис қўйиш мумкин. Суяк тузилиши ёки юмшоқ тўқима ҳолати ҳақида кўпроқ маълумотлар олишга имкон берувчи турли текшириш усуллари мавжуд.

АЛЛЕРГИК РИНИТНИ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ

Аллергенларни йўқ қилиш ва атроф-муҳит назорати бўйича чора-тадбирлар. Ривожланган мамлакатларда кишилар кўп вақтларини хоналарда, иш жойларида

утказадилар. Атрофни ўраб турган мұхит эса доим турли аллергенларни үз ичидә сақлады, улар үз навбатида ринит ривожланишига турткы бўлиши мумкин.

Сўнги 30 йиллар ичидә кўпчилик мамлакатларда ташқи мұхитдаги, бинолардаги аллерген ва ноаллерген компонентлар таркиби анча ўзгарди, аллергик касалликлар билан касалланиш хавфи ортди.

Ўрта иқлимли мамлакатларда электр кучини тежашга интилиш, ҳавони янгилаш учун хонани шамоллатиш ноқулай бўлган уйларнинг қурилиши натижасида хоналарда уй каналари сони кўпайиб кетади. Ҳар қандай ҳолатларда ҳам (гарчи аллергенларни бутунлай йўқ қилишнинг имкони бўлмаган тақдирда ҳам) иложи борича хоналарда ўраб турувчи мұхит назорати бўйича чора-тадбирлар кўриш зарур.

Бу чора-тадбирлар бемор аҳволини анча яхшилаш ва дори моддалар қўллаш заруриятини камайтириши мумкин. Шуни инобатга олиш лозимки, аллерген манбай йўқотилгач (масалан, уй ҳайвонлари), бир неча ҳафта ёки ой ўтгандан кейингина бунинг самарасини кўриш мумкин.

Уй чангидаги каналарни йўқ қилиш учун хона ҳавосининг намлигини камайтириш, акарацидлар ҳамда ҳимоя қопламидан фойдаланиш мумкин.

Ўсимлик чанги ва хонада учрамайдиган бошқа аллергенлар таъсирини камайтириш анча қийинчилик тугдиради.

Ўсимлик чанги аллергенлари билан контактни йўқ қилиш чоралари. Ўсимликнинг гуллаш мавсуми ҳақидаги маълумотни олдиндан билиш, ҳавосида катта миқдорда аллерген бўлган ҳудудлардан узоқлашиш, дераза ва эшикларни зич ёпиш, автомобилларда ҳимоя фильтридан фойдаланиш, ташқарида кўзойнак тақиб юриш.

Уй каналари миқдорини камайтириш чора-тадбирлари. Ётоқхона:

– Тўшак, кўрпа ва ёстиқларнинг устини қоплаш учун аллерген кира олмайдиган матолардан фойдаланиш керак;

– Тўшак, ёстиқ, бош тараф оралиги атрофлари ва ётоқхона полларини ҳар ҳафта чангюткич ёрдамида (синчиклаб) тозалаш;

– Пар ёстиқ ва жун кўрпаларни (ёпинчиқларни) синтетик матолардан тайёрланганларига алмаштириш, уларни ҳар ҳафта + 60°C ҳароратли сув билан ювиб турилиши, иложи борича гиламларни олиб ташлаш;

– Ҳар ҳафта намланган латта билан хона жиҳозларининг юза қисмларини артиб чиқиш, шу жумладан дераза осталарини ва шкафларнинг юқори қисмларини ҳам;

– Пахта толасидан тайёрланган пардалар осиш ва уларни тез-тез ювиб туриш;

– Бир марталик (фойдаланиладиган) қоғоз халтали ва фильтрли ёки сув манбаи билан бўлган чанг юткичлардан фойдаланиш. Иш вақтида ниқоб тутиш;

– Тозалаш ишларини бошқа киши қилгани маъқулроқ;

– Каналарни йўқотиш учун кимёвий моддаларни (акарицидлар) қўллаш;

– Мато қопланган юмшоқ мебелларни тозалашга алоҳида эътибор керак. Мебелни камида 1 ҳафтада 2 марта чанг юткич билан тозалаш керак, шу жумладан стулларнинг уланиш жойи, суюнадиган ва бош тегиб турадиган қисмларини ҳам;

Болалар. Тозалаш пайтида bemor болалар хонадан ташқарида бўлишлари ва у ерга 2 соатлардан кейинги на киришлари мумкин. Болалар пухли ўйинчоқлари билан кроватида ухлашлари мумкин эмас. Каналар миқдорини камайтириш учун ўйинчоқларни ҳам чангюткич ёрдамида тозалаш, кимёвий тозалашга бериш ёки кечасига (2-20°C) мўзхонага қўйиш керак.

Уй ҳайвонлари. Иложи борича уй ҳайвонларини сақламаслик, янгиларини олиб келмаслик, уларни ётоқхонага киритмаслик зарур. Оилада аллергик қасалликнинг пайдо бўлиши билан ҳайвонларни кўпайтириш тавсия этилмайди, чунки булардан сезув-чанликнинг ортиб кетиши ва ривожланиши мумкин. Уй ҳайвонларини ҳар доим ювинтириб туриш лозим.

ДОРИ МОДДАЛАР БИЛАН ДАВОЛАШНИНГ АСОСИЙ НЕГИЗЛАРИ

Дори моддаларини танлашда даволаш мақсадини аниқлаш касалликни келтириб чиқарувчи сабабларни ва ривожланишини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади.

Агар белгилар пайдо бўлишини олдиндан билишнинг иложи бўлса (масалан, мавсумий ринитда), авж олишини кутмасдан даволашни бошлаб юбориш керак.

Препаратларни танлаш клиник белгиларга боғлиқ. Зарча ҳолатларда аллергенларни четлаштиришга ҳаракат қилиш керак.

Томир торайтирувчи моддаларни 7 кундан ортиқ қўллаш мумкин эмас.

б-жадвал

Аллергик ринитни даволашда турли препаратларнинг самараси

Дори моддалар	Қичишиш, аксириш	Бурун оқаши	Бурун батиши	Ҳал билишнинг бузилиши
Натрия кромогликат	+	+	+ -	-
Анти гистамин дорилари	+++	++	+ -	-
Ипратропиума бромид	+	+++	-	-
Маҳаллий томир торайтирувчи моддалар	-	-	+++	-
Маҳаллий глюкокортикоидлар	+++	+++	++	+
Глюкокортикоид ичилганда	+++	+++	+++	++

АНТИГИСТАМИН ДОРИДАРМОНЛАР

Гистамин тўйинмаган ҳужайралар ва базофиллар ишлаб чиқарадиган асосий медиаторлардан бири ҳисобданади. Гистамин рецепторларининг 3 хил тури аниқланган – H₁; H₂; H₃. Гистамин қон томирларини кенгайтиради ва уларнинг деворлари ўтказувчалигини кучайтиради. Бурун бўшлигидаги сенсор нерв охирларини қитиқлаш қичишиш, аксириш ва шиллиқ ажралиши билан биргаликда келади. Гистаминга қарши моддалар гистамин рецепторлари билан бирикади, аммо уларни қитиқламайди (қарама-қарши рақобат натижаси – аллергия).

сида). Шундай қилиб, гистаминга қарши моддалар симптоматик даволашда бурун бүшлигіда қичишиш, аксириш ва оқма бұлғанда самарали восита ҳисобланади.

Улар касалликни олдини олиш учун фойдаланилғанда, айниңса самаралидир, аммо бурун йўллари ўтказувчанлигига таъсир қилмайди.

Гистаминга қарши дори-дармонларнинг биринчи авлоди этилендиаминлар алкиламинлар, пириазинлар ва фенотизинларни аллергик ринит ва бошқа аллергик касалликларни даволашда самарадорлиги аввалдан маълум. Гарчи, бу ҳамма моддалар тез пайдо бўлувчи (одатда 15–30 дақиқа ичидаги) аллергия белгиларини камайтиради. Уларнинг кўпчилиги (димедрол, супрастин ва бошқалар) кучли ухлатувчи таъсир кўрсатади ва тавсия қилинган дозаларда ўринсиз реакцияларни келтириб чиқариши мумкин. Гистаминга қарши моддаларнинг биринчи авлодига мансуб дори моддаларни ухлатувчи таъсири уларни гематоэнцефалитик тўсиқ орқали ичкарига ўтиш хусусияти билан боғлиқ. Бу моддаларни қўллаш яна ошқозон-ичак тизимида ҳам ўзгаришларга, кўнгил айниши, қусиши, ич қотиш ва ич кетишига сабаб бўлиши мумкин. Гистаминга қарши препаратларнинг биринчи авлоди орасида задитен (кетотифен) муҳим ўрин тутади. Аллергик касалликлардан ринит билан касалланган беморларда дори қабул қилиш камайганда ҳам (ойлар давомида) у ҳимоя қилувчи, олдини олувчи таъсир кўрсатади.

Ухлатувчи таъсир кўрсатмайдиган гистаминга қарши препаратларнинг иккинчи авлодига мансуб моддаларга — гисталонг, кларитин, кестин ва терфенадин киради. Улар ҳам 1-авлод вакиллари каби бир кунда бир ёки икки марта қабул қилинганда гистамин келтириб чиқарган бузилишларни яхшилашга имкон беради. Бу бир кечакундузда 4 марта қабул қилишга қараганда анча қулай.

Кестин — терапевтик дозада бир кечакунда 10–20 мг дан қабул қилинганда аллергик ринит белгиларини ентиллатишда самарали ҳисобланади. У мавсумий аллергик ринит ва конъюнктивит белгиларини анча енгиллатишни таъминлайди. Гарчи, янги антигистамин дорилар аввалгиларига қараганда қимматроқ бўлсада, кет-

ган харажатлар давомида ухлатувчи таъсирнинг ўқлиги билан компенсацияланади. Баъзи гистаминга қарши препаратлар юрак қон-томир тизимида жиддий қўшимча таъсирни келтириб чиқаради.

Барча препратлар тавсия этилган дозаларда қабул қилиниши шарт. Терфенадин ва астемизолни макролид антибиотик билан бирга ишлатиб бўлмайди (масалан, эритромицин билан), бошқа (огиз орқали) ичиладиган замбуругларга қарши модалар билан (масалан, кетоконазол ва нитраконозол билан) ва оғир жигар касалликларига чалинган bemорларга тавсия қилинмайди. Терфенадин — самарали ва хавфсиз модда. Баъзи ҳолларда электрокардиограммада QT масофанинг узунлашиши ва қоринча аритмиясининг ривожланиш хавфи бундан мустасно. Ҳозирги пайтда маҳаллий ишлатиладиган гистаминга қарши моддалар ишлаб чиқариляпти, улардан ринитнинг ўткир кўринишларида ва уни олдини олишда фойдаланиш мумкин. Бу препаратлар тизими қўшимча таъсирлар бермайди.

Бурун ичига ишлатиладиган аллергодил ва унинг асосий қўшимчаси бўлган азеластин мавсумий ва доимий аллергик ринитларни даволаш учун қўлланилади. У маҳаллий қўлланиладиган глюкокортикоидлар каби самара беради.

Ринитда глюкокортикоидлар аллергик яллигланишни камайтиради. Улар, айниқса бурун шиллиқ қавати юза қатламларидағи тўйинган ҳужайралар ва эозинофиллар миқдорини камайтириб, қон томирлар юқори реактивлиги ва ўтказувчанлигини пасайтиради ва ҳужайралардан медиаторлар ажралиб чиқишини камайтиради.

Глюкокортикоидлар маҳаллий ва ичиш учун ёки тери ва мускул орасига парентераль қўлланилади. Замонавий маҳаллий глюкокортикоидлар (альдецин, бекназа, назакорт) жуда юқори терапевтик фаолликка эга. Уларни қўллаш минимал тизим реакцияси хавфida юқори самарага эришишга имкон беради. Маҳаллий дори воситалар глюкокортикоидларнинг бетарафи ҳисобланади.


Айрим ҳолларда глюкокортикоидларни қисқа вақт давомида катта дозаларда қўллаш фойдали бўлади. Клиник белгилари камайгандан кейин кечки

миқдорини камайтириш мүмкін. Натрия кромагликат (ломузол) маҳаллий құлланиладиган препарат. Түйинган ҳужайралардан гистамин ва бошқа медиаторлар ажралиб чиқишининг олдини олиш орқали IgE га болғық аллергик реакцияни камайтиради. Ломузол ҳар бир бурун йүлига 1 дозадан 1 кунда 4 марта фойдаланылади. Үз амалий тажрибамиздан келиб чиқиб, аниқ айтишимиз мүмкинки, ломузолдан фойдаланиш самарали восита ҳисобланиб, у ҳатто астмага чалингган бир қисым bemорларни даволашда яхши натижа беради.

Махсус аллергенлар билан вакцинация қилиш усули. Махсус аллергенлар билан вакцинация қилиш усули бизнинг мамлакатимизда күпинча махсус иммунотерапия номи билан юритилади. Махсус иммунотерапия қуйидаги ҳолларда үтказилади:

Чазма

Мавсумий аллергик ринитни даволашда босқичма-босқич даволаш мүолажалари табдіри



Ичиш учун Ні блокаторлар ёки эндоназал аллергодилдан фойдаланыш

Эндоназал хромгликат натрий + ичишга Ні блокаторлар

Маҳаллий кортикостероидлар + Ні блокаторлар

+ Ичишга кортикостероид

Махсус иммунотерапия даволашни ҳисобға олыш

- фармокотерапия етарли самара бермаганда ёки үринсиз құшымча реакциялар билан күзатилғанда;
- үйда (хонада) ўраб турған муҳиттинг назорати бүйича қилинаётган чора-табдирлар самара бермаганда;
- анамнезида жуда бұлмаганда иккى марта мавсумий риниттинг авж олғанлиги ёки ринит белгиларининг олти ой давомида ва үндан күпроқ сақланиб қолиши.

Беморларни саралаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда даволашга қадар иммунотерапиянинг мумкин бўлган фойдаси ва хавфини ўйлаб, чамалаб кўриш лозим.

ПОЛЛИНОЗ

‘ Поллиноз (pollen – инглизча сўздан келиб чиққан бўлиб, ўсимлик чангчиси деган маънони англатади) – ўсимлик чангчиси томонидан келиб чиқарадиган аллергик касалликларнинг атопик гуруҳига мансуб бўлган касаллик бўлиб, асосан нафас йўллари ва кўзнинг шиллиқ қаватининг ўткир яллигланишлари билан намоён бўлади. Касалликда аниқ мавсумга боғлиқлик мавжуд, яъни у баъзи ўсимликларнинг гуллаш даврига мувофиқ равишда қайтарилади. ’

1694 йили Камерариус – ўсимлик чанглари таркибидаги эркак жинсий ҳужайраларига мансуб майдаги қисмлар бурун касалликларини келтириб чиқариши мумкин эканлигини исботлаган. Касаллик яна: пичан иситмаси, баҳорги яллигланиш (катар), ўсимлик аллергияси, чангли ринопатия, чангли бронхиал астма деган номлар билан ҳам маълум. Россияда биринчи бўлиб шифокор Л.Силич (1989) поллинозни таърифлаб берган. Поллинозни юзага келтирувчи омилларни биринчи бўлиб инглиз шифокори Ч. Блэкли очиб берган.

‘ Поллинозни келиб чиқишига сабабчи омил – бу ўсимлик чангчисидир. Кишиларда аллергик ринит ривожланиши учун чангчи чангланадиган ўсимликка тегишли бўлиши ва кўп миқдорда ҳосил бўлиши, енгил учувчан бўлиши ва ўлчами 35 мк дан катта бўлмаслиги ҳамда аллергенлик хусусиятига эга бўлиши керак.’

Аллергик ринитнинг пайдо бўлиш сабаблари ва тезлиги шу жойнинг географик иқлим шароитига боғлиқ. Қозогистонда аллергик ринитни кўпроқ шувоқ (эрмон) чангчиси келтириб чиқаради, Краснодар ўлкаларида – амброзия, Туркманистанда – шўра, олабута, Киевда – бошокли ўтлар. тимофеевкалар сабаб бўлиши мумкин.

Аллергик ринитнинг тарқалишини ўрганишда аэро-поллинологик текширишлар ўtkазиш муҳим аҳамиятга эга. Йилнинг турли фаслларида ҳар қайси ҳудуд учун чангнинг сифати ва миқдорий таркибини мутахассис ботаниклар аниқлаб берадилар. Қатор мамлакатларда ҳар

куни ҳаводаги чангнинг миқдори ва таркиби кўрсатилган қисқача расмий маълумотлар варақаси чиқарилади. Шифокор аллергологлар аллерген ўсимликларни гуллаш ойлик тақвимига (календарига) эга бўлишлари керак. Шу мақсадда турли географик зоналарда ҳар хил ўсимликларнинг гуллаш муддатларини кўрсатадиган чанг тўлқинлари аниқланади. Бу шифокорга ўз вақтида касалликтининг олдини олиш чора-тадбирларини ўтказишга, беморларга эса бу даврда мамлакатнинг бошқа ҳудудларига кўчиб ўтишига имкон беради.

Келиб чиқиш сабаблари ва ривожланиш механизми. Поллинозни келтириб чиқарувчи омил юқорида кўрсатиб ўтилганидек, ўсимлик чанги ҳисобланади. Америка Қўшма Штатларида асосий алергенлар амброзия чангчиси, Европа мамлакатларида эса дараҳтлар чанги (кўпроқ чинор ва бошқа ўтлар) ҳисобланади. Франция, Венгрия, Югославиянинг айрим районларида амброзия поллинознинг асосий сабабчиси ҳисобланади.

Биз, мамлакатимизда ҳаводаги чанг миқдори кўтарилишининг уч асосий даврини аниқлашга муваффақ бўлдик:

1) баҳорги энг қисқа давом этадиган даврда (март охири ва апрель бошлари) 1 см^2 ҳаводаги чанг миқдори 600-700 чанг заррачаларга етади. Бу даврда, асосан дараҳтлар гуллайди. Чангнинг энг кўп миқдори теракка (348) мансуб, сўнгра оқ терак (220), заранг (190), мажнунтол (183) ва бошқалар;

2) баҳорги-ёзги давр, май ойининг иккинчи ярмидан бошлаб июннинг охиригача давом этади. Ҳаводаги чанг заррачаларининг энг кўп миқдори 1 см^2 да 287 доначага етади. Чангнинг асосий омиллари – бошоқли ўтлар ҳисобланади;

3) ёзги-кузги давр. Август ойининг бошларидан октябрь ойининг иккинчи ярмигача давом этади. Микроскоп остида қўйидаги чанг турларини аниқлаш мумкин: пахта чанги, маккажӯхори, шувоқ, ола бута (шўра) ва бошқа еввойи ўтлар доначалари.

Ўзбекистон табиий флорасида учрайдиган аллергик жиҳатдан ҳавфли ҳисобланган ўсимликларнинг гуллаш тақвимини (календарини) келтирамиз. Бошоқли ўтларнинг гуллаш даври 10-20 кун ичидаги ўтиб кетади ва у

йилнинг об-ҳаво шароитига анча боғлиқ бўлади. Бошоқли ўтларнинг ялпи гуллаши жуда қисқа вақтни (1-2 кун) ўз ичига олади. Ҳар йили гуллайдиган ўтларнинг миқдори ва улар гуллашининг давомийлиги кескин ўзгариб туради. Шўрадошлар оиласи вакиллари бошқа ўсимликлар орасида гуллашининг давомийлиги жиҳатидан олдинги ўринда туради (45-100 кун). Уларнинг гуллаши ҳам бошқа ўтсимон ўсимликларга қараганда кўпроқ давом этади (15 кун). Бунда турли йилларда айрим ўсимлик турларининг кенг тарқалишига эътибор бериш лозим. Ҳайвонларга ем сифатида ва бошқа мақсадларда ишлатиладиган ёйилиб ўсувчи изенъ, гулчамбар изенъ доимо кўп миқдорда учрайди. Туркистон шпинати ва елпигичсизон мевали шўра ҳам ялпи гуллагандан анча кун сақланади. Уларнинг ялпи гуллаши бир вақтга тўгри келади. Бунда жуда кўп миқдорда чанг ажralиб чиқади. Гуллаш даври энг узоқ давом этадиган ўт танга мевали шўра бўлиб, у 149 кунча давом этади. Аччик шувокнинг гуллаш даври энг узоқ (53 кунгача) давом этади. Ситвар шувоги, Фаргона шувоги ва бошқалар ҳам тахминан бир хил мuddатда, кузнинг об-ҳаво шароитига боғлиқ ҳолда гуллайди. Уларнинг ёппасига гуллаши сентябрга тўгри келади.

Чанг эркак ҳужайранинг генетик материали ҳисобланади. Чанг доначаси иккита ёки учта ҳужайрани ўз ичига оловчи (биттаси вегетатив, бошқаси генератив) ва мураккаб қобиқдан ташкил топган плазматик таркибий қисмдан иборат. Қобиқ икки қаватдан — ташқи экзима, ички интинадан тузилган. Экзиманинг юза қисмида чанг доначаларини фарқлаш учун муҳим ва ўзига хос кўринишларни юзага келтирувчи турли хил ўсимталар, тишчалар бўлади. Поллинологияда турли чанг доначаларининг тавсифи мавжуд. Чангларнинг кимёвий таркиби мураккаб ва охиргача ўрганилмаган. У оқсиллар, ёглар, углеводлар, витаминлар, турли хил ферментлар, минералларни ўз ичига олади. Чангларнинг аллергенлик ёки антигенлик хусусиятларини, асосан улар таркибидаги оқсил деб ҳисобланади.

Поллинозни ҳар қандай чанг ҳам юзага келтира олмайди. Фақат үзига ҳос хусусиятга эга бўлган чанглар гина маълум шароитда уни келтириб чиқаради. Улар қўйидаги хусусиятлардир: ① аллергенлик хусусиятига эга бўлган; ② ўсимлик келиб чиқиши жиҳатидан шу ўлкада кенг таркалган бўлиши, учувчан бўлиши, атмосфера ҳавосида анча миқдорда сақланиб туриши, масалан, амброзия келтириб чиқарадиган поллинозда касалликнинг кўпайиши 1 см^2 ҳаводаги чанг миқдори 25 дона бўлган ҳолларда; ③ чангнинг нафас йўллариға қанча чуқур кириб бориши, яъни чангчи заррачасининг ўлчамига ҳам боғлиқ бўлиб, 25 мкм атрофида бўлган чанг нафас йўлларининг ички қисмларига кириб боради ва сезувчанлик сабаб бўлади. Ўлчами 30 мкм дан катта бўлган чанглар юқори нафас йўлларида ушланиб қолинади.

Поллинознинг клиник қўриниши касаллик жараёнининг жойлашган ўрни ва организмнинг сенсибилизацияланishi даражаси билан аниқланади. Бурун ва кўз шиллиқ қаватларининг яллигланиши билан кечадиган шакли (риноконъюнктивал синдром) поллинознинг энг кўп учрайдиган тури ҳисобланади. Бемор кўз қичишиши ва қовоқларни қизариб кетишидан, кўз ичига қўм тўлиб қолгандек ҳис пайдо бўлганидан, ёргулника қарай олмаслик, кўздан ёш оқиши, оғир ҳолларда блефароспазм ҳолатларидан шикоят қиласиди. Чангли аллергик конъюнктивит, поллиноз билан касалланган bemorларнинг 95 фоизида қайд этилади. Шу билан бир вақтда қаттиқ танглай ҳалқум, бурун шиллиқ қавати, қулоқ иchlарида қичишиш пайдо бўлади. Беморнинг бурнидан тинмай сув оқиши, тўхтамайдиган аксириш хуружи, бурнидан нафас олишнинг қийинлашуви ва ҳатто нафас ололмай қолишгача бориш ҳолатлари кузатилади. Бу белгилар, одатда “чангдан заҳарланиш” (интоксикация), тез чарчаб қолиш, ҳолсизлик, иштаҳа пасайиши, кўп терлаш асабийлашиш, салга йиглаб юбориш, уйқунинг бузилиши билан бирга қўшилиб келади. Беморлар бу вақтда меҳнат қобилияtlарини бутунлай йўқотадилар. Ўткир чангли аллергик ринитнинг морфологик қўриниши бурун шиллиқ қаватининг кўпчиб қолиши ва эозинофил-

ли инфильтрат вужудга келиши билан намоён бўлади. Риноскоп ёрдамида текширилганда: шиллиқ қават — оқиш кулранг, шишган, баъзан Воячек доглари (қонсизланган қисмлар) кўзга ташланади. Бурундан ажралиб чиқаётган шиллиқ суюқлик таркибида кўп миқдорда эозинофиллар бўлади.

Поллинознинг энг кам учрайдиган кўринишларидан бири — ўпкадаги эозинофилли инфильтрат ҳисобланади. Одатда, ташҳис антибиотиклар билан даволаш яхши самар бермаганидан кейин ва ҳаводаги аллергенлар билан маҳсус даво ўтказишдан сўнг қўйилади. Поллинознинг яна бошқа кўринишларидан бири — бу тананинг очиқ қисмларида қаварчиқлар, Қўйинке шиши, контакт дерматитти типидаги тёри заарланишларини қайд этиб ўтиш мумкин. Биз поллинознинг риноконъюнктивал шакли билан касалланган икки беморда ёмгир ёгаётган пайтда ўткир қаварчиқлар ҳолатини кузатдик. Афтидан, ёмгир сувида эриган чанглар терида маҳаллий реакцияларни келтириб чиқарган бўлса керак. Аллерген озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга тушган ҳолларда кўнгил айниши, ич кетиши, қоринда тўсаттан оғриқ пайдо бўлиши каби ошқозон-ичак йўлининг заарланганини кўрсатувчи белгилар, қаварчиқлар Қўйинке шиши билан бирга қўшилиб келади.

Шунинг учун поллиноз билан касалланган беморларга айрим озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмолдан чиқариб ташлаш тавсия этилади. Ўсимлик чангларига аллергияси бўлган беморлар олма, ёнгоқ, гилос, урик каби маҳсулотларни, бошоқли ўтларга аллергияси бўлган беморлар бугдойдан, қора жавдардан тайёрланган нонларни, бугдойдан тайёрланган ароқни, ёвойи бегона ўтларга аллергияси бўлган беморлар эса ҳолва, кунгабоқар ёги, қовун, тарвузларни истеъмолдан чиқариб ташлашлари лозим. Поллиноз билан касалланган барча беморларга асл истеъмол қилиш таъкидланади, чунки асал таркибининг 10 фоизгача бўлган қисмини ўсимлик чанглари ташкил қиласди. Ўсимлик чангларига аллергияси бор беморларни доривор ўтлар билан даволашда ҳам эҳтиёт бўлиш керак.

Масалан, шувоққа аллергияси бор беморлар тирноқгул, мойчечакка нисбатан; дараҳт чангларига аллергияси бор беморлар эса қайин пүстлогига нисбатан сезувчан бұлишлари мумкин.

ТАШХИС

Поллинознинг риноконъюктивал ва астматик шакларини ташҳислаш қийинчилик түгдирмайды. У мавсумга bogliқ бир хил белгиларнинг шу мавсумда такрорланиши (ұтто кунигача мос келиши), иқлимининг ўзгариши билан белгиларнинг ўзгаришига асосланган. Дастрлабки ташҳис қўйилгандан кейин шифокор беморни маҳсус текширишлар ўтказиш учун аллергологик хоналарга юборади. Бу нафақат ташҳисни аниқлаш учун, балки келтириб чиқарувчи омилни ҳам аниқлаш мақсадида қилинади.

Маҳсус аллергологик текширишлар аллергологик анамнез йигиш, терида синамалар ўтказиш (гумонли ҳолатларда), уларни тасдиқлаш мақсадида қўзғаш (провокация) синамаларини ўтказишни ўз ичига олади. Теридаги синамалар ва қўзғатувчи синамалар манфий бўлган ҳолларда, ұтто бемор анамнезида касалликнинг аниқ мавсумга bogliқлиги аниқланган бўлса ҳам, поллиноз ташҳиси гумонли бўлиб қолади. Бундай ҳолларда касалликни келтириб чиқарувчи омил ўсимлик чанги әмас, замбуруглар бўлиб ҳисобланади, чунки уларнинг кўпайиши ҳам мавсумга bogliқлиги тасдиқланган. Бироқ, поллинознинг классик белгилари аниқ мавсумга bogliқлик, иқлим шароити ўзгариши билан касаллик белгиларини йўқ бўлиши билан келиши ташҳисни тасдиқлашга имкон беради. Гумонли ҳолларда поллинознинг якуний ташҳиси шифокор аллерголог томонидан маҳсус текшириш усуllibарини қўйлашдан кейингина тасдиқланади.

Поллинозни даволашнинг жуда кўп усуllibар мавжуд. Ривожланиш механизмлари бўйича даволаш усуllibарини касалликнинг хуруж даврида ҳам тинч даврида ҳам қўлланилиши мумкин. Хуруж даврида, одатда гистаминга қарши турли препаратлар 10-15 кун давомида белгиланади. Интал билан даволаш ҳам жуда

яхши самара беради. Препарат касалликнинг тинч даврида олдини олиш мақсадида белгиланади. Патологик жараённинг жойлашган ўрнига мувофиқ инталнинг турли хил шакллари қўлланилади, улар маҳаллий таъсир кўрсатади. Кўзнинг аллергик яллигланишида — оптиром, бурун касалликларида — ломузол, бронхлар яллигланишида — интал, ошқозон-ичак йўлининг аллергик касалликларида — налкром белгиланади. Даволаш узоқ вақт давомида, бутун хуруж даври мобайнида ўтказилади.

Бундан ташқари кетотифен (задитен) ҳам жуда самарали ҳисобланади. У бир кунда икки маҳал битта таблеткадан ичиш учун белгиланади. Кетотифен, одатда касаллик хуружини олдини олиш мақсадида узоқ вақт давомида қўлланилади.

Турли аллергик касалликларни даволашда кортико-стериоидлар ҳам кенг қўлланилмоқда. Поллинозни даволашда кортикостериоидлар бошқа дори моддалар ёрдам бермаган ҳолларда белгиланади. Уларни қисқа вақт давомида кичик миқдорларда қўллаш лозим. Кортико-стериоидларни маҳаллий қўллаш кўпроқ самарали ҳисобланади. Аллергик конъюнктивитда гидрокортизон эритмалари ёки гормонли малҳамлар қўлланилади. Аллергик ринитда полькортолон қуруқ ёки нам ҳолдаги аэрозоль кўринишида ишлатилади. Кортикостериоидлар аэрозоль ҳолида баллонларда чиқарилади (бекламетазон ва бекотид).

Поллинозни даволашда, айниқса касалликнинг тинч даврида иммуноглобулинларнинг турли препаратлари самарали ҳисобланади. Аллергоглобулинлар билан даволашда ҳам яхши натижалар олинган. Ўз-ўзидан согайиб кетиш ҳоллари жуда кам, аксинча поллинозда патологик жараён бошқа аъзоларга ҳам тарқалади варивожланади. Жараён ҳатто йил бўйи давом этиш хусусиятига ҳам эга бўлиб қолиши мумкин. Болаларда бу ҳолат 60 фоизни ташкил этади.

Ҳозирги пайтгача поллинозни даволаш усулларидан энг самаралиси аллергенлар билан махсус даволаш бўлиб қолмоқда. Бу усул 70 йилдан ортиқ вақт мобайнида қўлланилмоқда ва у ўзининг фойдали томонларини кўрсатади. Махсус даволаш фақат аллерголог хона-

сида ва шифохоналарда ўтказилади. Уни мавсумдан олдин, яъни касалликнинг тинч даврида—қишида, кўрсатмалар ва монеликларни ҳисобга олган ҳолда, ўтказилади. Эрта бошланган маҳсус даволаш 75—80 фоиз ҳолларда самара беради. Пичан иситмасининг ривожланиши даволанмаган беморларнинг 70 фоизида, маҳсус даволаш ўтказилганларнинг эса 2 фоизида 5 йилдан кейин кузатилган.

Клиникамизда поллиноз, пичан иситмаси, аллергик конъюнктивитни аэрозол ҳолидаги аллергенлар билан маҳаллий даволаш ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган. Бу усул билан даволаш жуда кам асоратлар берди ҳамда ҳозирги пайтда кенг тарқалган аллергенни тери остига киритиш усулига қараганда кўпроқ самарали эканлигини кўрсатади. Бундан ташқари аллергенларнинг янги шакллари ҳам қўлланилмоқда. Узоқ вақт давомида таъсир кўрсатувчи—аллпирал, жуда кам аллергенлик хусусиятига эга бўлган—аллергоид шулар жумласидандир.

Айрим ҳолларда фақат йилнинг аниқ бир даврида такрорланувчи поллиноз бошқа групҳ: уй-рўзгорга оид, замбууругларга оид аллергенлар билан ҳам асоратланиши мумкин. Поллинознинг бир ўзи (алоҳида) учраган ҳолларда даволаш 90 фоиз беморларда самарали бўлади. Бошқа аллергенлар билан асоратланган шаклларда эса даво самараси камроқ бўлади. Биргаликда кечадиган шаклларни даволаш ўзига хос йўл тутишни талаб этади. Дастреб ўсимлик чангларининг аллергенлари билан, кейинчалик эса бошқа аллергенлар билан даволаш тавсия қилинади. Бу усул бизнинг маълумотлар бўйича энг юқори самара беради ва жуда кам асоратларга сабаб бўлади.

Поллиноз—мавсумий ринитни олдини олиш чоратадбирлари. Поллиноз билан касалланган беморларга ёзда боғларга, далаларга бориш, уйда гуллар ўстириш, доривор ўсимликлар билан даволаниш таъқиқланади ҳамда ўсимлик чангига билан кесишувчи аллергик реакциялар бера олиши мумкин бўлган (арпа, бугдой, ҳолва, асал) маҳсулотларни истеъмолдан чиқарип таш-

лаш тавсия этилади. Касалликнинг хуруж даврида албатта парҳезга риоя қилиш, кучли аллергенлик хусусиятига эга бўлган маҳсулотларни истеъмол қилмаслик зарур. Хона деразаларини зич ёпиш, ҳаво намлагичлардан, никоблардан фойдаланиш мақсаддага мувофиқ.

МУНДАРИЖА

Сүз боши	3
УМУМИЙ ҚИСМ.	
Умумий аллергология	5
Аллергия ҳақида түшүнчә	5
Аллергик касалликларниң ривожланиш механизми	9
Аллергенлар	19
Аллергик касалликларниң тарқалиши	25
Максус ташхис усуллари	31
Бронхларда үтказыладиган провокацион синамалар	40
Аллергик касалликларни даволаш усуллари	48
Дори моддалар билан патогенетик даволаш усуллари	49
Аллергик касалликларни бишкә даволаш усуллари	65
Максус даволаш усуллари	71
Бактериал аллергенлар билан даволаш пайтидаги асоратлар	85
Аллергик касалликларни олдини олиш чора-табиирлари	87
ХУСУСИЙ ҚИСМ	
Озиқ-овқат аллергияси	90
Озиқ-овқат аллергиясинин ташхислари ва даволаш усулларининг намунасы	109
Дори аллергияси	110
Дори аллергиясининг клиник белгилари	115
Ташхиси	122
Дори аллергиясини даволаш ва уни олдини олиш чора-табиирлари	124
Вакцина ва зардоблар таъсирида юзага келадиган реакциялар	129
Бронхиал астма	134
Бронхиал астманиң тарқалиши	138
Бронхиал астма ривожланишыга сабабчи омиллар	140
Бронхиал астманиң ривожланиш механизми	142
Ташхиси	145
Бронхиал астмани бишкә касалликлардан фарқлап	149
Турли аллергенларга сезуиҹанлык ортган ҳолларда бронхиал астманиң клиник хусусиятлари	150
Астма учлаги	154
Бронхиал астма таснифи	155
Бронхиал астмани даволаш усуллари	158

Бронхиал астманинг оғир хуружларини даволаш	162
Бронхиал астмани даволашга босқычма-босқыч ёндашып	165
Хампоратлар чақишидаң келиб чиқадиган аллергия	171
Замбуругларга оид аллергия	179
Экалген аллергик альвеолит	186
✓ Аллергик ринитлар	191
✗ Аллергик риниттинег ривожлалышы	192
Тарқалиши	194
Мавсумий аллергик ринит	195
✓ Поллиноз	212
Ташхис	216

Азадбек Ахмедович Назаров,
Фатима Утанбаевна Юлдашева

АЛЛЕРГОЛОГИЯ

На узбекском языке

Ташкент, “Фан”

Муҳаррир: *M. Содикова*
Техмуҳаррир: *Л. Тюрнна*

Теришга берилди 6.07.2001. Босшига рухсат этилди 10.08.2001.
Қоғоз білчими 84x108^{1/32}. Адабий гарнитура. Юқори босма.

Езув қоғози. Шартлы босма т. 11,76.

Хисоб-наприёт т. 11,8. 1000 нұсха. 35-буюртма.
Келишилган нархда.

ҰзР ФА “Фан” наприёти: 700047.
Тошкент, акад. Я. Гуломов күчаси, 70.

ҰзР ФА “Фан” наприёттегінг босмахонаси: 7001⁷⁰
Тошкент. акад. Ҳ. Абдуллаев күчаси, 79.

